

1037699
214

СЕВГИ КИЕСЛАРЫ

Хабиб Темиров


ҚОРА ҚАСР
АСЫРАСИ

4

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

ҚОРА ҚАСР АСИРАСИ-4

(ТҮРТИНЧИ КИТОБ)



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

84(5Ў)6

УДК: 821.512.133
84(5Ўзб)7
Т-39


Темиров Ҳ. Қора қаср асираси / 4-китоб. –Т.: «Янги аср авлоди», 2010 – 264 б.

Истеъдодли адаб Ҳабиб Темировнинг «Қора қаср асираси-4» китоби ўқувчини навбатдаги воқеалар ривожи ва янги қаҳрамонлар билан таништиради. Шунингдек, асарда асосий қаҳрамонлар ҳаётилаги ўзгаришлар, турфа саргузаштлар ҳақида ҳикоя қилинади. Аламзода Афифанинг хорижга жўнаб кетиши, у ердаги сарсон-саргардонликлари, Субутнинг таҳликали ўй-кечимлари, улдабурон Фариза, кувва маккор Даврбек тутган йўл ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Китоб муҳлислари ҳар галгидек муҳаббат ва хиёнат, адолат ва адомват, мақсад ва маслаксизлик мезонларидаги тафовутни англаб етадилар, деган умиддамиз.

10 37699
214

ББК 84(5Ўзб)7



ISBN 978-9943-08-464-3

© Ҳабиб Темиров, «Қора қаср асираси». «Янги аср авлоди», 2010 йил.

Шаҳар «Шошилинч тиббий ёрдам» марказининг «Токсикология», яъни заҳарланган беморларни даволаш бўлимига навбатдаги bemорни олиб келишганида тун ярмидан оғиб қолган эди. Бемор — ёши йигирма икки-йигирма учлардаги хушрӯй аёл. Унинг шусиз ҳам рангпар юзи буткул оқариб кетган, кўзлари яrim очиқ, оғзидан билинар-билинмас кўпик сизиб чиқиб турибди. Ҳуши ўзида эмас. Навбатчи врач аёлнинг қовоқларини кериб, кўзини очиб қаради. Қорачиқлари кенгайиб кетган. Томир уриши деярли сезилмайди.

— Каердан топдингизлар? — деб сўради у милиция лейтенанти формасидаги бўйдор йигитга қараб.

— «Ёшлар боғи»да ўриндиқда ётган экан. Аввалига маст бўлса керак, деб ўйладик. Кийиниши, кўринишидан ичиб, кўча-да ётиб қоладиган аёлга ўхшамайди. Шунинг учун дарров «тез ёрдам» чақирдик. «Тез ёрдам» врачи кўрган заҳоти: «бу дори ичган, оғзидан димедрол ҳиди келяпти», деди. Чамаси ўзини-ўзи заҳарлаган... Эҳтимол кимдир худди шунаقا манзара ҳосил қилиш учун атайлаб... хиёбонга чиқариб ташлаган бўлиши ҳам мумкин. Буни тергов кўрсатади.

— Ким экан, ёнида ҳужжати борми?

— Ҳеч қанақа ҳужжат топмадик...

— Яхши. Унда биз ҳозир унинг ошқозонини ювишга киришамиз... Сизлар тегишли қофозларни рўйхатхонадан олишларингиз мумкин. Ташхис ҳозирча шундай: уйқу дорини кўп миқдорда ичиш оқибатида заҳарланиш...

— Тирик қолишидан умид борми, доктор? — деб сўради лейтенант. — Жуда ёш ва чиройли жувон экан.

— Бунинг учун зарур бўлган барча ишларни қиласиз. Тахминчча, дорини ичганидан бўён кўп вақт ўтмаган...

Лейтенант қабул бўлимида тўлдирилган қофозларни олиб чиқиб кетди...

Эрталабки 9: 00. Шаҳар милиция бўлими жиноят қидирав бўлими. Бошлиқ хонасида кичик йиғилиш.

— Захарланган аёл иши билан капитан Рашид Пўлатов шуғулланади, — деди бошлиқ. — Пўлатов! Тушунарлами? Дарвоҳе, у ўзига келганми?

— Тушунарли, ўртоқ бошлиқ. Айтишларича, ҳали ўзига келмаган. Уйқу дори ичган одамни тирик олиб қолган тақдирда ҳам бир неча кун уйқудан уйғотиб бўлмайди. Бунақа ҳоллар кўл учрайди...

— Сиз, Пўлатов, бу ишга жиддий эътибор қаратинг. Одатда аёллар дори ичиб, кўчага чиқиб ётмайди. Бу ерда бошқа гап бўлиши керак. Ҳа, айтганча, «02»дан ҳеч қанақа хабар йўқми? Ҳеч қанақа қўнғироқ, ёзма мурожаат бўлмаганми, йўқолган аёл ҳақида?

— Йўқ. Ҳеч қанақа мурожаат йўқ.

— Қизиқ... Унда аёлнинг суратини олдириб, телевидение орқали кўрсатишга тұғри келади. Қариндош-уруглари, яқинлари бордир. Ҳар ҳолда осмондан тушмаган-ку... Демак, унинг хиёбонга қаердан, қачон, қандай келиб қолганини кимдир кўрган. Теварак-атрофда суриштирув ишларини олиб боринглар. Хуллас, ишлаш керак, излаш керак. Излаган — топади.

— Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ. Кетишга рухсат этинг.

— Рухсат.

Пўлатов бошлиқ олдидан чиққан заҳоти «Шошилинч тиббий ёрдам» марказига отланди. Дастваб хонасига кириб, шогирди, яқинда олий милиция мактабини битириб келган кичик лейтенант Зоҳид Нормуродовга топшириқ берди.

— Хиёбон атрофидаги «дом»ларни айланиб, суриштирасан. Манови суратни кўрсат, сўра: шунақа аёл ўша атрофда яшамаганми, яшамаган бўлса ҳам балки келиб-кетиб юргандир.

У шундай деб папкасидаги суратлардан бирини узатди. Шоғирд чўчиб тушди.

— Бу... ўликнинг сурати-ку, ўртоқ бошлиқ, буни бирор таний олармикан?

— Нафасингни иссиқ қил. Ўлик эмас, беҳуш ҳолда олинган сурат. Тушунарлами?

— Тушундим.

- Тушунган бўлсанг, нима қилиб турибсан, марш!
— Хўп бўлади!..

Пўлатов уч кун ичида аёлнинг шахси ва қайси хонадондан чиққанини аниқлашга, хонадон соҳибасини сўроқ қилишига ва, ҳатто ўзига келган бемор билан сұхбатлашишига ҳам улгурди. Бошлиқ ҳузурига кириб, бажарилган ишлар ҳақида муфассал маълумот берди.

— Заҳарланган аёл — Афифа Зокирова. Холасиникига мөҳмонга келган. Ўзи асли Зардарё вилоятининг Бекат туманидан. Кейинги пайтларда фермер хўжалигига ишлаган. Оиласи йўқ. Ота-онасиникида яшаган. Бир акаси, бир укаси бор. Ҳа, дарвоҷе, эридан бир ярим йил олдин ажralиб кетган. Собиқ эри таниқли журналист, ҳозир ноширлик бизнеси билан шуғулланувчи Субут Сокин...

— Яхши! Баракалла! — деди бошлиқ Пўлатовнинг елкасига қоқиб. — Маълумот тўплашдаги тезкорлигингиз мақтовга лойиқ. Энди унинг заҳарланиш сабабларини аниқлаш керак.

— Ўртоқ бошлиқ, Зокирова кўп миқдорда «Димедрол» уйқу дорисини ичган. Бунга сабаб... холасининг айтишича, у бир кун олдин собиқ эри Субут Сокинни хуфия квартирада бегона аёл билан ушлаб олган...

— Қизиқ. Собиқ эрини... Ахир эри билан қонуний ажralиб кетган бўлса, пойлашга, бегона аёл билан ушлаб олишга нима ҳақиқи бор?

Пўлатов жилмайди:

— Гап шундаки, Афифа Зокирова фермерлик бобида омади чопмагач, шаҳарга қайтиб келиб, собиқ эридан ёрдам сўрайди. Эри Субут Сокиннинг ишлари баравж. Ҳозир хорижда яшовчи машҳур корчалон Мирмаъди Саъдиевнинг қизи Фариза Саъдиева билан шерикчиликда қўшма корхона очиб бойиб кетган...

— Тушунарли. Собиқ эри эса... пулдор бўлишига қарамай ёрдам бермаган. Зокирова уни шантаж қилиш учун пойлаган ва қўлга туширган. Шундайми? Унақада нега эрини шантаж қilmай, ўзини ўлдирмоқчи бўлибди? Эҳтимол... бу суиқасдга Субут Сокиннинг алоқаси бордир?

— Йўқ, ўртоқ бошлиқ. Субут Сокиннинг алоқаси йўқ. У Афифа Зокировага ёрдам берган, ўзининг бўш квартиralаридан би-

рига жойлаштирган, ўқишини битказиши, иш топишига күмаклашган. Ҳатто... ўрталаридаги эр-хотинлик муносабатларини тиклаган ва яқин орада уни қайтадан никоҳига олишга ваяда берган. Бу орада ўзининг бошқа маъшуқалари билан ҳам учрашиб юрган. Зокировага бу ҳақда кимдир хабар берган. Зокирова пойлаган ва «учрашув»лардан бирининг устидан чиқиб, жаҳл уст�다 дори ичган.

— Холасини яхшилаб сўроқ қилдингизми, у билан ораларида зиддият бўлмаганми? Балким дорини ўша едиргандир алдаб?

— Йўқ, ўртоқ бошлиқ. Дорини Зокированинг ўзи сотиб олиб, ўзи ичган. Биз «димедрол»ни қайси дорихонадан олганини аниқладик. Ўзи билан бўлган дастлабки суҳбатдаёқ Зокирова бу ишни ўзи ўз ихтиёри билан, жаҳл устида қилғанлигини, ҳеч кимнинг айби йўқлигини айтди. Менимча, Зокированинг ўз жонига қасд қилиши сабаблари унинг кейинги йиллардаги ҳаёти, бошидан ўтган чигал воқеалар билан боғлиқ.

— Хўш-хўш... қандай воқеалар экан?

— Зокирова бундан саккиз йил олдин ўрга мактабни биткашиб, шаҳарда яшовчи холаси Шаҳина хоним лақабли аёл исм-фамилияси Шаҳарой Мадамин қизиникига ўқишига кириш мақсадида келади. Ўзи шаҳардаги маданият уйларидан бирида яшовчи, зимдан кўшмачилик билан шуғулланувчи Шаҳина хоним ўн етти ёшли қизалоқни катта пул эвазига ўша пайтда нуфузли идоралардан бирида ишлаган, кейинроқ Зардарё вилояти Бекат туманини бошқарган, ҳозирда қамоқда бўлган Даврбек Муқимхоновга «маъшуқа» қилиб қўяди. Шаҳар милиция бошқармаси рухсати билан хуфия исловатхона ҳақида фельетон ёзиш мақсадида «мижоз» ниқобида Шаҳина хонимникига келган журналист Субут Сокин Афифа Зокировани бу ерда учратиб, танишиб қолади ва охир-оқибат уни фоҳишахонадан қутқариб, унга уйланади...

— Қойил... уйланмаган йигит... фоҳишага-я? Нақадар катта мардлик!

— Субут Сокин аввал уйланиб, бир бола билан хотинидан ажralишган бўлган.

— Барibir тан бериш керак. Кўра-била туриб, фоҳишага уйланиш учун отнинг калласидай юрак керак.

— Афифа Зокирова фоҳиша бўлиб улгурмаган. Амалда у катта амалдор Муқимхоновнинг канизаги, яъни ноқонуний хотини бўлган. Шу боисдан ҳам...

— «Канизаги» эмиш! Бизнинг замонда ҳам канизак бор эканми? Оддийгина қилиб, «ўйнаш», деб қўяқолмайсизми, Пўлатов?

— «Ўйнаш», деб хотини, бола-чақаси бор кишининг хуфия маъшуқаси айтилади, шекилли. Муқимхонов эса, гарчи илгари бир неча бор уйланган бўлса ҳам, ўша чоғда бўйдоқ бўлган Шаҳина хонимнинг айтишича, агар... орага Субут Сокин сүқилмаганда, Муқимхонов Зокировага қонуний уйланмоқчи бўлиб юрган. «Шошқалоқ журналист» эса Зокировага уйланганидан сўнг ишлари чаппасидан кетади. Гиёҳванд моддалар савдосида айбланиб, қамалади. Зокирова эса сирли тарзда хорижга қочиб кетади. Қайтиб келгач суд қилинади. Амнистия туфайли озод бўлади. Бу орада эри ҳам оқланади. Бироқ кейин уларнинг турмуши бузилади. Зокирова қишлоғига қайтиб кетади. Субут Сокин тадбиркорлик билан шуғуллана бошлайди. Омади чопиб, бойиб кетади. Зокированинг эса фермер хўжалиги касодга учраб, тугатилади. Яна шаҳарга қайтишга мажбур бўлади...

— Ҳа-а, анча ишлар ўтган экан бошидан. — деди бошлиқ. — Бечора аёл. Ҳўш, энди нима қилмоқчи, ўзи нима дейди?

— «Хато қилдим», — дейди. — Энди ишга кириб халқимга хизмат қиласман, — дейди.

— Яхши! Унга ҳеч қанақа эътиrozимиз йўқ. Аммо... анови Субут Сокин билан, Шаҳина дедингизми, Шаҳарми, ўша аёлни Жиноят кодексининг бир юз учинчи моддаси (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) бўйича айлаш мумкин эмасмикан? Жиддий шугулланиб, синчилаб ўрганиб кўринг.

— Зокирова уларга ҳеч қанақа даъво қилаётгани йўқ-ку, ўртоқ бошлиқ.

— Ҳозирча! Ким билади эрта-индин соғайиб, буткул ўзига келгач нима дейди? Тушунарлимни?

— Тушунарли ўртоқ бошлиқ!..

2

Афифа ўзига келиб, тепасида мулойим жилмайиб турган ёш врач йигитни кўрди.

— Ана, айтмадимми, ҳозир уйғонади, деб. — ёнбошига ўтирилди врач қувонч билан. Кейин яна Афифага қаради. — Қалайиз, опа? Тузукмисиз?

Афифа врачга маъносиз, лоқайд тикилиб турди. Бу нигоҳда: «Нега мени қутқардинглар, нега тинчгина ўлиб кетишга қўймайсизлар?» деган сўзсиз савол бор эди. Врач йигит буни тушунди. Айборона елкасини қисди.

— Яшайдиган кунингиз бор экан ҳали. Худо ўзи қайтариб берди. Биз бир сабабчимиз, холос.

Врачлар одатда бунинг тескарисини гапиришади. Оғир аҳволдаги bemорни ҳаётга қайтариш бобида кўрсатган жасорату матонатларини бу қадар оддий, жўн изоҳлаб, чиппакка чиқармайди. Бу бола бўлса «бизлар сабабчимиз», дейди. Айнан шу гапи Афифанинг ҳам жаҳлини қўзғатди, ҳам кулгусини келтириди. Йигитга диққат килиб қаради. Юзи буғдойранг-оқиши, қошлари йўғон ва қуюқ, киприклари зич, узун, кўзлари қоп-қора бўлсада, шафқатми, меҳрибонлик биланми боқади. Ёши... «опа», деганига қараганда Афиғадан кичик бўлса керак. Йў-ўғ-е, тиббиёт институтини битирган бўлса... камида тенгқур, ё каттароқ. «Опа», дегани ҳурмат юзасидан бўлса керак.

— Ошқозонингизга раҳмат айтинг, — деди врач кулимсираб.

— Дорини ичганингиздан кейин анчагина вақт ўтган бўлишига қарамай, уни ҳазм қилмаган. Чамаси тиришиш (спазм) ҳолатида бўлгани боис дори қонга сўрилмай турган. Шунинг учун унинг асосий қисмини ювиб ташлашга муваффақ бўлдик. Жигарингиз бироз катталашган экан...

— Сариқ касал бўлганман ўтган йили...

— Шунақами? Қон таҳлилида сезилмади-ку. Демак, енгил шакли бўлган. Кейин вақтида яхши даволангансиз. Жигарнинг катталашуви эса заҳарланиш пайтида муқаррар ҳолат. Биз уни яхшилаб ювдик. Муолажалар қилдик. Ҳозир анча кичрайди. Эрта-индин асл ҳолига қайтади.

— Раҳмат, — деди шивирлади Афиға қони қочиб, қуруқшаб, гезарган лабларини зўрға қўмирлатиб.

— Менгами. ошқозонингизгами? — кулиб сўради врач.

— Сизга...

— Арзимайди. Дарвоқе, менинг исмим Рамиз. — Сизнинг исмингиз...

— Эсимда йўқ. — деди Афиға сухбатни давом эттиргиси келмай. Врач йигит эса бундан хафа бўлмади.

— Бўлиши мумкин, — деди у хотиржамлик билан. — Баъзида киши заҳарланиш оқибатида хотирасини буткул йўқотиши ҳам

мумкин. Майли, сиз дам олинг. Кўпроқ ухланг. Ҳаммаси жойига тушали.

Врач чиқиб кетди. Афифа кўзларини юмди. «Ҳаётда иши юришмаган одамнинг ўлимда ҳам омади келмас экан-да, — деб ўйлади. — Энди нима қиласман?...»

Кейин терговчи келди. Ўзини:

— Пўлатов! — деб таништириди. — Ким сизни бу ишга мажбур этди? — деб сўради.

— Ўзим, — деди Афифа шошиб. — Ўзим... Ҳеч кимга ҳеч қанақа даъвойим йўқ. Илтимос, мени ўз ҳолимга қўйинглар...

Терговчи унга бир зум тикилиб турди. Кейин нимадир эсига тушиб, чиқиб кетди. Ҳамшира кириб укол қилди. Дори ичирди. Афифа ҳолсизланиб, уйқуга кетди. Бир соатлардан сўнг уйғонди. Бошида холаси ўтирганини кўрди.

— Нима ишлар қилиб юрибсан, тентак қиз? — деди йигламсираб хола. — Мени пичоқсиз сўймоқчимисан?

— «Ҳеч кимга даъвойим йўқ», деб терговчига айтдим-ку, — деди Афифа унинг юзига қарамай.

— Раҳмат, жоним қизим. Раҳмат, мени маломатга қўймаганинг учун. Аммо-лекин... мелиса барибир тергов қиляпти мени. Анови... ўртамиздаги гапларни гапириб юрмагин тағин...

— Қайси гапни? — деб сўради ғаши келиб Афифа. Гарчанд гап холасининг дугонаси қилган таклиф ҳақида бораётганини сезган бўлса ҳам.

— Ҳалиги... хорижга бориб ишлаш ҳақидаги таклиф ҳақида чурқ этма. Тағин сениям, мениям, ҳаммамизни қамаб юборишмасин.

— Хотиржам бўлинг, айтмайман.

— Баракалла, қўғирчоғим. Ақдли қизимдан ўзим ўргилай. Мана, сенга ширин-шакар шарбатлардан олиб келдим. Шарбатни кўпроқ ичишинг керак экан. Анови дорини жигарингдан ювиб ташлаш керак. Врачларинг билан гаплашдим. Аҳволинг ёмон эмас. Уч-тўрт кунда жавоб беришади. Кейин ўзим парваришлайман. Ойдай бўлиб кетасан...

— Қишлоқдагилар... билишмасин. — деди Афифа холасининг кўзига тик қараб. — Кераги йўқ! Умуман ҳеч ким билмагани яхши...

— Хўп қизим. Ҳеч кимга айтмаймиз...

Хола кетди. Афифа: «унга паспортимни олиб келиб бермасанглар ҳамманги сотаман», деб таҳдид қилсан бўлмасмиди,

ҳозир иссигида «йўқ», деёлмасди-ку», деб ўйлади. Кейин ўзини койиди: «Наҳотки мен шунчаликка борсам», ахир унаقا қиладиган бўлсан... холамдан нима фарқим қолади?»

Кечта яқин ҳамшира чиройли каттакон халтада бозорлик билан хат олиб кирди:

Мановини бир киши бериб кетди. Аввалига кирмоқчи бўлди. Кейин «яхшиси ҳозирча безовта қилмайин. Кейинроқ келаман», деди.

Афида булоғлик қоғозни очди. Ҳат қисқагина эди.

«Азизим Афида!

Биламан, ҳозир сизнинг кўзингизга кўринишга ҳаққим йўқ. Олдингизда гуноҳкорман. Аммо пайти келганда ҳаммасини тушунтироқчи эдим. Сиз эса... бекор қилибсиз. Ахир юзма-юз гаплашиб, изоҳ талаб қилганингизда бўларди-ку. Ўзингиз бир пайтлар айтган гап эсингиздами? «Шундай пайтлар бўларканки, одам ўз ихтиёрида эмас, муайян ҳолатнинг измига тушиб қолар экан», дегандингиз. Тўғрими? Мен сиз қайтиб келишингиздан олдин ана шундай ҳолат измига тушгандим. Қайтиб келганингиздан сўнг сизнинг ёрдамингизда ўша «асирлик»дан аста-секин кутилмоқчи эдим. Ўша сиз гувоҳ бўлган учрашув... сўнгтиси эди. Сиз бўлсангиз масаланинг моҳиятини чукур тушунмай заиф одамнинг ишини қилмоқчи бўлибсиз. Сиз ахир кучли эдингиз-ку! Бу ҳақда яқиндагина гаплашган эдик-ку!

Майли, ҳозир ўпка-гина, араз пайти эмас. Тезроқ соғайиб чиқинг. Ҳаммаси яхши бўлади. Мен эртага яна келаман. Рози бўлсангиз, олдингизга кирай. Рухсат бермасангиз зорим бору зўрим йўқ. Лекин барибир сиз билан яна учрашишдан умидворман...

Эҳтиром билан Субут».

— «Хатнинг жавобини эртага менга ўзингиз чиқариб берасиз», деб кетди. Жавоб ёзасизми? — деб сўради ҳамшира.

— Йўқ. «Сизга ҳеч қанақа гаплари йўқ экан», деб айтинг.

Афида: «...Сизни кўришни ҳам истамас экан», деган қўшим-часини айтмади. Зоро, кўнглида: «агар... чиндан севса ҳамширанинг гапини инобатга олмай кириб келиши кераю», деган илинжи бор эди. Афуски...

Субут кирмади. Ҳамширанинг айтишича: «у киши мени тушумаяпти», дебди-ю қилиб келган бозорлигини унга тутқазиб чиқиб кетибди. Афида хўрсинди. Субут акасининг шиддати бу

қадар омонат, заиф эканидан ўкинди. «Мұғаббат, деганлари ўзи бор нарсами?» деган савол оғушига чүмди. Мабодо бўлган тақдирда ҳам у мувакқат нарса, шекилли. Бошланади, кучаяди, кейин эса сусайиб, охир-оқибат тугайди. Унда нега Афиғанинг Субутга бўлган муғаббати ҳалигача тугаб битмади? Кучайса-кучайдики, заррача сусайган эмас. Ҳатто ундан юз ўтиришга қатъий аҳд этган, бошқа кишига турмушга чиқишига қарор қилган чоғларизда ҳам кучини йўқотган эмас. Аслида, тунов кунги воқеадан кейин Афиғанинг ўрнида ҳар қандай аёл бўлса ҳам Субутга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартирган бўларди. Афиға-чи? У аламини ўзидан олмоқчи, Субут акасининг хиёнатини кўрмаслик, куймаслик мақсадида бу ёлғончи дунёни тарк этмоқчи бўлди, холос. «Нима бўлса-бўлсин, мен уни абадий севаман», — дея пичирлади Афиғанинг лаблари. «У ҳолда нега қабул қилмадим, нега лоақал хатига... ўпка-гина, оҳангида бўлса ҳам жавоб ёзмадим?» — дея ўзини сўроққа тутди у. «Билмасам, — дея елкасини қисиб пичирлади у. — Севаману... аммо кечиролмаяпман... Балким ҳеч қачон кечиролмасман...» «Ундей бўлса нега яна ундан мадад кутасан, нега унинг ёрдамига муҳтож бўлиб, такрор-такрор суйкаласан? Ўзингни-ўзинг нега бунчалар хўрлайсан, ерга урасан? Наҳотки, унинг кўмагисиз мустақил, эркин яшай олмасанг?» «Яашага ҳаракат қилиб кўрдим-ку, омадим келмади-ку!» «Сен салгина қийналган заҳотинг тушкунликка тушяпсан, иродасизлик қилипсан. Ҳолбуки энди олий маълумотлисан, кўлингда дигломинг бор. ҳаётда анча-мунча тажриба орттиридинг, наҳотки, журъат-жасорат кўрсатиб қийинчилликларни енгиги чиқа олмайсан?» «Чиндан ҳам менга нима халақит беради? Нега холам айтганидай: «Чиройли аёл бўлатуриб бахтли яшаш йўлини топа олмаяпсан?» Уят, номус, «одамлар нима дейди» сингари андишалар тушовидан қутилишим бунчалар қийин? Ахир одамлар бу гапларни ким қачонлар унтиб юборишган-ку. «Ўғри қариса сўфи, ғар қариса отин» бўлиши айримлар учун оддий ҳолга айланиб қолган-ку. «Тирикчилик айб эмас, деган ниқоб остида нима ишлар бўлмаяпти. Ким ёлғонни қойиллатса, алдамчиликка, кўзбўямачиликка уста бўлса, ўша от устида-ку. Ёлғончиликарни ёлғон билан, фирибгарларни фириб билан енгиги яшасам бўлмайдими? Ё бунга ақл-идроким, қобилиятим етмайдими? Етади. Етса нега иккilanасан, нега чекинасан, нега аламингни ўз жонингдан олмоқчи бўласан, эй нодон қиз? Рақибларингни ақл.

билим билан, керак бўлса ҳийлаю макр билан енгиб чиқмайсанми ахир!?! «Енгаман! Энди енгаман!» — деди кутимаганда қатъият билан овоз чиқариб Афифа. У ҳаёлига бир неча кундан буён тақрор-тақрор келаётган фикрдан бошда бир қадар қўрқиб, таҳлиқага тушган, сўнгра аста-секин кўнишиб қолганди. Ҳозир, шу лаҳзада эса: «Хўш, нима бўпти» деган қатъий қарорга келди. Бу қарори руҳини кўтарди, кайфиятини яхшилади. Миясида келгусида қўлмоқчи бўлган ишларининг аниқ режаси туғила бошлади. Кунлар ўтгани, аҳволи яхшилангани сари режаси миясида пишиб борди.

Бир куни намозшомга яқин Рамиз кирди.

— Бугун навбатчиман, — деди у. — Кечки нонуштадан сўнг муолажа хонасига келсангиз. Сизга гапим бор. Аниқроғи, бир масалада маслаҳатингиз керак. Майлими?

— Майли, — деди Афифа бироз ҳайрон бўлиб.

— Кутаман-а, — деди чиқиб кетаётib Рамиз.

* * *

Кечки соат саккизларда Афифа муолажа хонасига йўл олди.

— Илтимосим сизни ҳайрон қолдирган бўлса керак? — деб сўради Рамиз Аифага қаршисидан жой қўрсатар экан.

— Ҳа, — деди Афифа маъюс жилмайиб. — Мен ўзим бу аҳволдаману сизга қанақа маслаҳат бериш имумкин?

— Ростини айтсам, мен ҳам шу кунларда айнан сизнинг аҳволингизга тушиб юрибман.

— Вой, нега энди? — астойдил ҳайратга тушди Афифа. — Қўйсангиз-чи, сиз — эркак одам! Қўлингизда гулдай касбингиз бор.

— Ташқаридан қарасангиз шундай туюлади, — чуқур хўрсинди Рамиз. — Аслида... Мана, масалан, сиз мени неча ёшда деб ўйлайсиз?

Афифа йигитнинг ёши ўзидан камида икки-уч ёш катталигини сезиб турган бўлса ҳам кўнгли учун камайтириб айтди.

— Йигирма бешлардадирсиз-да...

— Тополмадингиз. Аллақачон ўттизни уриб қўйганман. Мен тенгиларнинг ҳозир икки-учтадан боласи бор. Мен эсам... уйланиш, оила боқиши ўрнига ҳали ижарада яшаб, топганимни қорнимдан орттиrolмай юрибман. Уйланай десам уйим йўқ, уй олай, десам пулим йўқ.

— Уйи ҳам, пули ҳам бор бойвучча қизга уйланинг-да, — деди Афифа кулимсираб. — Еки... шунақасини тополмаяпсизми?

— Тиқилиб ётибди. Бир-иккиси ҳатто... одам ҳам қўйдирган. Мен эса... хотинга қарам бўлиб яшашдан ор қиласман. Бу — йигит учун ўлим-ку!

— Ота-онангиз борми, улар ёрдам қилишса бўлмайдими?

— Отам бир умр ўқитувчи бўлган. Ўн бир бола. Олти ўғил, беш қиз. Мен ўғилларнинг кенжасиман. Отам шўрлик беш ўғил, беш қизни жойли қилиб, ўтган йили вафот этди. Мени уйлантиришга улгурмай кетди...

— Худо раҳмат қиласин... Ака-опаларингиз кўп экан-ку...

— Уларнинг бари қишлоқда. Бари ўқитувчи, ота касбини эгаллашган. Устига-устак ота изидан бориб, ҳаммалари серфарзанд. Ношукурлик бўлмасин, оз-оздан ёрдамлашиб туришади. Лекин... «қўлдан берганга қуш тўймас», дейдилар.

— Ўзингизнинг топишингиз ҳам ёмон эмасдир. Беморлардан тушиб турса керак.

Рамиз бир лаҳза жим қолди. Кейин Афифанинг кўзларига алланечук бир шафиқлик билан тикилиб, оҳиста гапини давом эттириди:

— Мен табиатан ҳалол ишлашга, ҳалол яшашга ўрганганди. Кейин... Бизнинг бўлимга келтирилган bemorларнинг аксарияти... одатда тирик қолмайди. Сизга ўхшаб... худо асраб қоладиганлари жуда кам.

— Баъзи врачлар bemornинг ўлишини билса ҳам пул олишар-кан-ку, — деди Афифа нега шундай деганини ўзи ҳам англамай.

— Бор, шунақалари ҳам. Лекин мен, худога шукр, ҳали бирор марта bemornинг ёки уни олиб келган кишининг қўлига қараганим йўқ. Келгусида ҳам шундай қилмоқчи эмасман.

— Унда... қўшимча иш олинг. Тадбиркорлик билан шуғулланинг.

— Шуни ўйлаб юрибман. Бизнес қиласаммикан? Бир-икки ўртоқларим дорифурушлар билан шериклик қилишди. Лекин очиғини айтсан, олди-сотдига сираям уқувим йўқ. Ўқитувчининг боласи бўлганим учунми, қонимда савдогарлик йўқ, савдодан нуқул зарар кўраман. Бизнес қиласму банкрот бўлиб, аҳволим бундан ҳам баттарлашмасин дейман-да...

— Унда сизга нима деб маслаҳат беришни билмадим. Биз ҳам фермерлик қиласмиз, деб синиб қолганмиз.

— Кече сизни сўраб Субут Сокин, деган одам келган эди. Мен у кишини орқаваротдан сал-пал билардим. Яхши ижодкор, ҳозир омади чопган бизнесчи. Катта нашриёт раҳбари. У киши билан анча суҳбатлашдик. Субут ака мендан: Афифаҳонга яхшилаб қаранг, дардини кўрмагандай бўлиб кетсин, деб илтимос қилди. Пул бермоқчи бўлди. Мен отмадим. Шунда у киши: бирон ёрдам керак бўлса, тортичмай менга учранг, деди.

— Ҳа, у киши яхши одам, ёнларига борсангиз ёрдамини, тўғри маслаҳатини аямайди, — деди Афифа ва хаёлидан: «Йигит мендан шу масалада маслаҳат сўрамоқчи экан-да», деган фикр ўтди. Кейин сўради: — Телефонларини бериб кетгандир?

— Ҳа, берди. Лекин... мен бир нарсага ҳайрон қолдим. Эҳтимол, буни мен билишим шарт эмасдир, ҳар қалай... У киши нега сизнинг олдингизга кирмади?

— Шошиб турган бўлса, вақти бўлмагандир, — деди Афифа қизарib.

— Мен... бошқа нарсани ўйладим... У кишини... машҳур заводчи бой Мирмаъди Саъдиевнинг қизи, шаҳардаги таниқли бизнесчи аёллардан бири Фариза хоним билан яқин муносабатда, деб эшитгандим. Шунинг учун ортиқча гап-сўзга ўрин қолмасин, деганми...

— Тўғри ўйлабсиз, — деди Афифа яна ғамгин жилмайиб,

— Ҳар ҳолда, бир нарсани сиздан сўрашга ижозат берсангиз... Сиз у кишидан буткул ажralиб кетгансиз-а?

— Буткул...

— Раҳмат, сизга, — деди Рамиз севинчини яшиrolмасдан. Кейин дангал гапга ўтди:

— Мен сиз билан, агар қарши бўлмасангиз, яқинроқ таниш бўлишни, суҳбатлашиб, маслаҳатлашиб туришни истардим.

— Шартмикан? Сиз мени яхши билмайсиз-ку...

— Биламан. Деярли ҳамма нарсани биламан. Узр-ку, лекин милиция ходимлари билан суҳбат асносида таржимаи ҳолингизни ҳам деярли тўласинча билиб олдим. Фақат... Субут Сокин билан ўргаларингиздаги кейинги муносабат қандайлигини билмасдим. Буни ўзингиз айтдингиз. Демак...

— Бу сизга нима учун керак?

— Сиз билан... дўстлашмоқчиман. Эҳтимол дўстлигимиз ундан ҳам мустаҳкамланиб кетар...

— Ҳожати бормикан. Сиз ўйланмаган йигитсиз. Мен...

— Келинг, ҳозирча кимнинг оиласвий аҳволи қанақа эканлиги ҳақида гапиришмайлик. Ҳаммасини вақт кўрсатади. Ҳозирча ақалли дўст бўлиб туришимизга қаршилик қилмассиз?

— Қарши эмасман, — деди Афифа ва ичиди: «оббо, яна бир ошиқ», деб ўйлади.

— Чиқишда телефонингизни манзилингизни қолдириб кетасиз-а?

— Майли. Лекин... менинг ҳам сизга ўхшаб манзилим йўқ. Ижарада яшайман. Ҳали ишга ҳам жойлашмадим.

— Насиб этса, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

— Илоҳим...

Рамиз индинига яна навбатчиликда қолибди. Кечқурун Афиғани ҳайрон қолдириб, яна суҳбатга чорлади.

— Биласизми, — деди ҳаяжонланиб, — касалхонамизга Африкадаги бир неча мамлакатларга бориб ишлаш учун бир нечта таклифнома келибди. Ушбу лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан уюштирилаётган экан. Бориб ишлаганларга катта маош тўланар эмиш. Бир-икки ўртоқларим Яман Араб республикасига боришмоқчи. Мен ҳам шунга ёзилсан нима дейсиз?

— Албатта, ёзилинг, — деди Афифа.

— Унда... дўстлигимиз нима бўлади? Мабодо ишим юришиб, хорижга кетиб қолсан... сиз мени... кутасизми? Эрга тегиб кетмайсизми?

— Ким ҳам оларди мени. Бораверинг...

— Қайтиб келиб... уй олсан...

— ...Мени ижарага қўясиз, шунақами? — кулиб сўради Афиға.

— Ижарагир эмас... Бека бўласиз... Афиғахон, ростини айтсам... Сизни биринчи марта, ўша... беҳуш ҳолатда кўрганимдаёқ яхши кўриб қолганман. Ҳаётда бундай ҳоллар кўп учрайди. Ўзингга ҳар томонлама ёқадиган қизни излаб, тополмай юрасан-у кунлардан бир куни мутлақо кутилмаган жойда, тасодифан учратиб қоласан. Учратасану бир кўришда севиб қоласан. Ўзи ҳақиқий севги бир кўришдаёқ туғилади, деб эшитганман. Мени тушуняпсизми? Галларим чин. Ишонинг. Мени ўтмишингиз мутлақо қизиқтирумайди. Сиз ҳаётда қийинчилик кўрган, қийналган

аёлсиз. Менга худди шунаقا умр йўлдоши керак. Менга тегасизми? Агар...

— Рамиз ака, шошманг, илтимос, — деди Афифа унинг гапини бўлиб. — Ўзингиз куни-кеча айтдингиз-ку, ҳозирча дўст бўлайлик, деб. Мен соғайиб чиқайин. Ишга жойлашиб, ҳаётими ни бир изга солайин. Сиз ҳам мўлжалингиздаги режаларни амалга оширинг. Кейин бир гап бўлар.

— Агар тегсангиз... Хорижга ҳам бормай, шу ерда бир илож қилиб яшардик. Иккаламиз бирга бўлсак, қийинчиликларни енгиш осон кечади.

Афифа чуқур «уф» тортди. «Мен унақа қийинчиликларни енгавериб безор бўлганман», деб йигитни хафа қилгиси келмади.

— Биласизми, — деди у. — Сиз... хорижга бориб ишлаб, учтўрт сўм пул топиб келинг. Уй олинг. Мен ҳам... бироз ўзимни эплаб олай. Шунда қийинчиликлар ҳам камроқ бўлади.

— Унда... ростдан ҳам кутасизми? — деб сўради ҳаяжон ичра Афифанинг қўлларини қайноқ кафтига олиб Рамиз.

— Буни вақт кўрсатади.

Пўлатовнинг охирги ташрифи ҳам аввалгилари сингари оғир, ўнғайсиз ҳолатда кечди.

— Ахир айтдим-ку, ҳеч кимдан домангир эмасман. Ҳамма айб ўзимда, кейинги пайтларда ишим юришмагани боис тушикунликка тушдим. Бошқа чора тополмасдан ана шунаقا аҳмоқона ишга қўл урдим. Бунинг учун ҳаммаларингиздан яна бир марта кечирим сўрайман.

— Яхши, мен сизни тушундим, — деди Пўлатов ихтиёрсиз равишда Афифанинг сулув чеҳрасига такрор-такрор суқланиб тикилар экан. — Хотиржам бўлинг. Ҳеч кимни жавобгар қилмаймиз. Мен ҳам энди сизни ортиқча безовта қилмайман. Фақат... касалхонадан чиққанингиздан сўнг яна бир марта гина учрашсак. Расмият учун баъзи қофозларга қўл қўйишингиз керак. Дарвоқе, қачон жавоб берасиз, дейишяпти?

— Яқин кунларда.

— Унда чиққан кунингизми, эртасигами, манови телефонга қўнғироқ қиласиз, — Пўлатов унга чиройли ташриф қофозини узатди.

— Майли.

- Сиз хавотирланманг. Сүхбатимиз милиция бўлимида эмас, бирон қаҳвахонада бўлади. Розимисиз?
- Менга фарқи йўқ. Ишқилиб... шу ишни тезроқ бекитиб юборсангиз бўлди.
- Албатта бекитамиз. Демак, учрашгунча.
- Хайр...

3

Субут Афифанинг касалхонага тушганини Шаҳина хонимдан эшитди. Хоним унинг ишхонасига қўнгириқ қилди.

- Жонига қасд қилибди, аҳмоқ қиз, — деди хоним бидирлаб.
- Уйқу дори ичибди. Ҳар тугул сақлаб қолдик. Дўхтирхонага вақтида етказилмаганида айрилиб қолар эдик. Ишқилиб, худо қайтариб берди. Ҳозир яхши...
- Қайси касалхонада? — деб сўради Субут ҳовлиқиб. — Бориб кўрсам бўладими?


— «Шошилинч тиббий ёрдам» марказида. Сиз хавотир олманг. Кризис ўтиб кетди. Комадан чиққан. Эрта-индин соғайди, дейишди. Лекин ҳозир олдига одам қўйишмаяпти. Ундан кейин... сизнинг у ерда кўринмай турганингиз маъқулми, деб ўйлайман. Ҳалиги... терговчи келиб, «нега ўзини ўлдирмоқчи бўлади, бунга ким сабабчи, ким мажбур қилди», деб сўраб юрибди. Мен сиз тўғрингизда... анови воқеа ҳақида ҳеч нарса деганим йўқ.. Сизнинг квартирангизда тургани хусусида ҳам чурқ этмадим...

Субутнинг юраги шувиллаб кетди. «Рашк оқибатида ўзини ўлдирмоқчи бўлган», деб айтишдан ҳам қайтмайди бу шум манжалақи, деб ўйлади. — Афифанинг ўзи нима деркин? «Собиқ эримни ўйнаши билан ушилаб олганим учун жаҳл устида дори ичдим», демасмикан?..

— Раҳмат, опа, — деди Субут ва беихтиёр ўзи-ўзидан уялиб кетди. «Мен унинг аҳволи ҳақида гузукроқ сўраш ўрнига ўзимни асраш тўғрисида фикр юритиб ўтирибман-а, хайф-е!..»

— Терговчи «эридан қачон ажралган, муносабатлари қанаقا эди?» деб суриштирди. Мен «муносабатлари йўқ эди», деб айтдим. Лекин барibir сизнинг олдингизга боради ё чақиради. Гапимиз икки хил чиқмасин. Ҳўпми?

— Ҳўп.



Субут гүшакни қўйиб, улгурмаёқ қўлидаги телефон жиринглади. Нотаниш рақам.

— Эшитаман.

— Фуқаро Зокированинг заҳарланиши билан боғлиқ иш юзасидан туман тергов бўлимига бир келиб кетсангиз.

— Қачон?

— Бугун кечқурун. Ишдан чиқиб, бемалол келаверинг. Бизлар ярим кечагача шўттамиз.

— Кимга учрашиш керак?

— Шуллаевга.

— Хўп.

Кечагача Субутнинг егани ичига тушмай, қўли ишга бормай ўтириди. Нима дейишмоқчи? Опанинг айтишича, дорини Афифанинг ўзи ичган. Ҳозир аҳволи яхши. Эрта-индин соғайиб чиқади. Хўш, терговчи Субутга нима айб қўйиши, нима деб эътиroz билдириши мумкин? Ё Афиға... бирон нарса деганми? Бирон хат-пат ёздиликан?

Иш вақти тугашини ҳам кутиб ўтирмай, соат бешларда жўнади. Шуллаев деганлари амалдор экан. Алоҳида хизматхонада ўтирибди. Демак, бошлиқ бўлмагандан ҳам лоақал ўринбосар. Қуюқ сўрашганига, яхши муомала қилганига қарагандан айб қўймоқчи эмас. Балки бир нарса ундиromoқчириб? Боя бу нарса хаёлига келган эди. Шу боис битта конвертга шилдироқ «кўк қофоз»дан ўнтачасини жойлаб, елимлаб, чўнтағига солиб келган эди. Муомала ёқимли кечаёттанидан дадилланиб, дарҳол чўнтағидан конвертни олди.

— Мана, тушунтириш хати, — деди дадиллик билан узатиб.

Майор конвертни шошилмасдан очди. Ичидаги миқдорни чамалаб, кўнгли тўлмади.

— Ҳм-м, — деди қошини чимириб. — «Тушунтириш хати» қисқароқ бўлибди.

— Айтинг, яна... қўшимчасини... ёзамиз, — деди Субут.

— Шунақами, — деди майор конвертни столининг тортмасига ташлар экан. — Унда... яна бир-икки қофоз қўшиб... икки нусхада ёзиз келасиз-да...

— Йўғ-е, инсоғ қилинг, aka, — деди Субут беихтиёр.

Майор пинагини ҳам бузмади. Унга тикилиб қаради. Кейин шошмасдан салмоқ билан гапини давом эттирди.

— Тўғри тушунинг. Масала жиҳдий. Ёшгина аёлнинг ўз жонига қасд қилиши... аниқроғи, шу даражага етиши... бу ниҳоятда

жиддий масала. Маҳалла-күй қаерга қараган, хотин-қизлар уюш-масининг кўзи қаерда, меҳнат жамоаси нега бефарқ муносабат-да бўлали — биз ҳаммасини аниқлашимиз керак. Ҳа, дарвоҷе, оиласидаги муҳит нега уни шу даражага олиб борган? Тўғри, сиз бир-икки йил олдин ажralиб кетгансиз. Бироқ у яна сиз билан келиб учрашган. Нега?.. Хуллас, мен сизни сўроқ қилиб, баён-нома тузишим, уни делога тикишим керак. Кейин текширув...

Субут «икки-уч қофоз, икки нусхада», деган гапни камида беш ёки олти минг, деб тушунди. «Бериш керак. Акс ҳолда ўзи айт-ётгандай калаваничувалатади», деб ўлади.

— Эртага келаман бўлмаса, — деди у. Майор хунук тиржайди:

— «Бугунги ишни эртага қўйма», деган экан машойихлар. Бизлар ярим тунгача шеттамиз, тақсир.

— Яхши, — деди Субут, — бир соатдан сўнг шу ерда бўла-ман.

— Мана бу — бошқа гап. Кўришгунча, — деди майор Шуллаев бояги тиржайшини такрорлаб.

Субут терговхонадан чиқиб, ишхонасига қайтди. Темир сан-дигидаги «Қора кунларга» аталган захирадан олти мингни са-наб олди. Фаризанинг хонаси берк. Уйга кетган бўлса керак. Унга айтмай қўяқолгани маъқул. Хонасининг чироқларини ўчи-риб, қулфлаб, калитини қоровулга топшириб. яна терговхонага йўл олди...

Ярим кечада уйга қайтар экан, Шуллаевнинг сур башараси-ни такрор-такрор кўз олдига келтириб, фижинди. «Аблаҳ, айтган пулини олгандан кейин ҳам барибир тушунтириш хати ёздириди-я. «Хавотир олманг, энди ишни шу бугуноқ ҳаракатдан тўхта-тиб, ёпиб юборамиз» эмиш. Ҳолбуки шусиз ҳам ёпса бўларди. Буни Субут яхши билар, пора бермаслиги ҳам мумкин эди. Бироқ у айни пайтда Шуллаев ишни ёпмасдан чувалаштириб юриши мумкинлигини ҳам биларди. Бу эса ортиқча гап-сўз, узунқулоқ миш-мишларга сабаб бўлар, Субутнинг эндиғина тозаланиб, бирмунча кўтарилиб қолган обрў-эътиборини яна пасайтирас эди. Шунинг учун пулни беришга қарор қылди. «Бош-кўзидан садақа», деди. Кейин ўлади: ана шу «садақа»га яна бироз қўшиб, Афифага тезроқ берганида у манови ғалвани бошлама-ган бўлар эди. Уни дори ичишга олиб келган сабаблардан бири айнан шу бўйинидаги қарз эканини ҳам Субут яхши англақ турар-

ди. «Чорасизлик — аёл кишини ўз жонига қасд қилишга мажбур этувчи энг баш сабаблардан бири». Бу ҳақда Субут бир пайтлар газетага күп ёзган. У чоғлар аёллар ўзига ўт қўяр эди. Ҳар тугул Афиға дори ичибди. Акс ҳолда... бениҳоя гўзал Афиға жизганақ бўлиб куйиб кетар, мабодо тирик қолган тақдирда ҳам хунук бир таъвияга айланарди... Шукрки, Тангрининг ўзи асрабди. Сен бўлсанг... арзимаган ўн беш мингни вақтида ҳал қилиб бермай хасислик қилиб юрибсан. Мана, чиқиб кетяпти, ўзинг мажбур бўлиб, қанақадир ришватхўр миршабга олиб келиб, қўшқўллаб тутқазиб ўтирибсан... Беришиңг керак Афиғага ўша пулни тезроқ беришиңг керак. Ана шунда қанча муаммолар бир йўла ҳал бўлади...

Шу хаёллар измида у касалхонага йўл олди. «Токсикология» бўлими реанимация бўлинмасини топиб, навбатчи врачдан Афиғанинг аҳволини сўради.

— Тузук, — деди врач. — Сиз, яхшиси, эртага хабар олинг. Палатага ўтказишимиз мумкин.

Эртасига пешингача келди. Ҳали ўтказишмабди. Кечқурун яна келди.

— Анча яхши. Эртага эрта билан палатага оламиз, — деди ҳамишира.

Бу сафар гул кўтариб, бозор-ўчар қилиб келди. Афиғани палатага чиқаришган экан. Субут бостириб киришга жазм этолмади. «Мени кўриб яна жаҳли чиқиб, асабийлашиб, аҳволи ёмонлашмасин», деди. Шоша-пиша хат ёзиб, олиб келган нарсаларига қўшди-да, ҳамиширадан киритиб юборди. Ҳамишира қайтиб чиқиб: «У киши сизни қабул қилмас эканлар», деганидан кейин тарвузи қўлтиғидан тушиб, маъюсланди. Кейин аччиғи чиқди. Аламланди. Қизариб, бўғриқиб ташқарига чиқди. Салқин эпкин юзига урилиб, бироз ўзига келди.

«Нимага иддао қиласан? У сени қабул қилмасликка, умуман кечирмасликка тўла ҳақли-ку. Қайси аёл эрини, ҳатто у собиқ бўлса ҳам — бошқа аёл билан шармандали аҳволда тутиб олади-ю яна ҳеч нима кўрмагандек муомала қилади? Ер юзида шунаقا аёл борми? Сен аввал унинг кечиришига муносиб бўл. Мадад бер, қўллаб-қувватла. Муаммоларини ҳал эт, ишга жойла, турмуши бир изга тушсин, асаблари тинчлансин, шундан кейин кечириш ҳақида сўз оч-да, биродар. Кеча хиёнат қилиб, бугун битта узрнома билан масалани дарҳол ҳал этишга уринишинг

нимаси? Ҳар бир кишида иззат-нафс, ҳамият бор. Салгина сабр қил, кут ахир!..»

Субут уйига етиб келгунча буткул тинчланди. Бояги аччиғи, аламидан асар ҳам қолмади. Унинг ўрнини Афиғага нисбатан майин бир меҳр эгаллади. «Бечора севгилим, бу дунёга келиб, боши фақат дарду кулфатдан чиқмаётир, қайга борса омадсизлик, қайга борса ҳақорат, хўрлаш... Сен бўлсанг арзимаган англашибиловчилик деб, ундан юз ўгириб кетдинг. Ҳолбуки... ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди. Сенинг мана шу баҳтли, омадли кунларинга Афиға ҳам шерик бўлиши мумкин эди...»

Ичидан истеҳзоли бир эҳтиroz эшитилди: «Йўқ, мумкин эмасди. Агар Афиғадан воз кечмаганингда бугунги омадли кунларни тушингда ҳам кўролмасдинг. Фаризахоним сени яқинига ҳам йўлатмасди...»

«Энди-чи, энди, ўзимни тиклаб олганимдан сўнг, қўлимни қаёққа узатсам ҳам етадиган бўлиб турган ҳолатда, нега Афиғадан ёрдамимни дариф тутдим? Нега айтилган пулни вақтида бермай, пайсалга солдим? Нега «дард устига чипқон», қилиб ўша... аёл билан яна учрашдим? Озгина кўришмай турсам бўларди-ку...»

«Афиға касалхонадан чиққунича унга кутилмаган совға тайёрлаб қўяман. Қарзини узаман. Ўзига алоҳида квартира олиб бераман. Шундай қиласманки, кечирганини ўз ҳам билмай қолади».

«Ол-а, сен ҳам уни сотиб олишга қарор қилибсан-да?»

«Нима бўпти! Бу давру замонда ҳамма нарса сотилади. Узр ҳам... Меҳр ҳам... Ҳатто туққан онангга, туғишган ака-укаларинигта яқинроқ ҳиммат қилиб қўлига мўмайроқ пул тутғазсанг, сени аввалгидан кўра кўпроқ яхши кўради, эслайди, алқайди».

«Сен ҳали... шунчаликка бордингми? Онангнинг меҳрини ҳам пулга сотиб олиш даражасига етдингми? «Кўрмаганнинг кўргани қурсин», дегани шу эмасми? Билиб қўй, бу ҳаётда пулга сотилмайдиган нарсалар ҳам бор...»

«Қани? Қани ўша нарсалар? Кўрсат-чи менга. Кўрсатолмайсан. Чунки сен эски гапларни гапиряпсан, ошна. Пул, бу — озодлик. Пул, бу — қудрат. Пул, бу — ҳаётнинг мазмуни».

«Шунақами, ҳали?..»

«Шунақа! Шунақа... Ҳазиллашдим. Ҳазил бу. Гарчанд аччиқ ҳазил. Аччиқ ҳазил, кўпинча, аччиқ ҳақиқатнинг айнан ўзи бўлиб

чиқади. Чунки ҳақиқатни гоҳида фақат ҳазил шаклида айтиш мүмкін...»

Эртасига Субут иккى ўрам юзталиктин чұнтагига солиб, Шашина хонимникіга йўл олди. Хоним уйда экан. Субуттага хавфсираб, савол назарі билан қаради. «Тинчликми?» — деб сўради.

— Аввал бир пиёла чой ичайлик, кейин айтаман: тинчликми, тинчлик эмасми, — деди Субут хонимнинг нимадан ваҳимага тушаётганини англаб.

— Ҳа-я, дарвоҷе, эсим қурсин, — деди хоним хижолатомуз, тинчлик эмасми, — деди Субут хонимнинг нимадан ваҳимага тушаётганини англаб.

Бу орада ўрталарида сукунат ҳукм сурди. Хоним ўнғайсизликка чек қўйиш мақсадида ўрнидан туриб зал тўридаги китоб жавони сари йўналди. Кичкина бир ғаладонни очиб, чиройли муқовали бир китоб олди.

— Мана, Субутжон, ўзингиз ёрдам қилиб чиқарган китоб. Тунов куни туҳфа этай, деб хизматхонангизга чиққанимда ўрнингизда эмасдингиз. Бугун тақдим этиш мавридими-йўқми, билмадим. Ҳар ҳолда, мана, олинг...

— Ўҳ-ў-ў, ажойиб. — деди Субут анчайин қалингина китобни қўлга олар экан. — Зўр чиқибди. Табриклайман! Қаранг-а, номини ҳам топиб қўйибсиз: «Кузда гуллаган олҳўри». Қойил!

— Номни... ўша ўзингиз тавсия этган муҳаррир йигит топди. Мен бошда кўнмадим. «Куздаям олҳўри гуллайдими, қўйсангиз-чи», десам йигитингиз пухта экан. «Ботаника энциклопедияси»ни очиб кўрсатди. Об-ҳаво қулай келган, намлик, иссиқлик меъерида бўлган йилларда олҳўри, олма, ҳатто ўрик ҳам кузда иккинчи марта гуллаши мумкин экан. Мен билмагандим, қаранг-а!..

Субут кулиб юборди. Хонимнинг ёши бир жойга бориб қолган бўлишига қарамасдан оппоқ гўштили ҳамда тиниқ юзларига, таранг ва тик қадди-қоматига қараб:

— Ўзингиз ҳам нақ кузда гуллаган олмадайсиз-да, опахон! — деди. Кейин қўшимча қилди: — Ҳали... ўн гулингиздан атиги иккитасигина куртаклаган-ов...

Хушомад ёқдими ёки Субутнинг яйраб, ҳазиломуз галираётганидан ташрифнинг мақсади ҳар нечук ёмон хабар етказиш эмаслигини тушундими, хонимнинг ҳам қулфи дили очилди:

— Йўғ-е, муболаға қиласиз-да, Субутжон. Энди бизнинг давримиз ўтди.

— Унақа деманг. Ҳозир замон об-ҳавоси боя ўзингиз айтганингиздек мўътадил. Бинобарин тақрор-тақрор гуллашга имконингиз бор. Мана бу шеърлар китоби шунинг ёрқин далили.

Дастурхон ёзилди. Чой дамланди. Кўринишидан қишлоқдан келгани яққол кўриниб турган ўн етти, ўн саккиз ёшлардаги хушрўйгина қизга қараб. Субут: «опахон тушмагур эски касбини сира қўймас экан-да», деб ўйлади. Анча кейинроқ бу ҳақда яна бир неча бор фикр юритиб: «Нега мен ўша лаҳзала қурбон қилишга тайёрланаётган яна бир шўрпешона қизнинг тақдирига бу қадар лоқайд, бефарқ қарадим», дея ўзидан аччиқланиб юрди. Аммо шу топда унинг фикр-ўйи мутлақо бошқа нарсада эди.

Хоним хиром билан чой узатди.

— Келинчак бўлиб кетинг-е, — деди Субут.

— Ўзингиз айтдингиз-ку «ҳали... бинойисиз», деб, — ялтоқланди хоним.

— Оврўпаликлар буни «Бальзак ёши», дейишади. Бальзак, деган бир фаранг адиби аёл кишининг ёши қирқ бешдан ошган соғда яна қайтадан гуллаб-яшайди, деган экан.

— Барака топсин ўша Бальзак акамиз, — деди хоним. — Аёл қалбини хўп чуқур тушунган одам экан. Бизнинг айрим нодон эркаклар бўлса, «хотин — ўттизда ўтин», деб бурнини жийирали. Аёлнинг ёши ўтгани сари малоҳати қуолиб, қаймоқланиб боришини билдиришмайди. Сиз, Субутжон заковатли йигитсизда, фаросатингизга қойил. «Зар қадрини заргар қиласди», деганлари ҳақ гап. Сиз — заргарсиз...

«Ў-ў, бу аёл эркак қалбининг энг нозик торларини чертишни билади. Ҳай-ҳай, демасам авраб ташлаши ҳам ҳеч гапмас», деб ўйлади Субут. Бу фикридан ўша лаҳзадаёқ беҳад уялиб кетди. «Менга нима бўляяпти ўзи? Ҳар учраган аёлга бошқача қарайдиган, шарму ҳаёни унугтан маҳлуққа айланиб қолдимми, нима бало? Ахир илгари бунақа эмасдим-ку. Ажаб. Машойихлар: «Ўзбек бойиса, қўша-қўша хотин олади», дегани тўғри экан-да? Мен ҳали бойиб ҳам қаерга бордим? Молу давлатимнинг ҳаммаси омонат. Худди қум устига қурилган қасрга ўхшайди. Дарёда салгина тўлқин кўтарилиб, соҳилга сув урса муҳташам саройимдан асар ҳам қолмайдигандек. Ўзи менга шу асъасаю дабдаба керакми? Тинчгина юрувдим-ку мухбирлигимни қилиб. Ўзимни

озод, кучли ҳис этардим. Қаршимда пайдо бўлган ҳар қандай қоя-ю чўққидан ҳам ҳайиқмас эдим. Ҳатто ҳув ўша, бир пайтлар қамалиб қолган чофимда ҳам ўзимни ожиз ва нотавон ҳис этмаганман. Энди бўлса... Энди пулим кўпайиб, мол-мулким ортгани сари юрагимдаги таҳлика кучайиб бормоқда. Ўзимни эса тобора кучсизланиб, заифлашиб бораётгандек ҳис этяпман. Ҳолбуки, ҳаммаси аксинча бўлиши керак эди. Пул менга озодлик ва беҳад қудрат ато этиши керак эди...» «Нега нолийсан, пул ҳамма муаммоларингни ҳал этяпти-ку. Ана, терговчининг оғзидан чиққан миқдорни бўғзига тиқиб, нафасини ўчириб қўйдинг. Ҳозир манови хонимга Афифага атаб олиб келган пулингдан арзимаган қисмини: «ўзингизга ҳадя», деб берсанг, боласи қатори эканингни ҳам унутиб, қаршингда рақсга тушади. Ҳа-а, шунаقا сен пул ҳақида унақа ҳурматсизлик билан ўйлама. Акс ҳолда у сендан хафа бўлиб, қочадиган бўлиб қолиши мумкин. Донишмандлар «пулинг жони бўлади, у бир одамга меҳр қўйса орқасидан мудом қувиб юради, ёмон кўрган одамидан эса нуқул қочади ва ўша одам жонини жабборга бериб югурса ҳам орқасидан етолмайди, ҳарчанд уринса ҳам бири икки бўлмайди», дейишади. Ҳамонки, пул сенга меҳр қўйиб ортингдан қувиб юрган экан, сен ҳам унга етарлича меҳр-оқибат кўрсат, ана шунда компьютерлар қироли Бил Гейтс сингари мультимилиардер бўлиб, дунёга донғи кетган бойга айланасан...»

«Эҳ, менинг қўтирил кўнглим. Гоҳ унақа, гоҳ бунақасан. Ундей десам, бундай дейсан. Боягина «дунёда сотиб олиб бўлмайдиган нарсалар ҳам бор», деб турган сенмасмидинг? Нега мен билан бунча ўчакишасан? Нега ўз ҳолимга қўймайсан?»

«Сен кўнгилнинг гапига эмас, ақлнинг сўзига қулоқ сол-да. Инсонга ақл айнан шунинг учун, яъни кўнгилнинг телба товлашиларидан сақланиш, ҳаётда тўғри йўл топиб юриш учун берилилган...»

— Биз томонга қандай шамоллар учирди. Субутжон? Сўраганинг айби йўқ, дейдилар, — хонимнинг мулойим оҳангдаги саволи Субутни ўзига келтириди.

— Яхшилик шамоли, опа, яхши ният билан келдим.

Хоним каттакон оғзини қулоғигача етказиб илжайди:

— Хўш-хўш! Яхши ниятнинг садағаси кетай...

— Афифа бундан сал илгарироқ сиздан бироз пул қарзи борлиги ҳақида гапирган ва ўшани узишга ёрдам беришимни сўра-

ган эди. Ўша пайт қўлимда етарли миқдордаги маблағ бўлмагани сабабли унинг илтимосини дарҳол адо этолмагандим. Бугун шу масалага нуқта қўйсам, деган мақсадда келувдим.

— Э-э, ҳа-а, — хоним бу гапни ҳушёрлик билан қабул қилди, — ўшами, унчалик шошилинч эмасди-ку. Мен ҳам асли бирордан олиб бергандим. Эгаси қурғур сал қисталанг қилганда айтгандирман-да?

— Қанча бериш керак, опа?

Хоним янада сергакланди:

— Ўзи айтмаганмиди?

— Айтган. Ўша миқдорми? Кейин фоиз қўшилган эмасми?

— Ҳа-а, йў-ўқ, қанақа фоиз, қўйсангиз-чи! Танини берса ҳам мингдан-минг рози бўлади.

Шу ерда Субут битта хатога йўл қўйди. «Ким ўша қарз берган одам?» деб сўрамади. Сўраганида, эҳтимол хоним ўзи хоҳлаган ҳолда унга калаванинг учини ушлатиб қўйиш мумкин эди. Субут эса... сўрамади. Индамасдан чўнтағидан қофозга ўралган пулни чиқариб хонтахта устига қўйди:

— Мана, санаб олинг. Фақат битта илтимос... Афифага ўзингиз ётиғи билан тушунтиарсиз. Мен ҳозир унга бу ҳақда гапиришимнинг иложи йўқ. Тунов кунги воқеа туфайли... у мен билан кўришишни истамаяпти. Мабодо учрашган тақдиримда ҳам бу ҳақда сўзламайман. Миннат қилгандек бўлиши мумкин.

Хоним пулни шошмасдан санаб бўлиб, чиройли халатининг чўнтағига солар экан. Субутнинг кейинги гапидан яйраб кетди:

— Албатта, албатта, Субутжон, унга сизнинг ўзингиз айтишингиз ҳозирча зинҳор мумкин эмас. Акс ҳолда, ўзингиз айттанингиздек, унга малол ботади. «Иддао қиляпти», деб оғринади. Мен ўзим унга айтаман. Секин-секин юрагини юмшатиб, сизга хабар қиласман. Шу ерда учрашасизлар. Ичига сут солиб, ширин-шакар қилиб, ўпка пишириб бераман. Ўшани еб, ўпка-гинани унутиб, яна ҳеч нима кўрамагандек ярашиб кетасизлар. Маъқулми?

— Маъқул, опа. Раҳмат сизга. Мен энди борай.

— И-и-и, ош буюрганман, ҳозир гуручини солади.

— Бошқа сафар, опа. Ўзингиз айтдингиз-ку «шу ерда учрашираман», деб.

Хоним айёrona илжайиб, кўзини қисди.

— Шунақами? Майли эмасам. Мен масалани пишишиб, ўзим сизга хабар бераман. Дарвоң, у касалхонадан чиқиб, тұғри шу ерга келади.

— Яхши. Хайр.

— Омон бўлинг, айланай.

Субут чиқиб кетди. Шаҳина хоним уни кузатиб, қайтиб ки-
рар экан, кафтларини бир-бирига ишқалаб: «Насиб этса, сени
ҳам Муқимхоновга ўхшаб шу охурдан ем ейдиган қилиб құяман»,
деб шивирлади. Диванга ўтириб, Субут ташлаб кетгандын пулни
такрор санади. Чироққа тутиб текширган бўлди. Бели букилма-
ган кўк қофозларнинг тиниқ рангидан кўзлари, силлиқ ғадир-бу-
дирларидан бармоқлари, ёқимли шилдирашидан қулоқлари ро-
ҳатланди. Бошини диван сүянчигига ташлаб: «Оҳ», дега кўзлари-
ни юмди. Хонимнинг наздида дунёда пул санаашдан кўра аълороқ
лассат йўқ эди. «Қанийди бир умр давомида ҳар куни, ҳар соат
ана шу лассатдан баҳраманд бўлиб яшасанг. Айни пайтда хоним
пул, деб аталмиш мўъжизавий «неъмат»нинг анчайин хавфли
хусусиятга эга эканлигини ҳам яхши биларди. Яъни унга эҳтиёт-
корлик билан муомала этмасанг ҳароб қилиши мумкин. ҳудди
Даврбек Муқимхоновга ўхшаб. Қандай қўли очиқ, саховатли
йигит эди-я шўрлик. Доим «қўли очиқнинг — йўли очиқ», деган
ҳикматли гапни такрорлашни яхши кўтаради. Ҳар галги ташри-
фидан кейин «хизмат ҳақи»дан ташқари: «бу сизга опа-укалиги-
миз ҳақи ҳурмати учун», деб дастга-даста пул ташлаб кетарди.
Манови Субутбой ҳам кейинги пайтлар анча валломат бўлиб
қолди. Аммо-лекин Даврбекжон барибир бошқача эди. Бечора-
нинг аҳволи не кечди экан? Бир бориб кўриш керакмикан?..

Шу ўйлов баробарида хоним бир қадар хомуш тортиб. Му-
қимхонов ҳақидаги хаёлларга берилди. Мавридини топиб, зона-
га бориш, ҳолидан хабар олишни дилига тугди.

Қиссамизнинг аввалги қисмлари билан яхши таниш китобхон
шу ўринда «чиндан ҳам ул зотнинг кейинги тақдиди нима кечди
экан», деган саволга дуч келганини ҳис этган ҳолда, воқеалари-
мизнинг кейинги ривожига деярли алоқадор бўлмаса-да, навбат-
даги бобда фуқаро Муқимхонов шарҳи ҳолидан мухтасар ҳикоя
сўзлаб ўтамиш.

Даврбек Мұқимхонов суд ұкми билан 13 йилга кесилгач, жазони үташ муассаси, яғни зонага жүнатилишидан олдин бир неча кун тергов-суд ҳибсонасиның икки кишилик авахтахонасида үтказди. Ҳамхонаси — соқоли күксига тушган бўлса-да, ёши қириқлардан ошмаган мalla, қийшиқ кўзли йигит уни хушмумалалик ва тавозе билан кутиб олди.

— Ассалому алайкум, тақсир, — деди у қўлини кўксига қўйиб.

— Баалайкум ассалом. — деди Даврбек: «бу чамаси мени олдин кўрган, шу боистанийди», деб ўйлаб.

— Қани-қани, марҳамат, тўрга ўтсинлар!

— Раҳмат. Бу ернинг ҳам тўри бор эканми?

— Ие, албатта, тақсир, ҳамма жойнинг тўри бор. Бу ерники айниқса зўр, — деди ҳазил оҳангидা.

Мұқимхонов юқоридаги каравотга ўтиб ўтириди.

— Илоҳи омин, мушкуларимизни яратган Эгамнинг ўзи осон айласин, — фотиҳага қўл очди «Соқол». — Бу ерда ўтадиган кунларимиз шамолдай учсин, елдай елсин. Аллоҳи акбар!

— Айтганингиз келсин, — деди Мұқимхонов. — Қани, энди танишайлик. Менинг исм-шарифим Даврбек Мұқимхонов. Эҳтимол эшитган чиқарсиз. Катта идораларда ишлаганман.

— Ў-ў, албатта сизнинг таърифингизни кўп эшитганимиз, — деди «Соқол». — Афсуски кўлингизни олиб, суҳбатингизни тинглашга мушарраф бўлмаган эрдим. Менинг исмим Забиҳиддин қори ибн Насибиддин.

— Сир бўлмаса айтинг, қанақа модда бўйича ўтирибсиз, ановиларга алоқангиз йўқми? — деди Мұқимхонов бирдан калласи ишлаб кетиб. Ўзича «мабодо шундай бўлса, бу одамдан ўзимни узоқроқ тутишим керак», деб ўйлади.

— А, лаббай? Йў-ў-е, Худо сақласин! Бизники... арзимаган бир туҳмат туфайли. Ўзим жоме масжидида сўфилик қилас әдим. Кунлардан бир кун бозор қилгани машинада уйдан чиқиб, светофор ёнига келиб тўхтадим. Пиёдалар йўлни бемалол кесиб ўтиб кетаётганди. Кейин кўк чироқ ёнди. Машинани жойидан жилдирганимни биламан, бир одам ўзини капотнинг устига отса бўладими? Ҳайдовчиликдан унча тажрибам катта эмасди. Тормозни босаман, деб газни босиб юборибман, қаранг. Машина ҳалиги одамни зарб билан уч-тўрт метр нарига улоқтириб юборди...

Хуллас, ўша киши олтмиш ёшлардаги ичкиликка муккасидан кетгандың афеси бир кимса экан. Светофорнинг ёнида турвалыб, ўрнидан құзғалаётган машиналарнинг устига ўзини ташлаб, шантаж қылип пул ишилаб юрар экан. Бизга қолғанда омади келмай... жон таслим қып қўйибди шўрлик. Тириклигидаги қарамаган қариндошлари топилиб, даъвогарлари кўпайиб кетди. Хуллас, уч йилга кесилиб қолдик.

— Амнистияга тушмадингизми?
— Шунинг умидидамиз тақсир.
— Ҳа, ўйламанг, тез орада чиқиб кетасиз, Сўфи ака.
— Ўзлариники-чи, тақсир?
— Бизникими? Бизники ҳам гирт туҳмат. Бир нечта модда билан айлашди. Қайси бирини айтай.
— Ҳалиги, анови... Ришват масаласи эмасми? — кулимсираб сўради Сўфи.

— Унисиданам, бошқалариданам бор. Ўн уч йил олганман. Аммо-лекин, насиб этса, сиздан ҳам аввалроқ чиқиб кетаман.
— Айтганингиз келсин, Даврхон ака, — деди Сўфи гарчи ёш жиҳатидан ўзи анча катта эканини сезиб турган бўлса ҳам. — Албатта, тез чиқинг. Сизнинг ёрдамингизда биз ҳам муддатидан аввалроқ чиқиб кетайлик.

— Бунинг учун яхши хизмат қилишингиз керак.
— Қанақа хизмат бўлса мунтазирмиз, оқаҳон.
— Кўрамиз, — деди Муқимхонов ҳибсонада ҳам ўзига тобе ёрдамига муҳтож одам топилганидан ич-ичида хурсанд бўлиб.
— Ҳозирча... чой-пойга қарашиб турасиз. Ҳўлми, Сўфи? Дарвоқе, сизни шунақа деб чақирсан бўлар?

— Бажонидил...

Кейин Даврбек қаттиқ шамоллаб қолди. Врач келиб кўрди. Касалхонага олиб бориш шартмас, шу ерда тузалади, деди. Забиҳиддин сўфи туну-кун бошида туриб, парваришлади. Тумови тузалганидан кейин, ўшанинг асоратими, тушкунлик вас-васаси бошланди. Уззу кун йиғлаб, «яшагим келмаяпти, ўзими ни ўлдирман», дея хархаша қилди. Забиҳиддин тинчлантириди. Калима қайтаришни ўргатди. Қуръондан айрим сура ва оятларни ёдлаттириди. Шундан сўнг Даврбекнинг юраги анча тинчланди. Тақдирига тан берди. «Эй худо, манови одамни менга ўзинг юборган экансан, акс ҳолда жонимга қасд қилиб, ажалимдан беш кун бурун ўлиб кетардим-а», дея шукронда айт-

ди. Бир ҳафта деганда тамоман ўзига келди ва кечки овқатдан сўнг:

— Энди, Сўфи ака, кемага тушганинг жони бир, дейдилар, нима бўлсаям мени ташлаб қўйманг.— деди ялинган оҳангда.

— Албатта, окажон, албатта,— деди Забиҳиддин. — Насиб этса, бир-биримизга суюнч бўлиб, бу ерлардан соғ-саломат чиқиб кетамиз.

Сўнгра уларни Қизилқум бағридаги жазо муассасаларидан бирига этап қилишди. Аввал панжарали вагонда, кейин «Қора қузғун», деб аталувчи уй-машинада йўл босиб, зонага етиб келишди. Муқимхоновни кутубхона мудирлигига тайинлашди. «Ёмон эмас», деб ўйлади Даврбек зонадаги биринчи кунни ўтказиб, кечаси баракда кўзига уйқу илинмай ўйлаб ётар экан. Ҳар қалай оғир меҳнат остида ўлиб кетиш хавфи йўқ. Гарчанд... Соқов севгилисининг охирги кўришув чоғида йифлаб-йифлаб, имо-ишора билан айтган гапларига қараганда шунча йил тийинлаб тўплangan мол-мулкининг катта қисми атиги икки-уч ойлик тергов чоғида кунпаякун бўлиб, кулдай сочилиб кетгани нақадар алам қилаётган бўлса ҳам у ўзига тасалли беришга, тинчлантиришга куч топа олади. «Пул, молдавлат топиладиган нарса, муҳими, жонинг омон бўлсин», дерди у.

Яна бир алам қиласиган ҳолат ўша учрашув чоғида Соқов маҳбубасига: «ўғлимизни эҳтиёт қил, ундан хабар олиб тур, насиб этса, омон-эсон қутилиб чиқсан, ўзим уни ҳақиқий инсон қилиб тарбиялайман», деган ҳаяжонли гапларига жавобан: «Энди ростини айтай: аслида у бола... сендан эмас, уни бошқа бир пиёнистадан орттирганман», деган оғир сўзларни эшитиш бўлди. Эҳтимол Соқов севгилиси уни тинчлантириш учун, яъни қамоқда ўша болани соғиниб, дилгир бўлиб, ичикиб юрмасин, деган мақсадда айтган бўлиши ҳам мумкин.

«Қанақасига? Ахир менга ўзинг: «Сен менинг биринчи ва охирги эркагимсан», деб айтган эдинг-ку,— деди ўшандада Даврбек юраги оғриб.

«Сен Шаҳина хонимнинг ёш ва чиройли жиянинг оғиб, менга анча пайт қарамай кетганингдан сўнг аччиқ қилиб маълум муддат бошқа бир киши билан юрган эдим. Бола ўшандан. Мени

унутмай, яна хабар олиб турганинг, кейин мол-мулкингни ишониб топширганинг учун бу ҳақда сенга гапирмаганман».

«Бевафолик қилган экансан-да, азизим?»

«Ўзинг-чи, ахир ўзинг мени шунга мажбур қилдинг-ку...»

«Майли, ростини айтганинг учун ҳам сени кечираман. Бошқа хиёнат қилмагин. Хўпми? Сенга қолдираётган пулларим умринганинг охиригача етади. Боладан эса... барибир хабар олиб тур. Детдомдаги безориларга қушилиб, жиноягчи бўлиб кетмасин...»

«Хўп бўлади. Лекин... пулнинг, зебу зийнатларнинг таги кўриниб қолди-ку. Мен уларнинг бир қисмини сарфлаб қўйсам... Сен чиққанингдан сўнг уришмайсанми?»

Ана шу ерга келганда Муқимхонов бир мардлик қилди.

«Мени ўйлама, қанча зарур бўлса, шунча сарфлайвер», деди у. Гарчи яхши билдики, бу Соқов вафодори бир тийинни беҳудага харжламайди. Иложини топса икки ҳисса кўпайтириб қўяди.

«Раҳмат, азизим. Мен сени кўзларим тўрт бўлиб кутаман. Зонага етиб борган заҳотинг дарак бер. Мунтазам хабар олиб турман...»

«Худо менга шу аёлни рўбарў қилганига ҳам шукр, — деб ўйлади шу топда Даврбек. — Эртага қўнғироқ қилсан, икки минг километрлик жойга бир кунда етиб келади».

Кейин у Соқов севгилиси билан қандай танишгани, ораларидаги шириндан-ширин висол онлари ҳақидаги хотираларга берилиди. Ўқтинг-ўқтинг Афифани ҳам эслади.

Афифа билан танишишларидан бирмунча илгари эди шекили-ли ё кейинмикан? Ҳар қалай, кунларнинг бирида Шаҳина хонимдан:

— Барра улоқчалардан йўқми, яъни онаси ўлмаганларидан? — деб сўраганини аниқ эслайди. Ўшанда баҳор чоғи, қони кўпирган пайт.

— Битта зўр, чиройлиси бор-у... соқов-да, — деди хоним.

— Соқов? Қанақасига? — ҳайрон бўлди Даврбек.

— Гунг. Гапиролмайди, эшитмайди. Имо-ишора билан муомала қилиш керак. Лекин ўзи гўзалликда бетакрор, ҳали бокира қиз.

— Шунақами? — деб ўйга толди Даврбек. — У билан... қанақа қилиб фикр алмашамиз?

— Э-э, фикр алмашаб ўтирасизми, муродингизни ҳосил қилса бўлди-да!

Даврбекнинг жаҳли чиқди:

— Сиз мени ким, деб ўйлайпсиз, опа? Мен қанақадир юраксиз, қалбсиз маҳлуқ эмасман-ку. Мен аёл кишининг аввало кўнглига йўл топишни, юрагига киришни истайман. Ҳар қандай қизни ҳам кўнглим тортавермайди. Аввало уни яхши кўриб қолишшам, лоақал менда унга нисбатан жичча меҳр уйғониши лозим.

— Хотиржам бўлинг, уни кўрган заҳоти ошиқу бекарор бўласиз. Севиб қолганингиздан кейин эса тил билан суҳбатлашишга ҳожат қолмайди. Кўзларнинг ўзлари, юраклар, вужудлар сўзлашадилар,— деди хоним шоирона қилиб.

— Яхши, унда тезроқ кўрсатинг, — деди Даврбек таваккал қилиб. Қиз билан учрашганидан кейин эса таваккал қилиб, янгилишмаганини тушунди. Қаршисида ўн беш кунлик ойдайин тўлин, ўхаши йўқ бир соҳибжамол турар эди.

— Испинг нима ҳой қиз? — деди ярим сўз ярим имо-ишора билан Даврбек. «Исмим йўқ. Исмимни «Тилсиз», деб атай қолинг, — деди тилига ишора қилиб, қиз.

— Унда сени «Сукут маликаси», деб атайман, — овозини чиқариб деди Даврбек. Табиатан буни қиз тушунмади. Зеро унга қандай аталишнинг зигирча аҳамияти йўқ эди. Кейин у ташландиқ ва кимсасиз эканини бир амаллаб тушунтириди. «Сизга жория бўлиб, ўзимни бағишиласам боқасизми, хор-зор қилиб ташлаб қўймайсизми?» дея шарт қўйди. Муқимхонов унга тоғдай ваъдалар қилди. «Уй-жой қилиб, гулдай ясатиб қўяман, ҳусн мамлакатининг тилсиз маликаси бўлиб, шоду хуррам яшашинга кафолат бераман», деди. Ушбу ваъдасининг устидан деярли чиқди. То Афиғани учратиб, унга боғланиб қолмагунча, деярли кунора хабар олиб турди. Кейин ҳам, гарчи мунтазам қийналмаса-да, алоқани узгани йўқ. Қайтанга ҳамма бойлигининг посбони, хазина бон қилиб, мартабасини ошириб қўйди. Афиға бева-фолик қилгач, яна серқатновлиги тикланди. Хуллас, Соқов севгилиси унинг пешанасига анчайин қаттиқ, ўйиб ёзилганга ўхшайди. Келажаги ҳам ўшанга боғлиқ бўлиб турибди...

Даврбек Афиғани Бекатда учратганида: «Ана, Ҳудо берди, энди сургундаги ҳаётим ҳам айшу фарофотда кечади», дея хаёл қилганди. Унинг нози-фироқидан жаҳли чиқиб: «салгина қийнаб оғзига сув киргизай, кейин бошини силаб бағримга олсам, мушукдай миёвлаб суркаладиган бўлади», деб ўйлади. Яна янгилишди. Афиға унинг ўйлаганига юрмади. Шунда Даврбек: «ба-

рибир уни хафа қылмаслигим керак, йил якуни ўтгач, қайтадан кенгроқ майдон бериб фермер хўжалигини қўллаб юраман, ривожланишига ёрдамлашаман, ҳар қалай бегона эмасмиз», дея уни чақирилмоқчи бўлиб юрганли. Ишлар бирданнига чаппасидан келиб қолгач, ҳеч нарсага улгурмади. Афиға ундан қаттиқ ранжиб кетди. «Ишларимни бир ёқли қиласай, кейин кечирим сўраб кўнглини оламан». дея дилига тугди. Ҳозир, шу топда у ҳақда ҳам ўйлар экан: «узр сўраб, «мана, сизни ранжитганим учун Худо жазолади», дея мактуб ёзив юборсан кўнгли юмшармикан», деган фикрга борди. Майли, кейинроқ ёзарман, аввал мана бу ернинг паст-баландига, иқлим-муҳитга пича ўрганай-чи, деди.

Кутубхоначиллик оғир иш эмас. Қўшимча равища муассаса маданият уйидаги айрим ташкилий ишларга бошчилик қилиш керак экан. «Бошчилик» деган жойда Муқимхонов ўзини денгиздаги балиқдек ҳис этиши — маълум савдо. У енг шимариб ишга киришиб кетди. «Муассасамизни бу борада энг илфор, энг пешқадам жамоага айлантирамиз», деди у бошлиқ ҳузурида бўлган суҳбатда. Маҳбуслар орасидан собиқ артистлар, созанда ва хонандаларни топиб, бадиий ҳаваскорлар тўгарагини тузди.

— Ҳалқ театри ташкил қиласиз, Шекспир ва бошқаларнинг асарларини саҳналаштирамиз, — деди у.

Кечқурунлари Даврбек Сўфидан диний сабоқ олар, «бу нарса қариганимизда асқотади», деб қўяр, Забиҳиддин эса кулиб, «ўзлари ҳам... қариганда сўфи бўлмоқчи эканлар-да», дея сўз ўйини қиласар. Даврбек асқияни тўғри тушуниб: «Ҳа, энди ўғри қариганидан кейин сўфи бўлади-да», дея жавоб берар, шу тахлит қамоқхонадаги турмушларини айримлар ўйлагани каби азобуқубатда эмас, анчайин чидаса бўладиган бир шароитда ўтказишар, албатта бунинг эвазига Муқимхонов Соқов севгилиси олиб келадиган совға-салому, «конверглашган» кўк қофозларни тегишли кишиларга мунтазам узатиб турарди.

Шаҳина хоним Афиғанинг касалхонадан чиқиши ва ҳалиги жиноят ишининг ёпилишини катта дабдаба билан нишонлашга қарор қилди. Аслида зиёфатнинг асл сабаби хоним жиянига бер-

ган қарзини икки ҳисса ортиғи билан қайтариб олгани эди. Бу ҳақда у Афиғага ҳозирча гапирмай туришни маъқул топди. Ҳали руҳияти буткул тузалиб кетмаган ўжар қиз «нега олдингиз, қарзни менга бергансиз, менинг қўлимдан олишингиз керак, дарров олиб бориб, қайтариб беринг», деб қолиши мумкинлигини у биларди.

— Сени Художоним қайтариб берди. Буни муносиб нишонлашимиз керак, — деди у Афиға чиқиб келган куннинг эртасига. — Аввал бир мулло чақириб, хатми Қуръон қилдираман. Пешинга настдаги чойхонага қўни-қўшнини чақириб ош едирамиз. Кечкурун эса кўнгил етар қадрдонларни уйга таклиф этиб, бемалол ўтирамиз.

Афиға индамади. Бир хаёли «бунинг ҳаражатини ким тўлайди?» деб сўрамоқчи бўлди. Сўрамади. «Қари қўшмачи бир тўкинса-тўкинибди-да, камайиб қолармиди», деб ўйлади.

— Маъқулми, қўзичогим, нима дейсан? — тақрор сўради хола.

Афиға бир зум сукут сақлади. Кейин эсига нимадир тушиб чеҳраси очилди.

— Маъқул, — деди бирордан сўнг қўшимча қилди: — Ҳалиги... фирмадаги дугонангизни ҳам чақириш эсдан чиқмасин. Муштарийхонмиди исмлари?

— А? Қанақа Муштарий? — деди хоним жиянининг жилмайиб турган юзига савол назари билан қарап экан. — Ким дейсан? Ҳа-а, Олчахон опангними, унинг асл исми Олчахон, опасининг исми Олмахон. Машҳур қўшиқчининг ҳурматига шунаقا исм қўйишган. Опаси Олмахон бўлгани боис ўшанга уйқаш бўлсин. деб Олчахон қўйишган. Шунчаки... фирмадагилар Муштарий, деб чақиришади. Уни, албатта чақирамиз, қизим. Дарвоҷе, жиддий айтяпсанми шу гапни ё киноя қиляпсанми?

— Қанақа киноя, хола, жиддий айтяпман, — деди хотиржамлик билан Афиға. — У киши яхши аёл. Суҳбатлашган кишини зериктирамайди. Жаҳон кўрган жаҳонгашта-да.

— Ҳа, жаҳонгашта у. Дарвоҷе, у билан бўлган аввалги суҳбат, унинг таклифи ҳақида ҳеч кимга гапирганинг йўқми? Мелиса ўлтур суриштириб юрувди. Яна... бирон нарсанинг ҳидини олса, ҳаммамиз абгор бўламиз-а, қизим жоним.

— Эсимни ебманми, хола, — деди Афиға хонимга синовчан тикилар экан, «Мелисани аллақачон «рози» қилиб ишни тўғрилаб қўйгандир», деб ўйлади.

— Ҳа, айтганча, — деди хоним бироз ўйланиб туриб, — анови пул... қарзинг бор эди-ку... ўша... узилиб кетди. Энди уни ўйлаб, хафа бўлиб юрма! Қутулдинг.

— Шунча пулдан қанақа қилиб қутиламан? — ҳайрон бўлди Афида. Ҳаёлидан икки хил фикр ўтди: «ё холам мени вақтинча тинчлантириш учун шундай деяпти, ё қарз эгалари анови жиноят иши очилгани боис инига уриб кетган бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам эртами-индинми гап яна кўтарилади...»

— Қутилгансан, тамом-вассалом, — деди хола. Кейин бир зум ўйланиб турди. Пулни Субут берганини-ку шу топда айтмаслиги турган гап эди. «Қарзингни ўзим уздим», деб айттайми-йўқми, деб иккиланди. Охирида «барибир айтмасам бўлмайди», деган хуносага келди.

— Ўзим... узib юбордим, қизалоғим. Бирордан озроқ оласим бор эди. Ўшани олиб, бериб юбордим. Мингдан-минг розиман.

— Қанақасига? Бу билан «қарздан воз кечдим», демоқчими-сиз? — ишонқирамай сўради Афида.

— Ҳа, қизим... Орамиз очиқ.

— Э-э, йў-ўқ, кейин қиёматда сўраб безор қиласиз. Сиздан абадий қарздор бўлишни истамайман.

— Қарздор эмассан, ора очиқ, дедим-ку. Нима, Қуръонни кўлга олиб қасам ичайми қизим? Қўй энди, менга азоб берма, жоним. Ростини айтсан... қарзингни узилиб кетишига Субут аканг... катта ёрдам қилди.

Афида масаланинг моҳиятини тушунгандек бўлди. Бироқ юраги юмшамади. Кўз олдида Субутнинг беҳаё қиёфаси пайдо бўлди.

— Ёрдам керак эмас. Унга шундай, деб айтинг. Мен у киши билан энди ҳеч қандай муносабатда бўлмоқчи эмасман.

— Сен ундей дема, қизим. Аслида... у сенинг ҳалоскоринг-а! Афида холасининг юзига тикилиб қаради.

— Ундей бўлса... нега ўзингиз уни аёл билан ушлаб бериб, мени юзқўрмас қилдингиз?

— Холанг ўлсин, аҳмоқлик қилдим, қизим. Эркак қавмининг баъзи бир гуноҳларини кечириш керак.

— Мен кечиролмайман. Бўлди, бас, бу ҳақда бошқа гаплашмайлик.

— Ихтиёргинг, жоним қизим... Лекин Субут аканг ёмон инсон эмас. Тўғри, ҳозир анови бойвучча билан илакишиб, чўнтағига

беш-үн сўм пул кириб, бироз кеккайиб қолган. Шунга қарамасдан одамгарчилигини йўқотган эмас. Хуллас, қарзининг узилиб кетишида у катта ёрдам берди. Устига-устак, «буни Афиғага айтманг», деб илтимос ҳам қилди. Уни кечир, қизим.

— Йўқ.

— Ўйлаб кўр. Ёшлик қилма. Пулдор одамнинг паноҳида бўлсанг, жазирамада улкан бир чинорнинг соясида ўтиргандай роҳат қиласан.

— Хола, қўйинг, ўша одамни менга гапирманг. Агар... агар билсангиз... ўзимни ўлдирмоқчи бўлганимга асосий сабабчи ўша одам! Мен уни севиб, унга жоимини ҳам беришга тайёр бўлиб юрганман. У бўлса... асли қанақа одамлигини кўрсатиб ўтирибди.

Шу лаҳзада Шаҳина хоним йиллар давомида англаган бир ҳақиқатини юракдан чиқариб айтиб юборди.

— Асли бунақа эмас. Асли у яхши, тоза одам. Ҳозир бузилган, қизим. Пул, мол-давлат бузган уни. Бойлик ҳар қандай эр-какни бузади. Баъзилари эса чандон бузилса-да, асл қиёфасини сал-палгина сақлаб қолади. Эҳтимолки, пайти келиб буткул аслига қайтар...

— Ана ўшанда гаплашамиз. Ҳозирча у кишининг номини ҳам эшитишни хоҳламайман, — деди Афиға қатъий қилиб.

Холаси бошқа гапирмади.

Мана, Шаҳина хонимнинг муҳташам «кулбаи вайрон»сида шоҳона зиёфат авжида. Дастурхон чунонам тўқиски, унда анқо қушининг тухумидан ташқари сути ва гўштигача муҳайё этилган. Давра қатнашчилари — Шаҳина хонимнинг қадрдонлари. Улар орасида Афиға танийдиганлари саноқли. Бири Олчахон. Унинг ҳақиқий исмини кеча холасидан эшитди. Илгари у билан бир неча марта учрашган, ҳатто бирга ичишган бўлса-да, азбаройи хушламагани боис астойдил очилиб гапиришмаган. Энди эса... Афиға касалхонада чиқарган кулосаси, қабул қилган қарори боис фикру зикру шу аёлда бўлиб қолган. Бугун ҳам уни интиқ кутди. Аксига олиб Олчахон зиёфатга кечроқ келди. Хоним бошқа меҳмонлар билан банд бўлгани боис уни Афиға кутиб олди. Очиқ чеҳра билан ўпишиб кўришиди. Олчахон бу ҳолатдан ҳайратта тушганини яшириб ўтирмади:

— Во-ой, Афиахон қоқындык, ўзингизмисиз, опоч бўлиб кетдингизми? Шунақаям очилиб кетибсизми, тфу-тфу, кўз тегмасин. Келинг, яна бир марта бағримга босай! Оҳ-оҳ, қадди-қоматингизни қаранг. Эркак бўлганимда-ку, умримни оёқларингиз остида ўтказган бўлардим.

— Ҳай-ҳай, дугон, нармодалик қилиғингни менинг қизимга қилма, оҳорини тўкиб қўясан, — деди меҳмонхонадан чиқиб келган Шаҳина хоним у билан ўпишиб кўришар экан.

Кулишдилар. Кейин ҳаммалари меҳмонларнинг олдига кириши. Зиёфат аҳли асосан бозорчи аёллар. «Илгарилари холамнинг меҳмонлари аксар эркаклар бўлгувчи эди. Энди худо инсоф берибди шекилли», деб ўйлади Афифа. Зиёфат жараёнини кузатиш баробарида бу фикридан қайтди. «Ўша-ўша, букурини гўр тузатади», деган хуносага келди. Хонада шўх мусиқа садоси янграб тураг, дастурхондаги турфа хил ичклик тўла шишелар бирин-кетин бўшаб борар, кулги, қийқириқ авжига минар, меҳмонлардан айримлари бир-бирининг белидан ушлаб, қийшанглаб рақс тушар, қайси биридир балконнинг очиқ эшиги ёнидаги оромкурсига ўтириб тамаки чекар, баъзи бирлари кенг хонанинг турли бурчакларидаги диван, оромкурсиларга икки-уч нафардан ўтириб олиб, турли миш-мишлару гийбатларни муҳокама қилиб, бир-бириларининг биқинларидан чимчилаб, қитқир-қиқириқ кулишар, хуллас, ачқимтил ҳидга қоришиқ, рутубатли, ноҳуш бир манзара зоҳир эди.

— Юринг, тоза ҳавода бироз айланиб келамиз, — деди Афида Олчахонга.

— Юрақолинг, ўргилай, — ўрнидан қўзғалди хоним. Чамаси хонадаги диққинафас муҳит унинг ҳам баъдига урганди. Улар зиналарни бир-бир босиб пастга тушишди.

Оқшом салқин, куз бошланмоқчи экани сезилади. Хоним Афиғани кўча адогидаги хиёбон сари бошламоқчи бўлди.

— Йўқ, бу ёққа юрамиз, — деди Афиға тескари томонни кўрсатиб. У тунов куни тунда дори ичиб, ўша хиёбон сари интилганини эслаб, юраги фаш бўлди. Тескари томонда эса қайси-дир вазирликнинг муҳташам биноси қошидаги фавворадан тизимлаб сув отилиб тураг, теварагида гуллар экилган, йўлкасига чиройли сопол кошонлар терилган бўлиб, кишининг баҳри дилини очар эди.

— Анови фонтан ёнидаги қаҳвахонада ўтириб, нафас ростлаймиз, — деди Афиға.

— Майли, юринг, — деди хоним. — Чиройли, шинам жой экан. Ўша томонга юрдилар. Форам ҳаво Афифанинг вужудини тингчлантириди.

— Қитдай-қитдай конъяк буюрайми? — деб сўради Олчахон.

— Йўқ, ичмайман, — деди Афифа қатъий.

— Во-ой, ўтган сафар яхши олган эдингиз-ку.

— Жигаримни авайлашим керак, опа. Келинг, яхшиси шарбат ичиб, гапиришиб ўтирайлик.

Шарбат келтирилди. Бироздан сўнг Афифа шошилмасдан гап бошлади.

— Олчахон опа, мен сизнинг тақлифингиз ҳақида кўп ўйладим, — деди у ўриндиқقا ёнма-ён ўтирганларидан сўнг. — Жўяли тақлиф экан.

— Вой, розимиз, борасизми? — деди ҳовлиқиб Олчахон. — Кеча холангиз: «У гапларга ўрин қолмади, қарз узилди», дегандек бўлувди-ку.

— Гап фақат қарзда эмас. Аслида-ку гарчи кечилган бўлсада, қарз ҳам ҳамон менинг бўйнимда. Гап шундаки... яна бир бор мусоғирчилик таъмини тотиб кўргим келяпти. Ўтган гал чаласи қолган эканми... Хуллас, мен розиман, агар... тақлифингиз ўз кучини йўқотмаган бўлса.

Хоним бир неча дақиқа ўйланиб қолди. Чамаси «бу қиз мени синамаяптими кан мабодо», деб ўйлади. Кейин ўзини бироз тарозига солмоқчи бўлди. Мақсади: бу қиз уни «имога маҳтал, менга муҳтоҷ экан», деб ўйламасин. Аслидаям хоним жа-а унга қараб, маҳтал бўлиб ўтирган жойи йўқ. Ҳозир унинг йўлини пойлаб, хизмат ҳаққини икки баробар қилиб тўлашга тайёр қизжуонлар кўп. «Танлов»дан эса ҳаммаси ҳам ўтолмайди.

— Тақлиф-ку... кучида... Аммо... биринчидан, хорижга бориб ишлаш учун соғлом бўлиш керак. Сиз... сариқ бўлгансиз, бунинг устига заҳарланиб, яна касалхонага тушиб чиқдингиз.

— Соппа-соғман. Сариқнинг енгил шакли бўлган экан. Уч кундаёқ жигарим топ-тоза чиққан. Заҳарланиш эса... дорининг кучи ошқозондан нарига ўтмаган. Катта дўхтирларнинг ўзи айтди. Ишонмасангиз, касалхонадан берган маълумотнома бор. Кўрсатаман.

— Маълумотномани улар наридан-бери қилиб ёзиб бераве-ришади. Шунинг учун яна бир марта диагностика марказидан маълумотнома олишга тўғри келади. Ундан ташқари... ўтган гал

мен айттан бой одамнинг ҳарамида энди жой йўқ. Агар оддийроқ иш бўлсаям майли, десангиз... азбаройи танишлигимиз, яқинлигимиз учун жўнатиб юбораман.

— Қанақа иш бўлса ҳам розиман. Кўча супуришми, ахлат ташишми, ишқилиб, мени бу ердан тезроқ жўнатиб юборинг, жон опа!

— Яхшилаб ўйлаб курганимисиз? Кейин яна баъзиларга ўхшаб озгина қийинчиликка дош беролмасдан «мени алдаб, мажбурлаб жўнатишган эди», деб прокурорга, мелисага шикоят қилиб юрмайсизми ишқилиб?

— Ўйладим. Кўп ўйладим. Ўзим шундай қарорга келдим. Агар зарур бўлса... тилхат ҳам ёзиб бераман.

— Тилхат керак эмас. Сиз ёш бўлсангиз ҳам анча-мунча қийинчилик кўриб, оқ-қорани таниб, тажриба ортиргансиз. Сизга ишонаман. Фақат ҳозирданоқ огоҳлантириб қўяй. Хорижга... бошқа паспорт билан кетасиз.

— Нега энди? Ўзимнинг паспорти бор-ку.

— Ўзингизники менда қолади. Шуниси ишончлироқ, — хоним кулди. — Мабодо қўлга тушиб қамалиб қолган тақдирингизда ҳам, албатта у кунларни худо кўргиллик қиласин, фош бўлмайсиз. Номингизга қора чапланмайди. Чунки ҳибсга олинган аёл Афифа Зокирова эмас, қандайдир.... Фалончихон Пистончиева. Қисқаси, бу иш сизнинг шаънингизни саклаш учун қилинади. Сиз дугонамнинг жиянисиз. Сизни фоҳишаҳонага юбормайман. Олиб борадиган одамимиз сизни оддийроқ, лекин тоза ишга жойлаб қўяди. Бемалол ишлаб кетасиз. Инглиз тилини яхши биласиз-ку. Эҳтимол бирон дўконда сотувчилик қиласиз.

Афифа Олчаҳоннинг гаплари самимий эмаслигини, ичи-ичидан сезиб турарди. Олчаҳон сингари аёллар пул учур бўлса ўз қизини ҳам фоҳишиликка сотиб юборишга ҳозир эканини у яхши биларди. Шунга қарамасдан сир бой бермади.

— Майли, нима қилсангиз ҳам тақдиримни сизга ишониб топширмоқчиман, — деди.

— Йў-ўқ, азизим, тақдирингиз ўз қўлингизда бўлади. Мен сизга жўнаб кетиш ва бориб ишга жойлашишга кўмаклашаман, холос. Демак, тез кунлар миёнасида менга дўхтиран «бутқул соғлом», деган справка олиб келасиз. Ҳозирча ўртамиздаги суҳбатни ҳеч ким билмаслиги керак. Аслида мен бунаقا ишларни йиғишириб юборгандим. Сизга астойдил яхшилик қилиш учун яна бир марта таваккал қилсан-қилибман-да.

— Раҳмат ғамхўрлигингиз учун, опа, — кулимсиради Афифа. Унинг хаёлидан: «шумликда бу аёл ҳоламга ҳам дарс беради», деган фикр ўтди. Зеро, у қиз, жувонларни хорижга бошқа паспорт билан жўнатиш — аслида, уларни аввал бошдан жиноятга шерик қилиб, оғзини юмиб қўйиш, шунингдек, у ёқда ҳуқуқ идораларига арз этиб, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишларига йўл қўймаслик учун эканлигини яхши тушуниб турарди. Бундан ташқари у хонимнинг «оддийроқ иш» деганда нимани назарда тутаётганингини ҳам аъло даражада англар эди. Бу ҳақда у касалмандлик пайтида кўп ўйланган. Аммо... Дарвоқе, яна хорижга кетиш фикри унда илк бор қаҷон пайдо бўлганди? Албатта, ўша мудҳиш оқшом... ўз жонига қасд қилиш фикридан сал олдинроқ шу ҳақда ўйлаган эди. Лекин кейин у бу қанчалик оғир, нечоғлик шармандали чора эканини тушунгган ва ундан кўра ўлганим яхши, деган хulosага келганди. Хўш, энди нега... яна ўша шармандали чорага қайтияпги?

Бу саволга унинг жавоби тайёр эди. «Ахир ўлгани қўйишмади-ку!» Ўлимга рози бўлган одамни ўлгани қўйишмаса, у ҳар қандай разолатга тайёр бўлиб қолади. Чунки унга энди баридир. У ишонган, у топинган кишилар уни инкор этишди. У энди ҳамма аламини ўзидан олади.

— Қаҷон тайёр бўласиз? — орадаги ноқулай сукунатни бузуб сўради хоним.

— Ҳозироқ ҳозиру нозирман. — деди Афифа ҳазил оҳангидава бу ҳазил билан юрагига санчий бошлаган хўрликни енгишга уринди.

— Яхши. Бўлмаса ҳозир меҳмонларнинг олдига қайтиб борайлик. Бугун дам олинг. Эртадан бошлаб сафар тадоригини бошлаймиз.

— Фақат бир илтимос. Менинг жўнаб кетаётганимни танишлардан ҳеч ким билмаслиги керак...

— Албатта. Бу табиий.

— Ҳатто ҳолам ҳам.

— А? Ахир у киши...

— У киши ҳам, илтимос. Унга мен «яна қишлоққа кетяпман», деб айтаман.

— Келинроқ билиб қолса, мендан қаттиқ ранжийди. Ҳар қалай дугонамиз.

— Қўяверинг, тунов қунгина ўзи менга даъват қилиб, қистаб юрганидан хабарингиз бор-ку. Ҳозир ҳам жон, деб турибди-ю,

мен яқында касалхонадан чиққаным учун номига йўлдан қайтармоқчи бўляпти. Фақат илтимос, мени алдамасликка сўз беринг.

— Во-ой, Афиғаҳон, қоқиндиқ, сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? Умримда бирорни алдаган, ҳаққига хиёнат қилган эмасман. Шунинг учун ҳозиргача, худога шукр, соғ-омонман. Аферистлик қилиб, бирорларни алдаб, чув туширганларнинг ҳаммаси қамоқда ётибди, айланай.

— Бўлмаса, сизга ишондим...

— Ишонаверинг, жоним, худди ўзингизга ишонгандек ишоннинг. Сиз ўзи менга ёқиб қолгансиз. Шунинг учун бояги шартнингизни ҳам бажараман. Ҳолангиз ҳеч нарсадан хабар топмайди. Паспортни ҳам ўзимнинг қўлимдан оласиз. Чунки ўзим ҳам вақти-вақти билан ўша ёқа бориб, хабар олиб турман...

Улар зиёфатхонага қайтиб келишганида меҳмонларнинг аксарияти кетиб бўлган, қолганлари ҳам «хайр-хўш» қилиб тушган экан.

— Ҳа, намунча кеч қолиб кетдинглар, совқотмадингми, қизим?

— дея қарши олди Шаҳина хоним Афиғага меҳрибоёнлик кўрсатиб.

— Гап ҳалтгамиз очилиб, лақиллашиб ўтираверибмиз, — деди Олчахон сир бой бермай. Кейин у ҳам хайр-хўш қилди. Кетаётib Шаҳина хоним тескари қараганидан фойдаланиб, Афиғага қараб, қўлини қулоғига қўйиб, ишора қилди: «қўнгироқлашамиз».

Афиға уй ходимасига дастурхон йиғиштиришга ёрдам бергач, кийимларини ечиб, эгнига пахмоқ ҳалат кийди-да, ҳаммомга кирди. Шаҳина хоним ҳаммомни қойилмақом қилиб таъмирлаган. Кенг шинам, деворларига оппоқ кошин қоплаган. Оёқ остидаги эса мовий тусда. Деворга жипс қилиб, тақаб қўйилган ярим доира шакидаги ваннанинг суви виқирлаб қайнаб ётибди: жакузи. Ичига тушиб ётсанг мазза қиласан. Қаршида одамбўйи келадиган улкан тошойна. Афиға ҳалатни илгичга илиб, ваннага тупди. Роҳатланиб кўзларини юмди. «Тўғри қиляпманми?» деган савол бошида чирпирак бўлиб айланди. «Нимасини ўйлайман, нега иккиланаман, ахир», деган фикр билан ўзини чалғитишига уринди. Ваннадан чиққач, оппоқ пахмоқ сочиқ билан артиниш асносида ўзини ойнага солди. Бирдан хаёлига шўх фикр келди: «Ҳали ойдекман, бир қошиқ сув билан ютгудекман, кўрган одамни эсидан оғдирадиган даражада ҳусним, қадди-қоматим

бор, холамнинг гапи тўғри: имкон борида бундан фойдаланиб, ўйнаб-кулиб, қарилїкда асқотадиган тўрт-беш танга пул ишлаб олиш керак, нарёғига худо пошшо...»

Ўзига обдон оро бергач, халатни кийиб, ваннадан чиқди. Меҳмонхона эшигидан мўралади. Холаси қўзойнагини тақиб: «Оталар сўзи...»ни берилиб томоша қилиб ўтирган экан, сезмади. Ўзига ажратилган хонага кириб, каравотга чўзилди. Соғлиғи яхши, боши сал оғришини ҳисобчи олмаганды. Дўхтирнинг айтишича, сайру саёҳат қилиб, яхши дам олса, ўтиб кетади. Бу гап ҳам унинг қарорига мос. Айни муддао. Олчахоннинг айтишича, у борадиган мамлакат Ўрта Ер дengиз соҳилида экан. Афифа Истанбулдалигига денгизни кўрган. Лекин яйраб чўмилишига, ҳордиқ чиқаришга фурсати бўлмаган. Энди эса... у фақат хушҳаво жойларда яшashi, ишлаши ва дам олиши кепрак. Аҳмоқ бўлиб, шунча қийналиб юрганлари етар. Орттиргани — сариқ касал бўлди. Муқимхоновга раҳмат, уни ишлашга қўймай ерни тортиб олдиргани учун. Йўқса юарди-да яна жигари эзилиб. Унақада ажалидан беш кун бурун ўлиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.

Афифа кулиб қўйди. «Ўлишни истамас экансан, дори ичиб юришингга бало бормиди». Кейин у Муқимхоновни ўйлаб кетди. «Ёмон одам эмасди, гарчи... Менга шунча азоб берган бўлса ҳам, шўрлик, энди умри қамоқда чирийди. Гарчанд... Янаям ким билади, балким бир-икки йилга қолмай чиқиб келар, пора бериб, пули кўп-ку. Пул нималар қилмайди. Пул керак бўлса, менин иродали одамни буткул ўзгартириб юборади. Субут акамдай одам ҳам пули кўпайганидан сўнг тамоман ўзгариб кетди-ку. Бузилиб кетди. Холасининг айтишича, ўн-ўн бештacha ўйнаши бор экан...» Афифа бошда холасининг гапига ишонмаганди. Тунов кунги воқеадан сўнг ишонди. Холаси кеча «Субутни ҳам чақирайликми», деган гапни атайлаб айтганини Афифа энди тушиуни. Фақат аёллар айтилган жойда у нима қиласди? Ёки... шунақа — хотинлар даврасида ҳам ўтирадиган бўлиб кетгандир. Бир пайтлар икковлари ижарада яшаб, оч-яланғоч юрган кезларда нақадар баҳтли эдилар. Субут ўша пайтлар нуқул ба-ланџпарвоз гаплар гапирад, «ҳали кўрасан, буюк ижодкор бўлиб кетаман, пул, молу давлат, шоҳона ҳаёт оёғинг тагида хазондай тўшалиб ётади, биз эса яна ҳам юксак довонларни кўзлаймиз, ажабмаски, мен ўзбеклардан биринчи бўлиб «Нобель» мукофоти-

га тавсия этилсам» дерди. Энди эса... тунов кунги суҳбатлар чоғида аён бўлдики, унинг ҳам фикри-зикри пул топишу фойда олиш. Ўша куни Афифа унинг гапларидан ҳафсаласи пир бўлганини яширган, номигагина: «тўғри айтасиз, тўғри айтасиз», деб турганди. Шу топда ўйлаб қараса, Субут чиндан ҳам тўғри айтган экан. Замона зайли шу бўлиб қолибди. Пулинг бўлса, одам қаторига қўшилиб юрасан. Пулинг бўлмаса, қул, чўри, қашшоқ, гадосан. Пулинг бўлса, холангга ўхшаб мановинаقا тўкин зиёфатлар беришинг мумкин. Шаҳарнинг «манаман», деган оғзи катта аёллари келади. «Хулқи унақа эди, автори бунақа эди», деб суриштириб, ижирғаниб ўтиришмайди. Пулинг бўлмаса, ҳарчанд имонли, ҳалол-покиза бўлиб, юрганинг ҳеч ким сафга қўшмайди. Аксинча, масхара қилади, устингдан кулади, ижирғаниб қарайди. Пулим кўп бўлса, Субут акамнинг олдиди ҳам тилим қисиқ бўлмайди... «Пул топиш керак. Жонингни жабборга бериб, имонингни дажжолга топшириб, виж-донингни сотиб бўлса ҳам пул топиш керак. Кўпчилик шундай қиляпти. Пул топиб, ҳамёнингни тўлдирганингдан кейин кўкрагингни баланд кўтариб юрасан. Қаерга борма, қайга ишинг тушмасин, дар қолмайсан. Хоҳлаган пайтинг, хоҳлаган ишинингни қиласан, дунёнинг шаҳарларини, мамлакатларини, энг чиройли шаҳарларини томоша қиласан, энг муҳташам дўконларга кириб, энг сўнгти русумдаги кийим-кечакларни харид қиласан, сийму зарга ботиб юрасан. Ҳаётнинг гўзаллигидан, ҳузур ҳаловатидан баҳраманд бўлиб яшайсан. Ана шунда... ўлсанг ҳам армонинг қолмайди...»

Ширин хаёллар оғушида ширин уйқуга кетди. Кейинги ойларда биринчи марта тани ҳузурланиб, тўйиб ухлади.

Эртасига тушга яқин, Шаҳина хоним уйда йўқ пайти Олчахон қўнгироқ қилди.

— Бир ҳафталардан кейин йўлга чиқасиз, эртага холангиздан паспортингизни олиб, кечқурун меникига келасиз. Унга ўзингиз билан келишганимиздек: «қишлоққа кетялман», деб айтинг.

— Паспортим сиздамасмиди?

— Йўқ. Холангизда...

«Шум кампир», деди Афифа холасидан ижирғаниб. — Берармикан?

- Дарвоқе, мен ақалли икки-уч кунга ростдан ҳам қишлоққа бориб келмасам бўлмайди.
- Майли, бориб келинг. Қайтишда тўғри меникига келасиз-да.
- Хўп бўлади.
- Хола, энди, бир рухсат берсангиз. бир қишлоққа бориб, дам олиб келсам. — деди Афифа кечқурун хоним қайтиб келгач.
- Жудаям яхши, қизимжоним.
- Айтганча паспортни берасизми?
- Албатта, албатта, жоним, — хола бир сўз демасдан ичкари хонага кириб кетди ва паспортни чиқариб берди.
- Эртага пешиндан кейин жўнайман.
- Майли, жоним, онангларга салом айт.
- Эртага дедим-ку, ҳали бир кун бор.
- Хўп...
- Холасиникидаги охирги тунни Афифа ички бир ҳаяжон таъсирида, алоқ-жaloқ тушлар кўриб, деярли уйқусиз ўtkазди. Эртаси куни қишлоққа жўнашдан олдин Пўлатовга қўнғироқ қилди.
- «Учбурчак» қаҳвахонасида учрашайлик, — деди терговчи овозидан ҳаяжонланаётгани сезилиб.
- Қачон? Мен тушдан кейин қишлоққа кетаётгандим...
- Ҳозир келақолинг...
- Ўн дақиқадан сўнг улар хиёбон яқинидаги шинам қаҳвахонада қайноқ ва хушбўй қаҳва ичиб, рўбарў ўтиришарди.
- Бўлди, жиноий ишёпилди, — деди Пўлатов.
- Раҳмат сизга...
- Қуруқ раҳматнинг ўзи билан қутилмайсиз, — деди тиржабиб Пўлатов. — Тузукроқ ресторонда зиёфат қилиб берасиз. Аниқроғи... мен зиёфат қиласману сиз ўз ташрифингиз билан мени баҳтиёр этасиз.
- Майли-ю... қишлоққа кетяпман-да.
- Қайтиб келарсиз бир-икки кунда.
- Қайдам... ишларим кўп.
- Нима иш экан? Ахир у ерда қиладиган ишингиз қолмаган, шекилли?
- Сизга... айтгандим-ку биринчи суҳбатимиз чоғида: паспортим йўқолган, деб. Ўшанга... янги паспорт олишим керак.
- Шуми? Э-э, уни ўйламанг! Бекат туман мелисаси паспорт бўлими раҳбари оғайним бўлади. Қўнғироқ қиласман. Янги паспортни бир кунда ёзиб беради.

— Вой, шунақами? Унда тезроқ қўнгироқ қилинг.

— Ҳозир... Ҳа, айтганча, мен ўша куниёқ паспортингиз йўқолгани ҳақида тегишли жойларга хабар қилганман. Қидирилган. Топилмаган. Бу ҳақда маълумотнома ҳам юбораман Бекатта.

Афифа қишлоқда уч кун турди. Пўлатовнинг оғайниси чиндан ҳам янги паспортни икки кунда тўғрилаб берди. Пўлатов маълумотномани факс орқали юборибди. Шунга қарамай яна бир неча қофозларни тўлдиришга, жарима тўлашга тўғри келди.

— Раҳмат,— деди Афифа яп-янги ҳужжатни қўлга олар экан. Шу топда: «Йўқолган» паспортим сумкамнинг ичидаганини билиб қолишса, нима деган одам бўламан», деб ўйлади. Бу иши учун бир чимдим пушаймон ҳам қилди. Кейин кўнглида «худонинг ўзи кечирсин», дея туман милиция бўлимини тарқ этди. Паспортнинг янгисини ҳеч ким тополмайдиган қилиб бекитишини ўйлади.

— Ҳозирча ҳеч кимга айтманг. Кейинроқ отам билан акамга ўзингиз тушунтиарсиз, хорижга ишлагани кетяпман,— деди онаси.— Сизларга пул жўнатиб тураман.

— Яна ўша... Туркиягами? — деб сўради онаси маъюслик билан. У қизини қайтаролмаслигини тушуниб турарди.

— Шунақа, шекилли. Ҳозирча аниқмас. Боргандан сўнг қўнгироқ қиласман.

— Қайда бўлсанг ҳам омон бўл, болам,— деди она ноилож.

Тўртинчи куни Афифа шаҳарга қайтиб, тўппа-тўғри Олчаконнинг уйига йўл олди.

Олчаконнинг икки қаватли данғиллама ҳовлиси шаҳарнинг янги бойлар туралидиган «Тутзор» мавзеида экан. «Одамлар одам-фурушилик қилиб одамдай яшаб юрибди», деди ичидаганини Афифа ва хаёлига келган сўз ўйинидан завқланиб кулимсираб қўйди. Беихтиёр бир пайтлар ўзи яшаган «қора қаср»ни, Субутни, Зоҳидийни, Муқимхоновни эслади. Ҳа, Субутни ҳам улар қатори шунчаки, ҳиссиз, ҳаяжонсиз эслади. «Ўшанда данғиллама кошонадан осонгина воз кечиб юборганим нотўғри бўлган», деб қўйди. Кейин ўзига тасалли берди: ҳечқиси йўқ вақти келиб бундан ҳам муҳташам, бундан ҳам кўркам кошоналарга эга бўласан. Энг муҳими, танлаган йўлингдан қайтма...»

Дарвозани Олчахоннинг ўзи очди. Қучоқлашар экан, негадир гуноҳкорона илжайиб қўйди. Афиға унинг сабабини ичкарига киргач тушунди.

Остона ҳатлаб ичкарига кирап экан, ҳайрат ва аламдан карахт бўлиб қолди. Олчахоннинг шинам меҳмонхонасида диван устида семиз оёқларини олчайтириб... холаси — Шаҳина хоним ўтирар эди. Афиға салом-алиқдан сўнг ортга бурилиб, чиқиб кетмоқчи бўлди.

— Ҳай қиз, ўтири мана бу ерга, — деди холаси тиржайиб. — Ҳамма шумлигингдан хабарим бор. Аммо-лекин хафа эмасман. Ўзимга ўҳшагансан-да, ўжарсан. Мустақил иш қўлмоқчи бўлибсан. Майли. Мустақил, дадил бўлганинг яхши. Қайда бўлсаям йўлингни топиб кетасан.

Афиға жаҳл билан Олчахонга қаради. У айбдорона елка қисди.

— Үнда айб йўқ, — деди хола. — Мен ўзим... қадам олишингдан сезгандим. Қарзинг узилиди, деган гапга ҳам эътибор бермадинг. Энди очиғини айтай: қарзингни тўла-тўқис Субут аканг узди.

— Қайтариб беринг пулини. Керак эмас. Мен эсам... қарзими худди сизлар айтгандай фоҳишалик қилиб узман.

— Ҳеч ким сенга фоҳишалик қиласан, деган эмас, ҳай қиз, сен менга аччиқ қилма.

— Ахир ўзларингиз бирга айтгансизлар-ку... хориждаги бойнинг ҳарамига каниз бўлиб борсанг, қарзингдан воз кечамиз, деб. Тўғрими? Айтганимисиз? — деб сўради у Олчахонга ўтирилиб. Олчахон индамади.

— Айтган бўлса, айтгандир, энди Субут аканг қарзингни узгандан кейин ўша гап кучини йўқотди. Тамом. Энди ҳеч қанақа ҳарамга бориш шарт эмас.

— Қайтариб беринг, ўша пулини, деяпман-ку.

— Нодонлик қилма. Бир дунё пулни яна қайтариб берадиган аҳмоқ йўқ. Мабодо... сен хорижга кетишга қатъий аҳд қилган бўлсанг, ўша пулнинг бир қисмини онангта юбораман. Рўзгорини эплаб турсин. Субут аканг учун ҳозир пул... кўчадаги хазондай гап. Лекин сен барибири ундан пул олишга ор қилаётган бўлсанг... бойвучча бўлиб қайтиб келганингдан сўнг... башарасига отасан. «Мен холамга пул берганингиздан бехабар эдим», деб айтасан. Маъқулми?

— Майли, фақат ҳозирча бу сирни ҳеч ким билмасин.
— Албатта, албатта, — деди хола. — Ақлымни еганим йўғ-у. Ҳаммаси Олча опанг билан иккимиз ўртамиздаги сир бўлиб қолади. Қайтиб келганингдан сўнг ўзинг ҳеч кимга муттаҳам бўлмасдан тадбиркорлик қиласан. Шахсий дўконми, дорихонами, сартарошхонами очасан. Пулнинг ўзи оқиб келиб ётади. Қариганда ҳеч нарсага зориқмайсан...

Кейин хола кетди. Кетаётиб Афифа билан қайта-қайта қучоқлашиб хайрлашиди. Бироз йиғлаб ҳам олди.

— Эҳтимол ҳалиям... қайтарсан фикрингдан, — деб сўради.
— Йўқ, — деди Афифа қатъият билан.

Хола кетди. Афифа билан Олчахон ёлғиз қолишиди.

— Холамга айтиб бекор қилибсиз, — деди Афифа ўпкалаган оҳангда.

— Айтмагандим. Ўзи исковуч итдек бир нарсанинг ҳидини олган шекилли, кутилмаганда кириб келди. Сизни огоҳлантиришга улгурмадим.

— Майли, қайтанга яхши бўлди. Ҳаммаси очиқча, ошкора юз бергани яхши. Холам ҳам, яна... баъзи бир кишилар буни аниқ билсин, билиб қўйсин...

Шу тоғда миясида бир фикр чақмоқдек ярқираб кетди. «Ҳа-я, нега шу пайтгача бу ҳақда ўйламаган эканман», деди беихтиёр овоз чиқариб. Кейин ўзини қўлга олди. «Ўша масалани ҳали қилиш керак, акс ҳолда бўйнимда қолиб кетади», деб ўйлади. Кейин хонимнинг юзига хотиржам боқиб деди:

— Айтганча, менинг бир-иккита учрашадиган жойларим, бит-казадиган ишларим бор эди. Шуларни ҳал қилиб келишим керак.

— Қоронги тушиб қолди-ку эртага қилсангиз бўлмайдими ўша ишларни? Йўқ, майли, бориб келақолинг. Анови... чопаримиз эртага келиб, «буғун жўнаймиз», деб қолиши қам мумкин. Мен ҳозир такси чақираман, тез-тез бориб, ярим кечага қолиб кетмай қайтиб келинг.

— Хўп бўлади.

* * *

Афифа хонимницидан чиқиб таксига ўтириди-да:

— Шаҳар марказига ҳайданг, — деди. «Ҳозир олдига бориб... «Эмиратга фоҳишалик қилгани кетяпман, талофимни беринг», дейман. Табиийки, у ҳайрон қолади. «Қанақа талоқ», дейиши

ҳам мүмкін. Ү — замонавий одам. Ажралиб кетишаётгандарыда «уч талоқ», демаган. Юзма-юз бўлмаса ҳам, лоақал адвокат орқали «талоғини бердим», деб айтиб юбормаган. Қонунан ажралидик, бўлди, деб ўйлаган. Ҳолбуки, ҳув ўшандада, илк бор қовушишларидан олдин, ЗАГСдан чиқиб шаҳар чеккасидағи масжидлардан бирига боришиб никоҳ ўқитишган. «Ҳам қонуний, ҳам шаръий хотиним бўлишингизни хоҳламайман», деганди Субут. Ўша пайтлар у бошқача эди. Кейин... кейин эса, ҳатто талоқ қилиш ҳам эсидан чиқди...»

Машина шаҳарга яқинлашганида иккилана бошлиди: «шартми шу? Барибир ҳам ажралиб кетганимиз-ку». «Шарт! — деди ички бир овоз. — Унга ҳаммасини очиқ айтасан...»

Кўнглининг бир четида эса Субутни қаттиқ соғинганини, шу топда ниманидир баҳона қилиб уни кўргиси келаётганини англаб турар эди.

«Ишхонасида бўлмаса-чи? Ёки анови... «хўжайка»си билан шакаргуфторлик қилиб ўтирган бўлса-чи?...»

Нима бўлса ҳам боради. Агар... қучоқ очиб кутиб олса, бағрига босиб, «ҳалиям ўша пайтдагидай севаман, тунов кунги воқеа бошқа тақрорланмайди, кечиринг», деса Афифа уни... кечиради. Ахир холасидан олган ўзига айтмай узиб юборганини ўзи Субутнинг унга бўлган муносабатда қанақа эканлигини кўрсатмайдими? Холаси бўлса: «Қўрққанидан шундай қилган», деб тушунтиromoқчи бўлади. Субут нимадан кўрқади? Афифа ўз жонига қасд қилгани учун Субутни айблашлари мумкинлигиданми? Йўқ. Субут ўша кунги ишни Афифани яхши кўргани учун қилган. Афифа уни кечириши керак. Ахир... ўзи ҳам бир пайтлар унга хиёнат қилиб, Муқимхонов билан учрашганида... Субут сезиб қолган бўлса ҳам... индамаган, хатосини тушунишга имкон берган-ку.

Субутнинг ишхонаси — хиёбон яқинидаги муҳташам иморатга етиб келганида соат ўн бешта кам олти бўлган экан. Дарбон уни хушмуомалалик билан кутиб олди.

— Ҳозир қабулхоналарига қўнгироқ қиласиз, — деди. Бир зумда гаплашди ва:

— Ўзлари тушар эканлар, — деб, жилмайиб қўйди. Афифа ҳаяжонланди. «Анови кўрмасин», дедимикан деб ўйлади. Ташқарига чиқиб, қизиб кетган юзини куз эпкинига тутди. Хиёбон томонидан шабада аралаётган анвойи ҳидлар ҳислари-

ни қитиқлади. Күзларини юмди. Бир пайт елкасига теккан иссиқ кафт ҳароратини сезиб, чүчиб тушди. Ўгирилиб, қаршисида жилмайиб турган Субутни күрди.

— Ассалом, — деди.

— Ваалейкум, — деди Субут. — Хуш келибсиз. Қани, ичкарига марҳамат.

— Кабинетингизга кирмайман.

— Нега?

— Анови... Бойвучча севгилингиз кўриб, иккимизни ҳам ҳайдаб сазои қилмасин яна.

Субут кулиб қўйди.

— Унда.. қаерга борамиз? Биронта ресторанга бора қолайлик, — деди.

— Ресторанга боришга... қўрқмайсизми? — деб сўради кинояномуз Афифа нега бунақа инжиқлиқ қилаёттанини ўзи ҳам англолмай.

— Оббо-о, қўрқсам ёнингизга тушиб, бу ерда сиз билан гаплашиб ўтирамидим, — деди Субут. — Айтинг, қаёққа, десангиз ўшаёққа борамиз.

— Унда... ўша кунги квартирангизга олиб боринг, — деди кутилмагандаги Афифа.

Субут тушунмади.

— Қайси кунги, қайси квартира? Ўзингиз турган уйгами?

— Йўқ, анови... жононингиз билан айш-ишрат қилиб ўтирган ўйингизга. Ўша уй ҳам ўзингизники-ку шундайми?

— Нега энди айнан ўша квартирага? — деб сўради Субут бироз энсаси қотиб.

— Жиноят изларини қидирамиз, — деди Афифа кулиб. Кейин жиддийлашиб, Субутнинг кўзига тикилди. — Негадир ўша жойга боргим келяпти. Чиройли квартира экан. Ўша куни яхшилаб кўриб ололмадим.

— Ҳа-а, майли... юринг бўлмаса. Аммо-лекин айтиб қўяй, ўшанда... Сиз ўйлагандай айш-ишрат бўлган эмас. Шунчаки иш юзасидан гапиришиб ўтиргандим.

— Иш юзасидан... ҳаммом халатда ўтириб гаплашаркан-да. Қўйинг...

— Майли, юринг, машинага чиқайлик.

Машинага минишди. Субут ҳайдовчига манзилни айтгач, қаергадир қўнғироқ қилди.

— Енгилроқ парҳез таомлардан иборат чиройли дастурхон тузаб, ярим соатдан кейин манови манзилга етказинглар, — деб уй ва хонадон рақамини айтди. Кейин Афифага ўгирилиб: — Соғлифингиз буткул яхши бўлиб кетдими? — деб сўради.

— Раҳмат, яхши, — деди Афифа ва ҳайдовчидан истиҳола қилиб бошқа гапирмади. Манзилга етиб, уйга кирганларидан сўнг яна беихтиёр бояги ўпка-гина, киноя оҳангидаги гапларини давом эттириди:

— Бунаقا шоҳона безалган квартиralарни бизларга эмас, «иш юзасидан» гаплашадиган дугоналарингизга кўрсатасиз-да-а?

— Хоҳласангиз, шу квартира бугундан эътибордан сизники бўлади, — деди Субут гапни бошқа ёққа буриб. — Қани ичкарига! Ўзингизни худди уйингиздагидек ҳис қилинг. Мен ҳозир... ювениб чиқаман. Ҳа, айтганча, беш-ўн дақиқада ресторандан овқат олиб келишади. Дастурхон тузаб турасиз-да, майлимни?

— Майли, — деди Афифа ва Субут ваннага кириб кетгач, хоналарни бирма-бир кўздан кечирди. Уч хонали дид билан жиҳозланган квартира. Чиройли мебеллар. «Шу уй сизники бўлади», деяпти. Ҳазил қилаётган бўлса керак. Мабодо номига расмийлаштириб берган тақдирда ҳам... Йў-ўқ, расмийлаштириб беролмайди. Бойвучча маъшуқасидан рухсат ололмайди.

Эшик қўнғироги жиринглади. Очди, иккита оқ тугун кўтарган ёш йигит экан.

— Буюртмани олиб келдим, — деди у. — Дастурхонга ўзингиз қўясизми? Ёки тузаб берайми?

— Ўзим тузайман. Раҳмат. Беш дақиқа ўтириб туринг, у киши ҳозир чиқиб, ҳисоб-китоб қиласди.

— Ҳисоб-китоб шарт эмас, у кишининг ҳисоб рақамларига ёзилади. Мен кетдим.

— Ундан бўлса хайр.

Залдаги чиройли стол устига дастурхон ёзиб, безашга киришиди. Бирордан сўнг Субут чиқиб келди. Эгнида... ўша халат.

— Хоҳласангиз сиз ҳам ювениб чиқинг, унгача мен чой тайёрлаб турман, — деди у.

— Мен... тозаман... баъзилардан фарқли ўлароқ, — деди Афифа ва шу заҳоти қўнглидан: «бас-да энди, ҳадеб заҳар сочаверасанми», деган фикр ўтиб, мулойим жилмайган ҳолда қўшимча қилди: — Ҳали қишлоқдан қайтгач, ювениб олгандим. Сиз ўтираверинг, мен ҳозир чойни дамлаб келаман.

Таом сузилди. Тановул баробарида Субут иккита қадаңға «Кагор» деган енгил қызил шароб қуиди. Узатди, Афиға инжилди.

— Бунинг ҳеч бир зарари йүқ. Аксинча құвват бўлади. Эллик граммгина ичинг,— деди Субут.

Афиға тотинди. Шароб озғига хуш ёқди. Яна бир қултум ҳўплади. Қорни оч эмасми, ичини куйдириб, сархуш этди. Тилининг тушови буткул ечилиди.

— Биласизми, мен нега келдим,— деди Субутга хумор боқиб.

— Бундан кейин... умрбод кўришмаслигимиз мумкин. Мен... мен кетяпман...

— Қаёққа? Нега?— ташвишланиб сўради Субут.

— Хорижга. Ишлагани. Пул керак.

— Хорижда нима қиласиз? Бир марта бордингиз-ку. У ёқдаям пулни кўчага сочиб қўйгани йўқ. Пул керак бўлса, шу ердаям топиш мумкин. Ишга кирасиз. Қўшимча бизнес қилиш ҳам мумкин. Ўйлаб кўринг.

— Ўйлаб? Нимани ўйлайн? Ҳа, айтганча, қарзимни узишни ўйлаб, ғамхўрлик қилганингиз учун раҳмат, лекин холамга бекор пул берисиз. Уни биласиз-ку.

— Ўзингизга беришга ботинолмадим. Олмайсиз, деб қўрқдим. Касалхонада қабул ҳам қилмадингиз.

— Ҳали жаҳлимдан тушмагандим.

— Энди тушдингизми ишқилиб?— деди Субут ўрнидан туриб, унинг ёнига ўтириб, белидан ушлади. Баданида таниш қўл ҳароратини ҳис этиб, Афиғанинг бўғинлари бўшашиди.

— Тушганим йўқ,— деди у мажолисизлик билан ихтиёrsиз равищда Субутга суюнار экан.— Лекин... охирги марта бир дийдорингизга тўяй деб...

— Нега энди охирги марта?— деб шивирлаб сўради Субут уни авайлаб бағрига тортар экан.— Ҳеч қаёққа кетмайсиз, ҳар куни бирга бўламиз. Мен сизни севаман. Сиз ҳам мени севасиз. Ўтган ишлару галларга саловат...

Кучоқлашган кўйи ётоқхона сари йўналишди. Кенг каравот қиррасига ўтиришди. Афиға шу топда ҳамма нарсани унугиб, ихтиёрини Субутга буткул топшириди. «Софиндим, жудаям соғиндим, қийналиб кетдим, биласизми», деди шунинг баробарида йигитнинг дағал сочларини гоҳ тортқилаб, гоҳ силаб. Кейин унсиз йиғлаб юборди. Кўз ёшлари ёстиқни ҳўл қилди. «Энди соғинтирмайман, сиз ҳам соғинтирманг, ўйламай иш қилманг»,— деди

Субут. «Кошкийди», — деди Афифа. Бироздан сұнг, Субут ёнига ҳорғин чўзилиб, кўзларини юмар экан: «Албатта, албатта яхши бўлади», деди.

Кейин узоқ вақт гаплашиб ётишди. Кўпроқ Субут гапирди. Ўзини оқлашга уринди. Ваъдалар берди.

— Вақти билан ҳаммаси яхши бўлади, уйни ҳам ишни ҳам ҳал этамиз, фақат сиз сабр қилинг, шошма-шошарлик билан иш тутманг. Доимо бирга бўламиз.

— Сиз... Сиз энди мен билан бирга бўлолмайсиз, — деди Афида надомат билан хўрсиниб.

— Нега энди?

— Чунки ихтиёргиз... ўзингизда эмас. Сиз мен билан аҳён-аҳёnda учрашиб туришингиз мумкин, холос. Шунда ҳам яширинча.

— Адашяпсиз. Мени биласиз-ку. Эркакликни ҳамма нарсадан устун қўяман.

— Ҳар қалай сиз ҳаммасидан воз кечиб, мен билан кетолмайсиз-ку? Шундай эмасми?

— Қаёққа кетишимиз керак?

— Қаёққа бўлсаям майли. Бошимиз оқсан томонга.

— Биз ёш бола эмасмиз, Афида, нега энди юришиб турган ишни ташлаб, яна қайгадир кетиш, ҳаммасини қайтадан бошлиш керак экан? Шунча қийналганимиз етмайдими? Қашшоқлик қанақалигини киму-ким, сиз билан мен яхши биламиз-ку...

— Сизнинг бойлигингиз ўзингизники бўлса кошкийди, бирвларнинг орқасидан... уларга қарам, хизматкор бўлиб, бойлик орттиргандан кўра қашшоқ яшаган афзал.

— Китобий гаплар булар ҳаммаси, Афида, сиз қанақа қарамлик, қанақа хизматкорлик ҳақида гапиряпсиз? Мен Фариза билан эмас, унинг отаси билан шерикчиликда бизнес қиляпман, холос. Бизнесда ким биландир шерикчилик қилмаса, кимгадир суюниб, унинг ёрдамида фойдаланмаса, аниқроғи, сизнинг сўзингиз билан айттанда, кимгадир хизмат қилмаса бўлмайди. «Лўлининг эшагини сугориб, пулини ол», деган нақдни бекорга айтишмаган...

Шу чоқ Субутнинг тумбочка устида турган қўл телефони жиринглаб қолди.

— Ким экан ярим кечада ўзиниям, бирвларният безовта қилаётган, — деди Субут хушламай.

— Олманг, керак бўлса, эрталаб яна қўнгироқ қилар,— деди Афида, телефон эса бетўхтоз жиринглайверди.

— Оббо-о, олиб беринг бу ёқقا, ўчириб қўямиз,— деди Субут.

Афида телефонни олиб берди. Субут телефон экранидаги рақамни кўриб, саросималанди. Бир зум на жавоб беришни, на ўчиришни билмай, иккиланиб турди. Афида сезди.

— Ўшами? Жавоб беринг, яна эртага олдига солиб қувламасин,— деб чақиб олди.

— Афида, киноянинг ўрни эмас ҳозир. Ишга алоқадор бирон фавқулодда ҳодиса юз берган бўлиши мумкин. Акс ҳолда... у кечаси соат иккита қўнгироқ қилмасди.

Афида индамади. Тескари ўғирилиб ётди. Субут телефоннинг яшил тугмасини босиб, қулогига тутди.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўради. Кейин бир лаҳза нафаси ичига тушиб, жим қолди. Сўнгра овозини имкон қадар пасайтириб, ялинган оҳангда гапирди: — Ҳозирми? Соат икки-ю! Ҳозир боролмайман. Эрталаб гаплашамиз. Илтимос. Ўзингизни босинг. Нима? Нега ёмон бўлади? Дўхтир чақирмадингизми? Бўпти, ҳозир етиб бораман.

— Нима бўпти? Ўладиган аҳволда эканми? — деди Афида.

Субут индамай ўрнидан туриб чироқни ёқди ва кийина бошлиди. Бироздан сўнг кулимсираб, ниҳоятда мулойим овозда: — Юраги ёмон бўлаётган экан. Яна... айтганингиздай... ўлиб-кешиб қолмасин. Зув этиб бораману, хабар олиб қайтаман. Сиз bemalol дам олиб ётаверинг хўпми? Фақат... фақат мени тўғри тушунинг. Бояги гапларим ҳаммаси кучида. Бу масалани... яқин кунлар ичиди бир ёқли қиласман. Худди сиз айтганингиздай... эркин яшаймиз, эҳтимол бирон жойга кетворармиз ҳам...

Афида индамади. Шу топда мунозарани давом эттириб ўтиришга тоби-тоқати йўқ эди. Субут кийиниб бўлиб, эшик сари юрган чоғда сўради:

— Калитни қолдирасизми? Уни кимга бериб кетай?

— Ҳеч кимга бериш шарт эмас. Кетиш ҳам керак эмас. Энди шу ерда яшайверасиз. Кечқурун учрашамиз.

Афида сакраб ўрнидан турди. Чопиб бориб, Субутнинг бўйнига осилди.

— Кетманг, Субут ака. кетманг, илтимос, мени десангиз... бормайсиз! Ўлса-ўлиб кетсин ўша! Кетманг, жо-он Субут ака!

— Бормасам бўлмайди, Афида. Иложим йўқ.
— Иложингиз бўлмаса... Менга ҳозироқ «уч талоқсан», деб айтиб кетинг. Мен ҳам озод бўлай.

Субут ажабланди.

— Ажралганимиз-ку. Озодсиз. Талоқнинг нима аҳамияти бор? Биз замонавий одамлармиз...

— Мен эски одамман. Илтимос... «Талофингни бердим», деб айтинг.

— Айтолмайман. Айтишни... хоҳламайман. Чунки сиздан айрилишни хоҳламайман.

— Унда... мен ўзим сиздан айрилиб кетаман. Ортимдан излаб юрманг.

— Ўйлайманки, унақа ножӯя иш қилмайсиз. Сиз ақлли аёлсиз. Сиз билан ҳали қанча яхши кунларимиз олдинда. Айтдим-ку, кечқурун кўришшамиз, деб. Кетиб қолманг, хўпми?

Афида индамади. Субут чиқиб, ортидан зилдай темир эшик шарақлаб ёпилгач, инграпиб йиглаб юборди. Анча йиглади. Йифлаб-йиглаб чарчади. Ўрнидан туриб девордаги соатта қаради. Тўрт. Ҳадемай тонг ёришади. Ўрнидан туриб ваннахонага кирди. Ювинди. Артинди. Кийинди. Эшикни қулфлаб, ташқарига чиққанида ростдан ҳам тонг оқариб қолган экан. Ҳаво салғин. Таксига қўл кўтарди. Ярим соатлардан сўнг Олчахонникига етиб келди.

— Ҳа, намунча, ишларингиз шунча кўпмиди, саҳаргача битказолмасангиз, — деди киноя билан Олчахон.

— Битди, ҳаммасини битказдим. Энди ҳеч кимда ишламади, — деди ички бир хўрсиниш ва ўқинч билан Афида.

— Унда яхши. Кириб ухланг. Шошадиган жойимиз йўқ ҳали, — деди хоним.

Афида у кўрсатган хонага кириб, диван устига солинган ўринга чўзилди. Ухломасдан ўйлаб ётди. «Йўқ, у мени энди қутқаролмайди», дей пичирлади лаблари. Йифлагиси келди. Бироқ йифламади. Кўзига ўш келмади. Қаттиқ чарчаган экан, нонуштага ҳам турмади. Тушга яқин туриб юзини ювди. Хоним залда ўтириб чой ичиб, телевизор кўраётган экан. Бирга тамадди қилишди. Кейин хонимнинг телефони жиринглади. Ким биландир анча гаплашди. Гўшакни қўйди.

— Эртага жўнайисизлар, — деди Олчахон. Қани, паспортни бу ёққа олиб келинг.

Афифа индамай хонасига кириб, эски паспортини олиб чиқиб, узатди. Олчакон ҳужжатни олиб, жавонда турган сумкаси-ни кавлади. Үндан оҳори тўкилмаган бошқа янги, лекин ранги қизғиши тусдаги бир паспорт олиб унга узатди-да. Аифаникини ўзининг сумкасига солди. Афифа ҳам янги паспортни варақлаб ўтирамай сумкасига яширди.

— Шу дақиқадан эътиборан сиз — Ойнур Санарбаевасиз. Мабодо, худо кўрсатмасин, қўлга тушиб қолсангиз... бу пас-портни кўчадан топиб олганман, дейсиз.

— Ўзингизники қани, дейишса-чи? — деб сўради Афифа пас-портни очиб ҳам кўрмасдан сумкасига солиб.

— Ўзингизники йўқолган.

— Тушунарли...

Кечқурун хайрлашув зиёфати бўлди. Хоним «енгилроқ», деб шовла буюрган экан. Мазза қилиб ейилди. Кейин чой ичиб, суҳ-батлашиб ўтиришиди.

— Энди вақтлироқ ётинг, эртага узоқ йўлга кетасизлар, — деди хоним.

Афифа тун бўйи мижжа қоқмади. «Ҳалиям кеч эмас, бу фик-рингдан қайт, — дер эди ички бир овоз. — Субутдан айрилма». «Йўқ, қатъий қарор қилдим, энди аҳдимдан қайтмайман; бу очкўз, одамхўр дунёда... макр-ҳийла билан яшаш керак. Етар шунча гўллик, соддалик қилганим. Энди мен уларга ақл-фаросатимни, айёрлигимни кўрсатишим керак...»

Касалхонада ўтган кунлари давомида Афифа бу ҳақда жуда кўп ўйлаган ва ўзини ҳаётда анча-мунча қийинчилик кўриб, ўқиб олий маълумот олиб, етарли даражада пишиқ ақлли, билимли бўлиб этишган, тажрибали, ҳатто бир қадар айёр аёл, деган хулосага кел-ганди. «Бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади», деган гап бе-корга айтилмагандир», деди ўзича ҳазиломуз оҳангда. Наҳотки мен уч-тўртта очкўз пандавақиларни чув туширолмасам...»

У хорижга борганидан сўнг қандай иш тутишини ўзича ўга пухта режалаштирганди. Режасининг бир неча йўллари ва шакл-ларини ишлаб чиқсан ва мабодо биринчиси ўхшамай қолса, ик-кинчи ёки учинчисини қўллашим мумкин деб ҳисоблар, «стили билсан, ўзимнинг ҳақиқий ҳужжатим қўлимда бўлса, нимадан қўрқаман, ахир Истамбулда шунча вақт бемалол юрмаган-ку», деб ўйлар эди. Аҳён-аҳёnda: «йўқ мен бу ишга Субут акамга аччиқ қилиб қўл ураётганим йўқ» дея ўзини ишонтиришга уринарди.

Тонг саҳар эшик құнғироғи чалинди. Олчахон эшикни очди. Эшик ортидаги ўттис ёшлардаги қорақош қоракүз йигитни Афиға дарров таниди. Бу ўша... қарз ундиришга келиб, таҳдид қилған йигит. Бу сафар у Афиғага ғоят мулойимлик билан жилмайиб, ғамхұрлық оқанғида муомала қылды.

— Соғлиқларингиз яхши бўлиб кетдими?

— Раҳмат, яхши.

— Унда кетдик! Машинадагилар кутиб қолишимасин. Ҳа, дарвоқе, паспортингизни менга бериб қўйсангиз.

Афиға кичкина бўғчасини кўтарганча унга эргашиб, пастга тушар экан, паспортини узатди. Узатиш асносида биринчи саҳифасини очиб, расмига қаради. Ўзиники. Қора рангли «Нексия»нинг орқа ўринидигида бир-биридан кўҳлик, ёши нари борса ўн саккиздан энди ошган икки қиз ўтирар эди.

— Сиз олдинга ўтиринг, Афиғахон, менга гапириб, уйқудан ҷалғитиб кетасиз. Йўл узоқ, одам толиқиб, мудраб қолиши мумкин,— деди йигит.

— Майли,— деди Афиға лоқайдлик билан.

Машина шитоб билан юриб кетди. Орқадаги икки қиз кўзларини жовдираттанча жим кетишиди. Афиға уларга бир-икки борлоқайднигоҳ ташлаб қўйди, холос. На уларнинг исмларини сўради, на ўзиникини айтди. Зерикарли жимлик баробарида қизлар уйқуга кетишиди. Афиға йигитнинг онда-сонда саволларига жавоб бериб борар, «ишқилиб ухлаб қолмасин», дея хавотирланар эди. Тун тобора қуюқлашар, довон йўлидаги машиналар оқими сийраклашиб борар, уларнинг «Нексия»си эса тинимсиз олға интилади.

— Шунча пайтдан бери танишмизу ҳалигача исмингизни билмайман,— деди Афиға йигит кўзларини пирипратаеттани кўриб.

— Отингиз нима, ака?

— Отим Шаҳром,— деди йигит юзини унга бирров ўгириб, кейин яна йўлга тикилди.

— Фалат исм экан, бунақасини илгари эшиitmaganдим,— астайдил қизиқсинди Афиға.— Нима маънони англатади?

— Очифини айтсам, ўзим ҳам яхши билмайман. Маъноси йўқ, шекилли. Акамнинг исми Баҳром эди. Ўшанга уйқаш бўлсин, дейишганми. «Ўзбек исмлари», деган китобни варақлаб кўрдим. Йўқ экан.

— Маъноси бўлмагани ҳам яхши, бир ҳисобда, — деди кутилмаганда маъюсланиб Афифа. — Исиминг чиройли бўлса-ю жисминг унга монанд бўлмаса... одамлар орқаваротдан кулиб юришади.

Шаҳром бир лаҳза сукут сақлаб керишди. Бошини сарак-сарак қилди.

— Уйқу босяпти, лаънати, кеча бир ташвиш билан овора бўлиб, яхши ухламагандим. Сиз... тинмай гапиринг, мениям гапириринг, майлами? Акс ҳолда кўзим очиқ ҳолда ҳам ухлаб қолиш имумкин.

— Шунчалик уйқу босган бўлса, бироз тўхтаб, четта чиқиб, мизғиб олинг, — дея таклиф қилди Афифа.

— Йўқ. Тўхташ мумкин эмас. Белгиланган вақтда етиб бор-масак бўлмайди.

— Сиз охиригача бирга борасизми булар билан ё самолётга ўтқазиб кузатиб юборасизми?

— Охиригача бирга бораман, — деди Шаҳром Аифанинг юзига синовчан нигоҳ ташлаб қўяр экан. — «Кемага тушганинг жони бир», деганларидек... энди биргамиз. Сиз...

Кейин у негадир гапининг ярмини ичига ютиб, чуқур «уҳ» тортди. Такрор-такрор хўрсинди. Афифа хўрсиниш асносида унинг уйқуси бутқул ўчиб кетганини кўрди. «Бу шўрликнинг ҳам ичиди бир дарди бор», деб ўлади.

Ярим тунда қўшни давлат вилоятларидан бирининг марказига етиб келиб, шаҳар чеккасидаги икки қаватли оддийгина меҳмонхонага жойлашишди.

— Мен — Шаҳром Санарбоев, бу киши рафиқам Ойнур Санарбаева, анови икки қиз сингилларим — Руфина ва Зулфина, — деди Шаҳром меҳмонхона маъмурасига паспортларни узатар экан. — Оилавий саёҳат қилиб юрибмиз...

— Ие, — деди беихтиёр овозини чиқариб Афифа. Шаҳром унга ўқрайиб қаради. Хайриятки, маъмура Аифанинг гапини эшитмади.

— Үнда... ҳаммаларингизга битта тўрт кишилик хона берсам бўладими?

— Бўлади, — деди Шаҳром.

Маъмура ҳужжатларни тезгина расмийлаштириб, Шаҳромга калит узатди.

— Иккинчи қаватда. Еттинчи хона...

Шаҳром мўъжазгина жомадонини кўтариб, зина сари йўналди.

— Бир оғиз айтиб қўйсангиз бўларди-ку. — деди Афиға унга етиб олиб, айборона оҳангли паст овозда.

— Опа айтган, деб ўйлабман. Аммо сиз нима бўлгандаям боягидай қилманг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзингизни йўқотиб қўймаслигингиз керак. Хорижга биринчи марта боришингиз эмас-ку.

— Бошқа тақрорланмайди, — деди Афиға.

— Лоақал никоҳдан ўтганимиз ҳақидаги муҳр бор-ку, — деди кулимсираб Шаҳром.

— Никоҳига олган одамнинг ўзи айтиши керак эди-да, — деди Афиға. — Мен қайдан билай.

— Майли, қўяверинг. Ўтган ишга саловат. Мана энди билдингиз. Иккимиз қонуний эр-хотинмиз, Ойнурхон.

Юқорига чиқиб хонага жойлашишгач, Шаҳром:

— Сизлар кийимларингизни алмаштириб, ўринларингизга жойлашиб олгунингизча мен чиқиб келаман, — деб ташқарига йўналди.

Қизлар билан холи гаплашиш имкони туғилгани боис Афиға, шоша-пиша гап бошлади:

— Сизлар қаёққа, нимага бораётгандарингизни биласизларми? Олиб бориб фоҳишаҳонага сотиб юборишади.

— Бошга тушганини кўз кўради, опа. — деди Руфина хотиржам овозда. — Орқага қайтиш ниятимиз йўқ. Омадимиз келиб тузукроқ иш топсак... кейин ўйлаб кўрамиз.

— Қанақа тузук иш? Фоҳишлиқ қиласизлар. — деди хуноб бўлиб Афиға ва Зулфинага қаради. У кўзини олиб қочди.

— Сиз-чи? — деб сўради Руфина унинг кўзига тик қараб.

— Менми? Мен... Мен ҳам, — деди Афиға бўшашиб. Кейин кўлинини силтади: — Тўғри айтасиз. Эҳтимол... омад келиб, баҳти-миз чопиб... тузукроқ бошқа иш топармиз. Майли, келинглар, энди ётиб ухлайлик. Ҳали замон Шаҳром aka келиб қолади. Орамизда-ги суҳбат ҳақида унга галириб юрманлар, хўпми, илтимос.

— Хўп, опа, — деди Руфина. «Ҳар қалай энди виждоним олдида юзим ёруғ. Чунки буларга бор гапни очиқ айтиб, огоҳлантири-дим», деб ўйлади Афиға каравот устидаги чойшабни йиғиши-тарар экан. Айни пайтда Руфинанинг кўзига тик боқиб айтган

сўзлари қулоғида қайта жаранглаб, «бу қизларни алдаб олиб кетишияпти», деган фикридан қайтди. Руҳи тушди. «Нималар бўляпти ўзи», дея пичирлади надомат билан.

Қизлар чироқни ўчириб кўрпаларига киришгач, Шаҳром келди. Чироқни ёқмай ечинмасдан четдаги каравотга чўзилди. Афиғанинг уйқуси келмади. Кейинги кунлардаги воқеаларни бирмабир кўз олдидан ўтказди. Шунинг баробарида миясида: «Тўгри қиллимми?» — деган савол бетўхтов айланди.

6

Стадион лиқ тўла. Ҳали ўйин бошлангани йўқ. Субут кунгай томонда ўтириб «Футбол оламида» газетасини ўқимоқда. Ёнида қора кўзойнак таққан Фариза мўъжазгина дурбин орқали томошагоҳнинг чор атрофини кўздан кечирмоқда. Субутнинг стадионга тушишга ҳам асли у сабабчи бўлди.

— Эргага Ўзбекистон термаси жаҳон чемпионати саралаш босқичида ҳал қилувчи ўйинлардан бирини ўйнайди. Бирга тушиб, томоша қилайлик, — деди у икки кун олдин.

Субут футболгә унча қизиқмайди. Шунга қарамай Фариза нинг раъйини қайтаргиси келмади.

- Майли, тушсак-тушайлик, ким билан ўйнаркан?
- Бирлашган Араб Амирликлари билан.
- А? — бирдан ҳушёр тортди Субут. — Амирлик дейсизми?
- Ҳа, ўзи кичкина давлат бўлса ҳам қаттиқ ўйнайди.

Субут сўнги гапни эшитмади. Хаёлдаги айқаш-уйқаш фикрларни тартибга солишга уринди. «Қизиқ, нима бу? Тасодифми? Ё... Фариза ҳамма гапдан хабардор бўлгани боис менинг устидан кулмоқчи бўляптими», деб ўйлади. Фаризанинг юзига тикилиб қаради. Ҳеч нарса сезмади. Ҳа, бу шунчаки, «тасодиф» дея ўзини тинчлантирди. Аммо-лекин «Амирлик», деган сўз миясини пармалашдан тўхтамади. Жамоалар таркиби билан таништирамиз, — деган сўзлар янгради улкан телевизион мониторли табло устидаги радиокарнайда. — Меҳмонлар, Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси...

Субут яна сапчиб тушди. Ўзи-ку боядан бери шу фикрдан чалғиш учун газета варақлаётганди. Энди яна...

У бир ҳафта олдин яни Афиғани ярим тунда ташлаб, Фаризанинг олдига кетгандан кейин, тўрт соатлардан сўнг Шаҳина

хонимга құнғироқ қилиб, Афифаны суриштірди. Чунки уйға қайтиб келгач, уни тополмай күнглида хавотир үйғонғанди.

— Афиға қаерда? Қачон... энді яраштирасизлар бизларни?
— деди.

Хоним бир лаҳза сукут сақлаб турди.

Сүнгра:

— Шүрім қурсин, менинг, Субутжон, Афиға ўлгур... мени алдаб... Эмиратта кетиб қолибди, — деди.

— А? — чүчиб түщі Субут ва беихтиёр: — жинни бўлганми нима бало, — деб юборди. Кейин ички бир сезги билан жаҳл устида: — Ёки... бўйнига яна янги қарз илганмидингиз? — деб сўради.

— Вой, йў-ўқ, эсимни ебманми, укажон? Ўша чиқиб келган куниёқ, «бўлди, қарзингдан батамом қутулдинг», деб айтганман. Менимча гап қарзда эмас, суриштиридим. У қизнинг хаёли бузилган. «Катта пул ишлаб келиб, одамга ўхшаб, яшашни истайман», деганиши.

— Кимга айтибди шу гапни?

— Бир аёл танишимиз бор... ўшанга.

— Исми-шарифи, манзилини айтинг.

— Рости гап, ўзим ҳам яқин таниш эмасман. Манзилини билмайман. Исмини... Олмахонми, Олчахонми, дейишади.

Субут хонимнинг ёлғон гапиравётганин сезди. «Ўзи ҳам алоқалор бу қари мегажиннинг», деди ичида ғижиниб. Кейин негадир бўшаши. «Гапга тушунмайдиган бўлса сенга нима», деган Гайир бир фикр ўтди күнглидан. Аммо:

— Майли, ҳозирча бу гапни, иложи борича, камроқ одам билсин, — деди у хонимга сир бой бермай. — Мен тегишли идоралар орқали суриштиришни бошлайман. Аммо-лекин ўша... Танишингизга айтинг, обрўси борида этагини ёпиб, Афифани ҳам, у билан бирга жўннаган бошқа қизларини ҳам тезроқ қайтарсин, акс ҳолда... қамалиб кетади.

— Эвой, у жўиатмаган, — деб ҳовлиқди хоним. — У шунчаки, йўлда учраттан экан. Ўзлари... бир неча киши бўлиб, қўшни мамлакат орқали кетишибди.

— Ҳар ҳолда уни огоҳлантириб қўйинг, кейин хафа бўлиб юрмасин. Хўпми?

— Хўп. Анови... берган пулингизни қайтариб олинг. Илтинос.

— Кейин гаплашамиз.

Субут гүшакни қўйгач, яна лоқайдлик ва ғазаб қоришган мажхул бир кайфиятда ўтириди. «Нега? Кимга аччиқ қилади? Бу билан нима демоқчи? «Мана, ўлишга қўймадинглар, энди шармандалиқ қилиб юзларингни ерга қаратаман», демоқчими? «Субут Сокиннинг собиқ рафиқаси Дубайга бориб, фоҳишалик қилиб юрган экан», деган гап унинг обрўсига обрў қўшмаслиги аниқ. «Субутбой, хотинни ҳайдаб юборибсиз-у маҳрини бермаган экансиз-да», деб бетига айтишмаса ҳам, орқаваротдан: «кўл-е, битта хотинни рози қилиб, тинчтиб юбормай шу аҳволга солиб қўйганини қара бунинг», деб сасишлари турган гап. Сен бўлсанг, «Менга нима?» деб ўтирибсан...» Охирги учрашувларида Афифа «талофимни беринг», дегани бежиз эмас эканда. Талогини бериб юборса бўларкан. Бир оғиз гап: уч талоқ. Тамом, вассалом! Нега айтмади шу гапни? Энди... маломатга қолади.

Анча мулдат руҳсиз, оғир кайфиятда ўтириди. Нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлади. Бир хаёли: тезроқ ортидан бориб, қайтариб келиш керак, деса, яна бир хаёли: сенга нима, ким қачонлар қонунан ажralиб кетган бўлсанг, унинг ихтиёри ўзида, кўнгли хоҳлаган ишни қилади-да, деди.

Ногаҳон янграган телефон қўнгироғи хаёлларини тўзғитиб юборди. Кутилмаган суҳбат эса ўйлантириб ўтирган муаммодан буткул чалғиди.

— Алло, эшитаман, — деди гўшакни олиб Субут.

— Мен «Нигоҳ» киностудиясидан режиссёр Камбой Марқаев бўламан, — деди сим ортидаги киши. — Эшитганмисиз?

— Ҳа, албатта, — деди Субут гарчи бунақа ғалати исми-шарифни умрида биринчи марта эшитиб турган бўлса ҳам. — Хўш, хизмат?

— Унда жуда соз! Хизмат шундан иборатки, рози бўлсангиз, сизнинг «Намозшомгул» номли асрингиз асосида фильм яратмоқчиман. Шунга нима дейсиз?

— Ҳа-а, буни... ўйлаб кўриш керак экан, — деди Субут. Бир хаёли: «аввал қанақа фильмлар яратгансиз ўзи», деб сўрамоқчи бўлди-ю бу саволи бояти гапига зид келиб қолишин мумкинлигини ўйлаб, тишини тишлади.

— Қачон жавобини айтасиз? Фақат илтимос, тезроқ бўлсинн, чунки икки-уч муаллиф сценарийсини кўтариб ортимдан югуриб

юрибди. Менга эса сизнинг асарингиз маъқул бўлди. Мавзуси долзарб, замонавий. Зўр кино бўлади.

— Эртага... футболга тушмоқчи эдим. Индин айтсан бўладими?
— Бўлади...

Шу топда ўйлари оқими яна ўша суҳбат мавзусига келиб тўхтади. Кеча Фаризага бу ҳақда гапирмаганди. Ҳозир мавриди келганини пайқади.

— Фариза, асаримни кино қилиш ҳақида таклиф тушди. Рози бўлайми, нима дейсиз?

— Зўр-у, албатта рози бўлинг. Қайси асарингизни, «Намозшомгул»нimi?

— Ҳа.

— Фақат... зўр режиссёрга бериш керак-да. Ҳозир қўл учida ясалаётган фильмлар кўп.

— Сиз Камбой Марқаев, деган режиссёрни биласизми?

— Биламан. Ёмон режиссёр эмас. «Опа-укалар», деган киносини кўрганман. Сиз танимасмидингиз?

— Танимас эканман, қаранг. Агар йўқ, демасангиз, эртага у билан биргаликда учрашсак.

— Майли.

Стадион олқишларга кўмилди. Майдонга футболчилар чиқиб келишаётганди. Шу боис суҳбатлари бўлинди. Ўйин ғалаба билан тугаб, аъло кайфият билан машиналар қўналғаси томон юришаётганда Фариза боя узилган суҳбатни тиклади.

— Демак, киноюлдуз бўлар экансиз-да! Агар фильм зўр чиқиб, халқаро фестивалларга таклиф этишадиган бўлса, бизни ҳам бирга олиб борасизми?

— Албатта олиб борамиз, ахир бош роль ижрочиси қатнаш маса фестивалнинг қизиги қоладими?

— Вой, мени... бош ролга таклиф этмоқчимисиз, қандай яхши! Унда бош роль ижроцининг шафқатсиз ошиғи ролини ким ўйнайди, ўзингизми?

— Мени олишмаса керак. Чунки кинога тушадиган чиройли, қалду қоматим йўқ.

— Ўзингизни ерга урманг. Чиройингизнинг ҳам, қадду қоматингизнинг ҳам бирордан қолишадиган жойи йўқ. Қолаверса... кинонинг харажатларини ўзимиз тўлагандан кейин кўринишимиз қанақа бўлишидан қатъи назар, бизнинг хоҳиш-истагимизни ёътиборга олишга мажбур.

— Ие, сарф-харажати ўзимизданми ҳали? Харажатни оқлар-микан ишқилиб?

— Бўлмасам-чи! Сиз нима, деб ўйлагандингиз? Ўша Камбой Марқаев, деганлари нуқул пулдор фирмалар атрофида ўралашиб юрадиган чақон режиссёrlардан-да. Жудаям уддабурон...

— Унақа бўлса, таклифини рад этамиз. Учар коранданинг нима кераги бор.

— Лекин ўзи истеъодли режиссёр. Хоҳласангиз, ҳозир меникига бориб, унинг «Опа-укалар» фильмини бирга кўрамиз. Ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Бир йўла футболчиларимизнинг ютугини ювамиз. Майлимни, уйга кўнғироқ қиласиз, хизматкор опа ош дамлаб қўйсинми? Ё кўнглингиз бошقا бирон таом тусайдими?

Субут кулимсиради.

— Кўнглим қурғур кўп нарса тусайди-ю...

— Ҳаммасини муҳайё этамиз,— деди қўзини қисиб Фариза.

— Ҳаммасиними? — деб сўради Субут ҳам қўзини қисиб.

— Ҳаммасинни!

— Эса кетдик!..

Ярим тунда Фаризанинг қайноқ қучогида томоги қақраб, сув ичгани ўрнидан туар экан. Субут беихтиёр Афифа ҳақида ўйлади. Кечаги сингари безовталаниб, газабланиб эмас, шунчаки, хотиржамлик билан, ҳатто бироз ҳазиломуз кайфиятда эслади уни. «Бугун сен қайдасан, қайларда қолдинг, бугун сен кимларнинг маъсум ҳамроҳи...» дей шеър ҳам ўқиди фикран. Кейин ошхонага кириб, олтин суви юритилган қимматбаҳо чойнакдан илиқ чойни симирап экан, ушбу лоқайдлиги, шафқатсиз ҳазиломуз кайфиятидан бир қадар уялиб, койинди: «Фаризанинг қучогида ётсан бутун оламни унугман, ўз хатти-ҳаракатимни, ҳатто фикр-хәёлимни назорат қилолмай қоламан-а, нега шундай экан, ё бу қурғур дуо солдириб, иссиқ-совуқ қилиб олганми мени?»

— Кели-инг, қаёққа кетдингиз? — уйқусираган овози эши-тили ёгоқхонадан Фаризанинг.

— Ҳозир, ҳо-ози-ир, — деди Субут ва шиппиллаб яна ётоқхонага кириб кетди.

Камбой Марқаев билан учрашув киностудия яқинидаги «Дубль» номли кафеда бўлди. Иягидаги сийрак малла соқоли ва узун сочлари ва узун камзули туфайли режиссёрдан кўра насроп-

ний роҳибларга ўхшаб кетувчи бу йигит нафақат «Намозшомгул» муаллифи, балки Фариза хоним ҳақида ҳам мукаммал маълумотга эга экан. Шу боис Субутдан кўра ҳам хонимга кўпроқ мулозамат қилди.

— «Опа-укалар» фильмнинг Субут акамга ёқди. — деди Фариза. — Шу боисдан ҳам сиз билан ишлашга розилик беришлари мумкин... агар шартларини бажарсангиз.

— О-о, албатта, раҳмат эътибор ва эътирофларингиз учун Фариза Мирмаъдиевна, любой шартни бажаришга ҳозирман. Ҳўш, қанақа шарт экан, билсак бўладими?

— Бош қаҳрамон ролини Фариза Мирмаъдиевна ўйнаши кепрак, — деди Субут кулимсираб. Аслида бу ҳазил эди. Ҳар ҳолда Субут бу ҳақдаги кечаги гапларни ҳазил, деб ўйлаган ва Фариза ҳаётда адашиб, фаҳш йўлига кирган камбағал қиз ролини ўйнашга ўлса ҳам рози бўлмас, деб ўйлаган эди.

— Агар... ҳазиллашмаётган бўлсаларингиз... бу билан мени... фақат мени эмас, бутун дунё кинохлосмандларини бағоят шод этган бўлур эдингиз, — деди Марқаев ҳаяжон билан така соқолини силаб.

— Нега энди ҳазиллашар эканмиз, агар сиз рози бўлсангиз, яъни мендан киноактриса чиқишига ростдан ҳам ишонсангиз, бажонидил тайёрман. — деди Фариза Субутни тамоман ҳайрон қолдириб.

— Чиқади! Чиқарамиз, — деди режиссёр кафтларини бирбирига ишқалаб. — Сизнинг қиёғангиз жудаям кинобоп.

— Субут акамники-чи?

Марқаев бир зум ўйлаб қолди. Бу орада Субут бошини чайқаб, қўлларини сермаб: «йўқ-йўқ» деган ишора қилишга улгурди. Бироқ режиссёр хонимнинг юзидаги ифодани усталик билан илғаб олди ва:

— У киши ҳам... бемалол. Ҳар қанақа ролни ўйнашлари мумкин. Ўзлари танласинлар. Марҳамат.

— Үнда менга ўзингиз биронта... ёмон кўрган салбий қаҳрамон ролини берарсиз, — деди Субут Фаризага қараб. Фариза кулди.

— Қизнинг баҳтини поймол қилган амалдор ролини олақолинг, — деди. Сўнгра Камбойга ўгирилиб сўради: — Ўша ролни берсак бўладими?

— Бўлади...

— Нима қиламиз? — Субутга ўтирилиб сўради Фариза.

— Майли, қўйинг, билганини қўлсин, — деди Субут ҳафсаласизлик билан. — Фақат мени роль ўйнашдан озод этсаларингиз бас.

— Сиз ўйнамасангиз мен ҳам ўйнамайман. Кинони олишга бир чақа ҳам бермайман, — деди Фариза.

— Йўқ, сиз ўйнайсиз, — деди Субут. — Сизнинг ролингиз зўр чиқади. Сценарийни ўзингизнинг таъбингизга мослаб ёзамиз. Шундайми, жаноб Феллини?

— Албатта! Шак-шубҳасиз! — деди режиссёр ва кейин қимтишиб Фаризадан сўради: — Бир йўла фильм смета харажатлари ни тузаверсан бўладими?

— Тузинг, тузаверинг, — деди Субут. У Фариза учун яхши эрмак топилганини ва шундан фойдаланиб, унча-мунча ишларни битказиб олиш мумкинлигини пайқаб турарди.

— Раҳмат сизларга, — деди Камбой Марқаев севинч ва ҳаяжон билан. — Насиб этса, фильмимиз киносанъатида янги воқеа бўлади! Мен смета ва сценарийни тайёрлаб, олдингизга ўтаман... опа!..

— Нега роль ўйнашдан айнидингиз, нега кайфиятингиз бузилди, азизим? — деб сўради оғисга келганларидан сўнг Фариза. — Кеча... ҳаммаси аъло эди-ку. Шундай эмасми? Ё мен... кўнглингизга тегадиган бирон гап айтиб қўйдимми?

— Йўқ. Ҳаммаси жойида, кайфиятим яхши, — чайналди Субут.

— Яширмай қўяқолинг. Бир неча кундан бери ичингизни ит тирнаб юрибди. Айтинг, нима бўлди? Ёки анови Зуҳур Бузрукович ваъдасини бажармагани учун хафамисиз? Қўйинг ўша аферист ёлғончини, ҳаром тукингизга арзимайди. Отам билан гаплашай-чи, бошқа йўл билан ҳал қиламиз ўша масалани. Депутат бўласиз барибири...

— Уни ўйлаётганим йўқ, — деди Субут сал иккиланган овозда. — Анови... Афифа... хорижга кетибди. Нодон аёл.

— Нима бўлти кетган бўлса? Кетса кетавермайдими? Сизга нима? Қўйинг, ўшани деб ҳадеб сиқилаверманг, эски гапларни унунинг, азизим. Ҳаёлингиздан чиқариб ташланг. У энди мутлақо керак эмас сизга. тушундингизми? У сизнинг ўтмишингиз.

Агар уни ўйлайверсангиз, унинг хаёлидан халос бўлолмасангиз, олдингизга қўйган улкан мақсадларнинг биронтасига ҳам эришолмайсиз. Тўғри, у чиройли, у билан ўтказган ширин дамларингизни эсдан чиқаришингиз қийин. Лекин керак. Падарига лаънат, аёл зотига қирғин келган эмас-ку... агар мени қари дётган бўлсангиз орамиздаги муносабатга қаноат қилолмаётган бўлсангиз, ана кўча тўла истаганингизни... ҳаққини бериб дилхушлик қилиб юравермайсизми? Нимага бунча ёпишиб қолгансиз ўшантаги?!

— Илтимос, Фариза, у ҳақда ёмон гапирманг. Сиз тарбия кўрган маданиятли аёлсиз. Сиз қари эмассиз. Сизнинг ҳусну ма-лоҳатингиз ҳеч кимнидан кам эмас. Сиз... сиз менинг халоскор фариштамсиз. Менга ўзингиздан бошқа аёлнинг асло кераги йўқ. Фақат... Афифага шунчаки раҳмим келади. Битта оддий ўзбек қизи шунаقا хор-зор, абгор бўлиб кетишига йўл қўймайлик, дейман.

— Қўлингиздан келган ҳамма ёрдамни қилдингиз-ку. Яна нима керак унга? Ўзи иззатини билмаса, яхшиликнинг қадрига етмаса, бунинг учун сиз айбдор эмассиз-ку.

— Ҳар ҳолда биз одамгарчиликни ёддан чиқармаслигимиз керак.

— Одамгарчиликнинг ҳам чек-чегараси бор, ахир. Бўлди, бас, энди йигиштирасиз. Минбаъд у ҳақда эшитишни ҳам истамайман. Иш билан шуғулланишимиз керак. Мен сизга анчадан бери ўта жиддий бир таклиф айтмоқчи бўлиб юрибман. Сиз эса қана-қадир майдада-чуйда гаплар билан оворасиз...

— Кино мавзусидами? Гаплашиб олдик-ку.

— Йў-ўқ, кино ҳақида эмас. Мутлақо бошқа мавзу бу. Спортга алоқадор. Кеча сизни футболга бекорга олиб тушганим йўқ. Кўрдингизми, футболга қизиқиш қанчалик катта. Бу гапни аввал отам билан маслаҳатлашиб, кейин сизга айтмоқчи эдим. Энди ўйлаб ҳарасам, олдин сиз билан маслаҳатлашишимиз керак. Аммо-лекин жудаям жиддий гап...

— Хўш, эшитайлик-чи.

— Эсингизда борми, немис ҳамкорларимиздан бири сармоясининг катта қисмини спорт соҳасида айлантираётганини галирганди. Исм-фамилияси Гюнтер Штауб. Эсладингизми? Аҳа! Ўша Гюнтер битта футбол, битта баскетбол ва битта волейбол жамоасига эгалик қиласкан. У гап орасида отамга: «истасангиз, Гер-

мания бундес лигасидан битта жамоа акцияларининг асосий қисмини сотиб олишга ёрдамлашаман», деганди. Отам эса сизга ўхшаб, спортта унчалик қизиқмайди. Шунинг учун жаноб Штабнинг гапига аҳамият бермаганди...

— Отангиз доно одам. У киши менга доим, «киши ўзи мукаммал биладиган соҳада бизнес қилиши керак», деган ақидани уқтириб келади. Сизга ҳам бу гапни кўп айтган бўлса керак.

— Айтган. Албатта, айтган. У киши «ҳар бир бизнеснинг ҳалли бор, ундан ошиб кетсанг иш пачава бўлади», деган гапни ҳам кўп айтади. Матбаа ва ноширлик соҳасидаги бизнесимиз менинг назаримда ҳаддига яқинлашаётганга ўхшайди. Рақобатчилар кун сайин кўпайиб боряпти. Майда-майда босмахоналар, нашриёт уйлари буюртмаларнинг катта қисмини илиб кетишяпти. Шунинг учун янги бизнес ҳақида ўйлайдиган пайт келди. Спорт, кино, шоу-бизнес кундан-кунга тобора сердаромад соҳаларга алланиб боряпти.

— Киносанъати сари «юриш» қилишимиз ҳам бежиз эмас эканда, хоним, — деди Субут миясида «ярқ» этган фикрдан ҳайратга тушиб. — Шошманг-шошманг, ҳалиги... мен содда «Камбой Марқаев дегани «Намозшомгул»ни қаёқдан ўқиган, мени қандай излаб топди», деб ҳайрон бўлиб юрибман. Эҳ, хомкалла! Демак... демак, ҳаммасини ўзингиз ташкил этган экансиз-да: Шундайми? Ростини айтинг!

Фариза кулимсираб бош чайқади:

— Йў-ўқ, ўзи...

— Қўйсангиз-чи! Сиздан чиққан бунинг ҳаммаси.

— Мендан чиққан бўлса — чиққандир. Нима бўпти? Ёмон ниятда қилганим йўқ. Буям бир тажриба-да. Аввали асарингиз экранга чиқади. Янада машҳур бўласиз. Иккинчидан агар иш юришиб кетса... ўша киностудияни сотиб олиб катта ишлар қилишингиз мумкин. Худди Голливуд, Болливуддаги сингари...

— Омон бўлгур бошингиз ёмон зўр ишлайди-да, — деди Субут астойдил ҳайратга тушиб.

— Шунаقا! Мен билан бирга бўлсангиз хор бўлмайсиз. Ановинаقا... майда ишларга ўралашмасдан, мен айтган ишни қилишингиз керак.

— Ҳалиям чизган чизифингиздан бир миллиметр ҳам четга чиқмасдан юрибману.

— Ҳо-о, анови «шўхлик»ларингиз-чи?

— У бир... касаллик... худди болалар қызамиқ касалини бошдан ўтказиши шарт бўлгани каби иши ўнгидан келган ҳар бир эркак бир сира оғиши табий ҳол. Хотириңгиз жам бўлсин. Энди у дард ўтиб кетди.

— Ишқилиб ўтиб кетгани чин бўлсин-да. Агар бу гапни мени тинчлантириш учун айтаётган бўлсангиз...

— Гапим рост. Ишонинг.

— Ундай бўлса, таклифларим ҳақида обдон ўйлаб, фикрингизни айтасиз. Бу ғоялар ҳали хом. Ҳар томонлама ўйлаш, пишитиш керак. Ўша соҳаларни ипидан игнасигача ўрганиш керак. Интернет қўй остингизда. Яна қанақа адабиётлар керак бўлса топтирамиз. Отамга аниқ таклиф айтишдан олдин ҳар томонлама тушунчага, мукаммал тасаввурга эга бўлишимиз, унинг ҳар қандай саволига аниқ жавоб қайтара олишимиз керак.

— Албатта беш қўлни бирдан оғизга тиқмасдан аввал биринчи босқич, яъни киноматография бизнесидан боштаймиз. Тўғрими?

— Тўғри. Сизнинг асарингиз экранлаштирилиши, менинг роль ўйнашим... шунчаки ниқоб. Асл мақсад бу соҳанинг илдизига кириб, фойда чиқадиган жиҳатларини пухта ўрганиш ва... эгаллаб олиш.

— Э, яшанг! Ақлингизга балли! Сиз туфма тадбиркорсиз, — деди Субут.

— Сиз эса туфма истеъодд эгасисиз. Ана шу икки ҳолатни бирлаштирасак, тоғларни талқон қилишимиз мумкин.

— Қўлни ташланг!

7

Аэропортдаги текширув босқичларидан омон-эсон ўтиб, самолёт салонига кирган, ўрин эгаллаган лаҳзаларда ҳам Афиғанинг юрагидаги таҳлика босилмаган эди. «Боинг-747» ердан узилиб, фидиракларини йиғиштириб олгач, чуқур хўрсиниб, «уф» тортди. Бу хўрсиниқ дилининг тубида ётган «аэропортдаги текширувлар чогида фош бўлиб, орқага қайтиб кетсам яхши бўларди», деган умидини чиппака чиқиши туфайлими ёхуд чегарадан қўлга тушмай ўтиб кетгани учун қувониш асносида туғилдими — ўзи ҳам билолмади. Тасаввурида мажҳул бир пушаймонлик акс этиб турар, айни пайтда «ҳамонки ҳужжатларим соҳта бўлату-

риб, құлға тушмай ўтган эканман, демак, тақдирнинг буюргани шу экан», деган аяңчли бир тасалли билан юпанишга уринар, пировадида «ҳали ҳам кеч эмас, ажабмаски, Дубайдаги аэропортда құлға тушириб қайтариб юборышса», деган умиддан ҳам мосуво эмасди. Айни пайтда «қайданам шу аҳмоқона режа күнглимга келди, тақдирга тан бериб, бошимга тушганини күриб юраверсам бүлмасмиди», деган надоматни фикрига келтирған заҳоти ич-ичидан: «Токайгача?!» деган сукутли ҳайқириқ оти-либ чиқар, мухтасар айтганда, Афифанинг вужудида, руҳида бошлаб қўйган қалтис ўйинидан пушаймонлик билан бир қаторда, аниқроғи, шу туйғуга қарши ўлароқ ўжар, курашган бир исён чақнаб турарди.

— Хайрият, омон-эсон учиб кетдик, — деди унинг чап томонида самолёт иллиминаторига яқин ўтирган Руфина.

— Ҳа-а. — деди ўйчанлик билан Афифа, ҳәлида: «бу шўрликнинг асли исми нима экан, ота-онаси бормикан, бор бўлса ҳозир қизининг қаёқларда юрганини билармикан», деган фикрлар айланди.

— Менинг кўнглим айнияпти, — деди Афифа билан Руфина-нинг ўртасида ўтирган жиккак Зулфина. — Юрагим заифроқда...

— Ҳозир стюардессани чақираман, ҳапдори беради, — деди Афифанинг ўнг томонида йўлакка яқин жой олган Шаҳром.

Стюардесса келди. Шаҳром унга инглиз тилида гапириб, Зулфинага дори сўради. Зум ўтмай стюардесса дори ва стаканда сув келтирди. Қиз дорини ичиб, бироз тинчланди.

— Инглизчани яхши биларкансиз. — деди Афифа Шаҳромга.

— Шунақами? Сиз мендан ҳам яхши билсангиз керак. Холангиз шунақа деганди.

— Қаёқда-а, шунчаки сал-пал. Бир пайтлар холамнинг қисто-ви билан дарс олиб ўрганганман. Ўқитувчимиз зўр эди. Лекин гапиришиб турмаса эсдан чиқиб кетар экан. Тилни яхши билиш учун машқ керак.

— Келинг бўлмаса, ҳозирданоқ машқни бошлайлик.

— Майли...

— Сиз жуда ҳам чиройли аёлсиз, — деди пастроқ овозда инглизчалаб Шаҳром. — Бир кўрган одам кўзини узолмай қолади. Иккинчи марта кўрган киши ёқтиради, учинчи марта кўргач, шубҳасиз, ошиқ бўлиб, асирангизга айланади.

— О-о, шунақа, дeng, унда... Сиз нечанчи марта кўриб турибсиз?

— Айнан учинчи учрашувимиз бу. Лекин... мен сизни биринчи кўришдаёқ севиб қолганман. Лекин бу севги... Сиз биладиган севгидан бироз фарқ қиласди ва... бу ҳақда пайти келиб... бир ҳасратлашармиз...

«Чиндан ҳам бунинг ичida бир дарди бор», — деб ўйлади Афифа. Шунга қарамасдан ўзини Шаҳромнинг охирги сўзларини тушунмаганга олиб, ўпкаланган оҳангда сўради:

— Унда... нега менга ўшандада таҳдид қилган эдингиз?

— Таҳдидми? Ҳа-а, ўша таҳдид холангизнинг иши эди...

— Холам билан анчадан бери танишмисиз?

— Анчадан бери... У кишини сиз қанчалик «яхши кўрсангиз» мен ҳам шунчалик... «ҳурмат қиласман», кўштироқ ичida, — деди Шаҳром.

— Унда нега... шериклик қилиб юрибсиз?

— Худди сиз каби. Тирикчилик туфайли мажбурликдан.

— Менинг холамни яхши кўрмаслигимни қайдан биласиз?

— Бу содда одамнинг саволи. Мен холангиз билан яқин шерик бўлганим туфайли унинг аксар қурбонлари, жумладан, сизнинг ҳам таржимаи ҳолингиздан хабардорман.

— Сиз бизларни... у ёққа олиб боргач, сотиб юборасизми? Кейин биз ўз «нарх»имизни ишлаб беришимиз керак бўладими? Нархни ишлаб, қарздан қутилганимиздан кейин ихтиёrimиз ўзимизда бўладими?

Шаҳром аввал кулди. Кейин жиддийлацди.

— Ҳозир бунақа гагларнинг ўрни эмас. Борайлик-чи, ўша ерда гаплашамиз.

Шубилан уларнинг инглиз тилидаги мулоқоти ниҳоясига етди. Афифа ўриндиқ суюнчиғига бошини ташлаб хаёл сурив кетди. «Демак, бу одам холам билан унчалик оғиз-бурун ўпишмаган экан-да. Ёки мени синаш учун атай шундай дедимикан? Йў-ўқ, кўзларидаги маънодан сезилиб турибди: бунинг ҳам холамдан норозилиги бор. Ана шундан фойдаланишга ҳаракат қилиб кўришим керак...»

Афифанинг касалхонадалик чоғида туғилган нияти — Дубайга етиб боргач, йўлини қилиб «қизфуруш»ларга чап бериш ва бирор жойга кириб ишлаш эди. Ўшандада у Олчахон ўз «товар»ларини соxта паспорт билан жўнатишини билмасди.

«Ўзимнинг паспортим билан юборади, шунчаки, у томонга боргандан кейин паспортни олиб қўйишади, ана шунда иккинчи нусхадан фойдаланаман», деб ўйлаганди. Шу боис Олчахон уни бошқа паспорт билан жўнатиши маълум бўлгач, иккиланиб қолди. Чунки сохта ҳужжат билан боргач, у мутлақо ҳуқуқсиз бўлиб қолиши турган гап эди. «Бир гап бўлар», — деб таваккал қилди.

Ҳозир у янги режа устида бош қотираётганди. «Шаҳром бизни олиб бориб топшириб, пулни олиб орқага қайтиб кетса керак. Шунгача ортиқча ҳаракат қилмайман. Акс ҳолда холам ва Олчахон билан орадаги қарз — пул муомаласи эски ҳолатда қолиши мумкин. Шаҳром бизни сотиб, қайтиб кетгач, қочаман. Шунда Олчахон менга ҳеч қанақа даъво қилолмайди...»

Тўғри, улар сени сотиб, пулни олишгач масъулият сотиб олганлар зиммасига ўтади. Бироқ сен улар қанақа одамлар бўлиб чиқишини ҳали билмайсан-ку. Эҳтимолки, худо кўрсатмасин, албатта, қўл-оёғингга занжир солиб, банди қилиб қўйишар. Шунинг учун Шаҳромни гапга солиб, авраб-алдаб, сотилмасданоқ қочворган маъқул эмасми? Олчахон олдидағи қарз ҳақида ўйлаб ўтириш шарт эмас. У сени сохта ҳужжат билан, фоҳишиликка мўлжаллаб, учинчи давлат орқали жўнатиб, қонундаги бир неча моддаларга тегишли жиноят содир этди-ку. Яна қандай қарз ҳақида даъво қилиши мумкин.

«Шуниси маъқул. Аэропортда чегара назоратидан ўтган заҳоти Шаҳромни чалғитиб, қочворишим керак. Тилни биламан. Эҳтимол... учинчи бир мамлакатта ўтиб кетишга имкон туғилар. Масалан... Яманга. Дарвоҷе, анови врач йигит Рамиз Яман Араб Республикасига ишга таклиф қилишаётганлигини айтган эди-ку. Ўшанда унинг гапларига жиддий эътибор бермаганим чакки бўлган экан. Ҳечқиси йўқ. Манови... Шаҳромнинг чангалидан кутилиб олсан Рамизни бир амаллаб топиш мумкин. Ишхонасига қўнғироқ қилисан телефонини беришар... Аммо ким билади, Рамиз Яманга бориш учун рухсат олганми-йўқми, олган бўлса жўнаб кетдими-йўқми? «Сизга қўнғироқ қиласман», деганди. Шўрлик қаерга қўнғироқ қилишни билмаган». Афиға қўл телефонининг симкартасини олиб ташлаб, қишлоққа борганида укасига совға қилиб юборганди. Ҳа, Рамизни излаш керак. Агар чиндан ҳам Яманга жўнаб кетган бўлса... уни қора тортиб ўша томонга йўл олиш мумкин...

Рамиз билан охирги учрашувларини ширин бир энтикиш билан эслади. Олчахоннинг талаби билан қўшимча жиддий маълумотнома олиш учун касалхонага борган Афифани курган Рамиз ўзида йўқ севиниб кетди.

— Мени излаб келдингизми, ҳандай яхши! — деди ҳаяжонланиб.

— Ҳа, сизни сўроқлаб, сиздан хабар олгани келдим, — деди Афифа.

— Юринг бўлмаса, ҳовлида тоза ҳавода ўтириб суҳбатлашамиз, — деди Рамиз. — Ёки бирон кафега борамизми, ишдан жавоб олиб чиқайми?

— Йў-ўқ, ҳали соат энди ўн бўлди-ку, — эътиroz билдириди Афифа. — Шу ерда гаплашақолайлик. Ундан аввал... ҳалиги... битта справка керак эди. Соғлиғим тўғрисида.

— Қанақа справка? Чиқаётганингизда касаллик варақасидан кўчирма берилган-ку?

— Тўғри, берилган, у бор. Менга... «буткул соғайган, соғлом», деган маълумотнома керак. Ишга жойлашиш учун.

— Ҳа-а унақа справками? Ҳозир мен қизларга айтаман. Ёзib беришади...

Кейин улар улкан эман дарахти соясида ўтириб анча суҳбатлашишди. Рамиз Яманга ишга кетиши мумкинлиги ҳақида гапирди. Афифа ҳам бир кўнгли хорижга бормоқчилигини айтмоқчи бўлди. Аммо айтмади.

— Яхши бориб келсам, кейин эҳтимол бирга борармиз — деди Рамиз...

— Ҳурматли йўловчилар яна бир неча дақиқадан сўнг самолётимиз Дубай ҳалқаро аэропортига қўнади, — деган овоз янгараб, Афифанинг хаёллари тўзиб кетди.

Дубай аэропортидаги текширувдан ҳам силлиққина ўтиб олишибди.

— Сизлар юкларни олгунингизча мен тоза ҳавога чиқиб ўтириб турсам майлими? — деди Афифа Шаҳромга. У кескин бош чайқади:

— Ёнимдан бир қадам ҳам жилмайсиз. Полиция қўлига тушиб қолсангиз ҳамма ишимиз пачава бўлади.

Кейин у Афифани қўлтиғидан ушлаб, четроқقا олиб чиқди. Паст овозда ярим таҳдид, ярим ўтинч оҳангизда уқтириди:

— Умуман миянгиздан чиқариб ташланг... қочишни. Харидорларимиз ҳар битта қадамингизни пойлаб туришибди. Нотў-

ри қаракат қылсанғыз миришаблар құлғыга топшириб юборишади. Ҳужжат сохталигини аниқлаш қийин эмас. Бу — оғир жиноят. Үмрингизнің қолған қисми зиндонда ўтиб кетиши мүмкін. Түшнүяпсизмі шуны?

— Ким сизге қочаман деялти, — ўпкалаган күйи лабини бурди Афиға. — Қочиб қаёққа ҳам борардим.

— Мени лақиллатаман, деб овора бўлманг. Йўл бўйи нима ҳақда ўйлаб, нимани режалаштириб келганингизни сезмади, деб ўйлайсизми?

— Ҳеч ким сизни лақиллатмоқчи эмас. Қўйинг-е, одамга асос сиз тұхмат құлманг. Яна... бояги гапларингизга ишониб ўтирибман.

Шаҳром юмшади:

— Сиз... Сиз шошманг. Мен ўзим сизга ёрдам қиласман. Олдин ановиларни ҳал қиласайлик.

Афиғанинг энсаси қотди.

Юкларини олиб аэропорт биносыдан ташқарига йўналишди. Эшик ёнида қоп-қора, ўрта бўйли бир араб йигит пешвоз чиқди. Шаҳром у билан қучоқлашиб кўришди. Арабча гаплашди. «Бу арабчани ҳам биларкан-да», деб ўйлади Афиға. Сўнгра оппоқ чиройли машинага ўтириб, осмонўпар маҳобатли иморатларни оралаб шаҳар марказига йўл олишди.

Икки қиз кенг кўчанинг икки томонидаги муҳташам осмонўпар иморатларга, кўчани тўлдириб, икки томонга чумолидай ғизиллаётган турли русумдаги автоларга қараб ўзларини эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис этар, Афиға эса бунақа катта шаҳарларни илгари ҳам кўргани боис деярли ҳайратланмас, аксинча, манови икки анди ҳақида ўй суриб борар, «қайсиdir вилюятнинг қайсиdir шаҳри-ю қай бир қишлоғидан келишган экан, ота-онасини нималар, деб алдаб йўлга чиқишиган бўлишса», дейғашланар, «мен буларни йўлдан қайтаришга қаракат қилишим керак эмасмиди», деган надоматдан эзилар, яна ўзини оқлардик, «булар кимдир уйидан алдаб олиб чиққан содда, гўл қизалоқларга ўхшамайди, қаёққа, нима мақсадда йўлга отланишганини яхши билишлари сузилган кўзларидан, айрим гап-сўзларидан равшан бўлиб турибди», дерди. Барibir ҳам улар билан ҳали юртдалик пайтларида бафуржга суҳбатлашмаганига афсусланди. Манови Шаҳром дегани уларнинг ёнидан бир зум ҳам жилмаганидан кейин нима ҳам қылсун?!

Машинада совуткич ишлаб турганига қарамай, ташқарыда ўта диққинафас, уфунатли ҳаво ҳукмрон эканини сөзиш қийин эмас. Боя аэропорт биносидан чиқиб, машинаға келиб ўтиргұнларича ўттан уч-беш дақыла мобайніда жиққа терга тушиб кетишиди. «Денгиз яқин, намлық іоқори, ҳавонинг димлиги шундан, — деб ўйлади Афиға. — Бунақа ҳавога ҳар ким ҳам дош берәвермайды...»

— Кундузи күчада юриб бўлмайди, иссиқ, — деди Шаҳром худди Афифанинг фикрини ўқигандек. Кейин кулимсираб қўшимча қилди: — Шунинг учун бу ерда ҳаёт кечаси қайнайди. Европаликлар бу ерни «ҳаловатбахш оқшомлар мамлакати», деб аташади.

— Кимга ҳаловат, кимга уқубат, — деди Афиға.

— Нега энди? Бу ердаги ҳатто қора ишчилар ҳам шоҳона яшашга етгулик пул топишади, — деди Шаҳром.

— Бизлар ҳамми? — деб сўради Зулфина оғир-оғир нафас олиб. Чамаси у иқлим, босим ўзгаришига ҳали мослашаолмаётганди.

— Ҳа, албатта, сизлар ҳам, — жиддий жавоб берди Шаҳром.

— Акс ҳолда мен сизларни бу ерга нега олиб келдим. Насиб этсан шунақа бойиб кетасизларки, кейин маликалардай ҳаёт кечирализлар.

— Ишқилиб айтганингиз келсин, Шаҳром ака, — деди тамшаниб Зулфина. — Дўконларида европейский модний нарсалар тиқилиб ётади, дейишади.

— Ким айтганди? — тўсатдан савол берди Афиға.

— Битта аёл... У икки йил олдин келиб, яқинда уч жомадон кийим-кечак билан қайтиб борди. Квартира, машина олди. Боласининг тўйини ўтказди. Ҳозир шахсий «Гўзаллик салони» очган.

— Ҳм-м. — деб қўйди Афиға кўнглидан: «айтдим-ку булар қаёққа бораётганини аниқ билган деб», деган фикр ўтиб.

— Сиз ундан ҳам пеш бўласиз, — деди Шаҳром.

— Мен ҳамми? — деб сўради Зулфина бўғиқ овозда. Кейин қув-қув йўталди. «Буниси соддароқ экан», деб ўйлади Афиға.

— Ҳа, сиз ҳам, — дея кулимсираб қўйди Шаҳром.

— Бинолари зўр экан-а, Зулфи, — деди Руфина.

— Лекин дараҳтлар қанақадир бошқача, сояси йўқ, — деди Зулфина. — Ҳавосининг димлиги... унча яхшимас экан-да...

Ҳайдовчи йигит суҳбат маъносини тушунмаётган бўлса-да, кичкина ойна орқали орқадаги уч қизнинг чеҳрасига бирма-бир разм солиб борар. нигоҳи кўпроқ Афифанинг ўйчан юзида тўхтар, шу боис икковларининг кўзлари гоҳ-гоҳ тўқнашиб қолар, йигит ўша заҳоти қорачигини олиб қочарди.

Марказга етиб тахминан йигирма беш қаватли ўта энли уйнинг ёнида машинадан тушишди. Ҳайдовчи йўл бошлади. Уйнинг ойнаванд эшигидан кириб, лифтга минишиди. Лифт шувиллаб баландлаб кетди. Девордаги яшил чироқчали рақам кўрсаткичда «I3» рақами пайдо бўлгач, тўхтади. Лифтдан чиқиб, кенг узун бир даҳлиз бўйлаб илгарилашди. Даҳлизнинг ҳар икки томонида қатор темир эшиклар. Шифтида кундузи чироқ оппоқ нур сочиб турибди. Тоза, шинам, аллақандай бўёқ ҳиди анқиди.

Афиға даҳлизда бирин-кетин бешта, йўқ, олтита эшик санади. Ниҳоят шулардан бирининг қўнғироғи босилди. Эшик очи-либ, сариқ сочли мовий кўзли бир қари аёл уларни ичкарига таклиф этди. Машина соҳиби ичкарига кирмади. Аёл билан инглизча хайрлашиб, ортга қайтиб кетди. Аёл Шаҳром билан ўпишиб кўришди.

— Яхши етиб келдингларми, йўлда муаммо бўлмадими? — деб сўради. Кейин меҳмонларни анчайин шоҳона безалган кенг хонага бошлаб кириб, ўтиришга таклиф этди.

— Седаун плиз, — деди у Афиғага қараб.

— Сенк ю, — деди Афиға.

Руфина билан Зулфина анқайиб тикка туришди. Афиға уларга қараб, диванни кўрсатди ва ўтиринглар, дея ишора қилди. Ўзи четдаги қора чарм оромкурсига чўқди.

Енгил нонуштадан сўнг уй соҳибаси (унинг исми Мари хоним экан) қизларнинг ҳар бирига анчайин муҳташам безалган алоҳида хона ажратиб берди. Афиға ўзига ажратилган хонани лоқайд кўздан кечириб, қайтиб чиқар экан, залда хушбўй тамаки тутатиб ўтирган Шаҳромга нажот излаб нигоҳ қадади. У эса кўзини оҳиста юмиб, «сабр қилинг», деган ишорани берди. Кейин Мари хоним билан инглизчалаб нималар ҳақида-дир анча гаплашди. Афиға қулоғига узуқ-юлуқ кирган сўзлардан англадики, Шаҳром шу бугуноқ қаергадир бориб, ким-дандир пул олиб, эртасига самолётда Олчахонга жўнатиб юбориши керак экан.

— Бугун бемалол дам олиб, ҳордиқ ёзинглар, — деди Шаҳром кетатуриб. — Мен эртага келаман. Кейин Афифага ўгирилиб құшимча қылды:

— Сиз таржимонлык ҳам қилиб турасиз да, қызлар бу ернинг шартшароитига мослашиб, бироз тил ўрганиб олишгүнча. Майлимі?

— Майли, — деди Афифа. — Анови гапимиз...

— Эртага гаплашамиз.

— Хүп.

Кечки овқатдан кейин Мари хоним қисқагина тушунтириш ўтказди. Афифа таржима қилиб турди.

— Менинг исми-шарифим Мари хоним. Шу хонадоннинг соғыбиман. Бу хонадон айни пайтда шаҳардаги энг обрули, тоза кўнгилочар клублардан бири ҳисоблаиади. Яъни бу ерга шаҳарнинг ўзида, қолаверса, қўшни шаҳарларда катта обру-эътиборга эга бўлган бизнесчи бойлар, саноатчилар, маданият ва санъат ходимлари келиб, мусиқа тинглаб, қарта ва бошқа турли кўнгилочар ўйинлар ўйнаб, дам олишади. Сизлар ана шу жанобларга хизмат қилишларингиз керак. Бунинг мазмуни шундан иборатки, олиймақом мижозларимизнинг кўнгли истаган ҳар қандай хизмат адо этилади. Хизмат савияси қанча юқори бўлса, мижознинг ҳиммати шунчалик юқори бўлади, яъни бериладиган ҳақнинг, унинг устига қўшиладиган чойчақанинг миқдори шу даражада ошади. Дарвоҷе, белгиланган хизмат ҳақи хизмат кўрсатишдан олдин олинади. Қўшимчаси, яъни чойчақа ёки «мукофот» пули эса кейин. Сизларга айтишган ва буни яхши биласизлар. Ҳар бирингиз учун ўн беш минг доллар пул тўлаганмиз. Ана шу қарзни узгунга қадар... ишлаган пулларингизни тўласинча менга топширасизлар. Хонадонимиз мўъжазгина. Унда мендан ташқари икки хизматкор, бир ошпаз, бир қоровул йигит бор. Уларнинг ҳеч бирини хонангизга киритмайсиз. Умуман менинг кузатувимиз ҳеч ким кирмаслиги керак. Хона эшиги ҳамиша берк туриши шарт. Ичкарида зерикмаслик учун ҳамма шароит яратилган. Овқат ҳам хонага олиб келиб берилади. Мижозлар ва клуб хизматчилари билан муомала тушунарли, қулай бўлиши учун ҳар бирингизга ўзингиз танлаган тахаллус берилади. Тахаллус чиройли, мазмунли мижозли ўзига жалб этадиган бўлмоғи зарур. Айтайлик Магнолия, яъни бу йил бўйи гуллаб турувчи дарахтнинг номи. Ҳар қандай тилда тушунарли. Ёки Афродита. Ишқ-муҳаббат илоҳини шундай аташган.

— Мен «Магнолия» бўлақолай, — деди Руфина.
— Мен эса Афродита, — қўшилди Зулфина.
— Сиз-чи? — савол назари билан Афиғага қаради Мари хоним.

— Билмадим, — саросималанди Афиға.

— Билмасангиз ўргатамиз, хоҳламасангиз мажбур этамиз, — деди ҳазил оҳангода хоним. — Унда келинг, сизни бироз сўлғин кўринса-да, асли бениҳоя латофатли бўлган гуллардан бирининг номи билан атаймиз — Орхидея ёки қисқароги Орхис! Маъқулми?

— Сизга маъқул бўлса, майли, — деди Афиға лоқайд.

— Демак, келишдик. Энди асосий галга ўтаман. Менинг рухсатимсиз ташқи дунё билан ҳар қанақа алоқа, яъни телефонда гаплашиш, хат ёзиш, мижозлар билан расм ёки видеотасвирга тушиш қатъиян тақиқланади. Бўйнингиздаги қарзни узиб бўлганингиздан кейин эркин, яъни шартнома асосида ишлашга ўтасизлар. Ижарага квартира олиб, алоҳида яшашга ҳам рухсат берилади. Ҳозирча эса белгиланган тартибга қатъий риоя қилишга мажбурислар. Акс ҳолда сохта ҳужжат билан чегарадан ўтиб келган жиноятчи сифатида полицияга топшириб юборамиз. Бу мамлакат қонунлари қаттиқ. Энг ками саккиз йилга зиндоңбанд қилиб юборишади. Зиндоңдан эса тирик чиқиши қийин. Мабодо тирик чиқсан тақдирингизда ҳам майб-мажруҳ, сил касал бўлиб чиқасиз ва бир йилга етмай ўласиз.

Афиға Мари хонимнинг мутлақо жиддий ва совуққонлик билан айтатётган гапларини тутилиб-тутилиб таржима қилас экан, қизларнинг кўзларида ҳайрат, қўркув ва ана шу икки ҳисдан ҳам устунлик қилиб турган қизиқиш туйғусини кўрди. Шўри қисган норасидаларми булар ёки нодон жувонмаргларми, дея савол берди ўзига ўзи. Кейин ўзи ҳақида ўйлади. «Ўзим-чи, ўзим кимман? Минг бор адашса ҳам кўзи жойига тушмаган бир аҳмоқ, гўрсўхта эмасманми?!»

— Саволлар бўлса торгинмасдан беринглар, ҳа, дарвоҷе, хизматкорларимизнинг ҳаммаси инглиз тилидан ташқари рус тилини ҳам оз-моз тушунишади. Мен ҳам...

Афиға таржима қилди. Руфинанинг кўзлари қувончдан порлаб кетди:

— Вой, қандай яхши, бемалол русча гаплашаверар эканмиз.

— ...Аммо мижозларга яхши хизмат қилиш учун барибир инглиз тилини ўрганишга тўғри келади. Шунинг учун дастлабки

ҳафта давомида тиббий кўриқдан ўтиш ва тил ўрганиш билан шуғулланасизлар...

«Тиббий кўриқ» ҳақида эшитиб, Афифанинг юраги «шиф» этди. «Дўхтирга олиб боришса, йўлда қочвораман. Не бўлса бўлар...»

— Энди хоналарингизга кириб, жойлашиб, шарт-шароит билан танишишларинг мумкин. Кейин дам олинглар, эртага эрта билан врач текширувидан ўтасизлар. Вақтли туриш керак.

Афифа ўзига ажратилган хонага кирди. Энди синчиклаб разм солди. Кенгина, бўйи тўрт, эни уч ярим қулоч чиқадиган, дид билан жиҳозланган кичкина меҳмонхона. Бир диван, икки ором-курси бир-бирига бақамти-мутаносиб жойлашган. Ўртада оёқлари металл, ўзи мустаҳкам ойнадан ясалган чиройли хонтахта. Деворга бўйи салкам бир, эни ярим қулочлик ливиди ва яна алланималар. Этак томонда бўйи шифтга қадалган бир неча эшикли ойнаванд жавон. Унга қимматбаҳо идиш-товоқлар териб қўйилган. Жавоннинг ёнида қора эман ёғочидан ясалган эшик. Ним очиқ. Афифа уни кенгроқ очиб, ичкарига кирди. Ётоқхона экан. Оврупача жиҳозланган. Эни уч қулоч келадиган улкан каравот. Устига ярақлаган хитой шоҳисидан қирмизи чойшаб ёпилган. Икки томонида кичик-кичик сандиқча-тумбочкалар қўйилган. Ҳар иккисининг устида бежирим тунчироқ. Кичкинагина деразага «элита-стил» усулидаги феруза ранг парда тутилган. Унинг қаршиисида устига одам бўйини тўла акс эттирувчи кўзгу қопланган кийим шкафи. Ёнида ички кийимлар учун комод-сандиқ. Деворнинг бир томонига залдагидан кичикроқ яна бир телевизор, иккинчи тарафига дengiz соҳилида қўёшга тобланиб ётган малласоч қизнинг улкан расми осилган. Яна бир бурчакда ойнаванд трюмо. Ёнида пуфик. Ҳар икки хонага эман ёғочидан паркет қолланган. Ётоқхонадан кичик бир оқ эшик ҳаммом тарафга очилган. Ҳаммом деворининг гир теварагига мовий кошинилар қолланган. Ўртада икки кишилик ёй шаклидаги ванна. Ёнида душ кабинаси. «Келинчакнинг уйи», деб ўйлади Афифа ҳаммомдан ётоқхонага қайтиб кирап экан, — фақат чимилидик етишмайди...»

Йўл азоби, руҳий толиқиши ўз ишини қилди: Афифа чала-чулпа ечиниб, ўзини каравотга ташлади. «Энди нима бўлади, тақдирим не кечади?» деб сўради ўзидан қовоқлари қўрғошин осилгандай оғир юмилиб борар экан. «Не бўлса бўлар, ўзимни қисмат измига ташладим», дея жавоб бериб, қаттиқ уйқуга кетди.

Бунақа ташрифларга күникиб қолган Субутта Рамиз исмли врач йигитнинг нохосдан кириб келиши ва узундан-узоқ кириш сүзи қилиб ўтирасдан дарҳол асосий гапга кўчиб, Афиға ҳақида гап бошлагани, лоқайд-ниятини ҳам оҳанжама қилмай очик-ошибкора айтгани файритабиий туолмади. «Фақат бу ҳовлиқма жўжалхурознинг кечикиб юриши ғалати», деб ўйлади ғижиниб. Шу боис:

— Субутака, сизни ҳурмат қиласман. Сиз тушунган зиёли одамсиз. Мен Афиғани қаттиқ яхши кўриб қолганман. Унга уйланмоқчиман. Аммо бир неча кундан бери тополмаятман. Айтишларича, у изсиз ғойиб бўлган эмиш, — деган пойма-пой, ҳаяжонли сўзларга жавобан:

— Шу қадар қаттиқ яхши кўриб қолган бўлсангиз, қаёқда юрибсиз сўлакайингизни оқизиб, оғайни, овламоқчи бўлган қушингиз аллақачон узоқ ва иссиқ мамлакатларга учеб кетиб қолибди-ку! — деди.

— А? Нега? Қачон? — деб сўради Рамиз Субутнинг овозидаги қаҳрли кинояга эътибор ҳам бермай. — Қаерга кетибди? Мабодо... Яманга эмасми? Мен унга... Яман Араб Республикасига ишга юборилишим мумкинлигини айтгандим. Эҳтимол...

— Ҳа, аввалроқ бориб сизни кутиб олиш учун кетибди. — деди киноясининг заҳрини яна ҳам кучайтириб Субут. — Фақат Яманга эмас...

Субут бирдан тилини тишлади. Бегона бир одамга бу ҳақда гапириш керакмас деган фикрга борди. «Севса севиб юргандир. Бу дегани у Афиғанинг тақдиди учун жавоб бериши керак, дегани эмас-ку».

— Очифи, ўзим ҳам ҳали аниғини билолганим йўқ, — деда гапини ёлғон билан якунлади.

— Рашид Пўлатов, деган терговчи: «қўшни давлатлардан биронтаси орқали Дубайга чиқиб кетган бўлиши мумкин, деб айтди. У ҳам излаган экан. «Яқиндагина яъни паспорт олиб бергандим», дейди.

— У ҳам Афиғанинг сон-саноқсиз ошиқларидан бирими? — деб сўради беихтиёр озгина қизганиб Субут.

— Шунақа бўлса керак, — деди қизарниб Рамиз. Кейин бирлаҳза сукут сақлаб, сўзини давом эттирди: — Аммо Афиға, мен-

га... ройиш билдирган эди. Яманга бориб, ишлаб, пул топиб келиб, уй-жой олсангиз, кейин турмуш қурамиз деган эди.

— Сиз ҳам... ойлангиздан ажрашганимисиз? — деб сүради Субут йигитнинг кейинги гапларидан чинакамига рашки қўзғалиб.

— Мен ҳали уйланмаганман, Субут ака...

— Ие, уйланмаган йигит... Афифани ... (хотин қилмоқчимисиз», демоқчи бўлди-ю бу гапи қўпол чиқиши мумкинлигини ўйлаб, бошқача айтди) олмоқчимисиз? У турмуш кўрган-у...

— Нима бўпти! — деди Рамиз. — Турмуш кўрган бўлсаям... ҳар қанақа қиздан аъло.

— Сиз унинг ҳаётини обдон ўрганиб, бунга аниқ ишонч ҳосил қилдингизми? — деб сўради Субут кутилмаганда юрагида бу соддадил йигитта нисбатан ихтиёrsиз бир илиқлик уйғониб.

— Ҳа. Агар сиз унинг ўзингиз билан турмуш қуришидан олдинги ҳаётини назарда туваётган бўлсангиз... у ҳақда ҳам била-ман. Ҳозир қамоқда ўтирган Давр Муқимхонов унинг ҳаётида қандай из қолдирганидан ҳам хабардорман. Қишлоқдоши, «қонундаги ўғри» Мирпўлат Эшпўлатовнинг, марҳум милиция ходими Мўмин Шербоевнинг унга уйланмоқчи бўлгани ҳақида ҳам муфассал маълумотга эгаман. Шу орада Зоҳидий деган марҳум бир бой ҳақида ҳам унча-мунча маълумотлар тўпладим. Менинг муҳаббатим чин. Ниятим холис. Мақсадим жиддий, Субут ака. Фақат қўлим калта. Шунинг учун хорижга бориб камида бир-бир ярим йил ишлаб келмоқчиман. Кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонаман.

— Нимаси яхши бўлар экан? — деди Субут вужудида бояги қизғаниш ҳисси яна ғалаён қилиб. — У аёлга яқинлашган эркакларнинг ҳоли нима кечишини тушуниб етмадингизми? Муқимхонов, Мирпўлат қамоқда, Зоҳидий, Шербоев ўлиб кетди...

— Сиз... сиз мана, соғ-саломат юрибсиз-ку, — деди Рамиз.

— Мен ҳам қамалиб қолгандим. Лекин қамоқдалик пайтимдаёқ «ундан воз кечаман», деб қасамёл қилганим учун омон-эсон юрибман.

— Унақамас. Субут ака. Сиз мени ундан айнитиш, аниқроғи, уни мендан қизғанганингиз учун гапиряпсиз бу гапларни.

— Ҳар ҳолда унда сирли бир хислат борлигини пайқамадингизми? — деб сўради Субут ногаҳонда йигитнинг кўзларига тикилиб қарап экан. — Айтайлик, уни кўрган ҳар бир одам сеҳрланишини, беихтиёр ёқтириб қолишини сөздингизми?

— Сездим, — деди Рамиз хотиржамлик билан. — У чиндан ҳам илохий бир сеҳрга эга. Икки юз дона димедрол таблеткаси ни паққос уриб, тирик қолишининг ўзи ҳам мўъжиза. Тиббиёт тажрибасида бунақаси деярли учрамайди. Уни Парвардигорнинг ўзи суюб, асраб юрса керак. Бояги ҳодисанинг маъноси ҳам шунда. Унга яқинлашмоқчи бўлган эркаклар ҳақидаги гапингизни айтяпман. Чамаси... унга соғ севги, холис ният билан ёндашмаганларнинг барчасини худонинг ўзи ўртадан олиб ташлаган.

— Сиз мени ҳам ўшалар қаторига қўшаяпсизми?

— Нега энди, мана, сиз соғ-саломат юрибсиз-ку. Ошиғингиз олчи. Кимсан, Субутбойсиз.

— Ёш бўлсангиз ҳам анча пишиқ йигит экансиз...

— Токсикологлар, яъни заҳарланиш муаммоси билан шуғулланувчи мутахассислар руҳшуносликни пухта ўрганишлари керак. Зеро, заҳарланишлар аксар ҳолларда руҳият билан боғлиқ бўлади. Ундан ташқари менда руҳшуносликка алоҳида қизиқиш бор.

— Унда айтинг-чи. Афифа анови терговчингиз айтганидек... Дубайга кетган бўлиши мумкинми? Агар шундай бўлса, нима учун? Унинг руҳиятида бирон салбий ўзгариш сезмаганмидингиз?

— Йўқ. У мутлақо соғлом. Дубайга эса кетган бўлиши мумкин. Сабаби, у атай, кимгадир, эҳтимол ўзига ўз қисматини аччиқ қилиб... жўнаган. Ўзини ўлдирмоқчи бўлганга сабаб ҳам шу. У — атамзада. Кимдан, нимадан, нега — буни ўзиям аниқ билмайди.

— Тушунарли. Мен унга бунинг бефойда машғулот эканлигини тушунтиришга кўп уриндим. Уддасидан чиқаолмадим, шекилли. Улуг шоиримиз айтганидай, синган кўнгил шишасини ямаб бўлмас экан-да.

— Ҳар қанақа дилисиёҳликни, ҳатто фожиани унугтиш, хотирдан ўчириб юбориш мумкин. Инсонга унугтиш хислати берилгани унинг энг катта баҳти. Акс ҳолда у ҳаёти давомида дуч келган омадсизликлари, қилган хатолари афсус-армонини чекиб, муқаррар ақлдан озади.

— Ҳамма нарсани ҳам унугтиб бўлмайди, — деди Субут ўйчаник билан. — Сиз ҳали ёшсиз, гарчи анчайин қобилиятли руҳшунос эканлигингиз кўриниб турган бўлса ҳам, турмушдан тажрибангиз кам. Ҳали шундай воқеаларга дуч келасизки, улар энг

майда тафсилотларигача хотирангизга зирапчадек, ҳатто най-задек санчилиб қолади.

— Зирапчани суурииб ташлаш керак. Субут ака. Агар одам унүтишга жаҳд қылса унугади. Яъни ана шу күнгилсиз воқеани унүтиш унинг омади, тинч ҳаёти бахтли келажаги учун зарур бўлса, буткул ёдидан чиқаришга қодир. Хотира инсон хоҳиш-иродасига бевосита боғлиқ ҳодиса. Мана битта мисол: донишманлар айтишган эканки, инсон икки нарсани унугтолмайди: биринчиси — бегона одам томонидан қилинган яхшилик. Иккеничиси — яқин одамингдан кўрган ёмонлик. Нега шундай? Шунинг учунки, бегона одамдан яхшилик кўрганингда бундан ҳайратласан, чунки бу ғайритабний ва ич-ичдан у одамга қойил қоласан, унга ҳурматинг ошади. Қилган эзгулигини қайтаришни дилингга тугасан, «бу яхшиликни унумаслигинг керак», дея аҳд этасан. Шунинг учун ҳам, яъни астойдил истаганинг учун ҳам унугтомайсан. Яқин кишинингдан келган жафо ҳам шундай: нақ юрагингга тегади. Бундан аламли ҳайратга тушасан, «ахир бунақа бўлмаслиги керак эди-ку», деб ёзғирасан, кечиролмайсан, «мен унақа иш қилмаслигим, унинг хатосини такрорламаслигим керак, шунинг учун бу воқеани унумаслигим шарт», деб аҳд этасан. Шунинг учун ҳам унугтомайсан...

— Майли, дўстим Рамиз, сиз билан тортишиб ўтирумайман. Чунки жудаям ўжар, яхши маънода албатта, қатъиятли йигит эканлиз. Фикрингизни ҳимоя қилиш, ҳақлигинизни исботлашни ҳам маромига етказаркансиз. Бу — яхши. Сизнинг келажагингиз порлоқ. Лекин... олдингизда жудаям қийин, машақватли синовлар кўп бўлади. Чекинмасангиз, мана шундай ўжарлик, қатъият сизни ҳеч қачон тарқ этмаса бас, марра сизники.

— Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиласман, ака, — деди Рамиз кулимсираб.

— Хўш, энди нима қилмоқчисиз? — деб сўради Субут суҳбат ниҳоясига етаётганлигини англатмоқчи бўлиб. Чунки котиба қиз икки марта эшикдан қараб, унинг ҳузурига одам келганлигини имо қилди. Жиддийроқ киши бўлиши керак. Акс ҳолда котибанинг Субутни бирон киши билан суҳбатлашиб ўтирган чоғида безовта қиласидиган одати йўқ эди.

— Излайман, — деди Рамиз ўрнидан туриб, хайрлашиш учун қўй узатди. Субут унинг қўйини қисиб қўйди. Қаердан изламоқчи эканини сўради. Ҳаёли янги одамда эди.

- Омадингизни берсин, — деб күлжолди.
- Рамиз чиқиб кетиши билан котиба кирди:
- Милициядан келишибди, шунинг учун безовта қылдым, узр.
- Ким экан? Киравермайдими?
- Рашид Пўлатов деган киши экан. Даҳлиэда, ҳозир олдингиздан чиқкан киши билан гаплашиб турибди. Маданиятли йигит экан, бостириб кирмади.
- Айтинг, кирсин. Энди кираверсин.
- Анови киши билан гаплашиб бўлиб, кейин киаркан.

Рашид Пўлатовни Субут бир гал анови Шуллаев деган ғалати фамилнясли терговчининг олдида кўрган эди. Афифанинг иши билан шуғулланиб юрганди. Чамаси бу ҳам унинг фойиб бўлиши билан боғлиқ масалада келган. Ва табииники, бу ҳам Афифага ошику бекарор, ҳеч бўлмаганда ишқибоз. Қизиқ, нега шундай? Нега уни кўрган ҳар бир эркак ҳавасманд бўлади? Ёки кўринниш шунаقا... ўзига тортадими? Одатда эркаклар енгилтабиат суюғоёқ аёлларга ўч бўлишади. Чунки ўшанақа аёлларнинг кўзи ўйнаб кулиб, бағрига чорлаб туради. Афифа унақа эмас-ку. «Унинг кўзлари ҳамнша ўйчан ва маъюс. Ёки ҳусни шу қадар дилрабоми? Шунақа бўлса керак. Ахир ўзинг ҳам уни биринчи бор кўрганингда бетакрор чеҳрасидан кўз узолмай қолгансаинку. Рамиз деган бояти йигит ғалати гап айтди. Афифадан қанақадир илоҳий сеҳр бор, деди. Субут илгари бу ҳаҷда ўйламаган экан. Шунга ўҳшаш бир иштибоқ кўнглидан ўтган бўлса ҳам эътибор бериб ўтиргмаган. Ўзи у аллақандай инсу жинсларга мўъжизаларга, гайритабиний ҳодисаларга ишонмайди. Лекин Рамизнинг гапини эшиттач ўйлаб қолди... Афифада чиндан ҳам қандайдир бир сир борлиги аниқ. Лоақал унинг икки марта жонига қасд юрганинни ва икки сафар ҳам тирик қолгани — мўъжиза эмасми? Кейин... кейин боя тилига беихтиёр келган гап-чи? «Унга яқинлашган эркакларнинг бирортаси омон қолмаётир...» Бу гашни у мутлақо ўйламай, Рамизга киноя қилиш учун айтиб юборди. Аслида бу — ўзи ҳам илгари чукурроқ ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрмаган айни аччиқ ҳақиқат-ку. Муқимхонов, Субут. Зоҳидий, Мирпўлат, Мўмин Шербоев... Эндиги навбат кимники? Анови бегуноҳ, бўйдоқ йигитникими? Унда нима айб? Ҳар долда Субут уни огоҳлантириб кўйгани яхши бўлди...

- Мумкинми? Салом алайкум.
- Марҳамат. Ваалайкум ассалом.

— Мен Рашид Пўлатовман. Ички ишлар бошқармасидан. Рұхсат этсанғиз сиз билан Афиға Зокирова ҳақида суҳбатлаштани келудим. Яна баъзин саволлар...

— Ҳар қандай саволга жавоб беришта тайёрман. Гарчанд... чұхтарам майор Шуллаев «Әнди сизге ҳеч қанақа савол бўлмайти», деганди-ю... майти. Дарвоқе, ўшанинг исми нега Шуллаев? Миллати нима? Ўзбекми?

— Ҳа, шунчаки отасининг исми Шуъла, яъни нур, маъносида. Метрика ёзувлар ходимлар хато килиб, иккита «сл» ёзиб юборишиган.

— Ҳа-а, шунақами? Қаранг-а, оддий нарса экан-у мен бўлсам... Майли, узр, ноўрин саволим учун одобсизлик бўлди. Саволни одатда фақат терговчилар беришади-ку. Шундайми?

— Шундай-куя. Аммо мен бу ерга терговчи сифатида эмас. бир аёлнинг тақдиринга бефарқ қарашга вижданни чиламаган киши сифатида келдим. Афиға Зокирова йўқолган. Биласиз-а? Яқиндагина ўз жонига қасд қилиб, зўрга тирик қолган, ҳаётда қийналган аёлнинг яна тўсатдан ғойиб бўлиши... Терговчи сифатида эмас, деганимнинг маъноси аслида унинг ғойиб бўлгани ҳақида ҳеч ким, ҳеч қанақа арз қилгани йўқ. Лекин у ғойиб бўлгани аниқ. Мен биламан. Чунки мен унга «яна учрашамиз ишга жойлашишингизга ёрдам бераман», дегандим. Паспоргини йўқотган экан, янги паспорт олишига кўмаклашдим. У бўлса... «қишлоққа бориб келаман», деганича тик оёқдан изсиз кетди.

— Холасидан сўраб кўрмадингизми? — ўсмоқчилари Субут.

— Сўрадим. «Хорижга кетиб қолган», дейди. Маккор аёл. Аммо қандай кетади, ким орқали, қандай йўл билан, билмас эмиш. Ҳолбуки, дабдурустдан хорижта кетиш осон иш эмас. Мен аэропорт, темир йўл вокзали ва бошқа назорат масканлари орқали суриштириб кўрдим. Мамлакатдан чиқиб кетганлар орасида унинг фамилияси йўқ. Лекин... кетган. Қандай қилиб? Нега?

— Шаҳина хоним меңга ҳам: «Хорижга кетиб қолибди», деганди. Эҳтимол яқин хорижий, қушни давлатлардан бироргаси орқали чиқиб кетдимикан?

— Сўрс з юбориб, жавоб олдим. Қўшини давлатлардан ҳеч бири орқали ҳам чиқмаган.

— Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми? — деди Субут куттишмаганда ҳаяжонланиб қотиб. — А?

— Айтинг, айтаверинг.

— Анови майор Шуллаевингизга ўхшаган кишилар... қўлига дурустроқ пул берса турли йўллар билан чиқариб юборишади.

Пўлатовнинг пешанаси тиришди. Афти буриши.

— Шуллаев... ўзи учун ўзи жавоб беради, Субут ака. — Агар унга нисбатан бирор даъвоингиз бўлса, қонуний тартибда, тегишли жойга мурожаат қилишингиз мумкин. Ҳозир бу гапнинг хонаси эмас. Умуман, сизга маслаҳатим, асоссиз равишда ҳар жойда, ҳар қандай гапларни гапириб юрманг.

— Хўп бўлади. Узр,— деди Субут. Кейин Пўлатовнинг кўзига тик қараб туриб, секин шивирлаб гапирди: — Аммо-лекин Шуллаевнинг қанақа одам эканлигини, сиз ҳам яхши биласиз. Чунки ўзингиз ҳалол одамсиз. Агар...

— Субут ака. Қўйинг, дедим-ку. Илтимос. Йўқса, суҳбатимиз... мунозарага айланиб кетади. Демак, Афиға Зокирова хорижга кетган бўлиши мумкин. Нега? Нима учун? Мантиқ қани? Агар пул ишлаб келиш учун бўлса, нега олдинроқ кетмади? Ўзини ўлдиришга уриниши... бир эмас, икки марта, буни яхши биласиз, унинг ориятли аёл эканини кўрсатиб турибди. Бас шундай экан, номусли аёл дабдурустдан, кутгилмаганда хорижга жўнаб қолиши ҳақиқатта тўғри келмайди-ку. Биронгасидан каттароқ пул қарз олиб... қайтаролмасдан... шундай қилишга мажбур бўлди, дейишга асос йўқ. Туманига бориб, суриштирдим. Фермерлик пайтида пайдо бўлган қарзларини ҳаммасидан қутилган.

— Яхшилаб суриштиридингизми, эҳтимол шаҳарда, айтайлик, холасидан қарзи бўлгандир, — деди яна ўзмоқчилаб Субут. Пўлатов кулди:

— Холасидан олган қарзининг боқимандасини ортиғи билан ўзингиз тўлаб бергансиз-ку, Субут ака. Сиз мени содла, деб ўйлананг. Шаҳина хоним ҳаммасини айтди.

— Ҳаммасини айтган бўлса... мендан сўрайдиган савол қолмагандир?

— Савол йўқ. Аввало ажralиб кетган хотинингизнинг қарзини узмоқчи бўлганингизга сабаб нима?

— Ярашмоқчи эдим.

— Унда нега Афиға Шаҳина хонимга: «Субут акамнинг пулини қайтариб беринг, у кишининг ҳимматига зор эмасман», деган?

— Аразлаб юрганди ўшанда...

— Унда нега эртаси куни олдингизга келиб, тунни сиз билан ўтказди?

- Яраиш мақсадида учрашгандик.
- Үнда нега ярашмадинглар? Нега ўша учрашувнинг эртасига уйойб бўлди?
- Сиз... нима, мендан бирон нарсанни гумон қилияпсизми?
- Йўқ. Афиға Зокированинг бунақа ғалати иш тутиши сабабини тушунмоқчи бўляпман. Тўғрисини айтиб қўяқолай. Ораларингиздаги муносабат нечоғлик мураккаб эканидан хабарим бор. Шунга қарамай у олдингизга келиши қизиқ. Айтганингиздай ярашилига мойиллиги бўлса, учрашувнинг эргасигаёқ яна аразлаши қизиқ. Ҳар қалай, ҳе йўқ, бе йўқ, хорижга жўнаб қолиши керак эмасди-ку?
- «Ораларингиздаги муносабат мураккаб», деб айтдингиз. Нимани назарда тутяпсиз? Фариза Мирмаъдиевна билан ҳамкорлигимзноми? Мен унга уйланганим йўқ-ку. Уйланмоқчи ҳам эмасман.
- Буни биламан. Қолаверса, бу — сизнинг шахсий ишингиз. Афиға Зокирова билан яқин муносабатни тиклашга ҳаракат қилганингиз, унга ўқишини тугатиб олишига ёрдам берганингиз, уйларингиздан биридан жой берганингизни, ишга кирмоқчи бўлганингизни, кейин эса... у сизни бегона аёл билан хуфия квартирада ушлаб олиши... буларни ҳам биламан. Бошда ана шуни дастак қилиб, сизнинг устингиздан жиноят иши очиши фикри туғилади. Шуллаевнинг курсатмаси билан. Лекин Афиға Зокирова қатъий туриб, сизга даъвоси йўқлигини айтган...
- Демак, Шуллаев... мени бекорга қўрқитиб... шилиб юрган экан-да ифлос...
- Ким ифлослигини худо билади. Субут ака. Сиз — қонунқойдани яхши биладиган таниқли журналистсиз. Агар шунга қарамасдан, кимнингдир ҳавоий дўқидан кўрқиб, ўзингизча шилдириб юрган бўлсангиз, билмадим энди. Яна Зокировага қайтамиз. Ўқиши битказиб, диплом олиб, ишга кирай деб турган жойида ўзини ўлдиришга уриниши. Кейин эса... қарзидан қутилганига қарамай, кутгилмаганда хорижга кетвориши сираман мантиқ, маъно топмаяпман. Тушунмаяпман. Наҳотки, сизни ушлаб олганини ҳануз унтутолмаган ва шунинг таъсирида... Руҳияти соғлом эди-ку, мен ўзим касалхонада бир неча марта суҳбатлашганиман. Ҳа, айтганча, узр. Шуллаев ҳақиқатдан ҳам анча нарсангизни шилиб олдими? Ўзингизам... дарров чўзаверманг-да. Аслида орган ходимини шунақа қилиб бузишади. Сал дўқ урса,

дарров: «қанча олиб келай», деб сұрашади. Қанча берғандынгиз?

— Майли, құяверинг, — қүл силтади Субут. — Ўттан ишга саловат. Аммо-лекин сиз... ҳамма нарсаны билар экансиз. Қойил. Терговчи шунақа бўлиши керак. Энди... мени Афифа бегона аёл билан... «ушлаб олиши», деган гапингизни унча тушунмадым.

Пўлатов кулди.

— Узр. Мен тилчи эмасман. Ўхшатиб гапиролмадим. Тўғри. Афифа Зокировадан расман ажралгансиз. Қонунан бўйдоқсиз ва истаган аёл билан яқин муносабат ўрнатишга ҳаққингиз бор. Лекин Зокирова билан яна яшаш ниятида бўлгансиз. Уй бермоқчи бўлгансиз. Мунтазам учрашиб тургансиз...

— Буларни ҳам биламан, дeng? Хўш, неча марта учрашиб миз?

— Кесатманг. Мен тўғри маънода айтдим. Ҳайтовур турмушингизни тикламоқчи бўлганингиз сезилиб турибди. Айни шу пайтда Зокирова бошқа аёл билан учрашганингизнинг устидан чиққан тўғрими? Дарвоқе, сизни Афифа Зокировага «ушлаб» берганлар аслида ким, биласизми? Агар бу иш Шаҳина хонимнинг қўлидан келган, деб ўйлаб юрган бўлсангиз, адашасиз.

— Кимлигининг аҳамияти йўқ, — деди Субут гарчи юраги шувиллаб, миасидан: «Наҳот буннি ҳам Фариза уюштирган?» деган фикр ўтиб кетган бўлса ҳам. — Қолаверса, тўшакда ушламаган-ку. Биз шунчаки, иш юзасидан сұдбат қуриб ўтиргандик.

— Майли, сиз шундай деб ўйлагансиз. Афиfaxон, эса бошқача тушунган. Ҳуллас, у сиздан ҳафсаласи пир бўлгани боис қилиб юрганмикан манови ишларнинг ҳаммасини?

Субут тутақиб кетди.

— Бўлмаса, нега қараб турибсиз? Ўша Шуллаев очган жиноят ишини қайтадан тикланг, мени терговга чақиринг, қаманг, турмада чиритинг. Аммо айтиб кўй, энди алдаб бўпсизлар, бир тийин берадиган аҳмоқ йўқ!

— Ўзингизни босинг, Субут ака. Мен сизни тергов қилишига келганим йўқ. Мен Шуллаевдақалардан эмасман. Буни бошдаёқ айтдим. Мен жиной жавобгарлик ҳақида эмас, маънавият, ахлоқий масъулият ҳақида гапнрятман. Афифа Зокированинг баҳтисизлиги учун ҳаммамиж жавобгармиз. Уни... уни омадсизлик, тубанлик ботқоғидан қутқариш керак.

— Биз ҳаракат қилиб күрганмиз, ука, — деди Субут бироз шашти пасайиб. — Мана, энди сиз урининг-чи, зора омадингиз чопса. Лекин... ҳозиргина сиздан олдин келиб кетган йигитта бир гапни айтдим, шу пайтча Афифага яқинлашган эркаклардан бирортасининг қисмати яхши бўлмаган. Ажабмаски, бу ноҳуш анъанани бузиш сизга насиб этса. Дарвоҷе, уйланганимисиз? Ёки сиз ҳам бояги укамиз сингари бўйдоқ ҳолингизга шу бадбахт жувонга талабгор бўлиб юрибсизми?

— Хотиржам бўлаверинг. Мен оилаликман. Иккита болам бор. Афифа Зокировага бўлган қизиқишим... сиз ўйлагандай эмас. Билиб қўйинг: бу ҳаётда аёлга... жинсий эҳтиёжни қондирish манбаи, деб эмас, инсон деб, том маънодаги аёл, она, опа, сингил, деб қаровчи одамлар кўп...

— Кечирасиз, — деди Субут хижолат бўлиб.

— Анови Рамиз дўстимизнинг муносабатига келсак... нима бўпти, ҳар бир йигит қизга уйланиши шарт, деб ёзиб қўйилган қонун-қоида йўқ-ку.

— У шўрлик Афифани яхши кўриб қолгани боис, нақд бўлиб турган хориж сафаридан ҳам воз кечишга тайёр. Сизга айтдими?

— Нимани?

— Яманга эмас, Дубайга бормоқчи, бориб Афифани сочидан судраб қайтариб олиб келаман, уйланаман, хотин қилиб, тўғри йўлга соламан, дейди. Ана йигитнинг жўмарди! Романтика, максимализм, сентиментализм, — деди Субут хотиржамлик билан.

— Ҳозирги ёшлар шунаقا. Ёр йўлида жонини фидо қўшишга тайёр бўлиб уйланишади-ю бир йилга қолмай ажрашиб кетишади.

— Рамиз унақа йигит эмас. Мана кўрасиз, у сўзининг устидан чиқади.

— Қандай қилиб? Дубайга борадими? Қаёқдан топади? Агар Афифа Дубайга эмас, бошқа ёққа кетган бўлса-чи?

— Аввал буни аниқлаймиз. Ёрдам берамиз...

— Аниқлашнинг иложи борми? Агар иложи бўлса, йигитни юбормасдан... Полиция орқали қайтариб юборилса бўлмайдими?

— Полиция орқалими? Бўлади. Бу борада иш олиб бориляпти. Лекин... мен уни полиция орқали эмас, бошқача қилиб, айрим эркакларга, аёлларга ибрат бўладиган қилиб қайтариб олиб келиш ~~ҳақида~~ ўйлаб, сизнинг олдингизга келдим. Рамиз ҳақида-ги гапларимга эътибор қилдингизми? «Сочидан тортиб судраб

олиб келаман», деялти, дедим. Қизларга, аёлларга... биринчи галда эркаклар эгалик қылмаса, ҳеч қанақа милиция, полиция эпсолмайди. Хўш, нима дейсиз?

— Менми? Мен ёрдам беришга тайёрман. Майли, пул бериш керак бўлса, берай.

— Аҳа, демак... Рамизнинг виза, бориб-келиш харажатлари ни тўлаб, ҳомийлик қилишга розисиз. Аммо у сиздан пул олармикан? Мен сиздан бошқа гапни кутган эдим.

— Нима гапни? «Йўқ, Рамиз бормасин, мен ўзим бориб олиб келаман», деган гапними? Очифи, мен унақа романтикага асир бўлиб юрадиган ёшдан ўтганман. Рамизга эса, майли, ёрдам берай...

— Тушундим, Субут ака. Ана шу гапни ўз оғзингиздан эшиитмоқчи эдим. Чунки Афифа Зокировага энг яқин одамлардан бирисиз. Гарчи... Ажralиб кетгандан кейин... Сизга ким ҳам эътиroz билдиради. Узр. Раҳмат. Рамизга айтиб кўраман. Хўп, хайр, aka!

— Омон бўлинг, — деди Субут хўмрайганича уни эшиккача кузатиб.

Пўлатов чиқиб кетганидан сўнг Субут гоҳ ўзидан, гоҳ Афиғадан, гоҳ терговчидан ғазаблана бошлади.

— Нимага булар мени ўз ҳолимга қўйишмайди? — деб ёзғирди. Огир уҳ тортди. Жавондаги мўъжаз хуфия барни очиб, катта-кон қадаҳга ярим қилиб виски қўйди.

— Оналарини... бу дунёнинг, — деди ва шаҳд билан симириб юборди.

Кейин ички бир савқи табиийлик ила англадики, Пўлатов бекорга келган эмас. У Афифа билан боғлиқ гаплар, воқеаларнинг деярли ҳаммасини энг майда тафсилотларигача билади. У Субутни инсофга чақириш учун келмаган бу ерда бошқа гап бор...

9

Ярим тунми, эрта саҳарми, Афифа эшикнинг анчайин қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди.

— Марҳамат, хоним ўрнингиздан туриб эшикни очинг, — деган оҳиста, ҳукмфармо овоз эшитилди инглиз тилида.

— Ким у, мен ҳозиргина ухладим, илтимос, безовта қўлманг, — деди Афифа юраги гупиллаб.

— Биз полицияданмиз, ҳужжатларингизни текширишимиз керак. Эшикни дарҳол очинг, акс ҳолда уни бузишимизга түғри келади.

«Шўримиз қурсин, келиб улгурмаёқ полиция қўлига тушиб ўтирасак», деб ўйлади Афиша-пиша ўрнидан туриб кийинар экан.

Сўнгра:

— Ҳозир очаман, кийиниб олай, — деб овоз берди.

Эшикни очишдан олдин чироқни ёқди. Хонага икки формали ва бир фуқаро кийимидағи киши кириб, ҳужжат кўрсатишиди.

— Биз полицияданмиз. Сиз ва яна икки шеригингиз мамлакатимизга қонунга хилоф равишда кириб келганлигинги ҳақида маълумот тушган. Ҳозир шерикларингиз билан биргаликда полиция бўлинмасига борасиз.

Эшик ёнида турган Мари хоним Аифага хотиржам қараб, бош иргади ва «чоғланавер» маъносида ишора қилди.

— Хўп бўлади, ҳозир кўча кийимларимни кийиб олай, сизлар чиқиб турнглар, — деди Афиша.

— Кийинаверинг. Биз халақит бермаймиз, — деди формасиз қорача мўйловли ва бўйдор киши.

Афиша шошилмасдан кийинар экан: «бир ҳисобга шундай бўлгани маъқул, фоҳишалик қилгандан кўра қамоқда ўтирган яхши», деб ўйлади. Даҳлизга чиқиб, аллақачон кийиниб тайёр бўлиб турган Руфина ва Зулфинани кўриб, бир юраги эзилди, бир заҳарханда қилди. «Саробга айланган орзулас, очилмай сўлган гуллар», деган ўй ўтди кўнглидан.

Уларни «Хундай старекс» маркали ўн икки кишилик микроавтобусга ўтқазиб қайгадир олиб кетишиди. Кўча сутдай ойдин, ҳаво дим, нафас бўғилади. Тунми, тонгми, билиб бўлмайди. Машина кўп.

— Опа, юрагим қисяпти, — дея зорланди Зулфина. — Сўрангчи, валидолми, корвалолми, бирон дориси йўқмикан?

Афиша таржима қилди. Формасиз киши машина аптечкасини очиб, қанақадир ҳандори олиб берди:

— Шуни тилининг тагига ташласин. Енгил тортади.

Зулфина дорини шимиб, сал ўзига келди. Полиция бўлинмасига етишгач, уларни панжара ортига қамаб, дарҳол сўроқни бошлишди.

— Келишдан мақсадингиз?

- Саёчат, — деди Афифа Шаҳром кечада ўргатгандек.
- Қанақа фирма орқали келгансиз?
- «Марк Антони» сайджлик фирмаси.
- Нега ўз мамлакатингиздан эмас, қўшни давлатдан учдингиз?
- Арzonроқ бўлгани учун.
- Турган хонадонингизга ким жойлаштирган?
- Фирма олдиндан келишган экан.
- Ҳужжатларингиз сохта. Бу ҳужжатларни ким, қаерда, қаочон берган?
- Ҳужжатлар ўзимизники. Қолган барча саволларга фирма жавоб бериши лозим.
- Сизнинг касбингиз нима? — деб сўради бояги формасиз киши Афифанинг дадил, аниқ жавобларидан бироз ҳайратга тушиб.
- Ҳуқуқшуносман....
- Руфина ва Зулфинанинг тил билмаслиги ҳам шу ерда асқотди. Уларнинг сўроғини ҳам Афифанинг тилмошлигига ўтказишиди. Афифа ҳар гал бояги, ўзи берган жавобларни такрорлади.
- Яхши, — деди формасиз киши. — Ташифларингизнинг асл мақсадини, ҳужжатларингизнинг сохта ёки ҳақиқийлигини аниқлагунимизча беш-олти кун «дам олиб» турасизлар. Конвой, олиб чиқинг!
- Уларни тўрут кишилик диққинафас ҳибсхонага қамашди.
- Тамом бўлдик, опажон, — деб йиғлаб ўзини каравотта отди Зулфина темир эшик шарақлаб беркилган заҳоти. — Мен... мен бу ерда ўлиб қоламан. Юрагим касал... тутма парогим бор.
- Юрагинг касал бўлса... пишириб қўйганими бу ерда?! — деди Руфина.
- Ўзинг айтдинг-ку, «беш кун бўлса ҳам одамга ўхшаб яшшимиз керак, қашшоқлик жонга тегди», деб.
- Мен сенда порок борлигини тушимда кўрибманми, ойдай юрувдинг-ку.
- Яхшийдим. Билмадим нима бўлди. Бу ерга келиб, самолётдан тушган заҳоти қисила бошлади. Ҳавоси тўғри келмади.
- Афифа уларнинг мунозарасига жимгина, лекин таълика оғушида қулоқ солар экан, «ҳаммасини бўйнимизга олсак, самолётга солиб қайтариб юборармикан, бу ерларнинг қонуни қанақа экан», деб ўйларди. Йўқ. Шунчаки қайтариб юборилмайди.

Шаҳром айтди-ку, «Зинданга солади, камида беш йилга кесади», деб, у билади, биринчи келиши эмас. Ўзи қайда юрган экан ҳозир? «Ёрдам бераман», деганди-я номард. Бизни сотиб, пулни олиб, алалқачон жуфтакни ростлаган бўлса керак. Кечаги гапининг авзоига қараганда... «пулни олиб, жўнатиб юборишим керак», деганди. Агар уни ҳам тутиб, бу ерга олиб келишса... та мом. Зиндандан қочиб қутилиб бўлмайди. Менга-ку... зиндан бўлса зиндан-да, шу пайтгача кўрган айрим кунларимнинг зиндандан пешлик жойи йўқ эди-ку. Манови шўрликларга ачинади, одам.

— Майли, энди йифлаб-сиқтаб ўзларингни қийнаманглар. Бошга тушганини кўз кўрар. Келинглар энди, яқинроқ танишайлик. Мен — Ойнур опаман.

— Асл исмимизни айтайликми, ё паспортдагисиними, — деди Зулфина соддалик билан.

Афифа кулди.

— Паспортдагисини. Асл исмлар... юртда қолиб кетди. Фақат асли қаёқдансизлар қандай қилиб бу ёқларга йўлларинг тушди, шуларни айтиб беринглар. Ростини айтгиларинг келса рости ни, ёлғонини бўлса ҳам майли. Ишқилиб гапиришиб ўтирайлик. Бўлмаса, одам ёрилиб ўлади.

— Мен асли Янгикент шаҳриданман, — деб ҳикоясини бошлади Руфина. — Зулфина Юқори ариқ туманидан. Самарқандда билим юртида бирга ўқигандик. Мен ўқишни битказиб, Янгикентта қайтдим, боғчада ишлаб юрдим. Кейин қисқариб қолдим. Самарқандга келиб кўча ошхоналарида офицанткалик қилиб юргандим, бир куни Зулфина келиб қолди. У ҳам қишлоғида боғчада ишлаган экан. Боғча ёпилибди. Бирга офицанткалик қилиб юрдик. Маош кам эди. «Тошкентта борамиз, ўша ёқда пул кўп», деб пойтахтга келдик. Яна кўчадаги ошхоналардан бирига ёлландик. Хўжайн қўли очиқ одам экан. Даромад ёмон эмасди. Лекин тез-тез текшириш бўлар, мелисалар «пропискаси йўқ», деб шаҳардан чиқариб юборишар, яна яширинча келиб, ишни давом эттирадик. Кейин ошхонамиз ёпилди. Бошқасига жойлашдик. Бунинг эгаси мумсик чиқди. Пулдан қисди. Ташлиб кетдик. Бу орада Қозогистонга ҳам бориб ишлаб келдик. Хўрлашади. Рос сияга кетайлик, десак, тил билмаймиз, бунинг устига мен совуққа

юпқаман. Ҳуллас, шаҳарда тентираб юрган кунларимиздан бирда Шаҳром ака билан танишиб қолдик...

Афиға Руғинадан «ота-онанг борми, нима иш қилишади, оиласи-
ларинг каттами», деб сўрамоқчи бўлди-ю фикридан қайтди.
«Юрагини эзib нима қиласман, шусиз ҳам кўриниб турибди. Од-
дий, камбағал оиланинг қизи.

— Мен уч йил олдин турмушга чиқишим керак эди, — дея ўз
қиссасини бошлади Зулфина. — Қишлоғимизда бир йигитта унаш-
тирилгандим. У, «тўйга бироз пул қилиб келай», деб Россияга
кетди-ю шу кетганича қайтиб келмади. Икки йилдан кейин маъ-
лум бўлдики, ўша ёқда бир ўрис қизга уйланибди. Боласи ҳам
бор экан. Менинг тўйим қайтиш бўлди..

«Иккаласи ҳам ҳали қиз, турмуш нималигини билмайди, бе-
чоралар», — деб ўйлади Афиға раҳми келиб. — Келажакда қис-
мати нима бўлади? Бу ердан қайтиб боргандан сўнг ҳоли қандай
кечади?»

— Бу ёққа жўнашдан олдин обдон ўйлаб кўрганмисизлар, бу
ерда нима иш билан шуғулланишларингизни айтишганми?

— Шаҳром ака, «Дубайда ҳам офицанткалик қиласизлар»,
деганди, — деди Руфина.

— Қанақа офицанткалик? Кечаки Мари хонимнинг гапларини
эшитмадингларми? Офицанткага ётоғи-ю зали алоҳида, ҳаммом-
лик шоҳона хона ажратиб бериладими? Хонимниги келиб ша-
роб ичиб, қимор ўйнайдиган мижозларнинг кўнглини хушлаши-
миз керак. Билдиларингми?

Қизларнинг иккиси ҳам ерга қаради. «Ҳар қандай шарманда-
лик, хўрликка рози булар. Нима ҳам қилишсин. Унаштирилган
йигити номардлик қилиб, баҳтини бошқа юртлардан излаб, қай-
лигини хор қилиб кетган бўлса».

— Иложи бўлса, озодароқ иш қилар эдик. Лекин... нима ило-
жимиз бор, — деди Руфина.

— Ёки... терговчига «алдаб олиб келишди», деб айтами?
Депорт қилиб, самолётга миндириб қайтариб юборишлари мум-
кин. Лекин сохта ҳужжат билан келганмиз. Нариёққа борган
заҳотимиз қамоққа тушамиз.

— Мен бу аҳволда қайтмайман. Ҳеч қурса юрагимни опера-
ция қилишга етгулик пул ишлаб бормасам бўлмайди, — деди Зул-
фина.

— Қамаб юборишлари мумкин, — деди Афиға.

- Қамашса... бир кунмас-бир кун озод этар-ку...
- Қўйинг, опа, индамант. Иложи борича, қайтариб юбориш масин. — деди Руфина. — Агар иложи бўлса, бу ердан чиқиб... бузуқчилик эмас, тузукроқ ишга жойлашсайдик.
- Майли, унда бу ердан чиқишнинг иложини топиш керак. Аммо Мари хонимнинг ўн беш минг долларини... қанақа тўлаймиз?
- Ишлаб, узамиз-да. Уям инсон-ку. Тушунтирамиз...
- Озод бўлиб, яхшироқ ишга жойлашсак, кўп-кўп пул ишласак зўр бўларди-да. — деди Зулфина кўзлари ёниб.
- Юртга қайтиб, шаҳардан квартира олиб, машина миниб юарардик, мазза қилиб, — деди Руфина.
- Ишқилиб айтганларинг келсин, — деди Афифа.
- Кейин улар яна алланималар ҳақида гап сотиб, кунни кеч қилишди. Оқшом чўкди. Қоринлари тапталаб кетди.
- Жилла қурса нон-сув беришар, — деди Руфина тамшаниб. Шу пайт темир эшик шарақлаб очилди. Назоратчи Зулфинани имлаб ташқарига чақирди. Афифа эргашмоқчи бўлди. Назоратчи унинг йўлини тўсади.
- Мен тилмошлиқ қилмасам бўлмайди. У инглизча ҳам, арабча ҳам билмайди, — деди у назоратчига. Назоратчи қўл силтади.
- Тилмошимиз бор. Сизнинг хизматингизга ҳожат йўқ, — деди инглизчалаб ва эшикни шарақлатиб ёпди...
- Орадан икки-уч соат ўтди ҳамки, Зулфинадан дарак бўлмади. «Наҳотки битта сўроқ шунча узоқ давом этса», деб ўйлади Афифа юраги аллақандай кўнгилсиз воқеани ҳис этиб.
- Ё уни алоҳида хонага қамаб қўйишидимикан-а, опа? — деди Руфина. — У касалманд-ку ахир.
- Бир бало бўлганга ўхшайди. Ишқилиб... тинчлик бўлсин...
- Тун ярмидан оққанда темир эшик яна очилди. Бу сафар шарақлаб эмас, оҳиста, деярли овозсиз очилди-ю дарҳол ёпилди. Афифа билан Руфина ўринларидан сакраб туришди. Фира-шира нимқоронғуда эшик тагида гужанак бўлиб, даф-даф титраб энгашиб турган Зулфинанинг кичкина гавдаси кўринди. Руфина биринчи бўлиб унинг ёнига борди.
- Ҳа, нима бўлди, тинчликми, нега бунақа турибсан? Уришдими? Вой, нима бало, ичдингми, оғзингдан ароқ сасияпти, бунақа одатинг йўқ эди-ку. Ҳой, нима бўлди, гапирсанг-чи?
- Зулфина гапиролмади. «Шилқ» этиб, қулаб тушди. Афифа уни чақонлик билан кўтариб, каравотта ётқизди. Зулфинанинг

кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетган, бошини сарак-сарак қилиб, оғир-оғир нафас олар, чап қўли билан зўр бериб, юрагини уқалар, ўнг қўлида эса қонга буланган кичик дастргўмолни чанглаб олганди. Афифа ҳаммасини тушунди.

— Уни... зўрлашибди. — деди у Руфинага шивирлаган овозда. Мажбурлаб ичириб маст қилишиб, кейин номусига тегишган. Аблаҳлар. Ҳозир бутун турмани бошимга кўтараман.

Шундай деб у эшик ёнига борди. Жазавага тушиб, туфлисинг товони билан темир эшикни тепа бошлади. Пошнаси синиб кетганини ҳам сезмади.

— Илтимос, опажон, тўполон қилманг, — деди синиқ овозда Зулфина. — Мен... мен ўзим рози бўлдим. Акс ҳолда ҳаммамизни камида етти йилдан қамаб, зиндонга солишар экан.

— Ким, ким айтди шуни?! — деди Афифа ҳамон ўзини босолмайди.

— Шаҳром ака айтди, «ҳаммамиз қамалмаслигимиз учун сенинг, иффатингни қурбон қилишга тўғри келади», деб айтди. «Шусиз ҳам эртами-индинми, ундан айриласан-ку», деди.

— Ким? Шаҳром? Нима, униям қамашибдими? — сўради Афифа.

— Йўқ. Битта хонада бояги бизни олиб келган мўйловли қора одам билан пиво ичib, чақчақлашиб ўтирган экан. «Мен сизларнинг қамалиб қолганингизни эшитиб, аэропортдан қайтиб келдим, буларга қанча пул таклиф қилсан ҳам кўнишмаяпти, фақат битта чораси бор, манови жанобнинг кўнглини хушлаш керак», деди. Кейин чиқиб кетди. Кетаётib, «эрталаб озод бўласизлар, ўзлари олиб келган жойларига обориб қўйишади», деди.

Бир зум ҳаммалари жим қолишиди. Афифа Шаҳромнинг бу ишини қандай изоҳлашни билмай караҳт ҳолда узоқ ўйлаб ўтириди. Зулфина ўқтинг-ўқтинг пиқиллаб йиғлай бошлар, Руфина уни юпатар, гоҳ ўзи ҳам қўшилиб йиғлар, Афифа уларга нима дейишини билмасди.

Шу кўйи бири йиғлаб, бири юпатиб, тонг оттиришиди. Азбаройи оч, ташна бўлганликлари боис ҳеч бири мижжа қоқолмади.

Тонг саҳар уларни кеча қандай олиб келишган бўлса, худди шутартибда Мари хонимникинга элтиб ташлашиди. Хоним уларни қай тарзда лоқайд кузатган бўлса, худди шундай хотиржамлик билан кутиб олди. «Буларнинг ҳаммасининг тили бир», деб ўилади Афифа беихтиёр.

— Хоналарингизга кириб, ювениб, тараниб ўтирглар, бир роздан сўнг нонушта олиб киришади, — деди у Афифанинг кўзи-га синовчан тикилиб.

— Шаҳром ака келмадими? — деб сўради Афифа.

— Жаноб Шаҳромми? Унинг сизга нима зарурати бор? Сиз энди унга эмас, тўласинча бизга қараашлисиз, — деди хоним кўзла-ри совуқ йилтираб.

— Кечирасиз, мабодо жаноб Шаҳром ортига қайтиб кетиб қолмаган бўлса, у кишига айтиб юборадиган бир қарз гапим бор эди. Агар мумкин бўлса...

— О-о, марҳамат, албатта, — деди хоним бирдан садафдек бир текис ва тоза сунъий тишларини кўрсатиб кулди. — Жаноб Шаҳром ҳали кеттган эмас. Кетгунича албатта киради. Мен айтаман унга.

— Раҳмат, — деди Афифа ва ўз хонасига кириб, зилдай оғир, мажолсиз гавдасини каравот устига ташлади.

Шаҳром индинига кечга яқин келди. Унгача клубда яна бир кўнгилсиз воқеа юз берди. Қизлар авахтахонадан қайттан куни-нинг эртасига кўринишидан эр-хотин ва миллати хитойми, корейс-ми врачлар келиб, қизларни кўрикдан ўтқазиши. Аввал эри курди. Кейин хотин обдон текширди. Қон олди. Зулфинани охи-рида кўриши. Эркак дўхтири унинг юраги уришини қайта-қайта эшилди. Жомадончасидаги ЭКГ аппаратига солиб кўрди. Боши-ни чайқади. Кейин хонимга қараб:

— Буниси жиддий касал. Уни... касалхонага ётқизиб, жиддий даволаш керак, акс ҳолда ўлиб қолиши мумкин, — деди. Хоним-нинг қовоғи уйилиб кетди.

— Кеча озгина кўнгилсиз воқеа юз берган эди. Ўшанга қаттиқ ҳаяжонланган. Ўзингиз шу ерга келиб, даволайсиз, отдаи бўлиб кетади, — деди.

— Анализлар натижаси эртага эрталаб тайёр бўлади. Ўзим олиб келаман, — деди аёл. — Бир йўла бу ўш хонимга буюрилган дори-дармонларни ҳам олиб келиб, муолажани бошлайман.

Эр-хотин врачлар кетишгач, Мари хоним кутилмаганда соф рустилида жаҳл билан бақириб кетди:

— Нима учун касал ҳолингда бу ёққа келасанлар? Анови тўнка Шаҳром қаёққа қараб юрибди?! Муштариҳоним бўлса.

қорни түйиб, семириб, энди халтура қилишга ўтган. Уларни боп-лаб жазолаш керак.

Эртасига дүхтири аёл анализлар натижасини олиб келиб, не-гадир Афифани такрор текширувдан ўtkазди. Сүнгра:

— Бунинг қонида гепатит вируси бор, зудлик билан юқумли касалликлар шифохонасига ётқизиш керак, акс ҳолда бу ерда ҳаммага юқтириши мүмкін, — деди. — Ундан ташқари қорнида ҳомиласи ҳам бор.

Афиғанинг миясида чақмоқ чаққандек бўлди. «Қанақа ҳоми-ла? Қачон? Наҳотки?...»

Бироқ врач хотиннинг қатъий хулосаси уни дарҳол ўзига кел-тирди. Фазаб ва қувонч қоришган эҳтирос ўрнини афсус, алам ва лоқайдликка алмаштириди.

— Ҳомилани олдириб ташлашга тўғри келади. Чунки унинг тирик туғилишига ҳеч қанақа умид йўқ.

Шундан кейин Мари хоним буткул жазавага тушиб, фигони кўкка ўрлади. Кўлидаги телефонидан кимгадир қўнғироқ қилиб, Шаҳромни зудлик билан топиб олдимга юборинглар, дея талаб этди.

Шундан сўнг ярим соат ўтар-ўтмас Шаҳром пайдо бўлди. Бақир-чақирнинг зўри ана энди бошланди. Хоним ёнига барзанги қоровул йигитни олиб, русчалаб Шаҳромга қараб пайдарпай сўкиниб кетди:

— Сен ҳезалак, мени лоҳ қилмоқчимисан, нимага яроқсиз «мол» олиб келдинг?

Шаҳром баргдай титради:

— Хоним, Худо ҳаққи, менда айб йўқ. Ҳаммасини Муштари опа танлаган. Мендаги маълумотномаларга кўра, улар соппа-соғ.

— Муштари-пуштарийингни билмайман. Бу воқеа учун сен жавоб берасан. Агар бир ҳафта мобайнинда манови иккисининг ўрнига «замена» топмасанг... ҳангى айғирларга ўзингни қўша-ман, тушундингми?

Шаҳром аввал оқарди, кейин қизарди.

— Майли, хоним, майли, айтган шартингизни ортиғи билан бажараман!

— Бажар! Тезроқ бажар! Масалани қанча тез ҳал қилсанг, ўзингта шунча яхши. Мабодо шартни бажармасант, мамлакатга сохта ҳужжатлар билан ноқонуний кириб келгани учун булар, ана шу жиноятни уюштирганинг учун сен ҳам қамаласан.

- Тушунарли. Менга муҳлат беринг.
- Муҳлат бердим. Лекин... қочишига уринмаслигинг учун ёнинг соқчи қўйман. Башир, сен бу билан бирга юрасан. Салги на оёқ олиши ўзгарса, дарҳол хавфсизлик хизмати ёки полицияга хабар берасан. Улар «одам савдоси билан шуғулланувчи» виждонсиз кимсаларни излаб исковуч итдай изғиб юришибди.
- Хўп бўлади, хоним, — деди соқчи йигит.
- Энди жўнанглар, ҳозирданоқ ишга киришинглар. Вақт зиқ. Шусиз ҳам бу пандавақининг айби билан бир ҳафта беҳуда ўтиб кетди.
- Хоним, қизларни нима қиламиш? — деб сўради барзанги қоровул.
- Сариқ касалини Шаҳромнинг ўзига қўшиб жўнатиб юбор. Гулдай покиза уйимни касаллик микробларига тўлдирмасин. Ҳозироқ санитария хизматидан одам чақириб, ўша қиз турган хона, ишлатилган кўрпа-тўшак, буюмлар идиш-товоқлар ҳам-масини дориланглар!...

Афифа бу мунозарани хонасидаги қия очиқ эшик тирқиши орқали узуқ-юлуқ эшилди. Ўзининг сариқ касал эканидан ажабланмади. Чунки бултур касалхонадан чиқаётганида врач огоҳлантирган: бир неча йил қаттиқ парҳез тутмаса дард қайталаниши муқаррар. Агар Муштарий-Олчахон талаб қилган маълумотномани Рамиз тўғрилаб бермаганида касалхонадаёқ касали аниқ бўлиб қоларди. Афифани ўйлантирган нарса хонимнинг «Шаҳромга қўшиб жўнатиб юборинглар, қайга олиб бориб даволатса даволатаверсин», дегани бўлди. Шаҳромнинг ўзи ҳозир бу аҳволда, уни қаерда даволатиши мумкин?

Эшик ортида қадам товушлари эшитилди. Афифа чаққонлик билан ўзини каравотта отиб, ухлаганга солди. Барзанги қоровул кирди.

- Нарсаларингизни йиғишириб, даҳлизга чиқинг, тезроқ!
- деди у.
- Нима бўлди, яна полиция келдими? — деб сўради сохта гўллик билан Афифа.
- Йўқ. Сизни дўхтирга олиб боришади. Чаққонроқ қимирланг, — деда қайтиб чиқди қоровул.

Афифа ўрнидан иргиб туриб, ваннахонага кирди. Ҳаммом қазноғига бекитган ўз паспортини олиб, ички кийими орасига тикиди. Кейин ётоқхонага қайтиб, нарсаларини йиғиширди. Кат-

тароқ сумка ва мўъжазгина бўғчасини кўтариб, даҳлизга чиқди Даҳлизда уни ранги бўзариб кетган Шаҳром ва барзанги қоро вулга айнан ўхшаш бошқа бир бўйдор қора йигит кутиб туришар эди.

— Кетдик, — деди паст овозда Шаҳром.

Афифа индамай эргашди. Лифтдан тушиб ташқарига чиққан ларидан сўнг Афифа паст овозда ўзбекчалаб сўради:

— Нима бўлди? Қаёққа боряпмиз? Қанақа касалхона?

— Жим! Ҳозир мендан ҳеч нарсани сўраманг. Пайти келса айтиб бераман.

Кўчага чиқиб, такси ёллашди. Машина шаҳарнинг кунчиқар томонига қараб кетди. Йўл-йўлакай Шаҳром қўл телефонидан қайгадир қайта-қайта қўнғироқ қилди. Жавоб бўлмади. Манзилларига етиб, таксидан тушиб, яна бир баланд иморат эшигидан кираётганларида, ниҳоят жавоб бўлди.

— Опа, бу мен — Шаҳромман, савдомиз пишмай қолди. Зудлик билан иккита қўшимча «ҳужжат» керак. Ўшаларни тўғрилаб жўнатинг. Опажон, илтимос, ҳозироқ киришиб, шу масалани узоги билан икки-уч кунда ҳал қилинг. Қўнғироғингизни кутаман. Хайр...

Бу баланд иморат ҳам турар жой экан.

— Тўққизинч қаватда Башир, деган ўртоғим туради, — деди Шаҳром Афифага инглизчалаб. Чамаси у атайлаб, соқчига ҳам тушунарли бўлиши учун шундай қилди. — Хотини врач. Сизни касалхонага жойлаштириб, хабар олиб туради. Мен айрим муаммолар ҳал бўлгандан сўнг келиб олиб кетаман.

— Қайси касалхонага, нега, нима учун, қанақа касал эканман? — деб сўради Афифа ҳам инглизчалаб.

— Жигарингиз бироз... касалланибди. Беш-үн кун муолажа қиласа кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Шаҳром гапини тугатар-тугатмас баланд иморат эшигидан ёши ўттиз бешлиардаги буғдойранг, мўйловли йигит чиқиб келди. Шаҳром билан қучоқлашиб кўришди. Соқчига қўл узатди, Афифага бошини эгиб, таъзим қилди.

— Қани, ичкарига марҳамат, — деди у.

— Биз шошиб турибмиз, боришимиз керак, хоним сиз билан қолади, ундан кейинроқ хабар оламан, — деди Шаҳром.

— Яхши, ундай бўлса сизларга хайр, сиз эса менинг ортимдан юринг, — деди Башир Афифага. Шаҳром билан соқчи такси то-

н, Башир билан Афида эса эшик сари юришди. Башир ортига тирилиб, таксининг юриб кетганига ишонч ҳосил қилгач, эшик ёнидан ортга бурилди. Йўл томон юрди. Ажабланиб турган Афиғага қараб инглизчалаб:

— Эҳтиёткорлик — қўрқоқлик эмас. Англисларнинг шундай мақоли бор. Қани юринг!

Таксига қўл кўтарди. Сариқ машинага миниб, шаҳарнинг бошқа мавзесига йўл олишди.

Башир асли Суриядан, хотини Наталия россиялик бўлиб, шаҳар четидаги йигирма қаватли иморатларнинг бирида ўн саккизинчи қаватда, икки хонали шинамгина хоналонда яшашар экан. Афиғани туғишган қадрдонларидек очиқ чеҳра, меҳрибонлик билан қабул қилишди. Наталия чиндан ҳам врач экан. Ҳали фарзанд кўришмабди. Наталия Афиғага «землячка», деб мурожаат этди. Кейин хотиржамлик билан:

— Анови дўхтирлар гепатит вируси топилган, дегандек бўлишувди... Яна сизларга юқтириб ўтирумайин, — деди Афида. Наталия кулади.

— Қўрқманг. Мен сизнинг анализларингиз билан танишганман. Сариқ касалга чалинган кишининг қонида айрим моддалар бир умр сақланиб қолади. Уларни буткул йўқотиб юборишнинг ҳамиша ҳам иложи бўлавермайди. Лекин бу одам бир умр касаллик юқтириб юради, дегани эмас. Энг муҳими, танангизнинг касалликларга қарши курашиб қуввати, яъни иммунитетини кучайтириш зарур. Бунинг учун яхши дам олиш, сифатли овқатлашиш керак. Сизни шунга «мажбур» қиласиз. Жаноб Шаҳром бунинг учун зарур бўлган харажатларни қилиб қўйган.

— Шаҳром? — деда ажабланиб сўради Афида.

— Ҳм-м-м, — деда кўзларини юмиб жавоб берди Наталия.

10

Алқисса...

Рамиз Яманга жўнаб кетиш учун зарур ҳужжатларнинг барчасини олгач, яна Субутнинг олдига кирди.

— Мен эрта-индин жўнаб кетишими керак. Дубай орқали ўтмоқчиман. Агар Афиғани тополмасам... Сиздан битта илтимос, агар дараги чиқса ёки ўзи сизга қўнгироқ қилса, ё бирон хабар берса, уни излаб юрганимни айтинг.

— Албатта, айтаман, — деди Субут ва ўрнидан туриб. хизматхонанинг тўрроғида жойлашган икки қаватли каттакон пўлат сандиқ ёнига борди. Юқори эшигини очиб, бир боғлам ўнталик доллар олди. — Мана бу — мендан сизга йўл пули. Ёрдам тариқасида. Буни Афифани излаб бораёттанингиз учун эмас. ёш билимли ўзбек мутахассиси сифатида катта ишончта сазовор бўлиб, хорижга ишга кетаёттанингиз учун беряпман. Сафар чоғи асқотади. Йўқ, деманг. Вақти келса қайтарарсиз.

— Қарзга бўлса, майли, оламан. — деди Рамиз.

— Ҳа-ҳа, албатта қарзга, — деди Субут йигит қўлини қайтармагани учун хурсанд бўлиб.

— Ҳозирги замонда еб кетарга пул берадиган мард қайда. дейсиз.

— Фоизсизми?

— Фоизсиз.

Рамиз пулни қўйин чўнтағига солди.

— Илтимосимни бажарасизми? Агар... у мабодо ўзи қайтиб келиб қолса ҳам. Дарвоқе, мен манзилим аниқ бўлган заҳоти сизга қўнғироқ қиласман. Манзилим, телефонимни унга айтасиз. Майлимни?

— Яхши, — деди Субут. — Сиз бемалол Яманга учеб кетаверинг. Бориб ишга жойлашинг. Кейин хабар берарсиз. Лекин Дубай орқали кетишингиз... қалай бўларкан? У ерда ҳеч кимни танимсангиз, хорижга ҳам ҳойнаҳой биринчи боришингиз бўлса керак?

— Ҳа, биринчи. Аммо Дубайдага таниш бор. Самарқандлик бир ўртоғимнинг акаси анча йиллардан буён ўша ёқда тураркан. Электр маҳсулотларини бу ёққа жўнатиш билан шуғулланаркан. Ўртоғим қўнғироқ қилди. У ҳозир мени кутялти. Боргунимча суриштириб турарди. Дубайга виза олишга ҳам ўша ёрдамлашди. Таклифнома жўнатди.

— Ҳа-а, унда тузук, — деди ўйчанлик билан Субут. — Унда худо омадингизни берсин. Дарвоқе, агар уни топсангиз озод қилиш учун пул керак бўлса, тортинасадан менга қўнғироқ қилинг, дарҳол жўнатиб юбораман.

Рамиз унинг «озод қилиш учун», деганини тушунмай савол назари билан қаради. Субут изоҳ берди:

— Одатда... бу ердан олиб кетилган аёлларни катта пул эвазига сотиб юборишиади. Улар озод бўлиш учун ўша пулни ишлаб беришлари керак бўлади.

— Тушундим. Раҳмат ака! Зарурат бўлса қўнғироқ қиласман, — деди Рамиз. — Хайр!

Рамиз чиқиб кетди. «Бу болага нима зарур экан шунчалик. — деб ўйлади Субут. Одамзотнинг феъли қизиқ-да. Бир нарсага ёпишса, ёмон ёпишади...»

• • •

Рамиз Субутнинг олдидан чиқиб. Пўлатовнинг ҳузурига борди. Пўлатов уни кўриб қувониб кетди.

— Э-э бормисиз, Рамизбек, қайларда юрибсиз?

— Нима, бирон яхши хабар борми? — деди Рамиз ҳовлиққанидан салом-аликни ҳам унуги.

— Бўлганда қандоқ! Кечакон Тойбоева бошлиқ жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Хоним биринчи сўроқдаёқ бошқа аёллар билан бир қаторда Афифа Зокировани Дубайга жўнатганини ҳам бўйнига олди.

— Унақа фамилияли одам хорижга кетмаган, дегандингизку...

— Бошқа паспорт билан юборган. Қўшни давлат орқали. Шўрлик Афиҳаён хонимнинг тузогига тушиб, жиноятга шерик бўп қопти. Бироннинг паспорти билан хорижга бориш...

— Қаерда экан? Анигини айтдими?

— Анигими? Анигини ҳозирча ўзи ҳам билмайди. Унинг бу ердаги шерикларини қўлга олдик. Ҳадемай у ёқдагиларига ҳам навбат етади.

— Сиз менга лоақал уни қаердан излашни айтольмайсизми! Мен бугун билет олмоқчиман.

— Ҳозирча фақат Дубайда эканинни айта оламан, холос. Лекин Дубай катта шаҳар... Бекорга сарсон бўлиб, вақт йўқотишингиз мумкин.

— Вақтим бемалол. Яманга етиб боришим керак бўлган муҳлат бир ойдан сўнг тугайди.

— Пул етарлимни ишқилиб?

— Субут ака минг доллар фоизсиз қарз берди.

— Ие, олдингизми?

— Ҳа. Нима бўлти? Қайтариб бераман-да!

— Майли. Сиз Дубайга етиб борганингиздан кейин менга тўхтовсиз қўнғироқ қилинг. Бирон янгилик бўлса айтаман.

— Раҳмат, ака, энди мен борай.

— Хайр! Оқ йўл сизга!
Уч кундан сўнг Рамиз Тошкент-Шаржа йўналиши бўйла учувчи «Боинг» самолётига чиқди.

Субут Рамизни кузаттагач, Фаризанинг ҳузурига кирди.

— Ҳозир Марқаев сценарийни олиб келади. Биргаликда ўқий мизми? — деб сўради у кўзларини маъноли ўйнатиб. — Кечку рун...

— Ҳа, — деди Субут. Унинг хаёли ҳали Рамиз билан бўлга суҳбат таъсиридан қутилгани йўқ эди.

— Нимага хаёлингиз паришон? Бугун пайшанба, — деди сирли жилмайиб Фариза.

— Ҳа-а, демак, сценарийни бирга ўқиймиз.

— Айтганча, Зуҳур Бузруковичнинг ёрдамчиси кўнғироқ қилмадими?

— Йўқ, Нимайди?

— Отам у билан гаплашган. «Вазирликда ишлатиб нима қиласиз, бирданига депутат қилинг», деб айтган. У «майли», депти.

— Қанақасига бирданига қиласиди? Янги чақириққа ҳали икки йил бору?

— Жой очади-да.

— Бу осон эмасдир?

— Сизга нима фарқи бор. Муаммо уники. Отам «Хориждаги банклардан хоҳлаганингизча айтган пулингизни қўйиб берамиз», депти. Бунаقا нақд «ҳалол» луқмани ютмаслиги мумкин эмас.

— Қойил, — деди Субут.

— Нимага? Нимага қойил қоляпсиз? Отамнинг тадбиркорлигигами?

— Йўқ. Зуҳур Бузруковичнинг «ҳалол луқма»га ўчлигига.

— Уни... ўйлаб ҳам ўтируманг. Ишнинг бошлишини кўришимиз керак. Отам: «агар Субутжон ҳалқ ноиби бўлса, юртдаги бизнесларингга ишончли ҳифзу ҳимоят яратилади», дегити.

— Тўғри айтибдилару... муҳтарам Мирмаъди Саъдиев жаноблари бу ердаги шарт-шароитни салгина назардан фаромуш этганлари йўқмикан?

— Нега унақа деяпсиз?

— Фақат депутат бўлишнинг ўзи билангина бизнесни тўла-синча ҳимоя этиш мушкул.

— Яна нима керак?
— Янами? Яна... айрим нафси наңғанг амалдорларнинг халқу-
муга муттасил «емиш» тиқиб туриш зарур.

— Тиқаверасиз-да!
— Ҳа-а, раҳмат. Бас шундай экан... Шу иш шартми, дейман-
да? Уззу кун ўтиравериб, бавосил орттирсам... иккимизга ҳам
қийин бўлади.

Фариза кулди. Субутнинг ҳазилига ҳазил билан жавоб қай-
тарди.

— Бавосил кўп ўтиришдан эмас, ҳуда-бехуда кучаниш, чира-
нишдан бўлади. Сизнинг... бекорга чиранадиган одатингиз йўқ-ку.

— Э, шунақами? Унда...

Котиба кириб Марқаев келганини айтди.

— Айт, кирсин,— деди Фариза.

Камбой Марқаев кирди. Субутни ҳайратда қолдириб, Фари-
за билан ўпишиб кўришди. Таклиф ҳам кутмай оромкурсилар-
дан бирига ялпайиб ўтиреди-да, сценарийнинг қанчалик зўр чиқ-
қанлиги ҳақида оғзи кўпиреб гапира бошлади. Фариза зийрак
эмасми, режиссёрнинг бояги сурбетлигидан Субутнинг ғаши кел-
ганини сезди. Унинг гапини шарт бўлиб, сўради:

— Сценарий матни қани?

— Мана, азизим, мана,— деди семиз шаффоғ елимхатжилд-
ни унга узатиб Марқаев.

— Яхши,— деди Фариза катжилдни қўлга олиб.— Бўлмаса,
сизга жавоб. Биз бугун ўқиб, эрта-индин фикримизни айтамиз.
Хайр!

— А?— деди режиссёр ўзини тушунмаганга солиб. Лекин ран-
ги қизариб кетганидан аён бўлдики, ҳаммасини тушуниб туриб-
ди.

— Хайр, дедим!

— Аҳ-а! Хайр-хайр! — деди ўрнидан ирғиб туриб, эшикка
йўналар экан Марқаев. «Исталган пайтда мен унинг ўрнида
бўлишим мумкин», деб ўйлади Субут режиссёрнинг аянчли ҳола-
тига астойдил ачиниб.

— Сурбет!— деди режиссёр чиқиб кетгач Фариза. Нега шун-
дай деганига эса изоҳ бермади. Чамаси Субутнинг ўзи тушуниб
олади, деб ўйлади. Кейин катжилдни очиб, бир неча дақиқа сце-
нарий матнига кўз югуртирган бўлди. Кейин Субутга синовчан
тикилиб:— Кетдикми?— деб сўради.

— Ҳа, кетдик, — деди Субут. — Ҳозир хонамга кириб чиқай... Э-э, айтганча, бугун қизимнинг туғилган куни. Бирон совға олиб, бирров бориб, табриклаб келишим керак.

— Албатта, боринг. Нима совға олмоқчисиз?

— Нима олай?

— Ўзини олиб чиқиб, истаган нарсасини олиб беринг. Кейин бирон кафега олиб кириб меҳмон қилинг. Гул ҳам совға қилиш эсингиздан чиқмасин.

— Ҳудди шундай қиласман. Раҳмат сизга Фариза, жудаем ақллisisiz-да.

— Ақсли бўлиш... бахтли бўлишга ҳалал беради. Майли, бу ҳазил. Табриклаш маросимидан кейин борарсиз. Кутаман.

— Албатта. Ҳали вақтли-ку, bemalol ултураман.

Субут машинадан хотинига қўнгироқ қилиб, қизини олиб чиқишини сўради.

— Мен ҳозир етиб бораман, — деди. Етиб борганида хотини билан қизи кўчада кутиб туришган экан. Икковларини машинага миндириб, «Янги дунё» супермаркетига олиб борди. Қизига бир дунё совға олиб берди. Кейин кафега кириб, ярим соатча ўтиришди. Сўнгра уларни уйга олиб бориб ташлади. Тушириб, Фаризаникига йўл олар экан, «Гул олиб бериш эсдан чиқибди-ку», деб ўйлади. Йўлдаги гул дўконларидан бирининг олдида тўхтаб, каттакон чиройли бир гулдаста харид қилди...

Фариза эшикни очар экан. Субутнинг қўлидаги гулдастани кўриб ҳайрон бўлди.

— Менга, нима учун? — деб сўради.

— Шу дунёда борлигингиз учун, — деди Субут шоирона қилиб.

Улар тунни бирга ўтказишиди. Сценарий ўқиш эртага қолди.

Рамизни Шаржа аэропортида самарқандлик ўртоғининг акаси Меҳроҳ деган ориқ бўйдор, оқиши чеҳрасидан касалмандлиги сезилиб турган хушмуомала йигит кутиб олди. Сутдай оппоқ «БМВ» машинасига миндириб, маҳобатли даражада гўзал шаҳарни роса томоша қилдирди. Фоят серҳашам икки хонали ижарахонасига олиб борди. Ўзи самарқандча ош дамлаб, зиёфат қилди.

— Бронхит касалим бор, дүхтирлар денгиз бўйида яшанг, дейишган, йўқса бу юртларда бир кун ҳам турмасдим, — деди у.

— Бизнесни Ватанда ҳам қисса бўлади.

Ошдан кейин чой устида мақсадга кўчилди.

— Мен бир аёлни излаб юрибман, — деди Рамиз. — Исли Афифа, фамилияси Зокирова.

— Ў-ў, бу ерда ўзимиздан келган аёллар кўп, — деди бошини чайқаб Меҳроҳ. — Шунчасини зиндонбанд қилдилар ҳамки, кўрқишимайди падарига лаънатлар. Сиз у ҳақда бирон маълумотга эгамисиз?

— Дубай шаҳрида эканини биламан, холос.

— Аҳа-а, демак Дубайда... «Ҳеч нарсадан кўра бир нарса», деганларидек, шунинг ўзи ҳам ёмон эмас. Демак. Дубайга бориб, у ердаги притонларни бирма-бир излаш керак. Уларга кириш учун... «мижоз» бўлиш, яъни ҳар бирига камида юз-юз эллик доллардан пул сарфлашга тўғри келади.

— Излайлик. Илтимос. Пул бор.

— Излаймиз. Эрта билан Дубайга жўнаймиз.

Субут хизматхонасида ўтирибди. Ўн беш дақиқа олдин Зуҳур Бузруковичнинг ҳузурида бўлиб, суҳбатлашди. Катта нуфузли идоранинг анчайин йирик лавозимли ходими бу қадар ипакдай эшилиб, пойи-патақ бўлиб гапиришидан энсаси қотди. «Саъдиевнинг рад этиб бўлмайдиган таклифи натижаси бу», деди гижиниб.

— Жон дўстим, воқеалар биз ўйлагандан кўра ҳам тез ривожланмоқда. Яқинда Зардарёдаги Бекат туманидаги бир депутат ўрни бўшаши кутилмоқда. Билишимча, сиз ўша тумандаги қўшма корхона кузатув кенгаши раисисиз. Бинобарин, бўшаб қоладиган жойга номзодингизни бемалол кўрсатишмиз мумкин. Ўтиш имкониятингиз катта. Туманда қўшма корхона очиб, кўп миқдорда ишчи ўринлари яратгансиз, қолаверса, хароб ва ташландик ҳолатдаги темирбетон заводи ўрнида замонавий тўқимачилик фабрикаси очиб, Бекатнинг обод ва чиройли бўлишига катта ҳисса қўшдингиз.

— Эътибор ва фамхўрлигингиз учун каттакон раҳмат, Зуҳур ака. — деди Субут. — Жой қачон бўшар экан? Анови...

— Бўшаган заҳоти мен сизга айтаман. Сиз муҳтарам Мирмаъди оғага хабар берасиз. Кейин фаоллик билан ишга киришамиз.

— Раҳмат. Анови... Бекат туманидан бошқа жойдан қилишиңг иложи йўқмикан?

— Нега энди, жон дўстим? Ўша туманда корхоналаринг бор-кейин янги раҳбари ўзимизнинг шогирдлардан, имкони борича ёрдам беради. Мен шу томонларини ўйлаганман.

Субут Бекат туманига кўнгли нега чопмаётганини изоҳлаб ўтиради. Чайналди:

— Шунчаки, ўзим туғилиб-ўсган тумандан қилинса, яхши бўлармиди, деб ўйлаяпман-да.

— Э-э, қизиқ экансиз! Така бўлсин, сут берсин. Сизга нима фарқи бор? Мен сизни ўтказиб берсан бўлдими? Ўзи ростини айтсан, бу жуда қийин масала. Замон нозик, бунақа ишларга аралашганинг калласи кетиши мумкин. Мен азбаройи Мирмаъди акага ҳурматим ва сиздек келажаги порлоқ йигитга тушиб қолган меҳр-муҳаббатим орқасидан таваккал қилаётиман, жон ука. Мирмаъди акага буни айтинг. Ҳисобга олсинлар ва назар-да тутсиналар.

Субутнинг кулгиси қистади.

— Айтаман, албатта ҳисобга оладилар, бизлар ҳам назарда тутамиз, — деди кулиб юбормаслик учун пастки лабини қаттиқ тишлаб. — Кейин... албатта бу ишнинг харажатлар сметаси ту-зилиши керак. Агар ҳаммасини ҳисоблаб, бир қоғозга тушириб берсангиз, шунга қараб...

— Бу ҳақда кейинроқ, бироз холироқ жойда гаплашамиз, хўпми, жон ука? Кейин. Мен ўзим айтаман.

— Хўп, хайр бўлмаса, — деди Субут.

— Хайр, омон бўлинг, жон дўстим. Аммо-лекин илтимос, бу гапларни учинчи бир шахс билмасин-а.

— Хотиржам бўлинг, Зуҳур ака...

Идорасига келиб, Фаризани тополмади. Қўл телефонига қўнғироқ қилиб, киностудияда эканини билди.

— Бу ёғи тезлашиб кетди, — деди у. — Эрта-индин суратга олиш ишлари бошланади. Ҳозир баъзи бир ташкилий масалаларни муҳокама қиляпмиз. Хоҳласангиз, келинг. Ўзингизнинг ишларингиз нима бўлди?

— Ҳаммаси режа бўйича кетяпти, — деди Субут. — Кейин айтиб бераман. Фариза, «қачон айтиб берасиз, кечқурун кўришамиزم?» деб сўрамади. Субут унинг феълига тушуниб қолган. Бойвучча хоҳласа кўришади, хоҳламаса кўришмайди, их-

тиёр ўзида. Ҳозир у режиссёр Камбой Марқаевга маҳлиё бўлиб юрибди. Буни Субутга сездирмасликка уринади-ю лекин «касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласи», деганларидек, тунов куни бўлгани каби гоҳ-гоҳида барибир билиниб қоляпти. Ишқилиб бу нарса ҳамкорликларининг дарз кетишига олиб келмаса гўргайди.

Марқаев бошида: «Ҳамонки фильмимиз сценарийси сизнинг ёсарингиз асосида ёзилган экан, суратга олиш жараёнида мунтазам бўлмаса ҳам тез-тез келиб, маслаҳат бериб турасиз», деганди. Кейин: «Сиз асарда айтишингиз керак бўлган гапларнинг ҳаммасини айтгансиз. Мен ҳаммасини тушуниб, сценарийга ўз нуқтаи нигоҳим билан ўтказганман. Бинобарин келинг, сизни бозовта қилмай қўяқолай. Акс ҳолда ҳуда-бехуда тортишиб вақт ўтказамиз. Фильм тайёр бўлгач, кўриб фикрингизни айтасиз, мулоҳазаларингиз маъқул тушса. тегишли ўзгартиришлар киришишимиз мумкин», деди.

«Уни Фариза айнитган. «Аралаштирма, халал беради», деган. Қанжиқ. Иложини топса, билган ишини қиласи».

Кайфияти бузилди. Фаши келди. Фижинди.

«Ё отасига айтиб, жиловини бироз тортиб қўйиш керакмикан», деб ўлади дафъатан Субут. Чунки Саъдиев холи суҳбатларнинг бирида «Субутжон сиз ўғлимдай бўлиб қолдингиз, агар мабодо Фариза яна аёллигига бориб нотўғри қадам ташлай бошласа, дарҳол менга ҳабар қилинг, ўзим кўзини жойига тушириб қўяман», деганди.

«Бир камим энди чаҳимчилик қилиб, ота билан боланинг ўртасини бузиш эди, қўй, нима қилса қилаверсин, пешонангдагини кўрасан», деб қўлинни силтади.

* * *

Шу тахлит Фариза бир ойча кўринмай кетди. Ора-орада қўнғироқ қилиб, суратга олиш жараёни зўр кетаётганинги айтиб турди. Зуҳур Бузруковичдан эса қўнғироқ бўлмади. Орқаваротдан суриштириб кўрса, унинг ишлари учалик яхши эмас экан. Вазифасидан кетиши эҳтимоли ҳам бор, дейишиди.

— Сиз сабрли йигитсиз, Субутжон. Ҳали ҳамма ишлар яхши бўлади, — деди Саъдиев навбатдаги қўнғироқларидан бирида. — Иложи бўлганда ўзим бориб, ҳаммасини тўғрилардиму, афсус, соғлиғим бир қадар ёмонлашибди. Бирон ой Мюнхендаги

клиникалардан бирига ётиб даволанмасам бўлмас экан. Сиз келиб овора бўлиб юрманг. Ишлар қолиб кетмасин. Фаризанинг қилиб юрган ишларини эшишиб, қаттиқ сўкдим. У «кинофильм яхши даромад беради», деб айтятти. Кўрамиз, агар бу чиндан ҳам шундай бўлса майли. Ундан ташқари фильм сизнинг китобингиз асосида экан. Шуни эшишиб бироз юмшадим. Акс ҳолда...

Субут уни тинчлантириди. «Ҳаммаси яхши. Сиз соглигингизни ўйланг», деди. Шундай деди-ю охирги учрашувларда чолнинг тўсатдан мазаси қочганини эслаб: «Ишқилиб ўлмай турсин-да бобой», деб ўйлади. Чунки Саъдиев мувозанат сақлаб турмаса Фариза билан оралари жуда тез бузилиб қолишига ич-ичидан имони комил эди.

Шу топда бир зум ўша, юз бериши мумкин бўлган вазиятни кўз олдига келтириди. «Аввал араз, гина, кейин жанжал, кейин суд орқали мулк талашиш... ҳамма дўсту душманга текин томоша бўлади. Аммо-лекин... чол менинг тарафимни олиб юрган бўлса ҳам ўз улушкини қизига васият қўилган бўлиши керак. Бино-барин... кучлар нисбати етмиш бешга йигирма беш ҳисобида Фаризанинг қўли баланд бўлади. Шошма-шошма, агар биз эрхотин бўлсан-чи? Унда мулклар тенг яримдан бўлиннишига умид боғлаш мумкин. Ҳа, уни алдаб-сулдаб ўйланиб олиш керак. Ҳатто... ҳатто ошкора хиёнат қилиб юрган тақдирда ҳам у билан никоҳда бўлишим зарур. Акс ҳолда булар мени истаган пайтда фойдаланиб бўлинган бир буюм сингари улоқтириб юборишлири мумкин...

Шуларни ўйлаш баробарида миясига келган фикрдан яйраб кетди. «Сен шохила юрсанг, мен юраман баргида», деган қўшиқни хиргойи қилиб, қўл телефонидан Фаризанинг рақамини терди.

— Сизни... сизни жудаям соғиниб кетдим, азизим, — деди жавоб бўлгач. — Бугун кўришмасак бўлмайди.

— Ростданми? — деди Фариза, чунки у шу пайтгacha Субутнинг бунақа эҳтирос, бунақа иштиёқ билан чорлаганини кўрмаганди. — Майли, кечқурун уйга келинг. — Сўнгра қувноқлик билан машҳур ашгулани хиргойи қилди: — «Сени бугун, сени бугун кўрмасам бўлмас...»

— Сабрсизлик билан кутинг, жоним, — деди Субут. Телефонни ўчиргач эса паст овозда «сен ҳали мени билмас экансан», деб қўйди.

Рамиз билан Меҳроҷ Дубайга келиб. Қиёт исмли яна бир ҳамюрт йигитта учраши. У кимгадир қўнғироқ қилиб, розилик олди-да:

— Кетдик, — деди. Шу кетганларича бир неча хонадонларга кириб, қизларни кўриши. Суҳбатлашиб, белгилари Афифага ўхашаш аёлни учраттган-учратмаганларини суриштириши. Бирор таси кўрдим, демади. Эртаси, индини қидирув яна давом этди. Натижа бўлмади.

— Шаҳром деган киши бор эмиш, — деди учинчи куни Қиёт.
— У олиб келинган қизу аёлларнинг деярли ҳаммасини номмани билар эмиш. Дўстлар унинг телефон рақамини аниқлаб беришни ваъда қилиши. Агар ўшани топсак, уйма-уй қидириб юришга ҳожат қолмайди.

Рамизнинг кўнглида умид уйғонди. Шаҳром деган исмни унга Рашид Пўлатов ҳам айтган эди: «одам савдоси билан шуғулланувчи гуруҳга алоқадорликда гумон қилинаётганлар орасида Шаҳром деган йигит ҳам бор. У бир неча хорижий тилларни билади, саёҳат фирмалари ва кўшма корхоналарда ишлаш ниқоби остида иш кўради». Ўша тайин бир нарсани билса керак...

Шаҳромни нкки кундан кейин топишди. Меҳроҷ, Қиёт, Рамиз ва у Дубайдаги ҳашаматли қаҳвахоналардан бирида ўтириши.

— Будўстимиз Афифа Зокирова деган аёлни қидирмоқда, — деди Меҳроҷ. — Яқин қариндоши бўлар экан. Эвазига қанча тут бўлса тўлайман, деяпти. Ёрдам қилинг, илтимос Шаҳром ака.

Шаҳром Рамизга синчилаб разм солди.

— Қанақа... яқин қариндошингиз бўлади? — деб сўради кўзига тик қараб.

Рамиз талмовсираб, саросималаниб қолди. Шошганидан:

— Холамнинг қизи, — деб юборди. Шаҳром кулимсиради.

— Демак... сиз ҳам унинг холасининг ўғли бўласиз, шундайми?

— Шундай, — деди Рамиз кўзини олиб қочиб.

— Эшлишишмча, Афифа Зокированинг битта холаси бор.

Шаҳина хоним, деган. Унинг эса... фарзанди йўқ, дейишганди.

— Узр, мен сизга ёлғон гапиришига мажбур бўлдим. Очигини айтсам... мен унга уйланмоқчиман. Шунинг учун... Демак, сиз... унинг қаердалигини биларкансиз-да?

— Билмайман! — деди кескин қилиб Шаҳром. Кейин бир зум ўйланиб, киноюмуз тарзда давом этди: — Шунчаки, холаси Шаҳина хонимни танийман. Афифани уникуда бир-икки марта кўрган эдим. Бу ёқса келганини сиздан эшитдим. Эшитиб ҳайрон қоляпман. Шаҳина хоним келиб-келиб... ўз жиянини жўнатадими?

— Мен ҳам шунисига қуяман-да, — деди Рамиз қизишиб. — Ноинсоф... Аммо мен унинг бу ёқдалигини аниқ жойдан эшитганман. Илтимос, ака, бир умр қарздор бўламан сиздан. Ёрдам қилинг. Қуруқ қўймайман! Илтимос!

— Майли, суриштириб кўрай-чи, бирон дарак чиқса, мана, Киётнинг телефонини биламан-ку, унга айтаман.

11

Шаҳром ваъда қилганидек, икки-уч кундан кейин эмас, ўн беш кундан сўнг келди. Ранги ўчган, тушкун бир аҳволда. Афифанинг эса аксинча, кайфияти яхши эди. Башир билан ўрис хотини ўтган кунлар давомида уни яхши парваришлишади. Вақтида енгил лекин тўйимли овқатланиши, денгизда чўмилиш, вақтида дам олиш унинг аҳволига ижобий таъсир қилди. Юзларидаги затъаронлик кетиб, икки ёноғи нақш олмадай қизарди. Шу қадар гўзаллашдики, Башири тушмагур хотинига сездирмай Афифага сукланиб-сукланиб қарайдиган бўлди. Ҳатто бир гал пайт пойлаб, ғалати гаплар ҳам айтди: «Сиз энди у жойга қайтиб борманг, қанақа ёрдам керак бўлса, мен бераман. Сизни... ёқтириб қолдим! Маъкул топсангиз, шаръий никоҳ ўқитиб ўйланишим ҳам мумкин», деди инглизчалаб. «Хотинингиз бор-ку, уни яхши кўриб қолмаганмисиз?» «Йўқ, уни ҳам... фоҳишаҳонадан қутқариб, сотиб олганман». «Вой, қанақа қилиб? Қандай учратиб қолдингиз?» «Мижоз бўлиб Мари хонимнинг «клуби»га борган эдим. Бир-биримизга маъкул тушшиб қолдик. «Қарзингни тўлаб, бу ердан олиб чиқиб кетсам, борасанми», деб сўрадим. «Ҳа», деди. Қарзидан саккиз минг доллар қолган экан. Шартта тўладиму олиб келавердим. Тил ўргатдим. Яхшигина касби бор экан, ишга жойлаштирудим. Беш йилдан бери бирга яшаяпмиз. Афус, фарзанд бўлмаяпти. Шунинг учун менга ўзимни синааб кўришимга рухсат берган. Биз, мусулмонлар фарзандсиз ҳаётни тасаввур қилолмаймиз. Сизнинг болангизни омон-эсон дунёга келтириб,

фарзандлар кўриб, бой-бадавлат яшаймиз. Мен ҳам орзу-мақсадимга етаман».

Афифа ўйланиб қолди. Башир буни ўзича тушунди. «Сиз ташвиш чекманг, хотинимни ҳам ташлаб қўймаймиз. Менинг топишим яхши. Икки оилани тўқис қилиб боқишига бемалол етади. Банкдаги пулим ҳам озмунча эмас. Агар никоҳимга киришга рози бўлсангиз... Маҳрингизга эллик минг доллар бераман. Яъни никоҳ куниёқ банкда номингизга ҳисоб рақами очиб, ўшангага ўтказиб қўяман. Агар... феълларимиз тўғри келмаса... истаган пайтда болаларни менга бериб, талогингизни олиб, алоҳида эркин яшашингиз ҳам мумкин. Мен берадиган маблағ бунинг учун бемалол етади. Ўйлаб кўринг. Фақат илтимос, ушбу суҳбатимиз тафсилотини Шаҳром билмасин. Акс ҳолда...»

— Акс ҳолда нима бўлади? — деб сўради Афифа.

— У сизга «севаман, ўйланаман, бирга яшаймиз», деб айтдими-йўқми? Агар шу саволимга жавоб берсангиз, мен ҳам саволингизга жавоб қайтараман.

— Айтди. Мен ишондим. Чунки гаплари тўғри. Мени хонимнинг чангалидан қутқаргани ҳам шунинг учун.

Башир кулди.

— Сизни хонимнинг фоҳишаҳонасидан у эмас, биз қутқардик. Аниқроғи, таниш врачлар орқали анализларингизни атайлаб «ёмон» чиқариб бердик. Бунинг учун Шаҳром яхши ҳақ тўлади. Лекин унинг сизни қутқаришдан мақсади... ўйланиб, бирга яшаш эмас. У сизни алдаб юрибди. У ҳеч қачон аёл кишига уйланолмайди. Чунки унинг мижози суст, яъни фақат ... Сизни эса... у хоним берадиган ўн беш минг доллардан ўн баравар зиёдга пулламоқчи. Ҳозир харидор излаб юрибди.

— Унда... нега сиз менга ваъда қилаётган пулни унга бериб, мени сотиб олмадингиз?

— Пулим етмаяпти. Мен унга саксон минг доллар таклиф қилидим. У юз эллик минг сўрайпти...

Эшик қўнғироғи ногаҳон жиринглади. Баширнинг гапи оғзида қолди.

— Кейин гаплашамиз, мен эшикни очай, — деди у ва бармоғи ни лабига босди: — Орамиздаги суҳбат тафсилоти сир бўлиб қолсин...

Шаҳром кирди. Рангида ранг қолмаган. Кўзлари олазарак.

— Тамом, ҳаммаси расво бўлди. Бу ёқда Зулфина ўлди, Мари хонимнинг устидан жиноий иш очилди, нариёқда Муштариҳоним қамоққа олинди, менга ҳалқаро қидирув эълон қилинган. Агар ушлашса, энди қамоқдан қайтиб чиқолмайман.

Афиға шўрлик Зулфинанинг кўкарибгина турган чеҳрасини кўз олдига келтириди.

— Уни... даволашаётганди-ку, ахир... Қанақа қилиб... ўлади?

— Мижозлардан бири, аниқроғи, ўша кунги барзанги мираб шаб ярим кечада маст бўлиб келиб хонимдан Зулфинани талаб қилган. Хоним унинг касаллигини айтиб, ҳарчанд қаршилик кўрсатмасин, барзанги зўрлик билан хонасига бостириб кирган ва ухлаб ётган Зулфинанинг устига ўзини ташлаган. Бечора қизнинг юраги ёрилиб кетибди... «Тез ёрдам» етиб келгунча тамом бўлиб улгурган экан. Мираб қочиб кетган. Хоним қизни «ижарада яшарди, юрак касали хуружидан ўлди», деб турибди. Лекин... Муштариҳ терговда оғзи бўшлиқ қилиб, жўнаттан қизлари орасида Зулфина ҳам борлигини айтиб қўйса, иш мураккаблашади. Дарвоҷе, полициядаги таништарнинг айтищича, нарёқдан шу иш бўйича Пўлатов деган терговчи келган эмиш. Мени, сизни ва бошқаларни тутиб олиб кетиш учун.

— Пўлатов? — ҳайрат билан такрорлади Афиға. — Рашид Пўлатов эмасмикан?

— Нима, сиз уни танийсизмн? Эҳтимол ҳаққини берсак... бизга ёрдами тегар?

— Агар ўша Пўлатов бўлса, уни сотиб олиб бўлмайди, — деди Афиға ўйчан кулимсираб.

— Ундаиларнинг сотилмайдигани бўлмайди, — деди Шаҳром ишонч билан. — Фақат қимматроғи ва ўта қимматбаҳоси бўлиши мумкин.

— Унда бир ҳаракат қилиб кўринг, зора омадингиз келса, — деди Афиға. — Мен эса унинг кўзига кўринишини истамайман. Ўзи шусиз ҳам уни... алдаб келганман. Фазабга миниб юрган бўлса керак.

— Ундаил бўлса... чиндан ҳам кўзидан узоқроқ юрган маъқул. Ҳа, дарвоҷе, сизни яна бир киши излаб юрган экан...

Афиғанинг юраги «зирқ» этди. Ҳаёлидан: «Наҳотки Субут акам бўлса», деган фикр ялт этиб ўтиб кетди.

— Ким экан, қанақа ёшдаги одам? — деб сўради ҳовлиқиб. Шаҳром бир лаҳза ўйланиб.

— Билмадим, шу ерда иш қиласынг ҳамюртлар айтишиди. Җамаси у җам... мелисанинг айғоқчиси бўлса керак, — деди. Афиғанинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Кимлигини аниқлашнинг иложи йўқмикан? — деди умидсизлик билан.

— Аниқлаб нима қиласиз? Ортиқча бош оғригининг нима кераги бор? Ё сиз... ўз ихтиёргиз билан юртга қайтиб, қамоққа тушмоқчимисиз?

— Йў-ўқ, — деди Афиға ҳолсизлик билан.

— Йўқ бўлса, демак, тезлик билан бу мамлакатни тарк этишимиз керак. Розимисиз?

Афиға бош иргади. Зоро, у бошқа иложи йўқлигини тушуниб турар, җамонки Олчахон җамалиб, Пўлатов бу ёққача етиб келган бўлса, уларни топмай қўймаслигини биларди. Қолаверса, ҳозир унинг учун муҳими бу эмасди. «Ким мени излаб келдийкин?» деган савол миясида айланар, иккинчи тарафдан Зулфина-нинг ўлимини ўйлаб юраги эзилар, «шўрлик, бу ҳаётга келиб хўрлик ва зўравонликдан бошқа ҳеч нарсани кўрмай кетди», деб ўкинар, яна бир хаёлида ўша қизнинг шармандали қисматдан халос бўлгани учун қандайдир шаккокона бир қониқиш бор эди. «Сен эса бир умр сарсон-саргардон бўлиб юришга маҳкумсан, бас, шундай экан, ўзингни тақдир измига топшириб. Йўлинг қай томонга бошласа ўшаёққа кетавер».

— Даволаниш нима бўлади? — деб сўради бироздан сўнг.

— Отдайсиз. Сизни Мари хонимницидан қутқариб чикиш учун ўша эр-хотин хитой дўхтирлар билан гаплашиб, анализингизни «ёмон» чиқарганман. Аслида жигарингиз топ-тоза

— Унда... ҳомиладорлигим ҳақидаги гап ҳам тўқимами? — деб сўради Афиға. У Башир айтган гаплар рост эканини англаб турарди,

Шаҳром унга бир муддат ҳайрон бўлиб тикилиб турди. Кейин кулимсиради:

— Ҳомиладорлигингиз чин. Нима, ўзингиз... сезмаганмидингиз?

— Йў-ўқ, — деди қизариб бош чайқар экан Афиға. Шаҳром кулиб юборди ва:

— Битта латифа айтиб берайми, — деди. — Бир куни лиқ тўла автобусга ёшгина бир жувон чиқибди ва ўтирганларга қараб: «Ҳомиладор аёлга жой бўшатмайсизларми», дебди. Ўтирганлар-

дан бири: қани, ҳомиладорлигингиз билинмаяпти-ку», деса, жувои: «ярим соатда бирданига сезилмайди-да», дермиш.

Афифа кулмади. Күз ўнгиде Субут билан сунгги висол дамлари жоғыланди. «Шунча пайт бўлмаган бола, аксига олиб, истамаган пайтда, умрбод видолашган чоғда бўлиб қолгани нимаси», деб ўлади. Кейин ношукрлик қилаётганини сезиб қолиб, ичиди: «Гавба қўлдим, парвардигор», деб қўйди. Яна бир кўнглида: эҳтимол буниси ҳам ёлғондир, деган таҳликали иштибоҳ борэди.

— Тезроқ бўлинг, ҳозирча бошқа квартирага боришимиш керак. Эртами, индинми жўнаб кетамиш. Отланинг!

Башир уларни йўлдан қайтаришга уринди.

— Шу ерда тураверинглар, жўнаб кетгунча.

— Йўқ, бу ерни топиб келишлари мумкин. Мари хонимнинг соқчиси ҳам қамалган. У сенинг исмингни билади, — деди Шаҳром. — Сотиб қўйиши мумкин.

— Ақалли манзилларингни айтиб кет, — деди Башир Афиғага ер остидан қараб.

— Кейин кўнғироқ қиласман... Унгача мен айттан масала ҳал бўлса... эҳтимол келишармиз.

Башир зимдан Афиғага қараб: «айтмадимми», деган маънни англатди. Афиға ўзини бепарво тутди. Шу боис Шаҳром ҳеч нарсани сезмади.

Ташқарига чиққанларидан сўнг Шаҳром Афиғанинг қўлидаги бўғчасини олди.

— Энди сизга оғир нарса кўтариш мумкин эмас.

Таксига миниб, шаҳардан чиқиб кетишиди. Саҳро оралаб ўтган кенг, текис ва равон йўл орқали анча юриб, кечга яқин бошқа шаҳарга етиб келишиди. Афиға, кираверишдаги инглизча ёзуудан бу шаҳарнинг Абу Даби, деб аталишини билиб олди. Бениҳоя баланд, ўта муҳташам «Хилтон» номли меҳмонхона қаршисида таксидан тушишиди. Таксига жавоб бериб, ичкарига кирдилар.

— Иккаламизга... бигта номер оламан, майлими? — деб сўради Шаҳром ўзбекчалаб. — Ҳужжатга кўра эр-хотинмиз-ку.

— Ишқилиб, ҳужжатларимиз соҳта эканлиги фош бўлиб қолмасмикан? — деди хавотирланиб Афиға.

— Нега соҳта бўларкан? — кулди Шаҳром. — Ҳақиқий. Ойнур Санарбоева ҳамда унинг эри Шаҳром Санарбоев... ҳаётда

бөр одамлар. Фақат улар бизнинг мамлакатда эмас, құшни давлатда, тоғлар орасидаги кичик бир овулда яшаши. Паспортларимиз үшаларники. Визалар ҳақиқий. Фақат расмлари бизники.

Йигирманчы қаватдан жой олиши. Хона икки бүлмали, кент, ёруғ ва шинам экан. Фақат каравотлари алоқида эмаслиги Афифанинг күнглини хижил қылди. Шаҳром туйғун экан. Сезди.

— Қўрқманг, мен залда, диван устида ётаман. Ҳозир буюмтарингизни жойлаштириб, ювиниб чиқинг. Ресторанга тушиб овқатланамиз. Қорнингиз ҳам очқаб кеттандир.

— Ҳа, очликдан силлам қуриб кетди, — деди Афифа.

— Унда тезроқ бўлинг.

Ресторан биринчи қаватда экан. Деразаси ортида каттакон чўмилиш ҳавзаси. Тирбанд.

— Чўмилиш кийимларингиз борми, чўмилтамиزمи?

— Йўғ-е, уят бўлади. Сен умрим бино бўлиб пляжда чўмилмаганман, — деди қимтиниб Афифа.

— Энди миянгиздаги эскилик сарқитларини чиқариб ташланг. Қишлоғингизда эмассиз. Абу Даби дунёдаги энг гўзал саёҳат ва ҳордиқ марказларидан бири. Афуски, ортимиздан таъқиб қилиб юришибди. Шунинг учун бу ерда бир ҳафтадан ортиқ қололмаймиз. Акс ҳолда бирон ой мириқиб чўмилиб, дам олардик.

Официант келди. Шаҳром овқат, газаклар ва бир шиша «Чинзано» буюрди.

— Мен ичмайман-ку, ўзингизга яраша олинг, — деди Афифа.

— «Чинзано» — енгил шароб. Озгина ичинг, қонингизни кўпайтириб, қувват бағишлайди.

Буюргма бир зумда келтирилди. Афифа шаробдан бир қултумгина ичиб, овқатни тўйиб еди. Бадани ҳам, кўнгли ҳам яйради. «Ҳар қалай худонинг ўзи асраб, фоҳишаҳонадан осон қутилиб чиқдим, — деб ўйлади. Кейин Шаҳромнинг рангпар юзига боқиб, ундан Субут акасига ўхшаш жиҳатларни излади. Йўқ, бу бошқача. Бунинг юзида ўқтамлик йўқ. Чеҳраси қанақадир изтиробли, азобли. Қизиқ, наҳотки Башир айтган ифлос гаплар рост бўлса? Ахир Шаҳром уни бошқа одамга сотмоқчи бўлса, Мари хонимнинг қўлига топширмасдан тўғридан- тўғри олиб бориши мумкин эди-ку! Унга кўрсатиб, мабодо ёқмайдиган бўлса, Мари хонимнинг клубига сотиши мумкин эмасмиди? Ёки бу ерда бошқа гап бормикан?

— Қалай, вино, овқатлар ёқдими? — деб сўради Шаҳром. — Мазза-а?

— Зўр! — деди Афифа ич-ичидан бир қувноқлик келиб. — Раҳмат сизга, Шаҳром ака. Лекин... мени нега қутқариб чиққа нингизни... тушунмадим.

— Хотинимсиз-ку, — деди кулиб Шаҳром. — Ким хотинини фоҳишаҳонада қолдириб кетади?

— Унда... нега олиб келдингиз бу ёқларга, ахир юртда бари бир ҳам... «фоҳишалик қилгани олиб кетди», деб айтишади-ку...

— Тупурдим, нима дейишларига. Муҳими... мен сизни ўша... биринчи марта пул талаб қилиб борган чоғимда кўрибоқ севиб қолганман. Сиз ўшанда бир марта таҳдид қилиб, жимиб кетганимдан ҳайрон бўлгандирсиз. Мен сизни аягандим. Кейин... кейин баъзи воқеалар юз берди, сиз касалхонага тушдингиз. Кейин... худо менинг омадимни бериб, яна ўз оёғингиз билан Муштарий-Олчаҳонникига келдингиз. Шунда мен сизни мамлакатдан олиб чиқиб кетиб, уйланиш режасини туздим. Ҳужжатларни тўғрилаётганда каллам яна бир марта ишлаб кетди. Иккимизга эр-хотин паспортини тўғриладим. Мана, кўрдингизми, ҳаммаси силлиқ битди. Биз иккимиз эр-хотинмиз. Саёҳат қилиб, дам олиб юрибмиз...

— Барибир ҳужжатлар ҳақиқий эмас-ку.

— Вақти билан ҳаммасини тўғрилайман. Ўйламанг. Муҳими, бундан буён тақдирингизни мен билан боғлашга рози бўлсангиз бас.

— Розиман, — деди Афифа ўйлаб ўтирасдан.

— Шошилманг. Олдин менинг кимлигимни аниқ билиб олинг.

— Айтинг, кимсиз? Шаҳроммисиз, Баҳроммисиз, яна бошқа бироммисиз?

— Ресторандан чиқайлик, айтаман.

Официант музқаймоқ ва қаҳва келтириди. Уларни ҳам тановул қилиб бўлишгач, ташқарига чиқиб, тоза ҳавода сайр қилишиди. Теварак-атрофдаги бағоят гўзал манзара, тифиз пальмазорлар, гулзор боғлар, бири-биридан мусаффо ҳовузлар, зумрад томчилар сачратиб, осмонга сув отаётган фавворалар Афифанинг кўзини қувнатди. Кўнгли ёзилди.

— Қанийди бир умр шунаقا жойларда юрсанг, — деди завқ билан.

— Насиб этса, ҳаётингизнинг бундан-буёнги қисми ана шунаقا бетакрор жойларда ўтади, — деди Шаҳром.

Кейин номерга қайтишди.

— Менинг ўтмишым жудаям чигал ва аянчли, — оромкурсыларга юзма-юз ўтиришгач ҳикоясини бошлади Шаҳром. — Ўзим асли шаҳарда камбағал оиласда туғилганман. Онам универсиетда фаррош, отам қоровул бўлиб ишлашган. Отам кўп ичарди. Ёлиз опамни эрга беришга улгурмай жигари цирроз бўлиб ўлди. Опам иккаламиз онамга ёрдам бериш учун болалик пайларимиздан университетта кўп қатнардик. Онам хорижий тиллар факультетини тозаларди. Факультет деканидан бошлаб оддий ўқитувчилари гача уни танишарди. Мен мактабни битиргач, ишнинг орқасидан ана шу факультетга ўқишга кириб олдим. Ўзимда ҳам болаликдан тилларни ўрганишга қобилият бор эди. Тожик, рус, татар тилларини яхши билардим. Университетда инглиз, француз ва араб тилларини ўргандим. Лекин ўқишини битирмадим. Охирги курсда ўқиётгандик. Диплом ҳимоясига атиги бир ой қолганди... Бир куни кечқурун ижарада яшайдиган ўртоқларимнинг олдига келдим. Улардан бири — қуий дарғомлик Ансор ҳовлида чекиб турган экан. Қизиқ гапни айтди:

— Жавҳар дўстинг бир қизни олиб келиб, мени хонадан ҳайдаб чиқарди.

Жавҳар ўйинқароқ, енгил табиат йигит эди. Отаси шаҳар яқинидаги туманлардан бирининг раҳбари бўлгани боис чўнтағи доим пулга тўла, атрофида қизлар гирдиқапалак бўлиб юришар эди. Кейинроқ билдимки, ижараҳона дейилган каттагина ҳовли ҳам аслида унинг отаси сотиб олиб, шаҳарлик бир ошнасининг номига расмийлаштириб қўйган ўз уйи экан.

Ансор ойнаванд айвон орқали кириладиган хона томон ишора қилиб, пиқиллаб кулди:

— Бир соатдан бери...

— Қанақа қиз экан? — дедим қизиқсиниб.

— Тиббиёт билим юртида ўқиркан. Ўзи лекин бўлиққина. дириллаган зўр нарса... Сен айт, яқин ўртоғинг-ку, бизлар билан ҳам баҳам кўрсин.

— Калланг борми, у эҳтимол яхши кўрганидир. Ўйланмоқидир.

— Веи, қўйсанг-чи, ўша Жавҳар бойвачча шунақасига уйларниди?

Хуллас, биз қўшни хонада Жавҳарга ҳасадимиз келиб, уни фийбат қилиб ўтиредик. Бир маҳал эшик очилиб. Жавҳар кириб келди. Ансор иккимиз сапчиб туриб, уни саволга тутдик:

- Қалай бўлди? Зўрми?
- Зўр! Шоколад! Кирасанми? — деди у менга қараб.
- Кўнадими, яна... жанжал кўтармасин, — деди Ансор.
- Нима деб жанжал қилади ўзи... бир шилта бўлса. Ҳозир караҳт бўлиб ётибди. Менми, бошқами, сезмаслиги ҳам мумкин.
- Унда мен кирай, майлимни? — деди Ансор. Кейин бироз ўйланаб туриб, сўради:
- Ичганми, кайфи қанақа?
- Кайфи зўр, бояги вискининг қариб ярмини ичганмиз. Оёқда туролмайди. Каракт деяпман-у.
- Хона қоронғими, пардаларни зич ёпганимисан? — сўради Ансор ҳовлиқиб.
- Зим-зиё зулмат. Ҳеч нарса кўринмайди. Киравер. Кейин Шаҳром киради.
- Мен кирмайман. — дедим.
- Э-э унақаси кетмайди. Ҳақиқий дўстлар бир майизни қирқ бўлиб ейишган, — деди Жавҳар. — Қани, Ансор, олға!
- Ансор кириб кетди. Жимлик. Гўё бир неча соат ўтгандек бўлди.
- Айтдиму сезмайди, деб, — илжайди Жавҳар. — Муҳими, кирганингда овозингни чиқарма.
- Эшик очилиб Ансор чиқди. Оғзи қулогида.
- Конкретний нарса экан. «Жавҳар ака, Жавҳар ака, жоним, ташлаб кетмайсизми», деб чунонам муқомлар кўрсатдики...
- Наҳотки сен Жавҳар эмаслигинги сезмаган бўлса? — дедим мен ҳайрон бўлиб.
- Сезган, сезмаганинг олади-да, — деди Жавҳар. — Фоҳиша-да, унга қанча кўп бўлса, шунча яхши. Қани, тулпор, энди сенга навбат. Бир кучингни кўрсат.
- Мен иккиландим. Кўнглим ёмон бир нарсани сөзди.
- Кирмай қўяқолай, Жавҳар. — дедим. — Қўрқяпман.
- Нега қўрқасан? Нима, илгари ҳеч... кўрмаганимисан бунақа ишни.
- Кўрмаганиман, — дедим ростини айтиб.
- Э-э, ким айтади сени шаҳарлик деб, ҳариф экансан-у. Тем более ўрганинг керак. Бунақа имконият ҳар куни бўлмайди. Кир, давай!
- У шундай деб, мени хонадан суриб чиқарди. Даҳлиз ним қоронғи. Ҳеч ким йўқ. Қиз ётган хонанинг эшигини секин итардим. Овозиз очилди. Ўзимни ичкарига олиб, эшикни зичлаб бекитдим. Зул-

мат. Зулфинини тушириб, секин-секин түрга қараб юрдим. Күзим қоронғиллікка бироз үрганды. Ўнг томонда дераза пардага зичлаб қүйилған каравотда оқ чойшабға үралиб ётган танани илғадим. Қрагим гурсиллаб, яқинлашдым. Каравот қиррасига ўтирдім. Ҳаяжонландым. Қүрқдим. Сизга ростини айтсам... мактабда қизлар билан раңста тушиш чөғида бир-иккисининг белини ушлаганимни ҳисобға олмаса, ётиш тутул ўтириш қанақалигини билмағанман. Шу боис саросимага тушиб ўтиравердим.

— Жавҳар aka, намунча күп ташқарига чиқасиз, келинг ёнимга, — деб шивирлади бир пайт қиз. Мен қўрқа-писа унинг ёнига чўзилдим. Кейин... Кейин нима бўлганини... айтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Фалатиси шуки, унинг ўзи кўпроқ ташабbus кўрсатди. Мен унинг измига буйсундим, холос. Бир маҳал у икки қўли билан соchlаримни пайпаслади-ю қичқириб юборди:

— Вой, сиз Жавҳар aka эмас-ку! Кимсиз! Нега мени зўрлайиз? Нима, сенлар мени фоҳиша деб ўйлаяпсанларми? Мен сенларга кўрсатаман! Ҳозир мелисаҳонага бораман.

Қиз шундай деб, мени устидан итқитиб, сакраб ўрнидан турди. Эшик томон бориб, деворни пайпаслаб, чироқни ёқиб юборди. Эшикка интилди. Чеҳрасидан билдимки, унинг ёши биздан бир-икки ёш катта.

Мен қўрқиб кетдим. «Опа», деб мурожаат қилдим:

— Илтимос, опа, шовқин кўтарманг, истаган шартингизни бажараман.

Қиз гапимга эътибор бермади. Эшикни тегди. Эшик шарақлаб очилди. Жавҳар билан Ансор бояги шовқинни эшитиб, эшик ортига келиб туришган экан. Қиз уларни кўриб, яна ҳам баттарроқ жазавага тушди.

— Уч киши экансанлар, ифлослар, умрингни турмада чиритаман, қоч ўйлимдан ҳозир бақираман!

— Жон опа, жон опа, бир дақиқа шошманг, — дедим мен. — Айтим-ку, истаган шартингизни бажарамиз, деб. Тўғрими, болалар? Қанча пул керак бўлса, берамиз.

Жавҳар билан Ансор унсиз бош ирғашди. Улар ҳам рангларида қон йўқ, таҳтадек қотиб қолишган.

— Ўғил бола гапми? — деб сўради таҳдид оҳангни ўзгартириб қиз.

— Бизлар йигитмиз, айттан сўзнинг устидан чиқамиз, — деди Ансор бироз ўзига келиб.

— Телефонни бу ёқقا бер, — деди қиз дераза ёнида қимтнинб турган Жавҳарга. У пайтлар қўл телефони энди чиқкан, ҳали фақат пулдор кишилардагина бўларди. Жавҳар унга телефони ни узатди. Қиз шошмасдан телефон тугмаларини босди. Жавоқ бўлгач, йигламсираган овозда гапирди:

— Мама, менн... мени бир йигит алдаб уйига олиб келтиб ўртоқлари билан... тез етиб келинг. Манзилими, манзили: Жий-дазор кўчаси, ўн саккизинчи уй...

Кираётиб уйнинг рақамларигача эслаб қолганини қаранг. Аслида... ҳаммасини пухта тайёргарлик билан уюштирган. Жавҳарнинг бойваччалигини билиб, тузоқча туширмоқчи бўлган-да...

Хуллас, ярим соат ўтмай дарвоза қўнғироги чалинди. Қирқ ёшлардаги бир аёл, ёнида иккита барзанги эркак. Барзангилар кирган заҳоти бизларга ташланиб, тепа кетишли. Аёл эса тўхтовсиз жавраб турди. Шу орада яланғоч қизи кийимини киймоқчи бўлди. Аёл рухсат бермади. Чойшабга ўрантириди.

— Кийимингни киймай тур. Жиноят излари ўчиб кетмасин, — деди. Кейин яна бақириб, қарғаниб кетди. — Гулдай пок, нора-сида қизимнинг ифратини булғаган зўравонларни қамоқда чиритиш керак. Ифлослар, эшшаклар, тўнғизлар! Бечора боламнинг соғ жойини қолдиришмабди...

— Раҳм қилинглар, ҳар қандай шартларингизга розимиз, — дедим мен.

— Бўпти, ҳар биринг ўн минг доллардан тўлайсан, — деди барзангилардан бири.

— Йўқ, — деди қиз Жавҳарни кўрсатиб, — анови... биринчи бошлаган ўн бешта берсин.

— Ҳозир соат тунги бир. — деди қизнинг онаси. — Эрталаб соат олти, узоди билан еттигача пулни шу ерга олиб келиб бермасаларинг, буни экспертизага олиб бораман.

— Розимисизлар? — сўради барзангининг иккинчиси.

— Ҳа, — деди Жавҳар хотиржамлик билан. Биз Ансор иккимиз унга нажот истаб тикилдик. Чунки Ансорнинг оиласи ҳам ўрта ҳолдан пастроқ турмуш кечирар, ўн минг доллар топиб бериши гумон эди. Мен-ку, ўн минг доллар тугул минг долларни ҳам эпломаслигим аниқ.

— Сизлар-чи? — сўради биринчи барзанги.

— Биз... бизда бунча пул йўқ, — дедим мен шунинг баробарида Жавҳарга тикилиб. У эса кўзини олиб қочди. Қўл телефонидан уйига қўнфироқ қилди. Онаси олди, шекилли:

— Отамга айтинг, бир-икки соат ичидаги ўн беш минг доллар туласасам... қамалиб кетаман, — деди.

Жавҳарнинг «ўн беш минг», деган гапини эшишиб, кўз олдим қоронфилашиб кетди. Барзанги Жавҳарнинг қўлидаги телефонни олиб, Ансорга узатди.

— Бизда бунча пул йўқ, — деди у йифлаб. — Топганича олиб келса майлими?

Барзанги аёл билан кўз уриштириб олди.

— Давай-давай, қўнфироқ қил, олиб келсин-чи....

Гапнинг қисқаси, Жавҳарникилар пулни олиб келиб беришиди. Ансорнинг акасими, тоғасими олиб келган уч юз минг сўмча пулни аёл отиб юборди. Қизини етаклаб чиқиб кетди. Барзангилар Ансор иккаламизни ёқамиздан судраб машинага ўтқазиши. Шаҳар милиция бўлимига олиб келиб топшириши. Қиз ва онаси биздан олдинроқ келиб, ариза ёзишаётган экан. Сўнгра улар экспертизага кетиши. Бизларни авахтага тикиши. Кейин тергов, суд, ўн йилдан олдик.

— Жавҳар-чи? — ҳаяжонланиб сўради Афифа.

— Жавҳарми? Жавҳар судда гувоҳ сифатида қатнаши. У даҳшатли гаплар айтди. Нима эмиш. У яхши курадиган қизини ижараҳонасига олиб келиб, шунчаки дам олиб ўтирганида биз, Ансор иккаламиз Жавҳарнинг бўйнига пичоқ тираб, калтаклаб хонадан ҳайдаб чиқарибмиз ва қизни тортиб олибмиз, ўзи уриб, моматалоқ қилган жойларини бизга ёпишириди. Экспертиза ҳам қилган экан...

— Оҳ, номард! Оҳ, ифлос! Шунаقا дедими-а? — ғазаб билан сўради Афифа. — Қиз-чи? Қиз нима деди?

— Қиз унинг айтганларини тасдиқлади.

— Кейин-чи?

— Кейинми? Кейин... Қамоқ. Зонада бизнинг жиноят билан қамалғанларни хўрлашар экан. Ансор бунга чиқолмай, ўзини осди. Мен эса... мен анови тұхматчи дўстимнинг кўзига бир мартағина бўлса ҳам тик қараиман, деб барча уқубатларга чидалим. Беш йилда қутулиб чиқдим.

— Чиқиб, тўғри Жавҳарнинг олдига бордингизми?

— Йўқ.

— Нега?

— У хорижга ишга кетган экан. Аввал қайси дир қўшма корхонада таржимон бўлган. Сўнгра уларга қўшилиб, учинчи бир мамлакатга жўнаган. Ундан ташқари... турмада кўп ўйладим. Жавҳарни нима деб айблайман? Пул бермагани учунми? Пул отасиники бўлган-ку. Ўша лаҳзаларда у биринчи галда ўз жонини кутқариши муҳим эди. Қолаверса... мен қамоқдалитгимда оиласиздан мунтазам хабар олиб, моддий кўмак бериб турган. Опамнинг тўйида харажатнинг асосий қисмини кўтарган. Онам менга жўнатиб турган пулларни ҳам... у берган.

— Қиз-чи? Қизнинг тақдиди нима бўлган экан?

— Қизми? Қиз... ўша пайтдаёқ бузуқ бир оиланинг боласи бўлган. Кейинроқ онаси хуфия фоҳишаҳона очган. Қизи ўша «чаманинг сара гули» бўлиб очилиб-сочилиб, яшнаб юрган. Кейин бозори ўтмай қолиб, қайгадир кетган.

Уларни бошқа кўрмадим.

• • •

Орага бир зумлиқ ўнғайсиз жимлик чўкли.

— Ўзингиз... шунаقا... бузуқчилик қурбони бўлиб, яна нега бунаقا йўлга кирдингиз? — деди Афифа. — Бу ифлос одамларнинг иши эмасми?

— Аёл зотидан нафратланганим, ундан бир умр кўнглим қолгани учун, — деди Шаҳром.

— Битта... ёмон аёлнинг иши учун бутун аёл зоти айбдор эмас-ку.

— Тўғри айтасиз. Бироқ мен буни... кейинроқ тушундим. Ўшанда, турмада чеккан азобларим, кўрган хўрликларим... уларни сиз тасаввур этолмайсиз. Қамоқхонада ашаддий каллакесарлар қўлига тушдим. Уларнинг қоидаси қаттиқ. Мендақаларни мутлақо аяшмас экан. Улар «сен бегуноҳ бир қизни зўрлабсан», деб, итнинг кунини кўрсатишган. Ҳар куни юз, минг мартараб «мен аёлман, мен аёлман» деб айтишга, инсон боласи чидолмайдиган ишларни қилишга мажбур этишган. Шунинг учун аёл деган сўзни эшитсан, ақлдан озалиган даражага етгандим. Турмадан чиққанимдан сўнг онам билан ҳам яшолмадим. Фикру зикрим аёллардан қасос олиш бўлиб қолди. Шу таринқа Шаҳина ва Муштарийлар билан танишдим. Қанча-қанча қизларни буёқларга олиб келиб сотдим, хор-зор қилдим. Лекин иззат-нафсим қон-

мади. Кейинроқ билдимки, хато устига яна хато қилибман. Мен... мен чиндан ҳам энг аblaқ, энг жирканч одамман...

Шаҳромнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Бошини чай-қаб, тескари ўгирилди. Ўрнидан туриб, дераза ёнига борди. Пардани суриб пастда, минглаб чироқлар «милт-милт» этиб турган шаҳарга тикилди. Афиға ўрнидан туриб, унинг ёнига борди. Елкасига қўлини қўйди.

— Кечиринг. Ножӯя гапирдим. Сиз ҳам менга ўхшаган баҳти чопмаган одам экансиз. Лекин тушкунликка тушманг, ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ, дейдилар.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Албатта!

— Агар... агар мен қилган ишларнинг ҳаммасини айтсан, фикрингиз ўзгармайдими?

— Ўзгармайди.

— Унда воқеанинг давомини эшитинг. Қамоқхонадан чиқиб келганимдан сўнг Жавҳарнинг отаси эшитиб, уйимизга келди. Узр сўради. «Ўшанда мен воқеанинг асл мазмунини билмаганман», деди. Аblaқ Жавҳар ўзини оқлаш учун отасига, «ҳаммасини Шаҳром билан Ансор ташкил қилганди, қизни ўшалар олиб келди, мени мажбурлаб ўзларига шерик қилди», деб айтган ва отаси жаҳл устида учаламизни эмас, фақат ўз ўғлини қутқарган экан. «Ўғлим қилган номардликни ювиш учун сенга бир умр ќўлимдан келган ёрдамни бераман, ўқишингни тиклайман, ишга жойлаштираман», деди. Ўша пайтда у киши вилоят миёсидаги катта бир раҳбарлик лавозимида ишлар экан. Мен: «майли, ёрдам керак бўлса, ҳузурингизга бораман», дедим. У кетди. Кетаётисиб: «уйимизнинг эшиги сен учун доимо очиқ, истаган пайтинг кел, курсанд бўламиз», деди. Бу гапларни самимий айтди. Сиз, «шу билан ўртоғини кечириб юборган» отасининг кўмагидан фойдаланиб, муаммоларини ечиб олган» деб ўйлаётгандирсиз. Аммо мен... аввалига чиндан ҳам у кишининг ёрдамидан фойдаландим. Ўқишимгаям тикланиб, давлат имтиҳонларини топширдим, диплом олдим. Туристик фирмага ишга жойлашдим. Саёҳатчилар билан бирга хорижий мамлакатларга бориб кела-диган бўлдим. Ўша сафарлар давомида Жавҳарни изладим. «Уни топаман. Топаман юзига тупураман. Шунинг ўзи энг оғир қасос бўлади», деб ўйладим. Топдим. Тупурдим. Лекин кўнглим жойига тушмади. «Шундай қасос олайки. у ҳам мендек бир умр азоб

чексин», деб ўйладим. Пайт пойлаб, имкон излаб юрдим. Ногаён шундай имкон туғилиб қолди. Кунлардан бир кун Жавҳарнинг тиббиёт институтида ўқийдиган Бинобар исмли синглиси бир дугонаси билан фирмамизга келиб қолди. «Ёзги таътил чоғида бирон хорижий давлатга бориб, томоша қилиб айланиб келмоқчимиз маслаҳат беринг», деди. Ўна пайтлар биз айрим хорижий мамлакатларга қизларни сайёҳ ниқоби остида олиб бориб, сотишни эндиғина бошлагандик. Табиийки, Бинобарга мен у мамлакатларни тавсия этмадим. Чунки бошда миямда шум ният йўқ эди. «Туркия ёки Мисрга борсаларинг бўлади, денгиз ҳавоси, кейин томоша қиласидиган, чиройли кийимлар сотиб оладиган бозору дўконлари кўп», дедим. Қизлар рози бўлишди. Хуллас, уларни бошқа фирма орқали аввал Туркияга, кейин Дубайга олиб бориб, сотиб юбордим. Икки ойдан сўнг Бинобар ва дугонасининг полиция қўлига тушгани ва қамалгани ҳақидаги хабар отасига етиб келган. Шўрлик ўша куниёқ ариза бериб ишдан бўшади ва бир ҳафтадан сўнг юрак хуружидан вафот этди. Мен эсам ҳеч нарса кўрмагандек унинг таъзиясига бордим. Чунки собиқ дўстим Жавҳарнинг қандай аҳволга тушганини кўришим керак эди...

— Бинобарни сиз жўнаттанингизни билиб қолишиларидан кўрқмадингизми?

— Қўрқмадим. Айтдим-ку, улар бошқа фирма орқали, бошқа шаҳардан учиб кетишган, деб. Бинобарнинг ўзи ҳам, дугонаси ҳам узоқда, зинданда ётишибди. Демак, мени ҳеч ким фош қилолмади...

— Ҳа-а, жудаям... ёмон иш қилган экансиз, — деди Афифа.

— Бу... қасос эди, Афифа. Мен... ўзимни шундай оғир қасосга ҳақли, деб ҳисоблар эдим. Чунки мен... йигитлигимни, умримни йўқотгандим. Менга яашнинг қизиги қолмаганди.

— Барибир бу қадар шафқатсизлик қилиш...

— Боя «фикрим ўзгармайди», дегандингиз.

□

— Нега индамайсиз, Афифа? Менинг чиндан ҳам жирканч, палид одам эканимга ишонч ҳосил қилиб, нима дейиши билмай қолдингизми?

Афифа Башир айтган гагларнинг ҳаммаси тўғри эканига так-рор-такрор ишонч ҳосил қилиб, ғазаб ва аламдан эсанкираб, нима дейиши билмас, иложини топса ҳозир Шаҳромнинг юзига туфлаб юборар эди.

— Қилған гуноҳларимнинг ақалли бир қисмини ювиш учун сизни қутқардим. Гарчи... сизни ҳеч ким алдаб олиб келмаган бўлса ҳам. Дарвоҷе, биз олиб келиб сотган қизлар, аёлтарнинг кўпчилиги қаёққа, нима мақсадда бораётганини олдиндан жуда-ям яхши билишган. Газеталар, радио ва телевизорга чиқиб, юзи-ни яшириб, «бизни алдаб олиб кетишиди», деганларнинг ҳамаси ҳам ҳақ эмас.

— Буни биламан. Лекин... нега мени қутқардингиз? Ахир мен ҳам ўз ихтиёrim билан келганимни билардингиз-ку...

— Сиз ўз ихтиёringиз билан эмас, бошқа сабаблар билан келгансиз. Сиз боя тўғри айтдингиз. Иккимизнинг қисматимиз ўхшаш. Фақат сиз таҳқирларга жавоб қайтаришга, қасос олишга уринмай келяпсиз. Ўзингиз айтганингиздай, ойнинг ёруғ ўн бешини кутяпсиз. Сабр қиляпсиз. Мен эса сабр қилолмадим, бардош беролмадим. Ўч олиш йўлини тутдим. Бунинг бефойдалигин эса кеч тушундим.

— Кеч бўлсаям, ҳар қалай, тушунибсиз-ку. Шунинг ўзи ҳам катта гап. Фақат энди ҳеч кимга ёмонлик қилманг. Ажабмаски, Аллоҳ гуноҳларингизни кечирса.

— Шояд. Энди... дам оламиз. Акс ҳолда дардимизнинг досто-ни тугамайди. Эртага барвақт туриб, сафаримизни давом этти-риш учун ҳужжат тайёрлашим керак. Хайрли тун. Сиз ётоқхона-га киринг. Мен шу ерда ётаман.

Афифа Шаҳромнинг ҳикояси таъсирида анчагача ухломай ётди. Кейин «ухлаб ётган пайтида, шилқимлик қилиб, Башир айтган гапларнинг энг сўнгисини ҳам тасдиқлаб, ишонч ҳосил қилсаммикан», деб ўйлаб ётди. Шаҳромдан гоҳ нафратланди, гоҳ ачинди. «Наҳотки, юрагини очиб, дардини ошкор айтга-нидан сўнг ҳам сотиш фикрида бўлса? Ахир «шу пайтгача тўплаган пулим умримизнинг охиригача етади», деб бир неча марта айтди-ку. Наҳотки инсонлик қиёфасини йўқотган бўлса?..»

Таваккал қилиб ўрнидан турди. Бир-бир босиб залга кирди. Ташқаридан тушиб турган ёруғда Шаҳромнинг диван устида чалқанча ётганини кўрди.

— Шаҳром ака, — деди паст овозда. Йигит эшитмади.

— Шаҳром ака! — деди товушини баландлатиб.

— А? Ким? — деда сакраб ўрнидан турди Шаҳром.

— Мен, Афиғаман. Қўрқяпман.

«Агар зигирча эркаклиги бўлса, бу галимдан кейин ўзини тўхтатиб қололмаслиги кера», деб ўйлади Афида. Айни пайтда юраги шувиллаб кетди. «Агар ... Башир айтган гап ёлғон бўлсан ѿ... Шаҳром ётоққа келиб. «кўнглимни хушлайман», деб қолса нима қиласман?...»

Хайрият. Шаҳром ўзига келиб, масала нимада эканини тушилди. Ортидан келиб, кенг каравотнинг бир четига индамай чўзилди-да, яна хуррак ота бошлади. Афида бундан қандай хулоса чиқаришини билолмади.

Тонга яқин Афида қаттиқ ухлаб қолди. Турса, Шаҳром ўринида йўқ. Тумбочка устида хатча қолдирибди: «Бешинчи қаватдаги қаҳвахонада кутаман». Ювениб, ўша томонга йўл олди. Қаҳвахона мўъжазгина. Ўзларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Нонуштадан сўнг сайдра чиқиши. Йўл-йўлакай Шаҳром қўл телефонидан қайгадир кўнғироқ қилди. «Сайдра чиқяпмиз, кўчага», деди инглизчалаб. Афида сергак торти. «Кимга гапирди? Бу ерда ҳеч қанақа таниши йўқ эди-ку?»

Кўчада бироз айланишгач, деярли айнан бир хил кийинглан икки басавлат арабга дуч келиши. Бири Афифага бошдан-оёқ синчилаб қаради. Иккинчиси бош бармоғини кўтариб, «О кей!» деди. Афифанинг юраги «шув» этди.

— Чарчадим, хонага қайтайлик, — деди.

— Сиз чиқаверинг, мен сигарет олиб, ортингиздан етиб бораман, — деди Шаҳром. Афифанинг хавотири кучайди.

Шаҳром сигарет тутатиб кириб келган чоғда Афида қовоғи осилиб, минг бир хаёлга бориб ўтирап эди.

— Ҳа, нимага кайфиятнинг йўқ? — сўради Шаҳром. Кўринишидан унинг кайфи чоғ эди.

— Анови одамлар ким эди? — Томдан тараشا тушгандек сўради Афида.

— Қайси одамлар? Ҳа, анови икки ака-укаларми? Танишларим. Улар бизга қўшни давлатлардан бирига ўтиб кетишга ёрдам беришади.

— Қачон жўнаймиз?

— Бугун тунда.

Афида нима дейишини билмай, жим қолди. Ҳозир: «Мени сотмоқчимисиз, кимга, қаерда?» деб сўрашининг фойдаси йўқ. Мабодо шундай бўлгага тақдирда ҳам Шаҳром ростини айтмайди. Яхшиси... кутиш керак.

Рамиз билан Рашид Пўлатов Дубайдаги тунги клублардан Бирида дуч келиб келишди.

— Ие, ассалому алайкум миршаб ака. — деди Рамиз. — Мени жўнатиб, орқамдан ўзингиз ҳам пойлаб келибсиз-у! Бир оғиз айтсангиз, бирга келардик. Бу қанақаси бўлди?

— Вазифамиз шунаقا. Мени бу ёққа жўнатиш фикри сиз кетгандан сўнг туғилди. Ўша кунлар мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида одам савдоси билан шуғулланувчи катта гуруҳлардан бирини кўлга олиш бўйича кенг кўламли амалиёт бошланадётган эди. Гуруҳнинг ўзимиз томондаги аъзоларн асосан ушланди. Калаванинг уни бу томонга ҳам боғланган. Шу боис бу ёққа ҳам сафар қилишга тўғри келди. Сафар бесамар кетмади. Амалиёт муваффақиятли ўтди. Хўш, ўзингиз қалайсиз? Излаган одамнингизнинг топдингизми?

— Йўқ-да! Тополмадим. Энди ҳамма умид сиздан.

— Биз туттган одамлар орасида ҳам йўқ. У билан бирга келган икки қиздан бирини топдик. Иккинчиси вафот этибди...

— Наҳотки у ҳам... — юраги шувиллаб, титроқ овоз билан сўради Рамиз.

— Йўқ. У тирик. Уни... ўша — учовларини бошлаб келган йигит Шаҳром Баҳромов қўшни давлатлардан бирига олиб чиқиб кетган. Баҳромов — муқалдам судланган ҳавфли жиноятчи. Уни халқаро қидиругвга берганимиз. Ҳадемай дараги чиқади.

— Unda... мен нима қилай, — деди ҳафсаласи пир бўлиб Рамиз.

— Сиз бемалол Яманга кетаверинг, ёш дўстим бориб жойлашган, менга манзил ва телефон рақамларингизни маълум қўласиз. Бирон дарак чиқса, мен ўзим хабар бераман. Сизга раҳмат. Чинакам эзгу ниятли мард ўғлон экансиз. Сиздай йигитлар билан фахрлансак арзиди.

Улар қучоқлашиб хайрлашишди.

— Сиз яхши йигитсиз, узоқлашиб кетманг, — деди яна бир марта Пўлатов. — Мунтазам хабарлашиб туринг.

— Албатта, хабарлашаман, — деди Рамиз.

Эртаси куни Рамиз Яманнинг Адан шаҳрига учиб кетди. Пўлатов эса юртга қайтди.

«Руи Клавихо» саёчат фирмаси муассиси ва раҳбари, Муштариҳоним лақабли Олчахон Зайтуллаева ҳамда унинг вилоятлардаги бир неча шериклари ҳамда гумашталари устидан олиб борилаёттан тергов асносида Шаҳина хоним ҳам ҳибсга олинди. Пўлатов уни сўроқ қилиш давомида ён дафтарига «Афиға Зокирова бўйича Муқимхонов ва Субут Сокинни ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилиш лозим», деб ёзиб қўйди. Бу ёзув қайта эсига тушгунга қадар бир ойча вақт ўтди. Чунки шусиз ҳам Шаҳина хонимнинг бошқа кирдикорлари беҳаду бешумор эди. У дастлабки сўроқ пайтидаёқ аввалдан маълум энг синалган самарали усулни қўллашга киришди.

— Мижозларингиз кимлар? — деган саволга шаҳардаги энг таниқли баобрў, мансабдор ва мулкдор кишиларнинг исму шарифларини бирма-бир санашга киришди. Пировардида эса:

— Улар барибир мени қутқариб олишади. Сиз эса ўз келажингизга нуқта қўйиб қўясиз, — деди Пўлатовга.

— Айтаётганларингиз билан юзлаштиришимиз мумкинлигидан қўрқмайсизми?

— Қўрқмайман. Чунки юзлаштиrolmasligingizni биламан, — деди безбетлик билан хоним. Кейин эса узундан-узоқ ваъз айтишга киришди: — Сиз ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Ҳар қандай давлатда, ҳар қандай жамиятда бизнинг хизматимизга эҳтиёж бор. Шу боис айрим мамлакатларда бунга қонунан рухсат берилган. Рухсат берилмаганларида ҳам кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишади. Сизнинг ва сизга ўхшаганларнинг вазифангиз вақти-вақти билан номига, яъни хўжакўрсин учун текшириш ва терговлар, ҳатто суд ўтказиб, «мана биз қонуни ишлатишимиз», деб қўйишдан иборат. Аввали мени қамашга кучингиз етмайди. Хўп, ана, қамадингиз ҳам дейлик. Бир йилга қолмай чиқиб, яна ишимизни давом эттираверамиз-ку...

— Бу сафар мен сизни анча узоқ муддатга ўтқазиб қўяман, — деди Пўлатов хонимнинг сурбетлигидан фижиниб. — Чунки сизлар алдаб хорижга жўнатган ва фоҳишалик қилишга мажбур этилган қизлар, аёллар орасида хавфли касалликка чалиниб ёки ўз жонига қасд қилиб ўлганлар бор. Демак, бу гал фақат қўшмачиликда эмас, одам савдоси, хавфли касалликларни тарқатиш, ўз жонига қасд этишгача олиб бориш сингари жиноятларда ҳам гумон қилиняпсиз. Қолаверса, хорижий мамлакатлар-

дағы ҳамтовоқыларингиз ҳам ҳибсга олиниб, жойида тергов қилинмиқда. Демак, сизга «халқаро жиной гурух аъзоси», деган анчагина қўрқинчли «сунвон» нақд бўлиб турибди.

Хоним пинагини бузмади. Илжайди. Кейин:

— Шуми? — деб сўради киноямиз.
— Ундан бошқа, сизга ҳозирча айтиш мумкин бўлмаган факт ва дағилларимиз ҳам кўп.

— Менда шунаقا кучли кузир қарталар борки. — деди хоним. — Ақалли биттасини очсан... қамаш у ёқда турсин, йиғлаб кечирим сўрайсиз.

— Ҳа-а, сизни... айтганларича бор экансиз, — деди Пўлатов.

— Истеъододли санъаткор, зукко олм, ҳассос шоира... фақат бутун истеъододингизни, заковат ва билимингизни ҳаром-ҳаришига сарфлабсиз. Бадбаҳт аёл.

— Ҳали кўрамиз, ким баҳтиёру ким бадбаҳт эканини.

— Кўрамиз!..

Шаҳина ва Муштарий-Олчахонимлар ҳибсга тушиб, тергов берга бошлаганини Субут ўша куниёқ кечқурун Фаризадан эшилди.

— «Руи Клавихо» фирмаси раҳбари Олчахон Зайтуллаева бизга онам томонидан узокроқ қариндош бўлади, — деди Фариза. — Фирмани очиш, оёққа турғазиш чоғида ойламиз кўп ёрдам берган. У пайтлар «Руи Клавихо» фирмаси бунақа ножўя ишлар билан шуғулланмасди, саёҳатчиларни жўнатиш, қабул қилишининг ўзидан катта даромад оларди. Отамнинг ишлари сал орқага кетган чоғларда юзини буриб. Зоҳидий тарафга ўтиб кетди. У билан юрди. Зоҳидий қамалиб, қамоқда ўлгач, яна отамнинг пинжига тиқилмоқчи бўлди. Отам рўйхушлик бермади. Шундан сўнг рақобатчилар кўпайиб, фирманинг ишлари орқага кетди. Олчахон эса ўзига «Муштарий», деган таҳаллус қўйиб олиб, қўшмачилик, фоҳишафурушлик, одам савдоси билан шуғуллана бошлади.

— Афиғани ҳам ўшалар жўнатган, — деди Фижиниб Субут.

— Мен уларни оқламоқчи эмасман, Субут ака, — деди Фариза юмшоқ оҳангда. — Лекин Афиғахонингизнинг ўzlари истамаса эди... Улар алдаб ҳам, мажбурлаб ҳам жўнатишолмасди. Ахир у ёш қизалоқ эмас-ку, сиз бўлсангиз ўша оқшом «мени

ярим оқшомда тұшакдан суғуриб олиб, ноқулай ақволда қол дирдинг», деб аччиқландингиз. Мен сизнинг шаңнингизни ўйлай ман. Хафа бўлманг-у... ўша Афиҳаҳон аввал бошдан пулдо. кишилар билан хушгорлик қилиб, танасини сотиб, ҳаром-ҳарисдан енгил пул топиб ўрганиб қолган. Ўргангандан кўнгил ўртанса қўймас, дейишади.

Бу гап Субутга малол келди. Газабини ичига ютиб, имкон қадар мулоҳимлик билан сўради:

— Сиз билан мен қилиб юрган ишлар ҳалолми?

Фариза бир зум гангид қолди. Чамаси у аввал, «Субут менинг режиссёр йигит билан муносабатларимга шама қиляпти». деб ўйлади. Бир сониялик мулоҳазадан сўнг ўзини ўнглаб олди.

— Сиз билан мен, аввало, ҳамкормиз. Шахсий муносабатларимизни эса истаган пайтда ҳам қонуний, ҳам шаърий расмий-лаштиришимиз мумкин.

— Қачон? — сўради тихирлик билан Субут.

Фариза аввал унинг юзига ҳайрон тикилди. Кейин жавоб берди:

— Истасангиз, шу бугуноқ.

— Юринг бўлмаса, — деди Субут сохта илжайиб.

— Қаёққа?

— ЗАГСга, ундан чиқиб, мачитга борамиз.

— Нимага бунча шошиляпмиз? Аввал отам билан маслаҳатлашайлик, ёру дўстга хабар берайлик.

— Отангиз рози эканини мендан кўра яхшироқ биласиз. Бизни «ўйнашлар», деб устимиздан кулиб юрган «ёру дўстлар»га эса бунинг на иссиғи, на совуғи бор. Қани, кетдик!

— Хўп, майли, борамиз, аммо айтинг, нега бунча тез? Нима ёв қувиб келяптими?

— Бирвларни муҳокама қилишдан олдин ўзимизнинг орқамизни тозалаб олайлик, деяпман-да.

— Ҳа-а, севимли Афиҳаҳонингизни ёмонлаганим алам қилибди-да! Майли, ҳозир ЗАГСга борамиз, никоҳ ўқитамиз. Лекин ўша дақиқадан бошлаб... Афиғани буткул унутасиз, «четга юриш»ни узил-кесил йиғиштирасиз. Акс ҳолда...

— Акс ҳолда оёғимни уриб синдирасиз, шундайми? — унинг кўзларига тикилиб сўради Субут.

Фариза кулимсираб:

— Ҳа! — деди.

— Мен ҳам сизни, — деди Субут мұтлақо жиіддій оқшанғда унинг күзларига тик қараб. Фариза беихтиёр күзини олиб қочди ва:

— Юринг, бўлмаса, паспортингизни олиш эсдан чиқмасин, — деди.

Субут паспортини олиб чиқди.

— Қайсисига борамиз, шу бугуноқ ўтказиб ҳужжат берадиган танишингиз борми? — деб сўради Фариза. — Мулладан-чи?

— Энг катта таниш муллажиринг-да, икки юз доллар узатсан, ҳар қанақа ЗАГС мудири муллагага қўшилиб «Тановар»га рақс тушади.

— Марказдаги «Бахт уйи»га борақолайлик унда.

— Майли...

Машиналари Мирзо Улуғбек боғи ёнидаги «Бахт уйи»га етиб келгач Субут бир зум саросималаниб қолди.

— Ҳа, тушмайсизми? — деди Фариза ташқарида туриб. Субут кулимсираб, машинадан чиқди.

— Бир зум шошманг, ўзимга келиб олай. ногаҳон қўнган баҳт қуши бошимга оғирлик қилиб, айлантириб қўйди. Ростини айтсам... энди ишондим. Аввал сизни шунчаки шерикчилик ва ишқибозлик қилиб юрибди, деб ўйлагандим. Нияtingиз астойдил экан. Энди мундоқ ўйлаб қарасам, чиндан ҳам аввал отангизнинг олдидан ўтайлик. Аниқроғи, мен ўзим у кишининг ҳузурига бориб, гаплашиб, сизнинг қўлингизни сўрайин.

— У кишини «рози», деяпсиз-ку.

— Ҳа, шундай, деб ўйлайман. Лекин буни ўз оғизларидан расман эшитишим керак.

— Унда бирга боришимиз керак эмасми?

— Ҳа, кетдик, — деди Субут. — Эртага учамиз. Мен ҳозир самолётга чипта буюртма бераман.

— Вой, киностудиядаги ишим нима бўлади, ҳали ярмига ҳам етмаган-ку, — деди Фариза.

— Тўхтаб туради, — деди Субут қатъий.

Эртасига кечқурун улар Тошкент-Франкфурт-Майн йўналиши бўйича парвоз қилювчи А-300 самолётига чиқишиди.

«Нега бундай қиляпман? Нега бунча шошилдим? — деб ўйлади Субут улкан ҳаво кемаси гилдиракларини ердан узиб, юксакликка кўтарила бошлагач. — Кимдан фазабландим? Кимга аччиқ қилдим?»

Савоиларига жавоб аниқлигини сезиб турган бўлса-да, у билмасликка олди.

Бўлажак келин-куёв Фариза Саъдий ва Субут Сокин Германия сари учган лаҳзалтарда ер юзининг бошқа бир нуқтасида ҳужжатларига кўра «эр-хотин» бўлмиш «Санарабоевлар» туяга мииниб бийдай чўлда кетиб бормоқда эди. Карвонда ўн бештacha тия. Олдинги ва энг охирги туяларда автомат билан қуролланган оқ кийим, оқ саллати икки бадавий, яъни саҳрои араблар кўриқлаб боришмоқда. Ҳаво иссиқ. Гармсеп тинмай эсади. Тишларидаги қум ғичирлайди. Шаҳром билан Афифа битта бақувват ёш туяга мингашишган. Афифа иссиқдан қийналади. Ўқтин-ўқтин хуржундан сув олиб ичади. Руҳи сўнник. Шаҳром унга далда бериб, кайфиятини кўтармоқчи бўлади.

— Шералининг бир ашуласи бўларди. Эшитганмисиз: «Карвон кўрдим туялари бўзлаб келар, менинг ёrim ўзга юртни кўзлаб келар».

— Ҳа, болалигимда эшитганман, — деди Афифа маъюслик билан. — Қачон етамиз ўша ўзга юртга? Одам қийналиб кетди.

— Чиданг, яна бир кун ва бир тун йўл юрсак етамиз.

— Тинчгина текис йўлдан, машинада борақолсак бўлмасмиди?

— Бўлмасди. Худо кўрсатмасин, йўлда жилдийроқ текширувга дуч келсан қамалардик, манови азоблар унинг олдида курортдек бўлиб қоларди.

— У ёққа етгандан кейин ҳужжатлардан муаммо чиқмайдими?

— Хотиржам бўлинг, ҳаммасини гаплашиб қўйганман. Дарвоқе, эсимдан чиқмасдан бир гапни айтиб қўйишим керак. Мен қидирудаги одамман. Мабодо, Худо кўрсатмасин, йўлда қўлга тушиб қолсан, сиз мени танимайсиз, мен сизни, тушунарлимни?

— Ҳужжатга кўра... фамилиямиз бир хилт-ку. — Афифа «эр хотинмиз-ку», демади.

— Ҳужжатга ишингиз бўлмасин. Менда бошқа ҳужжат ҳам бор. Ундан ташқари мени «Санарабоев» сифатида эмас, бошқа киши сифатида қидиришмоқда. Демак, тушундингиз-а?

— Илойим ҳаммаси яхши бўлсин. Кўлга тушиб қолишдан худонинг ўзи асрасин, — деди Афифа.

— Айттанингиз келсин. Аллоҳу акбар! — юзига фотиҳа тортиди Шаҳром.

Худди шу лаҳзаларда бошқа бир манзилда — Қизилқум бағридаги жазони ўташ муассасаларидан бирида айни пешин маҳали бўлиб, бизга таниш яна бир одам — маҳбус Даврбек Муқимхонов рукуга бош қўйиб. Аллоҳдан гуноҳларини истиғфор этишни ва ўзига сабру жамил беришини сўрамоқда эди. Мана, бир неча ойки, Даврбек Муқимхонов беш вақт намоз ўқийдиган, бўш вақтларида китоб мутолаа этадиган бўлиб қолди. Мунтазам ибодат ва мутолаа ҳам жисмига, ҳам руҳига ором бермоқда. Сўфи унга эски ўзбек алифбосини ўргатди. Даврбек бошда роса қийналди. Зеру забарларни эслаб қолиш осон эмасди. Бир неча бор сабоқни ташлаб юбормоқчи ҳам бўлди. «Менга нима керак ўзи бу», деди. Эринди. Ҳар қалай Худо сабр берди. Осонроқ, тошбосма ёзувларни ҳижжалайдиган бўлди.

— Энди Қуръони Каримнинг арабча тош босма нусхаси ва ўзбекча таржима-тафсирини олиб, мустақил мутолаани бошласангиз бўлади, — деди сўфи.

Даврбек қунт билан дарс қилишга кириши. «Астойдил йифласанг, сўқир кўздан ҳам ёш чиқар», деганларидек, аста-секин қироатга тили ҳам келишадиган бўлди.

Мұхими, у ўқиётган сурга ва оялтар мазмунини тушунар, магзини чақар, бундан теран бир ҳаловат ҳис этар, айни пайтда юрагининг туб-тубида «нега бу муқаддас китобга бунчалар кечетишдим», деган армон, «шунча нотўғри ишлар қилдим, шуларнинг баробарида ақалли бир марта, ўзимга ўзим: «ҳой гумроҳ банда, нима қиляпсан, кўзингни оч», демадима-а», деган ўқинч ўйғонар эди. Ана шу ўқинчни енгиш учун хотирасининг қатларидан қилган эзгу амалларини излар, излаб-излаб чарчаб кетар эди. Гоҳ-гоҳида заиф бир тасалли топарди. «Нимаики қилган бўлсам, яхши ният билан қилдим. Кимдандир пора олган бўлсам, унинг ишини битказиш, мақсадига етказиш учун олдим. Деярли ҳар гал қилинган илтимосни бажардим. Мабодо бажаролмаган бўлсам, пулни эгасига қайтариб бердим. Айримларга ўхшаб: «юқорига бериб юборганман», деб номардлик қилганим йўқ. Аёллар масаласида ҳам... деярли ҳаммасини рози қилганим. Фақат... фақат биргина аёл қошида оғир гуноҳ қилдим... Аввало ўша қизнинг номусини ўғирладим, гарчи қимматбаҳо совғалар, пул бериб рози қилишга уринган бўлсам-да, «уйланаман», деб алдадим. У шўрлик мени яхши кўради, менинг ҳавоий ваъдала-

римга ишониб, эрига хиёнат қилди. Мен эса уни шармандаларча Зоҳидийга сотиб юбордим... Ана шу гуноҳимнинг ўзи жаҳаннам қаърига устун бўлиш учун бемалол етса керак...»

Кейинги пайтлар соқов севгилисидан ҳам дом-дарак бўлмай кетди. Тирикмикан ишқилиб?

Баъзан у йиғлаб-сиқтаб сўғига дардини достон қиласди.

— Гуноҳим кўп. Томоғимгача наҳсга ботганман. Энди юз йил тоат-ибодат қилганим билан бефойда. Девордан ташқаридаги ҳаётда суюнадиган, соғинадиган бирон одамим ҳам йўқ. Энди мен, яхшиси, мана шу ердан чиқмай ўлиб кеттаним маъқул...

— Ундай деманг. Даврбек ака. Туну кун тоат-ибодатни тўхтатманг. Тавба қилинг. Аллоҳ кечиради, иншоаллоҳ.

— Кечирамикан? Агар Аллоҳ кечирса, минбаъд ҳаромга яқинлашмас эдим.

— Тавба қилинг, тақсир, тавба қилинг...

Бугун пешиндан кейин кутубхонага келтирилган янги китоблар орасида бир китобга назари туриб, кўзи чарақлаб кетди. «Субут Сокин. «Намозшомгул ёки бир хоним саргузаштлари». «Ие, бу ўзимизнинг Субут Сокин-ку. Китоби нима ҳақда экан?

Варақлади. Қизиқди. «Ўзининг ҳаётини ёзибди-ку. Анови қиз Афифа. Амалдор йигит эса мен бўлсан керак. Хўш, мени қандай тасвирлабди экан? Ҳойнаҳой худди ўзим ўйлаётгандай: порахўр, хушомадгўй, золим амалдор ва номус ўғриси қилиб кўрсатгандир...

Ўтириб олиб ўқиди. Ҳайратга тушди: «Э, отангга раҳмат, Субут Сокин,— деди ичида.— Мени қийнаётган саволнинг жавобини аниқ ёзибсан-ку!» Китобдаги амалдор йигит қизни чин юракдан севади. Аммо бошқа бир катта амалдорнинг қизига уйлангани боис унга уйланолмайди. Қизга юрагини очиб: «ихтиёрим ўзимда эмас, аҳволим қулникидан ҳам баттар», дейди. Даврбекка сўзлар худди ўз тилидан янграётгандек туолди. «Чиндан ҳам мен қул эдим. Мана энди озод бўлдим», деб ўйлади. Кейин кулгиси қистади. «Қамоқдаги озод одам!» — дея киноя билан хитоб қўиди ўзига ўзи. Ўйлаб қараса, кинояга ўрин йўқ. Аслида ҳам худди шундай. Қамоқхонада ўзини эркин ҳис этди. Ҳеч қанақа ташвиши, ҳеч қанақа масъулияти йўқ. Куни кеча у гунг маъшуқасининг изсиз йўқолгани боис яширилган бойликларидан ҳам буткул жудо бўлганидан хавфсираб, оҳ уриб. дунёга сифмай кетаётганди. Шу топда эса «парвардигорнинг ўзи мени

ҳаром-ҳариш билан топган моли давлатимдан маҳрум этаётган бўлса не ажаб, деган хаёлга борди. Ҳа, Аллоҳ унга қамоқдан чиққанидан сўнг ҳаммасини тоза варақдан бошлашга имкон бераётир. Янгидан бошлаш осон эмас. Айниқса ёшинг бир жойга бориб қолган пайтда. Қолаверса, қамоқдан чиқишига ҳали, эҳ-ҳе, қанча вақт бор!

«Намозшомгул»ни ўқиб бўлгач, узоқ ўйга толди. Унинг қаҳрамони — адашган қиз ҳам худди Муқимхонов сингари «ҳаммасини қайтадан бошлашим керак», деган аҳд устида кўп ўйлар экан. Охирида ана шу ўйлар оғушида турганида асар тамом бўларкан. Субут Сокин холис ёзиди. Айнина фақат амалдорга юкламабди. Бир қисмини қизга, яна бир қисмини ўзига, яна бир қисмини бошқалар зиммасига ташлабди. Асар қаҳрамонини бот-қоқдан қутқариш вазифасини ҳам ана шу кўпчилик ўртасида тақсимлаган. «Ҳозир нималар қилиб юрнбди экан?» деган савол устида бош қотира бошлади. Йўлини қилиб, озодликдаги дўстлар билан телефонда гаплашди. «Афифа Зокирова ҳозир қайда, нима ишлар билан банд, шуни аниқлаб, менга хабар қилинглар», деди. «Хўш, аниқлашгач нима қиласан?» — дея сўради ўзидан. — Ахир унинг олдида юзи шувит-ку. Фермер хўжалигини инқизога учратган сен эмасми?» Барнibir у фермерлик қилолмасди. Мен қайтанга унинг ўз хатосини тезроқ тушуниб олишига кўмаклашиб юбордим». «Яна ўзингни оқлаяпсан...» «Мен унга бир хат ёзаман. Хатимда унинг олдидаги барча гуноҳларим учун тиз чўкиб, кечирим сўрашимни айтаман...»

Озодликдаги дўстлар етказган хабар унинг руҳини тушириб юборди: Афифа хорижга кетган, Шаҳина хоним қамалган экан. «Охири ўзининг бошига ҳам етибди-да, опахонимиз. Афифа нега хорижга кетади? Ишлагани-да, албатта. Табиийки, қандай ишлигини Даврбек яхши тушуниб турибди. Субут Сокин эса китоб ёзib юрибди. Эҳ, аттанг! Хатни эса барибир ёзаман...»

Саҳро. Ярим тун. Карвон аҳли мўъжаз чодирларда ётиб ҳордиқ ёзмоқда. Афифанинг уйкуси келмайди. Ёнида ётган Шаҳром хуррак тортмоқда. Ҳориб кетди бечора. «Шу тун ва эрта кун ўтса Қатар давлати чегарасига етамиз, деди у боя. — Сабр қилинг. Қийинчилклар ортда қолади. Қатар — бетараф мамлакат. Тинч осойишта ва тўқис турмуш кечирамиз...»

«Кошкыйди. — деб ўлади Афиға саҳро шамолининг ғувилилашига қулоқ солар экан. — Қорнимдаги болани омон-эсон туғиб олсам, одамга ўхшаб яшаб, фарзанд тарбия қилсан. Шаҳром ака Башир айттандака одам эмас. Башир ўша гапларни мени йўлдан уриш учун айтган. Агар Шаҳром акам мени кимгади сотмоқчи бўлса, чўлма-чўл сарсон бўлиб юрмай ўша жойдес, сотиб юборарди. У ҳаётда қийналган, ихтиёрсиз гуноҳ қилнб. жазоланиб маъносиз ўч олиб, тавба қилиб, ақл-хушини йигис олган имонли одам, менга қўл теккизмаётганинг сабаби ҳам шу. Манови саргардонликлар тугагач, уйланади, боламни бирга тарбиялаймиз...»

Ногаҳон шундоқ қулоғининг тагида қарсиллаган ўқ овози янгради. Афиға дастлаб буни: ухлаб қолибман, тушимда бўляпти», деб ўлади. Шовқин-сурон, бақир-чақир кучайиб. Шаҳром сакраб ўрнидан тургач, ўнгиде эканини тушунди.

— Вой ўлай, нима бўляпти, Шаҳром ака? — деди у овози қалтираб.

— Қўрқманг. Карвонимизга қароқчилар ҳужум қилганга ўхшайди. Саҳрода бунақа ҳодисалар бўлиб туради. Карвонбоши пул бериб қутулиб чиқади, насиб этса. Қимиirlамай ётаверинг. Мановини ишончли жойга бекитинг.

Шундай деб, Шаҳром Афиғага икки ўрам пул ва телефон узатди. Чодирдан чиқди. Ташқарида отишмалар шовқин-сурони тиниб, баланд овоздаги арабча, инглизча сўзлар эшитила бошлиди. Беш дақиқалардан сўнг Афиға ётган чодир пардаси кўтарилиб, инглиз тилида:

— Кийиниб ташқарига чиқинг, биз полицияданмиз, — деган ҳукмфармо овоз янгради. Афиға ташқарига чиққанида карвоннинг барча аъзолари бир сафга тизилган, нарироқдаги машина чироғи ёруғида полициячилар ҳужжат текширмоқда эди. Афиға сафнинг охирига бориб турди. Полициячилар иккита «Жип» машинасида келишибди. Ўн-ўн беш чоғли қуролланган аскарлари ҳам бор. Каттаси карвон аъзоларидан ҳар бирининг ҳужжатини қўлидаги чироққа тутиб кўрар, сўнгра чироқни унинг юзига тўғрилаб, синчиклаб тикиларди.

Текширув асносида сафдаги йигирма аъзодан беш киши ажратиб олинди. Улар орасида Шаҳром ҳам бор эди.

— Булар турли жиноятлар қилиб, полициядан яшириниб юрган одамлар, — деди полициячилар каттаси карвонбошига қараб.

— Хуфия суратда чегарадан ўтиб кетишишмоқчи бўлишган. Уларни қамоққа оламиз!

Карвонбоши полиция зобитини четга олиб ўтиб, анча гаплашди. Нимадир узатди. Зобит узатилган нарсани чўнтағига хотиржам жойлаб, саф ёнига қайтиб келди.

— Аслида карвоннинг бошқа аъзоларини ҳам орқага қайтаришимиз керак эди... Лекин маълум бўлдикки, бошқалар саҳро бўйлаб сайдрга чиққан оддий саёҳатчилар экан. Шунинг учун... Майли, қолганлар сафарни давом эттиришлари мумкин.

— Шаҳром ака, — деди Афифа ўзбекчалаб, — энди мен нима қиласман?

— Қўрқманг, чегарадан ўтгач, сизни кутиб олишади. Дўха шаҳрига бориб жойлашинг. Кейин... телефон қилолмасам, интернетга чиқиб... хабарлашамиз. Агар хабарлашолмасам, менн излаб овора бўлманг. Ҳудо омадингизни берсин. Узр сўрайман сиздан. Алвидо, Афифа! Пулингизга эҳтиёт бўлинг, у сизга анчага етади, — деди Шаҳром.

— Ўзингизга пул керак бўлмайдими? — Афифа белидаги корсети ичига яширган пулнинг ақалли бир қисмини қайтариб беришини истарди.

— Энди менга пул ёрдам беролмайди, Афифа, — чуқур хўрсинди Шаҳром. — Мени сотишибди. Энди мени қайтиб кўришингиз гумон.

— Ундей деманг, Шаҳром ака, биз ҳали учрашамиз. Агар юртга юборишса, мен ҳам қайтиб, ўша ерда сизни қидириб топаман.

Шаҳром бу гапларни Афифа азбаройи далда учун айтаетганини англаб туради. Кўзида ёш ҳалқаланди.

— Мени қидирманг, Афифа. Тирик бўлсам, ўзим сизни топаман. Сиз қидирманг. Сиз мени яхши кўрмайсиз. Яхши кўролмайсиз. Чунки мен бунга арзимайман. Сиз ҳали яхши кунлар кўрасиз. Чин муҳаббатингизга етишасиз. Яна бир бор узр. Мени кечиринг. Алвидо!

— Мулоқотлар тўхтатилсин, маҳбуслар машинага олиб чиқилсин, — деди бақирди полиция зобити. — Қани, кетдик!

— Хайр, Шаҳром ака! — деди Афифа — Ҳудо ўз паноҳида асрасин.

Полиция машиналари бир зумда тун қоронғисига кириб, кўздан йўқолди. Карвонбоши Афиғанинг ёнига келди.

— Ҳоним, сиз хавотирланманг, сафарингиз ҳаққи тұланған, зиён-зақмат етказмай чегарадан үтказиб, йўл кўрсатиб қўямиз. Нарёқда бемалол жойлашиб кетасиз. Ҳозир кириб, дамингизни олинг.

Ҳаётда қачондир йўллари туташган кишиларнинг алал-оқибат тақдирлари ҳам туташ ва муштарак бўлиши билан боғлиқ воқеалар кўп учрайди. Бунда қандайдир илоҳий бир сабаб ёки илмий асос бор-йўқлигини билмадик. Лекин ҳикоя қилаётган воқеамиз давомида қаҳрамонларимиздан бири — Афифа Зокированинг бошига араб саҳросида ярим тунда тушган савдо билан айнан бир пайтда бошқа бир чўл — Қизилқум бағридаги ахлоқ тузатиш муассасасида кутубхона мудири сифатида фаолият юритаётган, шу пайтгача айтарли жиддий муаммога дуч келмаган яна бир қаҳрамонимиз Даврбек Муқимхоновнинг мутлақо кутилмаганда шафқатсиз калтакланиши сизни қисматлар узвийлиги хусусида чуқур мулоҳаза юритишига ундаса ажаб эрмас.

Аслида ҳаммаси рисоладагидек кечәётганди. Муқимхонов меҳр, миннатдорчилик или «Сукут маликаси» деб атаган гунг жувоннинг бедарак кетганини ҳисобга олмаса, Даврбекни ташвишга соладиган деярли жиддий бир нарса йўқ эди. «Мабодо зебу-зийнатларни олиб хорижга қочиб кетмаган бўлса, ҳар ҳолда бу эҳтимолдан узоқ, — ташвишланадиган жойи йўқ», — деб ўйларди у. Чунки сийму зарлари яширинган жойни тилсиз маҳбубасидан ташқари Муқимхонов ўзи ҳам яхши билар, агар жувон бирор сабаб билан ўлиб-нетиб қолган бўлса, қамоқдан чиққанидан сўнг ўзи бориб, бемалол топиб олиши мумкин эди. Нафси ламбирини айтганда, у «казина бекаси»нинг гойиб бўлишидан кўра. Афифанинг хорижга кетганидан кўпроқ афсуслар, «эй нодон қиз-а, пулдан қийналган бўлсанг, Давр акангнинг олдига келмайсанми, ўзи қамоқда ётса ҳам сени маликалардай яшатиб қўярди-ку», дея ёзғирар эди. Чунки ҳибс, тергов, суд жараёнидаги асаблару ғазаблар сўниб, бир зайлдаги сокин, анчайин тўқ (ҳар ҳафта кутубхонада икки марта қўй ёғидан ош дамланиб, нозирлар билан биргаликда ейилар эди) ҳаёт туфайли унинг эркаклик хотиралари жонлана бошлаган ва уларнинг энг ширини, энг бетакори, шубҳасиз, Афифанинг висоли билан боғлиқ эди.

Ушбу машъум оқшомда ҳам у барак чеккасидаги каравоти-да ётиб, қорнининг пастини силаган кўйи Афиғаи ўйлаб ётар эди.

— Сизни қўшни баракка таклиф этишяпти. — деда шивирлади шиппилаб олдига келган маҳбуслардан бири. — Эски танишларингиз келишибди.

— А? Қанақа эски таниш? Соат неччи бўлди? Бараклар эшиги маҳкамланган эмасми?

— Эшиклар очиқ, юраверинг, ўзим бошлаб бораман. Нозирлар «ёғланган». Ҳеч ким сезмайди. Қани, бўлинг!

Муқимхонов индамасдан ўрнидан турди ва «чопар»га эргашди. «Қўшни барак» дегани барак эмас, ҳовли чеккасидаги қозонхона экан. Ертўласимон бинода хирагина чироқ ёниб турибди. Тўкин дастурхон атрофида беш киши ўтириб, ароқ ичишяпти.

— Ана, эшон бобо ҳам келдилар! — деда қичқирди тўрдаги барзангисифат барваста одам. Овози таниш. «Оббо, бу ўша... тергов пайти ҳибсхонада... ахлат белагини ювишга мажбур этган одам-ку. Ёнидагининг ҳам юзи таниш... «Амир». Мирпўлат...

— Қани, тўрга ўтинг, эшон, — деди барзангি. Аммо Даврбек қаёққа ўтиш қаерга ўтиришни билмади. Чунки даврада бўш жой йўқ эди.

— Раҳмат, тикка тура-тураман, — деди у кулимсираб. — Ҳали ёшман-у. Бўйим пича ўссин, — бу ҳазили билан у вазиятни юмшатмоқчи бўлди. Зоро, муҳитнинг таранглигини дарҳол англаган эди. Аммо ҳазилига ҳеч ким эътибор бермади.

Бир неча лаҳзалик оғир сукунатдан сўнг «Амир» тилга кирди:

— Мана, каттакон, ҳисоб-китоб қиласидиган пайт келди. Сизга берган «ваъдам» эсингиздадир? Умрингиз давомида қилган ҳаром-ҳариш ишлар, оддий одамларни эзиш, қизларнинг номусига тегиш, порахўрлик зўравонлик, хуллас, барча жиноятларингиз учун қайтадан суд қиласиз.

— Мен қонунга кўра судланиб, жазога тортилганман-ку, — деди Даврбек. — Яна қанақа суд?

— Бизнинг ўз судимиз бор-да, тақсир. — деди бояги барзанги. — Аммо-лекин бизнинг судимиз ҳам... жиноятини астойдил бўйнига олиб, ҳаромдан топган бойликларини ўз ихтиёри билан топширган кишига раҳм-шафқат қиласиди.

— Қанақа бойлик? Ҳамма нарсамни мусодара қилишиб, етти қават теримни шилиб олишди-ку. Учта ҳовли, бешта квартира.

бешта машина, салқам бир миллион доллар пул... Ҳаммаси кетди. Фирт қашшоқ бўлиб қолдим. Ҳатто... қамоқдан чиққандан кейин бориб яшайдиган жойим ҳам йўқ...

— Тўғри, уй-жойлар, машина ва қофоз пулларни топширдингиз. Лекин олтин ва брилиантларни топширганингиз йўқ. Бир пайтлар ҳар иккимизга яхши таниш бўлган Казбек... Дарвоҷе, эшитгандирсиз, турма касалхонасида яқинда юрак касалидан вафот этди. Сизга ҳар бири тўққиз килограмм ҳажмдаги тўрт дона олтин қўймаларини сотган. Ўша олтинлар... на терговда, на судда қалқиб чиқди. Сиз уларни ишончли жойга бекитгансиз. Жами ўтиз олти килограмм соғ олтин энг паст нархларда ҳисоблаган тақдиримизда ҳам бир миллион доллардан, анча зиёд бўлади. Ана шуни топширсангиз ора очиқ!

Муқимхоновнинг бўғинлари бўшашиб, тиззаси қалтираб кетди. Зеро «Амир» айтиётган олтинлар унинг энг сўнги «дахлсиз заҳираси», ўрисча айтганда, «НЗ»си эди. Агар шуям қўлдан кетса, Даврбек чиндан ҳам боя ўзи айтгандай фирт қашшоқ на уйжойи, на бир мири пули йўқ гадога айланади.

— Бўлмаган гап. Менда унақа бойлик йўқ.

— Сиз... гунг маъшуқангиз икки ойдан бери бедарак кетганидан ажабланмаяпсизми? Биз сизни безовта қилиб ўтирмасадан, ишимизни хазинабон бекангизнинг ўзи билан битказмоқчи эдик. Яхши гапга кўнмади. Энди сиз ҳам бизни тўғри тушунмасангиз... бу ердан тирик чиқмайсиз. Маҳбуслар орасида қамоқ азобларидан безор бўлиб, қозонхонада ўзини осиб қўядиганлар кўп учрайди.

Муқимхонов пўписага парво қилмади. Шундан сўнг уни калтаклашди. Қаттиқ уришди. Из қолмайдиган, қон чиқмайдиган жойларига тепишли. Оғриқча чидаб бўлмайди. Ичи эзилиб кетгандек бўлди.

— Майли, бераман, — деди Муқимхонов чорасиз ҳолатда эканини англаб. — Аммо... тўртта эмас, иккита бор. Иккитасини олдинроқ сотиб, сарф қилиб юборганиман...

— Бошни қотирманг, — деди «Амир» унинг гапини кескинлик билан бўлиб. — Тўртга, дедимми, тўртта! Ҳаммасини беравевинг. Сизни яна безовта қилиб юрмайлик. Шу биринчи ва охирги ҳисоб-китобимиз бўлсин.

— Инсофларинг борми, ахир мен ҳам қамоқдан чиққандан кейин яшашим, тирикчилик қилишим керак, — деди йиғламсираб Даврбек. Бу «Амир» ва шерикларига чивин чаққанчалик ҳам

таъсир қилмади.

— Тўрванинг тагида қолган бошқа тилла ва бриллиант буюмлар ҳам етади. Биз ҳаммасини инсоф доирасида ҳал қилганимиз.

— У аёл... тирикми ишқилиб? — сўради овози қалтираб Даврбек.

— Эрта-индин касалхонадан чиқади. Йигитларимиз... сал ошириб юборишган экан. Ҳозир тузук. Унга хат ёзиб берасизми ё ўзи келиши керакми?

— Ўзини бир кўрсам... бўладими?

— Бўлади. Касалхонадан чиқкан заҳоти олиб келишади. «Учрашувлар хонаси»да bemalol суҳбат қурасиз. Демак, келишдик-а?

— Келишдик, — деди Даврбек бўшашиб.

— Мана бу бошқа гап. Эшон бобо, қани энди мана бу ёққа ўтинг. Чўтири, тур, тақсирга жой бўшат, — деди «Амир». — Сўлақмон, вискидан қўй. Эшон бобо, фақат тозасидан ичади. Раис, ошни ҳам сузаверсанг бўлади.

13

Чегарадан ярим тунда ўтишли. Чангальзорни эслатувчи тиканди симлар оралиғида йўлак очиб қўйилган экан.

— Мана энди озодсиз, — деди карвонбоши.

— Бу қанақа давлат? — сўради Афифа.

— Қатар давлати, — деди карвонбоши. — Ярим соат мана бу сўқмоқдан юрсангиз катта йўл бўйига чиқасиз. Ўша ерда дуч келган машинага ўтириб илтимос қилсангиз сизни Дўха шаҳрига олиб боради. Хайр, омадингизни берсин!

Афифа сўқмоқ бўйлаб юриб кетди. Тап-тақир чўл. Ҳаво ўта иссиқ бўлмаса-да, нафас бўғилади. Афифа жиққа терга тушиб кетди.

Катта йўлда ярми енгил ярми юк «Тоёта» машинаси тўхтаб турган экан.

Ундан тушиб келган Баширни кўриб, Афифа ҳайратда қотди. Қувонишини ҳам хафа бўлишни ҳам билмади.

— Қалай, йўлда қийналмасдан келдингизми? — деб сўради Башир.

— Қийналсан ҳам нима иложимиз бор, — деди Афифа. — Пе-

шонада бор экан-да. Шаҳром акам...

— Биламан. Уни қутқарамиз. Бу қийинчиліктер ҳадемай ортада қолади, ўқинманг, — деди Башир. — Мен зарур құжжаттарни тайёрлаб, турар жойни ҳам гаплашиб қўйдим.

Афиға индамай машинага минди, тұрт соатдан зиёд йўл юриб, Дўхага етиб келишди. Бу шаҳар Дубай сингари осмонўпар имо ратлари кўп бўлмаса-да, жуда чиройли ва шинам экан. Фақат ҳавоси дим. Юрак қисилди.

Башир уни аввал «турк кабоби» деган емакхонада овқатлантириб, сўнгра денгиз соҳилидан унча узоқ бўлмаган, пальма дарахтлари тифиз экилган бир мавzedаги икки қаватли уйга олиб келди. Унинг иккинчи қаватидаги икки хонали квартирага жойлаштириди.

— Жойлашиб, ҳордиқ чиқаришга уч кун бераман, — деди у жилмайиб. — Эшикни ҳеч кимга очманг. Музхонада егулик етарли.

— Кейин-чи? — сўради юрагини ҳовучлаб Афиға.

— Кейинми? Кейин... кейин бир гап бўлар. Ҳозир нарёққа қайтиб, Шаҳромни қутқарнишга ҳаракат қилиб кўришим керак. Яхшиямки полицияда танишларимиз бор. Улар Шаҳром қамоққа олинганини ўша заҳоти айтишди. Акс ҳолда бу ёққа келиб, сизни кутиб олиш ва жойлаштиришга улгурмасдим. Ҳа, айттанча, уч кундан сўнг келолмасам бирров кўчага чиқиб, дўкондан егулик харид қилиб келишингиз мумкин. Лекин дарҳол қайтиб келинг. Хўлми? Пулингиз бор-а?

— Хўп бўлади. Ҳа, озроқ пулим бор.

— Телефон-чи?

— Телефоним... йўқ.

— Бўлмагани яхши. Уй телефонидаги ҳеч қанақа қўнғироққа ҳам жавоб берманг. Эшикни ҳеч кимга очманг.

Кейин чиқиб кетди. Аммо...

Кетаётib ғалати гап қилди:

— Ўзи... бир ҳисобга Шаҳромнинг қўлга тушгани ҳам тузук бўлибди. Акс ҳолда сизни чегарадан ўтказган заҳоти сотиб юборарди. Билишимча, у... харидорни шу ердан топган. Шунинг учун кўчада юришингиз хавфли. Харидорларда сизнинг расмингиз бўлиши мумкин. Яна... ўғирлаб кетишмасин.

— Эҳтиёт бўламан.

— Ҳа, эҳтиёт бўлинг.

— Хўп, — деди Афиға. Кейин анча ўйлаб ўтириди. Юрагига

шубҳа ўрмалади. Тунов кунги гапларини эслади. «Ишқилиб Шаҳром акани шунинг ўзи чақишириб ушлаб берган бўлмасинда».

Унда нега «қутқараман», деяпти? Ўзи ушлаб бериб, ўзи **күт**-қарадими? Бўлиши мумкин. Шу йўл билан... Афифани текин қўлга киритмоқчи бўлса-чи? Мана шу тахмин ҳақиқатга яқин. Чунки бу ёққа жўнашларидан олдин Шаҳром:

— Қайси давлатга кетаётганимизни ҳеч ким билмаслиги кепрак. Ҳатто бу ердаги дўстлар ҳам, — деганди.

— Нега, дўстларингизга ҳам ишонмайсизми? — деб сўради Афифа.

— Ҳозирги замонда беғараз дўстнинг ўзи йўқ. Ана, энг қадр-дон биродарларимдан бири Башир сизни қутқаришга ёрдам қилди-ю ўзингизни кўргач, сурбетлик билан: «Менга сот, қанча сўрасанг бераман», дейди. Хотини бору... сира аёлга тўймайди, ҳарис. Йўқса, мен унга бошданоқ: «Шу аёлга уйланмоқчиман», деб айтгандим. «Сенга уйланишнинг нима кераги бор, гулзордаги капалак сингари мазза қилиб, ҳар хилини кўриб юрмайсанми, биродар», дейди.

— Илгари... уйланмаганмисиз? — деб сўради Афифа. Шаҳром жавоб бермай, анча жимиб қолди. Сўнгра бирдан гап бошлади:

— Биласизми? Мен қамоқдан чиқиб келганимдан сўнг қариндошлар қистови билан бир қизга уйланган эдим. Тўйдан сўнг... Никоҳ кечасида унга яқинлашолмадим. Сабабини илгари айтгандим. Аёл зотига бўлган нафратимни енголмадим. Аста-секин ўрганишиб кетармиз, деб ўйлагандим. Чамаси бунинг учун келин менга меҳрибонлик кўрсатиши, ўпиб-суйиб, эркалатиб, юрагимдаги музни эритиши, менинг эркаклигимни уйғотиши зарур эди. У бўлса, шаддод экан. Ўзини эркалатиб, ялиниб-ёлвориб, жиловлаш керак экан. Хуллас, мен ундан, у мендан имдод кутиб, беш тунни ўтказдик. Олтинчи куни у оиасини чақириб: «куёвим эркак эмас экан», деб айтди ва кўч-кўронини йиғишириб, кетворди. Мени ер билан битта қилиб кетди. Эл орасида бош кўтариб юролмай қолдим. Яна такроран уйланишни юрагим бетламасди. Яқинларимнинг маслаҳати, қистови билан дўхтирга бордим. Дўхтири «жисмонан соғломсиз, руҳингизни тирилтиришин-гиз керак», деди. Кўпроқ «машқ» қилишни маслаҳат берди. Табиийки, машқни холангиз Шаҳина хонимга ўшаганлар макони-

да қилиш мүмкін эди. Шу тариқа хоним билан опа-ука бўлиб қолдик. Бироқ... унинг қайноқ бағридан «машқ»лардан фойда чиқмади. Ҳар гал унинг «тарбия»сидаги навбатдаги қызга яқинлашар эканман, ҳалиги, мени қаматган таъвия кўз олдимда пайдо бўлар, кўнглим ағдарилиб, вужудим музлаб кетарди. Бундан ғазабланардим. Айни ўзимдан эмас, жисмини зabit этолмаган аёлларимдан қидирадим. Уларни жазолагим, азоблагим келарди. Шу тариқа бу томонга «маҳсулот жўнатиш» бизнесига аралашиб қолдим. Қанча-қанча қизлар, аёлларни бу ёққа олиб келиб сотдим, абгор қилдим. Гуноҳларим кўп. Бу ҳақда сизга аввал ҳам айтганман. Яна бир гапни такрор айтай: уларнинг ҳеч бирини дўконда ёки бошқа бир тоза ишда ишлайсан, деб олиб келганим йўқ. Маданийроқ қилиб, айтганда: «бойларга каниз бўлиб, катта пул ишлайсан», деганман. «Канизлик» қанақа бўлишини ҳар бири яхши тушунган. Шу боис уларга раҳм-шафқат қилмаганман. Аҳён-аҳёнда қай бирларигадир раҳмим келар, ёрдам беришга ҳаракат қилардим. Демак, одамгарчилигини буткул йўқотиб, ваҳший ҳайвон қиёфасига киришга улгурмаган эканман. Аммо уларга бўлган раҳм-шафқат сира муҳаббат ва майлга айланмади. Сизга бўлган муносабатим ҳам шундай эмасмикан, деган хавотирдаман. Сиз ёш аёлсиз, кўнглингиз ҳаёт завқини суришни, ўйнаб-кулишни тусаши мүмкин. Бунинг устига бу ерда пулни ҳазондай сочувчи бойваччалар тиқилиб ётибди. Ҳам айшу ҳаловат, ҳам тижорату даромад қилиш имконияти бор. Сиз ҳар қалай пул ишлагани келгансиз...

— Пулга ҳам, айш-ишратга ҳам ружу қўймаганман, — деди Афифа. — Очигини айтсан, сиз билан тақдир-қисматларимиз ўхшаш экан. Сизнинг аёллардан кўнглингиз қолган бўлса, мен эркаклардан... ҳафсалам пир бўлган. Яхши кўрган одамим... кўнглимни қолдирди.

— Биламан, ҳаммасидан хабарим бор, холангиз айтиб берган, — деди Шаҳром. — Эҳтимол шунинг учун яхши кўриб қолгандирман сизни. Чунки... Майли, бунинг энди аҳамияти йўқ. Келинг, энди бир-биримизга суюнч бўлиб яшайлик. Агар айтган гапларингиз самимий бўлса, агар менинг гуноҳларимни... кечирмасангиз ҳам, лоақал тушунишга ҳаракат қилсангиз, биз тинч ва хотиржам ҳаёт кечирамиз... Фарзандингизни биргаликда тарбия қиласмиш. Агар сиз билан бўлсан, яна асл инсон ҳолатига қайтаман. балким... яна фарзандлар кўрапмиз.

— Менга бироз мұхлат беринг. Шаҳром ака, — деди Афиға.
— Менинг ҳам асабларим қаттық чарчаган. Ҳудди ўзингизга
ўхшаб... Менинг ҳам юрагим етти қават муз бўлиб ётибди.

— Ана шу музни эритиш учун нима қил, десандиз, қиласман...

— Сизга ростини айтами, — деди Афиға унинг гапини бўлиб,
мен қисқа ҳаётим давомида бундай ваъдаларни кўп эшилдим.
Шунинг учун... келинг. бир-биримизга ваъда бериб ўтирасдан
шошилмасдан синашайлик. Вақт ҳаммасини кўрсатади, жой-жо-
йига қўяди. Ҳозирча дўстона, ака-сингилдек яшаб, бошимиздаги
ташвиш-таҳликалардан қутилиб олайлик. Бу ердан кетиб, сиз
айтаётган мамлакатда бирон тузукроқ ишга жойлашайлик...

— Дўкон очамиз. Савдо-сотиқ қиласман. Савдога тобингиз
қалай?

— Савдо бўлсаем майли... Ўрганамиз-да.

— Кейин яна кўрамиз... Ҳаммаси изга тушиб кетса, эҳтимол,
яна ҳам нарироқقا. Европага кетармиз. У ердаги давлатлардан
бираша банкда анчагина пулим бор. Ўшани ишлатиб, қонуний
эр хотин бўлиб, бой-бадавлат яшаймиз.

— Европада қонуний, ошкора яшаш учун... ҳужжатлар
ҳақиқий бўлиши керак эмасми?

— Ҳа. Ҳудо коҳласа, шундай қиласман. Анови Олча ва Шаҳи-
на хонимларнинг суди тугаб, масала бир ёқли бўлса, бир муддат
юртга қайтамиз. Ҳужжатларни пухта қилиб, Германиягами,
Франциягами кетамиз...

Ана шу суҳбатдан сўнг Афиға Шаҳром уни қайгадир олиб
бориб, сотиб юбормоқчи эканга ишониши мумкинмиди? Йўқ.
Мумкин эмасди. Шаҳромнинг нияти холис бўлган. Аксинча, ма-
нови.... Баширдан эҳтиёт бўлиш керак...

Ногаҳон телефон жиринглади.

— Шаҳром ака! — қичқириб юборди ундан овозни эшишиб
Афиға. — Қайларда қоп кетдингиз? Қутилиб чиқдингизми? Мен
бу ерда яна Баширга дуч келдим. У квартирага жойлаб, сизни
қутқаргани кетди...

— Гапимни бўлмасдан диққат билан эшиting, — деди Шаҳ-
ром. — Мен ҳали-вери қутилиб чиқолмайдиганга ўхшайман.
Чамаси юртимиизга жўнатишади. У ёқда судлансан, ўн йилдан
кам беришмайди. Қисмат экан, Афиға. Сизни баҳтли қилолма-
дим. Афсус. Энди гап бундай. Сиз Башир олиб борган жойдан
тезроқ кетинг. Бошқа жойга, иложи бўлса. бошқа шаҳарга

кўчинг. Хуллас, яширининг. У аблаҳ сизни сотиб юборади. Ундан эҳтиёт бўлинг, Афифа. Мени кечириңг. Омон бўлсам сизни бир кунмас, бир кун қидириб топаман. Лекин мени кутманг. қидирманг, ўзингизни беҳуда оввора қилманг. Яна бир марта айтаман, Баширдан қочинг. Мениям ўша ушлаб берганга ўхшапти... Хайр, вақтим зиқ, омон бўлинг!

Ушбу суҳбатдан сўнг Афифа буюмларини йигиштирди-да. Баширга: «Узр, мен юртимга қайтиб кетишга мажбур бўлдим». деган қисқа хат қолдирди. Сўнгра ижараҳонадан чиқиб кетди. Такси ёллаб, бандаргоҳга йўл олди. Ўтган куни йўлда тўхтаганларида Шаҳром: «Агар бораётган мамлакатимизга омон-эсон етиб олсан, дунёнинг истаган давлатига кетишимиз мумкин. Бандаргоҳга ер юзининг ҳамма бурчакларидан кемалар келади. Кема дарфаси билан пул бериб, гаплашиш мумкин», деганди. Ўшани эслаб таваккал иш тутди: «Бандаргоҳга борай-чи, бир иложи топилар...»

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор, деган мақолни қайси халқ айтган бўлса ҳам зап топиб гапирган. Бу ҳаётнинг мазмуни — мангу мувозанатдан иборат. Фақат... тарозининг шайини гоҳ ўнга, гоҳ сўлга қараб мунтазам қийшайиб туради. Алқисса, Даврбек Муқимхонов қозонхонадаги зиёфат чоғидаги ваъдасини бекаму кўст адo этди. Бир ҳафтадан сўнг ҳузурига етиб келган тилсиз маликасига: «Қўйма олтинларнинг ҳаммасини топшириш керак», деб айтди. Маликаи безабон шўрлик унга йиғлаб ёпишди: «Мен унда нега жонимни жабборга топшириб, ит азобига чидаб юрибман?» «Тирик қолишининг ягона йўли — шу», деди Даврбек надомат билан. Кейин сўради: «Қолгани ҳам... лоақал иккимизга етар?» «Ҳеч вақо қолмади!» «Майли, қолмаган бўлса... қолмасин. Ўзингни эҳтиёт қил. Бир кунимизни кўрармиз».

Сукут соҳибаси маҳзун ва сукутли видолашиб кетди. Орадан уч кун ўтгач, яна ярим тунда Муқимхонов қозонхонага таклиф этилди. Бу гал тўрда ўтирган Амирнинг ёнидаги жой бўш эди. Даврбекни иззат-икром билан ўша ерга ўтқизиши. Дарҳол чой қўйиб узатиши. Сўнгра виски қўйилди. Даврбек забт билан сипқорди. Қизил икра билан газак қилди. «Бу зиёфатнинг баҳоси атиги бир миллион уч юз минг доллар», деб ўйлади алам билан.

Йўқ, адашган экан. Давра аҳли уни муҳим бир «главозимга сайлаши» учун таклиф этган экан.

— Ўғрибошиларимиз ҳайъати сизга жиноят оламининг энг юксак унвони — «Қонундаги ўғри» мақомини бериш ҳақида қарор қабул қилди, — деди «Амир» ўрнидан туриб тантанали равишда. — Бугун ана шу муносабат билан сизга «тож кийдинриш» маросимига тўпландик.

Муқимхоновнинг энсаси қотди. «Бир камим шу эди. Кечаги раҳбар, бугун — қонундаги ўғри. Нақадар бемаънилик...»

— Мен... мен бунақа юксак унвонга муносиб эмасман, — деди.

— Камтарлигингиз яхши. Аммо-лекин... дарвоҷе, ҳайъат мажлиси чоғида биродарлардан бир-иккиси «у бундай мақомга, ўғри деган шарафли номга муносиб эмас. умрида ақалли бир марта жон койитиб ўғрилик қилмаган, нуқул тайёрга айёр бўлиб, пора олган,chorasiz. ҳимоясиз аёлларнинг номусига теккан, деган луқмалар ташлаши. Қаршилик қилмоқчи бўлишди. Аммо биродарларимиз «хазина»мизга топширган олтинларингизни ҳисобга олишди. Мен кафилликка ўтдим. «Ҳеч қанақа қиз-жувонни мажбурламаган. Нимаики қилган бўлса, уларнинг розилиги билан қилган, порани ҳам ҳеч кимдан мажбурлаб олмаган, аксинча, одамлар унга зўрлаб беришган», дедим. «Ёшлигода қип-қизил ўғри эди. Унинг дастидан қўни-қўшнининг товуғи-ю тухуми ҳам қолмаган, бозор яқинида туғилиб ўсан, қишлоқдан келганларнинг чўнтагини, белбоғини кесиб юрар эди», деб гувоҳлик бердим. Хуллас, унвон муборак, биродар! Энди сиз умрингизнинг охиригача қамоқдами, озодликдами, қаердагингиздан қатъи назар, бел оғритмай яшайсиз. Фақат... битта катта чеклаш бўлади. Уйланиш мумкин эмас. Маъшуқалар сони эса чегараланмайди.

Давра аҳли кулди. Табриклар, қадаҳ сўzlари янгради. Шу тариқа Даврбек Муқимхоновга «Эшон» лақабли «Қонундаги ўғри» мақоми берилди. Ўнг қўлининг шаҳодат бармоғига узук, елкасига тож тасвири туширилди.

Муқимхонов вискидан бостириб-бостириб, ичди. Ош еди. Бадани яйраб, кўзи сузилди. Кайфияти кўтарилди. Баногоҳ ёнидаги қадрдонига савол берди:

— «Амир»... бой, дарвоҷе, сиз менинг ёшлик чоғларимдаги «таржимаи ҳолимни архивлардан топдингизми ё тўқидингизми?

— Нима, нотўғрими? Ёлғон айтибманми?

— Йўқ-да! Тўғри-да! Ҳаммаси худди айтганингиздай бўлганда! Мен... қойил қолиб, сўраяпман. Қандай қилиб билиб олдингиз?

— Э-э. «Эшон» ака, бизнинг «разведка» Американинг «ЦРУ»-сидан ҳам зўр ишлайди. Сизнинг болаликдан ўғри бўлганингизни... ҳув ўша, туманимизга раҳбарлик қилиб юрган пайтингизда ҳам яхши билар эдим. Мана энди «Апельсин» бўлдингиз. Аммо сиз бу гапимдан хафа бўлманг.

— «Апельсин» дегани нимаси?

— «Қонундаги ўғри» мақомини катта пул эвазига сотиб олганларни шунаقا дейишади. Бу — қўшимча лақаб. Лекин беозор лақаб. Хафа бўлманг. Энг муҳими — энди сизни бутун жиноят оламида ҳурмат қилишади.

— Раҳмат-у... бироқ бундай ҳурматнинг нафи бормикан? — деди ўйчанлик билан Муқимхонов.

* * *

Мирмаъди Саъдиев ҳазратлари жондай азиз духтари зебоси Фаризахон ҳамда домодликка номзод Субут Сокин жанобларини кутиб олиш учун аэропортга чиқолмади. Унинг тоби қочтан. Ранги сарғайиб, озиб кетган. Қуш уйқу. Иштаҳаси йўқ. Ичгани тоза мева шарбатиу егани буғда пишган таомлар. Жигари қурғур астасекин адо бўлиб бормоқда. Янгисига алмаштириш учун бормаган жойи қолмади: Франция, Англия, Америка. Ҳаммасида бир хил жавоб: ёшингиз ўтиб қолган, янги жигарни қабул қилолмайди. Маъқули — борига қаноат қилиб, мунтазам даволаниш парвариша парҳез. Парваришдан ками йўқ. Бироқ барибир... Хуллас, энди берисидан нариси яғинлашиб қолган кўриниади. Шунга руҳан тайёр бўлиши керак. Ўтган куни қизининг: «боряпмиз», деган қўнғироги шодлантирди. «Келишса, бир йўла панду насиҳат қилиб, вассиятимни ҳам топшириб қўяман», деб дилига тугди. Ёшларнинг нима мақсадда келишаётганини эшлитиб, ўйланиб қолди. Бундан лоақал икки ой олдин бу ниятни ўйлаб ўтирмасдан маъқуллаган ва ўзи бош бўлиб, дабдабали тўй ўтказган бўларди. Энди эса... Айни кунларда шу нарса жоизмикан, деган андишага бориб турибди. Сабаби... сабабини эртасига, меҳмонлар дам олиб, жиддий суҳбат бошланган чоғида очиқ айтди:

— Мен турмуш қуришларинга қарши эмасман. Бироқ мулкларга эгалик бобида ҳозир эга бўлган мавқеларингиз сусайиб

қолишидан хавотирдаман. Чунки мабодо менга бир гап бўлса, сизлар ҳозиргидек икки томон эмас, эр-хотин сифатида битта томон бўлиб қоласиз. Хорижий ҳамкоримиз давлат номидан унинг ҳисобидаги акцияларга эгалик қилаётган кишилар билан тил бириктирса, яккаланиб қоласизлар. Шу боис ҳозирча... ҳар иккингиз мустақил акциядор сифатида ўз улушингизни қаттиқ назорат қилишингиз мақсадга мувофиқ, деб ўйлаяпман. Мендан кейин... мулку давлатимизга хурож қилувчилар шу қадар кўпайиб кетадики...

— Нафасингизни иссиқ қилинг, отажон, — деди Фариза. — Насиб этса, ҳали юзга кирасиз.

— Ҳақиқатнинг кўзига тик қарашимиз керак, қизим. Биз — реалист одамлармиз. Вафотимдан кейин тасаруфимиздаги мулжаларнинг ҳеч бўлмагандага ярмини сақлаб қололсанглар ҳам... гўримда тинч ётар эдим. Афсуски, душманларимиз кўп. Уларнинг айримлари мени ҳозирданоқ ҳисобдан чиқариб, қарши ҳужумни бошлашга тайёр турибди. Ҳа, айтганча, Субутнинг иши бўйича Зуҳур Заҳматовнинг тутун қайтариши ҳам шунинг яққол белгиларидан бири. Ҳечқиси йўқ. Биз чекинмаймиз. Зуҳур бўлмаса бошқаси. Яқинда ундан кўра мавқеи баланд, қўли узун бир амалдор Мюнхен шаҳрига даволангани келади. У билан гаплашаман. Кўзим тириклигида Субутжонни албатта депутат қилишимиз керак. Катта молу мулкнинг ҳимоячиси катта идораларда ўтириши лозим. Акс ҳолда йиллар бўйи минг азоб, минг мاشақ-қат билан яратган молиявий-иқтисодий салтанатимиз тариқдай сочилиб кетади. Албатта... никоҳ масаласида мен сизларни мажбуран тўхтатиб турмоқчи эмасман. Кўнгил иши, умр савдоси... Меники — бир маслаҳат. Эртанди кунларингиз хавф остида қолмасин, дейман. Домлага никоҳ ўқитиб, яшаб юраверинглар.

Фариза Субутга қаради. Субут ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйди:

— Мирмаъди оға, сизнинг гапингиз биз учун қонун. Аслида буни биз, ўзимиз ҳам тушуниб... анови ишни пайсалга солиб юргандим. Кейинги пайтларда теварак-атрофдагиларнинг қочирим гаплари, ортиқча гап-сўз, миш-мишлар жонга тегиб, шунаقا таклиф кирилтган эдим.

— Таклиф жудаям тўғри, оқилона таклиф, — деди Саъдиев.

—Faқат уни яна бирон йилдан сўнг амалга оширсаларинг, менинг руҳимни шод этган бўласизлар.

— Ота, отажон, қүйинг унақа гапларингизни. — деди Фариза йиғламсираб. — Сиз бўлмасангиз... мен қандай яшайман? Маҳкам туринг. Икки боламни оёққа турғизиб олай.

— Болаларингдан хавотир олма. Улар шу ерда ўқиб, ишга жойлашиб, йўлини топиб кетишади. Бу ердаги мулкларимнинг асосий қисмини иккаласига тенг тақсимлаб васият ёзиб қўйганман. Нариёқдагилари... сизларники. Фақат сен болаларинг билан алоқада бўлиб турсанг бас.

— Уларни Ватанга қайтириш ниятингиз йўқми? — деб сўради Субут.

— Улар энди... қайтишолмайди, Субутжон. Улар... янаем ким билади. Лекин сизлар бундан ташвишланманглар. Ўзларингга ҳам келажакда Худо фарзандлар беради...

Субут чолдан кўзини олиб қочди. «Ҳа, бу одам... пихини ёрган. Фаризани ҳам у ёқда қолдирмоқчи эмас. Никоҳимизга розилик бермаётганининг сабаби шу. Менга очдан ўлмайдиган даражада сармоя қолдириб. Фариза ҳам бу томонга жўнаворади...»

— Илойим айтганингиз келсин, — деди Фариза.

Сўнгра Германия профессионал футбол лигасидан бирорта жамоанинг акцияларини сотиб олиш ҳақидаги мавзу очилди.

— Буни яхши ўйлабсан қизим, — деди Саъдиев. — Илгари мен бунга эътибор бермаганман. Энди ўйлаб қарасам, яхши фикр экан. Ана, собиқ ватандошларимиздан айримлари Англия футбол клубларига эгалик қилиб, ёмон бўлишмади.

— Субут акам бўлса, «ўзимизнинг юртдаги жамоаларга ҳомийлик қиласлик», дейди.

— Субут акант тўғри айтган, маҳаллий маданият ва санъатга спорт клубларига ҳам ҳомийлик қилиш керак. Ҳали фойда чиқмаётган бўлсаям майли, кейинроқ чиқар. Ватан туйғусини ҳеч қачон унугтаслик лозим. Тўғрими, Субутжон?

— Тўғри, — деди Субут ичида: «Ҳаҳ шум чол, илонни ёғини ялаган бу», деб қўйди.

— Мен Гюнтерга айтаман, бу иш билан шуғултанишни дарҳол бошлайди. Тегишли таклиф, ҳужжатлар тайёр бўлгач, ёнларингга учиб боради. Ё сизлар келиб кетасизлар...

Эртасига Субут ортга қайтди. Фариза болаларим билан бешолти кун бирга бўлай, деб қолди.

Субут самолётда учиб келар экан: «Ота-бола холи қолишиб, васият масаласини мұхокама қилишса керак», деб ўйлади.

Кейин ўзи бундай шароитда нима қилиши лозимлиги ҳақида бош қотира бошлади. Чол тұғри айтапти: эрта-индин у ўлса... ким билади, нима бўлади. Омонат бир замон. Кечаги ҳоким бугун ҳеч ким. Кечаги мультимилиардер бугун гадо. Муқимхонов ҳақидаги гап-сўзларга қараганда... тўплаган бойлиги бир неча миллион доллардан ошган экан. Тергов, суд ҷоғида асосий қисмини мусодара этишган. Қолган қисмини турмада бандилар тортиб олишган. Саъдиев ўлиб кетса, Фаризанинг сұянағидан тоғи ким бўлади? Субутми? Субутнинг нимаси бор? Уч-тўрт сўм пул, бир-иккита уй-жой. Ҳаммасини йигса, ярим миллионга етмайди. Шошма, худди Саъдиев айттанидек... Субутга ҳам тўсатдан бир гап бўлса ўшалар кимга қолади? Фаризагами? Мойга мой томади, мошовага жиз ҳам йўқ, дегани шуми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Субут ҳам мулкларини ишончли қўлларга топшириши керак. Кейин Фаризага уйланади. Топ-тоза, қуп-қуруқ бўлиб. Ана шунда у Фаризадан фақат ундириши мумкин. Унинг ўзида эса ундирадиган, меросга оладиган ҳеч вақо бўлмайди. «Ҳа, худди шундай қиласман!» — деди у ўзига-ўзи қатъият билан. Нимага шундай қарорга келди — билмади. Эҳтимол бунга Саъдиев билан учрашув ҷоғида кўнглидан: «дунё бебаҳо, мол-мулк бевафо», деган фикр ўтгани сабаб бўлгандир.

* * *

Дўха бандаргоҳи — Форс қўлтиғидаги йирик портлардан бири. Бу ерда курраи заминнинг кўплаб бурчакларидан келган улкан-улкан кемалар лангар ташлаган. Соҳил бўйидаги тамаддихоналарда инглизча, французча, японча ва бошқа кўплаб лаҳжалардаги суҳбатларни эшитиш мумкин. Афиға ўзини соҳилда беғам сайр қилиб юрган саёҳатчи қилиб кўрсатишга уринди. Кўзига қора кўзойнак тақди. Қаҳвахоналардан бирига кириб, музқаймоқ ва шарбат буюрди. Баногоҳ кўшии столдагиларнинг туркча лаҳжаси эътиборини тортди. Орқасига ўтирилиб қаради. Бири кўринишидан турк, ёши оғтмишдан ошган, иккинчиси ёшроқ — қирқларда, чеҳрасидан ё немис, ё англиялик, иккаласи ҳам денгизчи кийимида.

— Узр, сўрашга рухсат этинг, сизлар туркмисизлар? — деб сўради инглиз тилида Афиға ёши улуғига қараб.

— Ярим-ёрти турк десак ҳам бўлади, — кулди қария. — Биз немислармиз. Фақат... менинг онам турк аёли бўлган. Шунинг учун туркчани биламан.

— Кечирасиз... туркча гапираётганингизга қараб...

— О, ёш ва гўзал хоним ҳам туркчани биларканлар-да. Бизнинг туркча сўзлашувимизга сабаб, бу ёш дўстим билан машқ қилаётимиз. У билан тез-тез Туркияда бўлишимизга тўғри келиб туради. Ўзингиз-чи? Туркияликмисиз? Бу ерга саёҳат қилгани келибсиз-да?

— Ҳа, — ёлғон гапирди Афифа. — Туркияликман. Саёҳатга келувдим. Ҳужжатларимни йўқотиб қўйдим. Энди ватанинга қандай қайтишни билмай сарсон бўлиб юрибман.

— Полицияга мурожаат қилинг, Туркия жумҳурияти консулхонасига боринг, — деди қария.

— Мурожаат қўйдим. Ҳужжатларимни тиклаш жудаям қийин, бош оғриқ иш экан. Шунинг учун Туркияга юраётган бирон кемага чиқиб олсан, уйга тезроқ етардим.

— Капитан, бизлар ўша ёққа юряпмиз-ку, опкетақолайлик, — деди ёш денгизчи кўзлари чақнаб. — Турк гўзалларини бирам яхши кўраман-ки...

Капитан ҳамсуҳбатига ўқрайиб қаради. «Жим ўтири, боцман», деб немисчалаб койиди. Сўнгра Афифага ўгирилди:

— Ҳужжатсиз... кемага чиқиш мумкин эмас. Қўлга тушиб қолсангиз қамалиб кетасиз. Кема дарғаларини ҳам абгор этасиз.

— Илтимос, — деди йиғламсираб Афифа, — олиб кетақолинглар, пулини тўлайман. Қанча, десангиз ҳам розиман. Бу ерда мени бир одамчуруш таъқиб этиб юрибди. Топиб олса... террорчиларга сотиб юбориши мумкин. Минг доллар... етадими?

— Капитан, раҳм қилинг, шундай ёш, гўзал аёлнинг увол бўлиб кетишига йўл қўймайлик, — деди боцман. Капитан ўйланниб қолди. Сўнгра яна немисчада деди: «Унда ўзинг уни трюмга яширасан. Бирон гап бўлса, менинг хабарим йўқ, тушунарлими?»

— Зер гут (жуда яхши!)! — деди боцман. Кейин Афифага инглизчалаб: — Сизни олиб кетамиз, — деди. — Энди танишайлик.

— Менинг исмим — Клаус, капитанники Курт. Жаноб Курт. Сизники-чи?

— Эфи, — деди Афифа. Бир пайтлар Туркияда бойвучча кампирнинг хизматида бўлганида хоним афанди уни эркалатиб шундай чақиравди.

— Жуда соз, Эфи! Ҳозир мен сизга қачон, қаерга келиш ло-
зимлигини тушунтираман. Юкларннгиз ўзингиз биланми?

— Ҳа.

— Яхши. Демак, тун оғиб, тонг яқинлашган чоғи, соат уч ярим-
ларда — соҳилда учрашамиз...

14

Шаҳар марказидаги «Баҳор» кинозалида «Намозшомгул»
фильмининг тақдимот маросими бўлди. Унга казо-казолар, ки-
ношунослар, журналистлар таклиф этилди.

Фильм тугади. Кинозал ёришди. Сийраккина қарсаклар янг-
ради. Бош режиссёр ва картина нинг бошқа ижодкорлари — Фа-
риза, Субут, яна қатор актёrlар тизилишиб, саҳнага чиқишли.
Биринчи сўз, табиийки, Камбой Марқаевга берилди.

— Сизларга яхши маълумки, фильмимиз истеъоддли адиб ва
жамоат арбоби Субут Сокин жанобларининг «Намозшомгул» ро-
манни асосида яратилди. Сценарийни ёзишдан бошлаб, фильмни су-
ратга олиш билан боғлиқ бутун жараёнга эса мамлакатимиздагина
эмас, чет элларда ҳам таникли тадбиркор ва ижодкор аёл бетакор
Фариза хоним раҳбарлик қўйдилар. Уларни гулдурос қарсакла-
рингиз билан олқишилаб қўямиз! Раҳмат, энди руҳсатларингиз би-
лан сўзни бош роль иштирокчиси, гўзал ва муҳтарама Фариза Саъ-
дийга берсам. Кутуб олинг: тенгсиз ва беқиёс Фариза хоним!

Залда яна қарсаклар янгради. Фариза қисқа гапирди.

— Ушбу фильм асосида ётган «Намозшомгул» асари катта
иқтидор соҳиби ва менинг энг яқин дўстим Субут Сокин қалами-
га мансуб эканлигини яна бир карра таъкидлашни истар эдим. У
кишидан келгусида бундан ҳам юксак асарлар кутиб қоламиш...

Субут иккинчи микрофон ёнига келиб, Фаризанинг сўзини
бўлди:

— Бадиий асар ҳар қанча баланд савияда ёзилган бўлмасин,
фильм муваффақиятини сценарий ва ижро белгилайди. Шу боис
Фаризахон ҳар қанча камтарлик қўймасинлар, картина нинг му-
ваффақияти сабабини бош роль ижро чиҳни маҳорати маҳсули, деб
ҳисоблайман. Раҳмат сизга, туғма истеъод соҳиби — Фариза-
хоним Саъдий!

— Саъдий хонимга «Киноюлдуз» журнали томонидан бир са-
вол бор эди, — деган овоз эшитилди залдан. — Мумкинми?

— Марқамат, марқамат, — деди Марқаев.

Пастдаги микрофон ёнига ўтгиз ёшдан ошмаган тепакал, күри-нишидан тажанроқ йигит келди:

— Фильм воқеалари ҳаётда адашиб, нотұғри йүлга кирган камбағал қизнинг машаққатли меңнат эвазита бойиб, мамлакат-га таниқли бизнесчи аёлга айланиши ҳақида. Айтинг-чи, сиз — бой оиласынг қизи, бош қаҳрамон кечинмаларини ифодалашда қийналмадынгизми? Ахир сиз роҳат-фарофат қўйнида яшаб, қашшоқ ҳаёт, йўқчиллик, очлик сингари ҳолатларни бошдан ке-чирмагансиз-ку! Бу биринчи савол. Иккинчи савол Субут Со-кинга: сиз ўзингиз ишонасизми шу чўпчакка? Ахир қашшоқ оила-нинг қизи бу қадар тезлик билан бойиб кетиши бўлмаган гап-ку! Кўзингизни каттароқ очиб, теварак-атрофга бир қаранг!

Фариза Субутга қаради. Субут унга: «бўш келманг», деган маънода ишора қилди.

— Сиз менинг таржимаи ҳолимни унчалик яхши билмас экан-сиз, — деди Фариза дадиллик билан микрофонга яқин келиб. — Менинг ҳаётим сиз ўйлаганчалик роҳат-фарофатдан иборат эмас. Етарлича қийинчиллик, азоб-уқубат кўриб келяпман. Умуман, бу фильмда қисман ўз ҳаётимни ўйнадим, десам ҳам бўлади. Қашшоқ аёлнинг бойиб кетиши ҳам, сиз айттандек, чўпчак эмас. Бизнинг мамлакатда мазмунан янги, адолатли, тенг имкониятлар жамияти қурилмоқда. Билим, ақл ва файрат билан ишлаган, сабр-то-қатли ҳар қандай тадбиркор ҳалол бойлик орттириши мумкин. Бунга кўплаб бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин.

Кейин бир-икки кинотанқидчилар сўзга чиқиши. Марқаев-нинг «буюртмаси» билан келгани мақтади. Иккинчиси:

— Ҳозир бунақа фильмлар кўплаб яратилмоқда. Аксарияти-нинг умри бир-икки ҳафтадан узоққа чўзилмайди, — деди том-дан тараша тушгандек.

«Тамом! Муваффақиятсизликнинг юқори нуқтаси бу! — деди ичиди Субут. — Эсиз шунча пул. Шунча маблағ. Бекор розилик берган эканман».

Марқаев фильмнинг мағлубиятини тан олишни истамасди. У бояги танқидчи билан роса тортиши. Томошибинлардан акса-рияти танқидчини танқид қилишди. Бироқ Субутнинг дили хуфтон бўлди.

— Фильмимизнинг дастлабки намойиши чоғидаёқ қизғин му-нозараларга сабаб бўлаётгани унинг муваффақияти муқаррар

эканини күрсатади, — деди Марқаев бўш келмасдан. — Раҳмат, азизлар! Каттакон раҳмат!

Кейин торроқ давра учун «Редиссон» ресторанида зиёфат бўлди. Марқаев ҳаммадан олдин тўйиб ичиб, суюқ гаплар гапириб, Фаризага шилқимлик қила бошлади. У эса аввалига тишини-тишини қўйиб, чидаб турди. Кейин силтаб ташлади: «Ҳозироқ чиқиб, кўзимдан йўқол, акс ҳолда кетингга тепиб, кучага ҳайдаб юбришиади», деб шивирлади қулоғига. Марқаев бу гапдан дарҳол ҳушёр тортди. Лавлагидай қизарди. «Энди биз ёмон, кераксиз бўлиб қолдикми?», деб пичнг қилди ва аразлаб кетишга чоғлана бошлади. Нарироқда турган Субут яқинроқ бориб, Фаризага қаради:

— Қайтариш керак. Ҳали у... керак бўлади. Биринчи муваффақиятсизликдан тушкунликка тушмаслик лозим.

— Шундай, деб ўйлайсизми? Бу истеъодсиз такасалтангни ҳаддан ортиқ эркалатиб юбормадикми? Кўраяпсиз-ку, ўзини тутишини. Кетса-кетаверсин, у бўлмаса, бошқаси-да, ким кўп, чорифини судраб, иш қидириб, ҳомий қидириб юрган бекорчи режисср кўп.

Фариза бу гапи, умуман, Камбой Марқаевга бу хилдаги муносабати билан Субутга: «Мана, барпбир ўзингизга содиқман, бунақаларни тирноғингизга ҳам олмайман», деган маънени англатмоқчи эди. Аммо...

Субут тилини тишлаб қолди. У ўзини худди Камбой Марқаевнинг ўрнига қўйиб кўрди. «Мени ҳам истаган пайтда мана шунақа тарзда ҳайдаб юборишилари мумкни», деб ўйлади. Ҳолбуки, у Фариза билан компаньон, яъни шерик. Ўзининг улуши, яъни акцияларига эга. Жа-а нари борса, ўша акцияларни сотиб, орани очиқ қилиб кетиши мумкин. Акциялар ишончли жойда. Ўзидан бошқа ҳеч ким тополмайди. Лекин дахлсиз, мустақил фаолият кўрсатиши мумкинлигига сира ўзида етарлича ишонч ҳис этолмаяпти. Нега шундай экан? Нега у Фаризанинг олдида ўзини худди бўри қаршисидаги қўзичоқдек чорасиз, ҳимоясиз сезади? Нега ҳар гал унинг бирон кишига нисбатан шафқатсиз муносабатини кўрса, худди таёқнинг бир чети унга ҳам тегаётгандек титраб, қалтираб қолади? Бу қанақа бемаънилик? Бу қўрқувни қандай қилиб енгиш мумкин?

Субут «агар Фаризага уйлансан, ўзимни Саъдиевлар оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси, деб ҳис этишим мумкин. Ана шунда

юрагимдаги құрқұв, ишончсизлик ҳисси йүқолади», деб үйлар зди. Аслида бу қарорга келиши қийин бўлди. Бошда холисанлилло ўйлаб, «Фариза битта эркакка қаноат қилиб ўрганмаган, мабодо ўйланадиган бўлсам, умрим унинг қадамини пойлаш билан ўтади», деган тааммул билан иккиланиб юрди. Кейин иш дунёсига чуқур кириб боргани сари ушбу андишадан ҳалос бўлиб, «ўйланаман, нарёғига Худо пошшо», деб астойдил бел боғлаган пайтида бу орзуси рўёбини Фариза пайсалга сола бошлади. Фариза қурғур жудаям синчи, зийрак аёл-да. Субутнинг ушбу нияти муҳаббат дაъвати эмас, муайян мўлжал туфайли туғилганини сезганга ўхшайди. Оғизда «агар мақсадингиз менга уйланиш бўлса, уйланасиз, бунга тўсқинлик қиласидиган ҳеч нарса йўқ», деб айтса-да, амалда бу ҳақда астойдил жон куйдирмаётгани кўриниб турибди.

Акс ҳолда ўша куни отасининг акциялар қўлдан чиқиб кетиши мумкинлиги ҳақидаги гапига жавобан лоақал номига жўяли бир важ кўрсатган бўлар зди. Отасининг гапи ҳам мантиққа зид: бирга бўлсаларинг заифлашиб қоласизлар эмиш. Инсоният пайдо бўлганидан бери «бирлашган ўзар», деган ақидани уқтириб келишади-ю! Мирмаъдидой Субутни акциялар савдо-сотиги, мулкстарнинг шериклар ўртасида тақсимланиши бобида думбул, деб ўйлади, шекилли. Аслида эса мақсадлари Субутни оила ҳазинасига яқинлаштирмаслик. Эҳ, Фариза, Фариза, ҳамнафаслик, елкалошлиқ, яқдиллик ҳақидаги шунча гаплар қаерда қолиди? Наҳотки аёл зоти энг нозик туйғуларни ҳам ўйинчоқ қилиб ўйнаши мумкин бўлса?

«У мендан бизнесда ҳам, турмушда ҳам оддий бир қурол, буюм сифатида фойдаланиб юришни маъқул кўради...»

Ҳозир Марқаевнинг шармандаларча ҳайдаб юборганини кўрган Субут ана шу фикрини такрор кўнглидан кечирди. Таъби тирриқ бўлиб, зиёфат охиригача дили ёришмади. Фариза билан маъюс хайрлашиб уйига кетди. Фаризанинг «уйга юринг», демагани ўлганнинг устига тепган бўлди. «Бу аёл — ҳаётда ҳам зўр актёр, бир неча хил ролларни бирваракай қойил қилиб ўйнайди».

Уйига келиб, тўйиб виски ичди. Маст бўлди. «Энди жононлардан бирортасини чақириб майшат қиласман». деб қўл телефонидаги рақамлар ёзилган саҳифаларни варақлашга киришди. Рақамлар бирин-кетин тизилиб чиқа бошлади. Қайси бирини

чақирса экан? Семизиними, оригиними, паканасиними, новчасиними, оқ-саригини, қорасиними? Бири-биридан нозли, оғатижон. Бири-биридан расво, очкүз, пул, деса ўзини томдан ташлайди, пул учун ҳар қандай хүрлик, ҳақорату мазахга тайёр. Бири-биридан бахтсиз, маңзун. Ўз аҳволидан ич-ичидан эзилиб, мажақланиб ётгани киртайган кўзларида теран акс этиб туради. Эҳ, қўтири дунё, шафқатсиз ҳаёт. одам боласини не куйларга солмайсан! Қанча-қанча қизу жувонлар нафси илинжида хору зор...

Шу топда у кўнгли фосиқликдан безор бўлганига яна бир бор аниқ-тиниқ амин бўлди. Зеро, шунча аёллар билан ишрат қилган бўлса-да, бирор марта Афифа билан қовушганидагидай чинакам лаззат, ҳаловат ҳис этгани йўқ. Қайтанга ҳар гал учрашув сўнгида пушаймонлик билан: «нега айрим аёллар бузилиб кетяпти» деган надоматга берилади.

Субут ишрат кўчасига кирганидан бери бу ҳақда кўп ўйлайди. «Бунинг учун асосий айбдор — биз эркаклармиз», деган ўз-ўзини танқид маъносидаги мулоҳазалар ҳам юритади. Шу боис ҳар гал янги маъшуқа билан учрашганида унинг қўлига кўпроқ пул бериб: «иложи бўлса, бу йўлдан қайтинг», дей насиҳат ҳам қиласди. «Мен ўзим биринчи марта шунақа ишга қўл уряпман, шуям хотиним ташлаб кетгани, бўйдоқлигим оқибати», деб ёлғон гапиради. Шўрлик аёлларнинг ҳар бири ундан умидвор бўлиб, анча пайтгача гирдикапалак бўлиб, қўнгироқ қилиб юради. Субут эса биринки ой учрашгач, секин-аста узоқлашишга, яна янгисини, «барра»сини топишга ҳаракат қиласди. «Ҳозир эркак меҳрига муҳтож аёл кўп. навбати билан ҳаммасига фамхўрлик кўрсатишими керак», деган кулгили, аҳмоқона фалсафа ҳам тўқиб олган.

Ногаҳон кўз ўнгига Афифа пайдо бўлди. «Сиз барибир яхши одамсиз», деди у сукутли нигоҳи билан. «Сиз ҳам, азизим, севгилим», деди Субутнинг пицирлаган лаблари. Кўзида жиққа ёш ҳалқаланди.

— Сиз... Сиз менинг булоқ сувидай тиниқ муҳаббатимиз, — деди овозини чиқариб Субут... — Сиз... сиз Фаризалардан минг карра аёло, минг карра юксакроқсиз!

Кейин ўрнидан сапчиб туриб, ғаладонларни кавлаб, Афифанинг суратини излашга тушди. Тополмали. Қайсиdir бир хатжилд ичилан паспортининг ксеронусхаси чиқиб қолди. Хирароқ экан. Шунга қарамасдан Субут ундаги суратта тўйиб-тўйиб тикилди. У билан суҳбатлаша бошлади:

— Нега кетиб қолдингиз, севгили? Мендан хафа бўлдингизми? Аразладингизми? «Ўша... Фаризадан барибир кўнгил узолмас экан. ўшанинг қўлида ўйинчоқ экан», деб ўйладингизми? Ахир айтгандим-ку сизга бу ишларнинг муваффақат эканини. «Сўли»нинг эшагини суфориб, пулини олиш керак», демаганими? Барибир бир кунмас-бир кун бағрингизга қайтаман. демаганимидим? Гапимнинг исботи учун сизни яхши ишга жойлаштириб, уйларимдан бирини номингизга ўтказиб бериб. яйраб яшашингиз, ишлашингиз учун шаронт яратиб бермоқчи эдим-ку! Нега яна аччиқ устида қизиқонлик қилдингиз? Гапларимнинг самимилигига ишонмадингизми? Исбот керакми? Исбот қилаймий? Майли. исбот қилганим бўлсин. Эргагаёқ уйимни, бутун молмулкимни сизнинг номингизга ўтказаман. Кейин... кейин бориб Ҳурмуздан бўлса ҳам топиб келаман!...

Субут Афифанинг паспорти нусхасини костюмининг чўнтагини солиб қўйди. Кейин ётди. Ухлаб-ухлолмади, туриб-туролмади. Тўшакка ағанаб тонг оттириди. Ишга боргиси келмади. Фариза ҳам ҳойнаҳой кўрпа-тўшак қилиб ётгандир. Ёки ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб юрганмикан? У ютқазишни ёқтирамайди-ку. Кинодаги биринчи қадам омадсиз чиққани учун айбни Марқаевга тўнкаб, янги режиссёр излашга киришдимикан? У ҳолда... сценарий муаллифининг ҳам янгисини қидиради. Алвидо, Субут Сокин! Йўғ-е, Субут у билан фақат кино соҳасида ҳамкор эмаску. Нашриётчилик, тўқимачилик соҳасидаги ишлари ҳар қалай юришиб турибди-ку. Ҳали... спорт соҳасида ҳам бизнес қилишмоқчи. Субутга у Марқаев сингари «бир марта ишлатиладиган буюм», деб қарамайди. Янаям... ким билсин?

«Сен, оғайни, энди эсингни йиғ. Кеча ўйлаган режангни амалга оширишга кириш. Ана шунда эрта-бир кун бармоқ тишлаб қолмайсан...»

Саҳар чоғи у кеча ногаҳон хаёлига келган фикрни обдон таҳлил қилиб, «чиндан ҳам мулкларимнинг бир қисмини Афифанинг номига ўтказиб қўйишим керак», деган қарорга келди. Кейин: «қайси уйимни ўтказсам экан», деб узоқ ўйлади. Шаҳар марказидаги ўша ўзи яшаб турган квартирани-да, деди. Кейин бу фикридан қайтди. «Ўша, ўзига таниш, қадрдан бўлган ҳовлини ўтказаман. Ана бу чинакам сюрприз бўллади». Бир хаёли: «Сен нималар қиляпсан, ахир у хорижда фоҳишалик қилиб юрган бўлиши ҳам мумкин-ку, ундан ташқари умуман қайтиб келмаса-чи», деди.

Субутнинг бу илдаоларга жавоби тайёр эди. «Фоҳишилик қилиб юрган бўлса ҳам майли. Ишқилиб қайтиб келса бўлди. Агар қайтиб келмаса... ҳужжатлар ўз қўлимда-ку. Истаган пайтда уларни йиртиб ташлаб, яна ўз номимга ўтказиб олавераман. Ҳозир эса бу ишни албатта амалга ошириш керак. Албатта, бунинг учун Афиғанинг паспорти керак. Субутда нусхаси бор. Таниш нотариус нусха билан ҳам ишни ҳал қилиб бериши мумкин. Ундан ташқари терговчи Пўлатов: «Олчакондан олинган паспортлар орасида Афиғаники ҳам бор», деганди-ку. Ундан илтимос қилса, бериб туриши мумкин...

Субут ювиниб-тараниб, бир финжон аччиқ қаҳва ичиб, Пўлатовнинг ҳузурига отланди. Йўл-йўлакай қўнғироқ қилди. Жойида экан. «Бир йўла яна дараклайман», деда дилига тугди.

Пўлатов билан бир ҳафта олдин телефонда гаплашганди.

— Дубайдаги фоҳишаҳоналарнинг бирортасидан Афиға Зокированинг изини топмадик, — деганди у Субутни қувонтириб.

— Чамаси у Дубайгача етиб бормаган, яқин хориждаги мамлакатлардан бирида ишлаб юрибди. Бугун ўша гапини яна такрорлади:

— У ҳақиқатда ҳам яқинроқда бўлиши керак. Ҳар қалай мен барча ҳужжатларда шундай деб кўрсатдим. Уни... «фоҳишилик мақсадида Дубайга кетган», деб ёзишга сираям қўлим бормади. Эҳтимол мен янглишмаётгандирман. Балким бу чегарадан бошқа бир паспорт билан ўтиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Лекин халқаро қидирув эълон қилинганлар рўйхатига киритмадим. Эшитяпсизми, бу билан профессионал бурчимга хиёнат қилган бўлиб чиқишим ҳам мумкин. Аммо унга ёмонлик қилолмайман.

— Бунинг учун сизга мииг марта раҳмат. — деди Субут.

— Сиз тўғри айтган экансиз. Афиға Зокировага дуч келган ҳар бир эркак... сеҳрланар экан. Хўш, сиз нима янгилик топиб келдингиз?

— Уни изламоқчиман. Шунинг учун агар паспортини берсангиз, яна бир бор катта ёрдам қилган бўлардингиз. Дарвоҷе, уни барibir сизлар ҳам қидираётгандирсизлар?

— Гувоҳ тариқасида изланяпти. Агар топиб келсангиз, унга ҳам, бизга ҳам катта ёрдам кўрсатган бўласиз. Аммо қаердан, қайси мамлакатдан излаш кераклиги ҳақида сизга ҳеч қандай маълумот, тавсия беролмайман.

— Унда... паспортини бериб тура оласизми?

— Паспортини беришга ҳаққым йўқ. У жиноят ишига ашёвий далил сифатида тикилган. — деди Пўлатов. — Кейин... унинг паспорти...

— Илтимос, ҳеч бўлмаса икки-уч кунга беринг. Нусхасини олиб, қайтариб бераман.

Пўлатов бироз ўйланиб турди. Кейин негадир қўл силтади. Сейфни очиб, бир папка олди. Ичидаги паспортлар орасидан Афифаникини топиб, Субутга узатди.

— Манг, олинг. Қайтариб олиб келиш шарт эмас. Керак бўлса, ўзим айтаман. Лекин уни астойдил қидиришга сўз беринг. Анови дўхтирий йигитимиз ёшлик қылдими, ҳеч иш чиқаролмади. Ҳафсаласи пир бўлиб, Яманда ишлаб юрибди. Мен сизга айтсам... аслида ўзиям яқин-орада қайтиб келиб қолса керак. Чунки жаҳонда молиявий-иқтисодий бўҳрон кучайиб, ишсизлар сафи кенгайиб боряпти. Ҳатто Европадаги ривожланган давлатлар ҳам ўз фуқароларига иш топиб беролмаяпти. Ҳозир ўзимиздан кетгандар поезд-поезд бўлиб қайтиб келишяпти. Бироқ пулсиз, ҳужжатсиз қайтиб келишнинг иложини тополмаётганлар ҳам кўп. Шунинг учун излаб, топиб келсангиз савоб бўлар эди.

— Астойдил қидиришга сўз бераман, — деди Субут. — Раҳмат сизга!

— Арзимайди.

Субут Пўлатовнинг олдидан чиқиб кетар экан. ҳайрон бўлди: «Нега олдинига «ҳаққим йўқ», кейин эса «қайтариб олиб келиш шарт эмас», деб икки хил гапирди? Ҳудо кўнглига раҳм-шафқат солдими? Буларга ҳам қийин. Нима кўп. хорижга кетган одам кўп. Қайси бирини изласин?

Мелисаҳонадан чиқиб, уйига кирди. Бир папка ҳужжатларни кўтариб, анчагина пул билан таниш нотариус аёлнинг олдига борди. Афифанинг паспортига ўзиникини ҳам қушиб узатди.

— Уйни аёлимнинг номига ўтказмоқчиман. Ишни расмийлаштиришга ёрдамлашсангиз. Ҳадя этсам бўладими?

Нотариус паспортини варақлаб, ҳайрон бўлди.

— Ажралиб кетгансизлар-у?

— Шаронт тақозоси билан шундай қилишга тўғри келувди. Кейин ярашганмиз.

— Барибир қонунан эр-хотин эмассизлар. Шунинг учун фақат олди-сотди қилиб расмийлаштириш мумкин.

— Қилиб беринг. Мана уйнинг ҳужжатлари.
— Ўзи қани? Ҳужжатларга имзо қўйиши керак бўлди.
— Ўзи сафарда эди. Туғилган кунига совфа... Сюрприз қилмоқчиман. Бир иложини топинг. Яқинда такроран ЗАГСдан ўтамиз. Унинг имзосини ҳам ўзим ўхшатиб қўйиб юборақолай. Мана, паспортида бор-ку. Ўшанга айнан ўхшатаман. Илтимос. Ҳўпми? Ахир уй меники-ку. Мен харидор эмас, сотувчиман, муаммо бўлмайди. Майлими?

Нотариус бош чайқади.

— Мумкин эмас. Бошим кетади.

— Рози қиласман, — деди Субут чўнтагини кавлаб.

Нотариус аёл Субутни анча йиллардан бери яхши билар, таҳририятта унинг олдига кўп борганди.

— Субут ака, бу масалада шошманг, — деди унинг кўзига жиддий тикилиб. — Эртага бир муаммо чиқса, пушаймон қиласиз.

— Муаммо чиқмайди.

— Барибир шошибилманг. Ҳозирги кайфиятингиз эрта бўлмаса индин ўзгариб қолиши мумкин. Хотинингиз билан қонунан ажралиб кетгансиз. Агар шу ҳовлини ҳозир албатта кимгадир ўтказиш шарт бўлиб турган бўлса, болангиз ёки энг яқин қариндошларингиздан бирининг номига етказинг. Ака, ука, опа-сингил... Эрта бир кун қайтариш зарур бўлиб қолса, жигарчилик, ҳеч қурса ярмисини қайтариб оласиз...

— Сиз мени тушунмадингиз. Мен... у аёлни севаман. Унга такроран уйланмоқчиман.

— Барибир шошибилманг. Илтимос. Мен сиз билан бир кунлик эмас, қирқ йиллик қадрдонман. Маслаҳатимга амал қилинг. Ҳўпми?

Субутнинг мияси ишлаб кетди.

— Унда... биринчи хотинимдан туғилган қизимнинг номига ўтказсам бўладими? Лекин у ҳам балоғатга етмаганда.

— Фарқи йўқ. Собиқ хотинингиз ва қизингизнинг ҳужжатларини олиб келинг.

— Яхши...

Кейин ишхонасига келди. Фариза шу ерда экан. Ўзи кирди.

— Ҳа, хафа бўлиб, аразлаб юрибсизми? — деди кулиб.

— Нега, нимадан, кимдан хафа бўламан? — дея саволга савол билан жавоб қайтарди Субут.

— Никоҳимиз орқага сурилгани, фильмимиз унчалик зўр чиқмага ишига-да. Анови алкаш Марқаевга бекор ишонибмиз. Руҳингизни туширманг. Эндиғи асарингизга яхшироқ режиссер топамиз.

— Йўқ. Хафа эмасман. Аммо менга қолса, ҳозирча кино соҳасидаги «эксперимент»ни йиғиштириб турган бўлардим.

— Ҳа-а, дарров қўрқиб кетдингизми? Майли, қўйинг, керак эмас, десангиз, йиғиштирамиз. Бошқа бирон янги лойиҳа топилиб қолар. Бир ўйланг-чи, нималар қилиш мумкин?

— Ўйлаб қўйғанман.

— Айтинг.

— Кейинроқ Ҳали пишитадиган жойлари бор, — деди Субут. Фариза чиқиб кетди. Субут чиндан ҳам боя нотариал идорадан чиқиб келаётган чоғида: «кўчмас мулк бизнеси билан шуғулланиш керак, бундан буён турар-жойлар, умуман бино-иморатлар нархи кундан-кунга ошиб бораверади», деб ўйлаганди. Фаризага дарҳол айтмаганимнинг сабаби, чиндан ҳам ҳисоб-китоб қилиб, чамалаб кўрадиган, аниқлайдиган жойлари бор эди. Ҳозир ёлғиз қолиб, ана шу ҳақда фикр юрита бошлади. Компьютерга ўтириб, интернетга кирди, неча файлларни очиб, жаҳон миқёсида кўчмас мулк савдосидаги тамойилларни кўздан кечирди. Шунинг баробарида миясида: «Хўш, нега энди бу янги бизнесни ўзим, ўз пулимга, мустақил равпаша юргизишим мумкин эмас?» деган фикр туғилди. Ростдан ҳам қачонгача иккинчи даражали одам бўлиб юриш мумкин? Кўчмас мулк бизнесининг келажаги порлоқ. Унинг миқёслари балким, Саъдиевларнинг бизнеслари сингари ўта кенг, чексиз-чегарасиз эмасдир. Лекин бу бизнесда таваккал кам. Ютқазиб қўйиш эҳтимоли ҳам. Аммо бу бизнесни қўлидаги уй-жойларни сотищдан бошлаши керак эмас. Аксинча, улардан халос бўлиб, қарзларидан қутилиб, кейин бошлаш керак. Яшаб туришга битта бундайроқ кулба бўлса етади...

Субут туни билан юраги орзиқиб, Афифани ўйлаб чиқди. Эртасига «Қўшма корхона ишларидан хабар олиб келиш баҳонасида Бекатга жўнади. Корхонани шунчаки айланиб чиқди-да, Афифаларни кига йўл олди. Чол-кампир мунғайиб ўтиришган экан. Гарчи Афиға билан ажralиб кетган бўлса-да, Субутдан уларнинг кўнгли қолмаган. Кўриб қувонишиди. Онаси дарҳол сўради:

— Афифадан бирон дарак борми?

Субутнинг ўзи асли шу савол билан келган эди. Онасининг гапидан маълум бўлдики, буларда ҳеч қанақа маълумот йўқ. Қайтанга Субутдан мужда сўрашяпти.

— Хавотир олманглар. Афиға хорижга аввал ҳам бориб, кўзи пишган. Ҳеч қаерда дар қолмайди, — деди у. — Ўзларингиз яхши ўтирибсизларми?

— Ҳа-а, тузук, — деди ота соқолини тутамлаб. — Кўп қатори юрибмиз.

— Ўзилларингиз яхшими?

Кампир чолига қаради. Чол бир лаҳзалик иккиланишдан сўнг очиғини айтди.

— Улар ҳам ака-ука: «би-ир айланиб келайлик», деб Россияга кетишувди. Уч ойдан бери дарак йўқ. Онангни эмгурулар, ақалли бир кўнғироқ қиласайлик, дейишмайди. Манови жониворни бутун дунё билан гаплашса бўлади, деб олиб беришувди, сабил қолур жиринглай қолай, демайди, — у шундай, деб қўлидаги мобил телефонга ишора қилди.

— Қилиб қолишади, ташвишланманг. — дея далда берган бўлди Субут. Кейин бироз чайналиб, сўзида давом этди: — Афиға ҳам тез орада қўнғироқ қилиб қолса керак. Қўнғироқ қилган заҳоти айтинг, бу ердаги ишга жойлашиш масаласи ҳал бўлган. Тезроқ қайтсан. Ўйингни ҳам қайтариб беришмоқчи, денг.

— Ўйини сотиб юбормаганмиди? — деб сўради отаси қизиқсиниб. — Қанақасига қайтариб беришади?

— Шошилганидан фойдаланиб, сув текинга олишган экан. Ҳужжатлар нотуғри тузилган. Шунинг учун қайтариб беришади. — дея ёлғонлади Субут. — Пулларини қайтариб олишади.

— Кимдан? Қизимизда унча пул йўқ-ку. Шунинг учун хорижда сарсон бўлиб юрибди.

— Мен бериб тураман. Кейинроқ суришиб кетармиз.

Онанинг кўзларида умид учқунлади.

— Субутжон... сиз... ярашиш ниятидамиисиз?

— Ҳа, — деди Субут. — Лекин ҳозирча унга бу ҳақда гапирманг. Фақат «кел, ишга кирасан, уйингни қайтариб оласан», денг.

— Барака топинг, болам. Ярашсанглар бизлар ҳам хурсанд бўлардик.

— Албатта хурсанд бўласизлар...

Кейин шаҳарга қайтиб ширинлик, совға-салом олиб, қизини кўргани йўл олди. Хотини билан учрашди. Қизи ҳали мактабда экан, кутиб ўтирди. Қизи келиб, қучоқлашиб кўрицди.

— Мен бутунлай соғайиб кетдим, дадажон, — деди құллари ни күрсатиб. — Мана, қаранг, куйган жойлари билинмай кеттан. Тұғрими?

— Тұғри, қизим, тұғри. — деди Субут ва совғаларни топшириб, хотинига ўғирилди. — Эртага паспортингизни ва қизимиз нинг метрикасини олинг-да, кичик ҳалқа йўли ёнидаги «Тоёта» дўкони ёнида жойлашган нотариал идорага келинг.

— Тинчликми?

— Тинчлик, ҳозир омадим келиб, ишм юришиб турган пайти қизимга битта квартира ҳадя этиб қўйяй. Эртага ким билади, нима бўлади?

— Мен олмасам, «керақ эмас», десам-чи?

— Унақа дейишингиз мумкин эмас. Қолаверса, квартирани сизга эмас, қизимга ҳадя этяпман. То у балофатга етгунча сизнинг номингизда бўлади.

— Қизингиз балофатга етгунча ўзингизнинг номингизда турса бўлмайдими?

— Бўлмайди. Мен катта бизнесларга аралашиб юрибман. Эртага тақдир-қисматим нима бўлишини ҳеч ким билмайди.

— Унақа деманг. Нафасингизни иссиқ қилинг.

— Демак, эртага соат ўнда кутаман. Келасизлар-а?

— Майли...

Эртасига ўша нотариал идорада Субутнинг шаҳар марказидаги европача таъмирланган тўрт хонали квартираси қизининг номига ҳадя тариқасида расмийлаштирилди. «Афиға қайтиб келган заҳоти ҳовли-жойни унинг номига ўтқазиб бераман», деб ўйлади у. Муҳташам кошонага бека бўлса, ишга жойлашса, ҳаммаси изга тушиб кетади.

«Энди Саъдиевларга «жавоб юриши» қилиш гали келди, — деб ўйлади у шаҳд билан ишхонасига отланар экан. Улар... улар билиб қўйсиларки, Субут Сокин бу дунё молига бино қўйган эмас. У машраби девона сингари оддий бир ижодкор, холос. Ҳақиқий ижод эса сарой ва кўшкларда, қасру қалъаларда эмас, фақирона кулбаларда қилинади...»

Йўлда ногаҳон машинани тўхтатиб, орқага буришни буюрди:

— Чигатойга ҳайданг! — деди.

— «Чигатой» ресторанигами? Тушликка ҳам анча бор-у, — деди ҳайрон бўлиб ҳайдовчи.

— Чигатой қабристонига, афанди, — деди у. — Умр фақат кафе-ресторанлардан иборат эмас-ку...

Салкам икки соат қабристонни айланиб юрди. Улуғвор ва теран сукунат руҳини юксалтириди. Куни кеча пул, молу давлат ҳақида қилиб юрган мулоҳазаларини такрор хотирлаб, уларнинг нақадар ожиз, нотавон фикрлар эканидан аччиқ қулди.

«Пул — озодлик эмиш. Молу давлат инсонга бекиёс куч-қудрат берармиш. Сени қара-ю. Нодон. Мана, Озодликнинг асл мақони қаерда! Мана, бекиёс куч-қудратнинг ҳақиқий манзил! Ҳақиқий куч-қудрат мол-мулкни ўлиб-тирилиб кўпайтириш, сақлаш эмас, балки ундан истаган пайтда воз кечада олишида! Мана, энди сен ўзингни кучли одам, деб аташга ҳақлисан. Салкам бир миллион долларлик мол-мулқдан кўзингни чирт юмиб, воз кечиб юбординг. Фарзандингга уй ҳадя қилганингни, эҳтимол, «воз кечиш», деб аташ мумкин эмасдир. Бу билан ҳеч кимни айтарли ҳайратга сололмайсан. Лекин Афифага... қилмоқчи бўлаётган ҳимматинг маъносини бегараз муҳаббатдан бошқа ҳеч нарса билан изоҳлаб, хас-пўшлаб бўлмайди. Ажаб. Муҳаббат ҳам бегараз бўларканми? Бу тушунча манфаатдан жуда ҳам юқорида турадику. Ана шунинг учун ҳам сен Афифанинг ҳозир қаерда, ким билан, нима ишлар қилиб юрганидан мутлақо бехабар бўлатуриб, унга бор-йўқ мулкингнинг ярмидан кўпрогини туҳфа қилмоқчисан.

Укангга қишлоғингдаги каттакон паррандачилик фабрикасини сотиб олиб бермоқчисан...»

Бундан икки ҳафта олдин укаси келиб:

— Ака, қишлоғимиз тепасидаги Сувли дарада бир пайтлар катта паррандачилик фабрикаси бўларди, эсингиздами? — деб қолди.

Субут эслади. Улкан даранинг ўртаси бўйлаб, тоғ томонга кетувчи катта йўлнинг икки тарафидаги узун-узун бинолар. Тепасидаги мўрилари. Теварагига айлантирилган тош девор...

— Нима бўпти. ўша фабрикага?

— Уни шаҳарлик йигитлар сотиб олиб, анча йил ишлатишиди. Бир томони гўшт, иккинчи томони тухум етиштиришга мўлжалланган мажмууга айлантирилди. Чет элдан технология, мутахассислар олиб келиб, роса ривожлантиришди. Теварагидаги юзлаб гектар ерларни ҳам ижарага олишганди.

— Хўш?..

— Ўша фабрика сотилар экан. Қариндошлар: «Ана, Субутбой катта бизнесмен бўлиб кетган. Фабрикани ўша сотиб олиб ишлатса, қишлоқдошлардан қанча-қанча ишли бўлиб қоларди», дейишаштти. Агар имкониятингиз бўлса... бир кўринг.

— Майли, кўрармиз, — деганди Субут. Бугун ўйлаб қараса, жўяли гап..

Ўзини-ўзи мақташ нечоғлик ноўнгай бўлмасин, одамга фурур ва ҳузур бағишилайди. Субут шу лаҳзаларда ўзи билан фахрланди. «Энди мен шу қадар кучлиманики, Саъдиевлар нечоғлик қудратли бўлмасин, мени улар қўғирчоқ қилиб ўйнатолмайди. Ҳозир ишхонага бораман-да, Фаризага: «менга тегишли барча акцияларни сотиб олинг, акс ҳолда бошқага сотиб юбораман», дейман. Акцияларимнинг пулига укамга фабрикани сотиб олиб бераман..

— Сизга нима бўлди, соғлиғингиз жойидами? — деб сўради Фариза.

— Соппа-соғман.

— Нега бўлмаса.... Ёки отам никоҳимизга розилик бермаганига аччиқ қиляпсизми?

— Аччиқ қилаётганим йўқ.

— Унда нега акцияларни сотмоқчисиз?

— Бегонага эмас, ўзингизга қайтармоқчиман, холос. Нархи ҳам арzon. Номинал қийматини берсангиз бас. Сизда турса ишончлироқ, кўнглим тўқ бўлади.

— Унда сотиб нима қиласиз, шундай бериб қўяқолинг. Қайтар, деган кунингиз қайтараман.

— «Ҳисобли дўст айрилмас», дейдилар. Пулини бераверинг. Агар ниятимизга эришиб, тақдирларимиз қўшиладиган бўлса, кейин яна бирга эгалик қилаверамиз.

— Нима, пул керакми?

— Ҳа.

— Нима учун? Биронта мулк сотиб олмоқчимисиз? Заводми, фабриками, нима?

— Фабрика. Паррандачилик фабрикаси.

— Қаерда экан?

— Қишлоғимизда.

- Биргалашиб олаверсак бўлмайдими?
- Бўлмайди.
- Нега?
- Чунки мен уни укамга олиб бермоқчиман. У эгалик қилади.
- Ўзингиз-чи?
- Ўзимми? Ўзим ижодга қайтмоқчиман. Мендан тадбиркор, корчалон чақмас экан.
- Қизиқ одам. Тадбиркорликни ҳам, ижодни ҳам қилиб юра-вермайсизми?
- Йўқ. Икки кеманинг думини ушлаган киши чўкиб кетади.
- Майли. Тадбиркорлик қилмасангиз ҳам мулклар қўлин-гизда тураверса бўлади-ку.
- Мулк... «Инсоният бошига тушадиган кулфатларнинг бар-часига мулк сабабчи», деган экан фаранг файласуфи.
- Нега? Нега бунаقا... ўйламасдан иш қиляпсиз? Қўлингиз-даги мулкларни бирорларга бериб, ўзингиз яна қашшоқ бўлиб юрмоқчимисиз?
- Сиз борсиз-ку, ташлаб қўймассиз! Никоҳимиз ҳақидаги масала кун тартибида туриди.
- Мен сизни тушунмадим, — деди Фариза елкасини қисиб.
- Нимани ўйлагансиз, нимага бунаقا қиляпсиз?..
- Нимасини тушунмайсиз? Ҳаммаси тушунарли-ку! Мен мулк-дор эмас, оддий ижодкор бўлмоқчиман. Агар шу ҳолатимда ҳам сизга керак бўлсан, турмуш қурамиз. Аксинча бўлса, зоримиз бор, зўrimиз йўқ.
- Демак... барибир хафа бўлибсиз. Майли, отам билан мас-лаҳатлашиб кўрайлик.
- Маслаҳатлашинг, — деди Субут ва чиқиб кетди.

Эрта саҳар маст уйқуда ётган Субут телефонининг безовта жиринглашидан уйғониб кетди. Бемаҳал қўнғироқлар одатда кимнингдир жанозаси ҳақида хабар беради. Хайриятки, бу гал-ги дарак унақа эмас экан.

— Эртага отам учиб келади. У киши никоҳ маросимизни ўтка-зib кетарканлар, — деди шодон овозда Фариза.

Субут бундан қувониш керакми ё йўқми, деб ўйлаб қолди.

Рамиз Яман пойтахти Сано шаҳридаги клиникалардан бирига ишга жойлашиб, ижарада яшай бошлагач, бўш вақтинг кўпроқ компьютер ёнида ўтказадиган бўлди. Мақсади ярим йўлда қолиб кетган номзодлик диссертацияси устида ишлаб ниҳоясига етказиш ва иложи бўлса, интернет орқали Афифани қидириш эди. Кечакам тунгача компьютер қаршисидан кетмади. Кўзлари тиниб, юмила бошлагунча ишлади. Аввалдан «Рамиз доктор RU», «Ямандаги доктор Рамиз», деган почталар очди... Ҳар қайсисига инглиз, рус, ўзбек тилларида: «Мен ўзбек йигити — доктор Рамизман. Севгилим Афифаҳонни қидирмоқдаман. Агар унинг ўзи ёки уни билган, таниган лоақал у ҳақда бирон дарак эшитган кишилар ушбу сўзларимни ўқиса, менга зудлик билан хабар берсин. Илтимос, совфаси бор», — деб ёзди. Сано шаҳрининг кодини, ўз телефон рақамини қўшимча қилди. Кейин бутун жаҳонини виртуал кўздан кечириб, Афифа билан боғлиқ маълумот қидирди. Танишув сайтларига кириб излади. Бирон жойдан бирор из топмади. Чарчаб, ҳориб, ётоқхонасига қайтиб келди. Рашид Пўлатовга қўнғироқ қилди. У ҳалиям ишхонасида экан. Ҳозирча ҳеч қандай хушхабар билан хурсанд қилолмайман. — деди у. — Ўзингизда бирор янгиллик йўқми?» «Мен интернет орқали қидиряпман». «Тўғри қиласиз. Қидирудвни тўхтатманг».

Рамиз қидирудвни тўхтатмади. Бугун ҳам тунги соат биргача интернет титкилади. «Яна ҳеч гап йўқ», деб ўрнидан турмоқчи бўлганида юмила бошлаган кўзлари бирдан чарақлаб, очилиб кетди. «Ямандаги ўзбекистонлик доктор Рамизга! Излаётган одамингиз сизнинг мактубингизни ўқиди. Телефон рақамингизни халқаро кодлари билан яна бир марта такрорланг. У сизга қўнғироқ қиласади», деган ёзувни такрор-такрор ўқиб, дарҳол жавоб ёзишга киришди. «А! Бу сизмисиз? Мен адашганим йўқми? Жавобини айтинг. Йўқ, яхшиси, тезроқ мана бу рақамга қўнғироқ қилинг! Интизор бўлиб кутяпман. Рамиз»

Жавоб бўлмади. Рамиз гоҳ мониторга, гоҳ қўл телефонига термилиб, қўнғироқ кута бошлади. Лаҳзалар имиллаб ўтар, ҳар иккала экранда ҳам жимлик ҳукм сурарди.

Ва ниҳоят телефони жиринглаб, унда Афифанинг овози узилиб-узилиб эштилди.

— Афиахон, бормисиз, сизни қидирмаган жойим қолмади-
ку, қаердасиз? Айта қоласизми? Ё...

— Мен... яқин кунларда сизга яна құнғироқ қиламан. Ҳозир-
ча қаерда эканимни, очиғи, үзим ҳам билмайман. Аниқроғи,
йўлдаман.

— Йўлда? Муаммо йўқми? Қаерга томон кетяпсиз, мен ишла-
ётган мамлакатта яқинроқда бўлсангиз, бир амаллаб ёнингизга
борар эдим...

— Муаммо йўқ. Аниқ бир манзилда тўхтасам, сизга яна құнғи-
роқ қиламан. Ҳозирча хайр.

— Учрашгунча...

«Қаёқдан қаёққа кетаётган экан? Нега айтмади?

Афиға Истамбул шаҳридан құнғироқ қилаётган эди. Бу ша-
ҳарга етиб келгунча бошидан яна анча-мунча чигал воқеалар
кечди.

Ўша куни саҳар чоғи Клаус уни соҳилнинг хилват жойлари-
дан бирида қайиққа ўтқазди. Кемалари лангар ташлаган жойга-
ча шовқинсиз эшкак эшиб, қийналиб сузиб боришиди. Кема де-
гандарининг баландлиги беш қаватли иморатча келаркан, унга
арқон нарвонда бир амаллаб чиқиб олишди. Афиға илгари Ис-
танбулда бўлганида бандаргоҳга келиб кемаларни узоқдан то-
мосха қылган бўлса-да, устига чиқмаганди. Умрида биринчи марга
кема палубасига қадам қўйди. Палуба деганлари салкам бир
футбол стадионидек келадиган кенг майдон экан. Бу майдонни
тезгина босиб ўтиб, темир зиналардан пастга тушиб кетишиди.
Клаус уни энг пастки қаватдаги кенг, қоронғи хонага олиб кир-
ди. Хонада сичқон ҳиди анқийди. У ер-бу ерида тўла қоплару
халталар, қофоз ва темир қутилар босилган.

— Эрталаб бу ерга яна юк босамиз. Сиз анови энг тўрдаги
баланд темир қутилар ортига яшириниб ўтираверинг. Ўша ерда
торроқ бўлса ҳам жой бор. Йўлга чиққанимиздан сўнг үзим ке-
либ, юқорига олиб чиқаман. Энди пулни беринг.

Афиға аввалдан тайёрлаб қўйилган ўнта юзталикни унга
узатди.

— Бўпти, учрашгунча!..

Клаус темир эшикни шарақлатиб, бекитиб кетди. Афиға зул-
мат оғушида қолди. Кўзи қоронғуликка бироз ўргангач, шун-

доққина оёғи остидан югуриб ўтган мушукдай келадиган қора каламушни күриб, құрқанидан қычқириб юборди. Шоша-пиша үзини четга олди. Бироз турғанди, яна иккитаси оёғини остида үралашаётганини сезиб қолди. Яна қочди. Шу тахлит саккиз соатдан зиёд трюмнинг у четидан бу четига юриб, каламушлардан жон сақлади. Бу орада трюмнинг икки тавақали темир эшиги очилиб, яна бир қанча қутилар, қоп-қанорлар жойланди. «Иш-қилиб булар ортида яшириниб, чиқолмай қолиб кетмасам гүргайди. Акс ҳолда каламушларга ем бўламан», деб ўйлади ваҳима билан Афифа. Хайриятки, қутилар орасида ярим гавда сиғадиган йўлак қолдирилар экан. Клаус келиб, овоз бергач, Афифа ана шу тирқишидан сирғалиб чиқди.

— Кемамиз йўлга чиқди. Энди... ҳозир менинг каютамга чиқиб овқатланамиз, текила ичиб маишат қиласмиш, — деди кулиб Клаус. Афифа индамай унга эргашди. Шу топда «қанақа маишат?» дея эътиroz билдириб ўтиришнинг мавриди эмасди.

Каюта деганлари икки кишилик шинамгина истиқоматгоҳ бўлиб, ўртадаги стол устида ширингина ластурхон тузалган экан. Афифа қарийб бир суткадан бери туз тотмагани боис манзиратни кутиб ўтирмасдан тановул қилишга киришди. Клаус чиройли шишадан қадаҳга қаҳрабо тусли, ҳиди ўткир ичимлик қуиди.

— Текила! — деди у. — Ажойиб ичимлик. Қани, бир қадаҳдан олайлик.

— Мен ичмайман, — Афифа оғзи тўла овқат бўлгани боис бу гапни бошини чайқаб, имо-ишора билан англатди.

— Йў-йў, бунақаси кетмайди, турк гўзали. Сен буни ичиб, менинг кўнглимни хушлашинг керак. Акс ҳолда биринчи бекатдаёқ тушириб, полиция қўлига топшириб кетаман.

— Пулинни тўладим-ку, — деди Афифа оғзидағи луқмани шоша-пиша ютиб, инглизчада.

— Пулними? Пулни... сен капитанга тўладинг. Менинг ҳақимни эса натура, яъни габииш шаклда тўлайсан.

— Илтимос. Мени тушунинг. Раҳмингиз келсин, — деди киприкларини пирпиратиб Афифа. — Уйда эрим кутиб ўтириби. Ўзим ҳомиладорман.

— Ҳомиладорсан? Қани, сөзилмайди-ку? — Клаус Аифанинг қорнини пайпаслаб кўрмоқчи бўлди. У жон ҳолатда үзини четга олди.

— Майли, сизга ҳам пул тұлайман. Фақат менга зұравонлик құлманг, илтимос!

Клаус текиладан икки қадағни кетма-кет сипқорған, ўткір ичимлік бошиға уриб, үзини жиловлай олмай қолғанды. Шу боис Афифанинг гагларига мутлақо әътибор бермай, ўрнидан турдидар, унга яқынлашиб, куч билан бағрига босмоқчи бўлди.

— Қўйинг, керакмас, ҳозир бақириб, одамларни ёрдамга чакираман, — деди Афиға.

— Бақири, бақиравер, ўзингга қийин бўлади. Кемага рухсатсиз чиқиб олибди, дейман. Шу заҳоти қамоққа олинасан.

Клаус Афифани каютадаги каравотлардан бири томон судраб, йўл-йўлакай кийимларини юмдалашга тушди. Афиға ти-пирчилаб қаршилик кўрсатар, шунинг баробарида инглизчалаб овозининг борича: — Раҳм қилинг, илтимос, мен истамайман, мен эрлик аёлман, — деда бақири.

Баногоҳ каютта эшиги қаттиқ тақиљади. Клаус әътибор қилмади. Эшик ортидан:

— Зудлик билан эшикни оч, йўқса бузиб кирамиз, — деган ҳукмфармо овоз эшитилди. Афиға овозни таниди. Бу — капитаннинг товуши эди. Клаус истар-истамас Афифани чангалидан бўшатиб, эшикни очди.

Капитан кирди. Клаус «чихт» эшитиб ерга тупуриб, эшикка йўналди.

— Халт! («Тўхта!») — деди капитан. Сўнгра Афиғага ўтирилиб, юмшоқ овозда туркчалаб:

— Яна қанча пул бера оласиз? — деб сўради.

— Қанча бўлсаям майли, менга... менга зұравонлик құлмасаларингиз бас!

— Минг доллар беринг, — деди капитан. Афиға сумкасини очиб, пулни чиқарди. Капитан пулни олиб, ёнида серрайнб турган Клауснинг кўкрак чўнтагига тиқди. Сўнгра:

— Йўқол! — деди. Клаус чиқиб кетди.

— Энди сизга ҳеч ким дахл құлмайды. Эшикни маҳкам бекитиб олинг. Истамбулга етганимиздан сўнг ҳеч кимга сездирмай тушириб юборамиз.

— Раҳмат, бей афандим! Катта раҳмат сизга, — деди Афиға кийимларини тартибга келтирас экан.

Истамбулга етганларидан сўнг уни кемага қандай миндиришган бўлса, ўша йўсинда, айни саҳар чоғи қайиққа ўтқазиб, со-

ҳилга элтиб қўйиши. Енгил нафас олиб, шаҳар ичкарисига жўна-ди. Қаерга боришини у ҳали кемадалик пайтидаёқ ҳал қилиб қўйганди. Эронкўйи маҳалласида асли Шафиқа исмли қирқ ёшлардаги самарқандлик аёл яшайди. У билан Афифа икки йил аввал бозорда танишган. Шафиқа Фотихбей деган кекса бир бойнинг оиласида ҳодималик қиласкан. Ўшанда у Аифанни ўзи хизмат қилаётган уйга олиб борган. Каттакон уйда чол-кампир-нинг ўзи бўлгани боис унга алоҳида иккита хона беришган экан. Қисинмай яшарсан. Афифа баъзан дам олиш кунлари унинг олдига бориб, бир-икки кун меҳмон бўлар, уй ишларида кўмаклашарди. Аифага: «Мабодо яна Истамбулга йўлинг тушса, тўғри шу ерга келавер», деган. Ана шуни ўйлаб, такси ҳайдовчисига иккиламасдан:

— Эронкўйига ҳайдангиз, — деди.

Уй эгалари саёҳатга кетишган, Шафиқа ёлғиз нонушта қилиб ўтирган экан. Аифанни кўриб, қувончли ҳайрат ила ўрнидан сакраб туриб кетди:

— Эфифе, жоним қизим, қайси шамоллар учирди?

— Тақдир шамоли, хоним афандим, — деди Афифа ҳўнграб, унинг қучогига ўзини отар экан. Шафиқа уни бағрига босиб, соchlарини силади. Кейин биргалашиб қаҳва ичишиди. Афифа саргузаштларини қисқача сўзлади.

— Бечорагинам, кимларгадир аччиқ қилиб, ўзингни азоблар гирдобига отибсан-да, эҳ, сени қара. Аёл зоти ўзи шунаقا бўлар экан. Бирорвга аччиқ қилади-ю ўзига азоб беради. Мен ҳам икки ўғлимга отасидан қолган мулкни бўлиб бергач, кўчада қолдим. На у келин хушлайди, на буниси. Шунда «ҳайё ҳуйт», дедим-да, бошим оқсан томонга жўнавордим. Йўқса олий мактаб муаллимаси, фан номзоди бўлатуриб оқсочлик қилиб юрамидим... Ҳай, майли, қизим, ҳозирча менга ёрдамчилик қилиб юраберасан, чидайлик, биз кўраётган бу мушкулотларнинг кушойиши ҳам бордир...

Кейин Шафиқа мусоғирчилик уқубатлари ҳақида гапирди. «Ўйламасдан иш қилибсан, қизим, ўзганинг юртида сulton бўлгандан кўра ўз юрtingда гадо бўлган аъло экан», деди. «Майли, ҳамонки келибсан, бирон бойнинг уйига хизматкор қилиб жойлаштиришга уриниб кўраман», деб ваъда берди. Ўша куниёқ турли жойларга кўнғироқ қилиб, Аифага иш қидиришга киришиди. Оқсочлик ҳам, ҳа деганда топила қолмади. Шу тахлит бир неча ҳафта ўтиб кетди.

Афиға Истамбулга келгандыннан берлеңдік интернет орқали яна бир карра Шаҳромни қидиришга киришди. Сайттарни бирма-бир варақтаб, сүровлар жұнатды, мактублар ёзды. Бирлашган Амирликларда чиқуучи инглиз тилядаги газеталардан бирида босилған қуйидаги қисқа хабарни үқигач, умиди узилди.

«Марказий Осиё мамлакатларыдан Яқин Шарқ давлатларында қызын-жувонларни алдов йўли билан олиб келиб, қул қилиб сотиш билан шуғулланган ҳалқаро жиноятчи гурӯҳнинг яна бир неча аъзолари қамоққа олинди. Улар орасида Шаҳром Баҳромов, Татьяна Кондакова, Башир Малик, Мария Клименко сингари бир неча давлатларнинг фуқаролари бор. Улар устидан тегишли мамлакатларда суд жараёнлари бошланган...»

«Энди нима қиласман?» — деб ўйлади. Шу орада баногоҳ Рамизниң мактубларында күзи түшди. «Жавоб бермасам инсофдан бўлмас», деди.

Рамизбой кунларни тунларга, шомларни тонгларга улаб Афиғанинг қўнғирофини кутди. Бу орада узоқ ўйлади, мушоҳада қилди. «Сайёр, жаҳонгашта бир аёлга муҳаббат боғлаб адашмадимми? Адашган бўлсан ҳам нима қиласар эдим. Ахир бу севги ихтиёридан ташқари пайдо бўлди-ку. Энди нима бўлса ҳам тақдиримдан кўраман. Ишқилиб унинг манзилини тезроқ аниқлаб олсайдим...»

Айни пайтда Рамиз Афиғанинг манзилини аниқлагандан кейин нима қилишни ҳам билмас, зеро, Яман соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тузилган шартномага мувофиқ камида бир йил ишламасдан ортига қайтиш кетиши ёки бошқа мамлакатга бориши таъқиқланган эди. «Агар унинг ўзи рози бўлса, шу ерга чақирапдим. Шу ерда элчихона орқали никоҳдан ўтар эдик», деган хомроқ режа тузган бўлса-да, бу режанинг қай даражада ҳаётый эканлиги маълум эмасди. Ҳар қалай, қалбида умид бор эди. «Шояд тақлифимга рози бўлиб, бу томонга келишга розилик берса», деб ўйларди.

Ниҳоят Афиға қўнғироқ қилди.

— Мен Истамбулдаман.— деди у.

— Жуда яхши, нима ишлар билан машгулсиз?

— Ўзи... яқинда келдим. Энди бирон ишга жойлашмоқчиман.

Ўзингиз қалайсиз? Соғлигингиз, ишларингиз яхшими?

— Ҳаммаси жойида, Афиға. Агар ўша... таклифимга берган жавобингиз ўз кучида бўлса, сизни ҳам бу ёққа олиб келмоқчи-ман.

— Мен у ёққа боролармиканман? Ўзим шу ердаям бекиниб юрибман.

— Нега бекинасиз? Рұксатномангиз йўқми? Ё виза тартиби-ни бузиб қўйдингизми? Унда тезроқ юрга қайтиш керак. Кейин бу ердан сизга таклифнома жўнатаман. Қонуний яшаб. ишлаб шартнома муҳлати тугагач, Ватанг қайтамиз. Ҳоҳласак, шартномани узайтиришимиз ҳам мумкин.

— Таклифномани шу ерга жўнатсангиз бўлмайдими? Мен...

— Бўлмайди. Афиға, илтимос, тезроқ уйга қайтинг. Қайтган заҳотингиз менга қўнғироқ қиласиз. Хўпми?

— Майли...

* * *

«Нега, майли, дедим? У энди умид қилиб кутади. Уйга қайтишим хавфли-ку! Рұксатсиз, бошқа мамлакат орқали чиқиб кетганман. Аэропортда паспорт текшириш чоғида фош бўлиб қолишим тайин. «Одатда Дубайдан қайтаётган қиз-жувонлар аэропортдаги назорат пунктидан ўтиш чоғида паспортларининг ичига муайян миқдорда пул солиб узатишади,— деганди Шаҳром. — Ким беш юз, ким минг, ким ундан ҳам кўпроқ. Шунда силлиққина ўтиб кетишади. Лекин бунга ҳар доим ҳам юз фоиз кафолат йўқ. Назоратчиларнинг кўпчилиги пулни олмайди. Чунки уларнинг устидан ҳам назорат бор. Шунинг учун аёлларнинг деярли ҳаммаси қамалиб қолмаслик учун: «алдаб олиб кетишганди», деб, ўзларини оқлашади... «Зўр келса мен ҳам шунача дерман. Кетишум керак. Бу юришим бўлмайди. Бир кун мас бир кун текшириб, қўлга туширишади. Чегарадан қонуний қилиб чиқиб кетишум керак. Рамизнинг гапларига эътиборсизлик қилмаганимда ҳозир Яманда қонуний ишлаб юрган бўлардим. Кетаман, юрга бориб. Шаҳромни ҳам суриштиришим, топсам ҳол сўрашим керак. Қанақа одам бўлишидан қатъи назар менга ёрдам қилди. Қўлимга бир ҳамён ақча ташлаб кетди. Агар ўша берган пул бўлмаса Дўхадан чиқиб кетолмасдим. Қўлимда ўн минг долларча пул бор. Бир амаллаб юрга етиб олишим, унинг тақдиди билан қизиқишим, пулини қайтаришим шарт...

Шу тахлит Истамбулда бир ой тургач, баҳорнинг илиқ кунларидан бирида Афиға таваккал қилиб, юрга отланди. Шағиға хоним хўжайинининг таниш-билишларини ишга солиб, самолётга чипта олиш, аэропортдаги назорат постидан беғалва ўтказиш масаласини ҳал қилиб берди. Табиийки, чипта Ойнур Санарбоева паспортига ва тӯғридан-тӯғри Ўзбекистонга эмас, унинг яқинидаги қўшни мамлакатлардан бирига олинди. «Ўша ерга етиб олсам, бозорчиларга қўшилиб чегарадан бир амаллаб ўтиб кетаман», деб ўлади Афиға.

Унинг режаси оддий ва содда эди. Юрга қайтиб, Шаҳромни излаш, топиб, пулини қайтариш (ишлатилган беш мингни ҳам вақти келиб узажагини айтиш) ва Рамизнинг таклифномаси билан қонуний рухсат ва виза олиб, Яманга жўнаши керак...

Самолётга чиқиш, парвоз, тушиш. Бишкекда чегара божхона назоратидан ўтиш чоғида бирон-бир муаммо бўлмади. «Хайрият. Энди тезроқ Ўзбекистон чегарасига — Қорасувга йўл олиши керак».

Такси кира қилди. Йўл-йўлакай миясидан: «Ойнур Санарбоеванинг паспортини энди ташлаб юбориш керак», деган фикр ўтди. Машина деразасини тушириб, далага улоқтирмақчи бўлди. Ноғаҳон кўнглига бир гап келиб, фикридан қайтди. «Қорасувга борай-чи, бирон хилват жойга кўмиб кетаман...»

Кўнглига келган гап шу эдики, жонсиз бир қоғоз бўлса ҳам, ҳар қалай, яхши-ёмон кунларида ҳамроҳлик қилди, қанча ишларини битказди. Шунинг учун бефарқ улоқтириб юбориш яхши эмас. Елим қоғозга ўраб ҳурмат-иззат билан белги бир жойга кўмиш зарур. Қолаверса... яна керак бўлиб қолмайди, деб ким айтолади? Ёки ўзининг паспортини яшириб юрган жойга-корсетнинг жилдига буни солиб, чегарадан олиб ўтаверсинми? Йўқ. Бизнинг чегарачилар зийрак. Етти қават пўстингни текшириб, топиб олиши мумкин. Яхлиси шу ерга кўмиб кетиш керак...

Таксидан тушгач, дарё соҳили томон юрди. Кўздан панароқ жойдаги улкан бир тол дарахтининг тагини мўлжаллади. Тупроғи юмшоқ экан. Қўл билан кавлади. Тирноқлари синиб кетди. Ҳужжат ўралган халтачани кўмди. Ариқчада қўлини ювди. Кейин бозор сари юрди. Бозорчилардан бир-иккиси билан гаплашибди. Чегарадан айланма йўл орқали ўтиш имконини суриштирди.

— Айланиб ўтиб бўлмай қолган. Чегарачилар билан гаплашиб, пул бериб ўтса бўлади, — деди қирқ ёшлардаги бир аёл.

— Менинг паспортимда кириш рухсатномаси йўқ. Ўшанга... гаплашиб берасизми, ўзингизнинг хизмат ҳаққингизни ҳам берсан? — сўради Афифа.

— Майли, — деди аёл. — Бозорни қилиб бўлай, қараб туринг. Сиз ҳам ул-бул ҳарид қилинг. Бу ердаги кўтара бозор. Нарсалар арzon.

Афифа отасига акаси билан укасига кўйлак, онасига икки хил кийимлик мато олди. Нариёқдан кўтариб келган битта мўжаз бўғчаси, бозордан ҳарид қилган буюмлар солинган катта сумкани кўтариб, бозорчиларга қўшилиб, чегара томонга юрди. «Гаплашувчи» аёл Афифага далда берди:

— Пулни дарҳол чўзасиз. Ана шунда кириш рухсатномасини текшириб ҳам ўтирумайди. Дадил бўлинг.

— Хўп, — деди Афифа. Назорат жойига етгач худди келишилгандек, олдин воситачи аёл ўтди. Ўтиб бўлгач, назоратчилардан бири билан қисқача гаплашиб, Афифа томонга ишора қилди. Назоратчи бош иргади. Афифанинг паспортини қўлга олиб, ичидаги юз долларликни чаққонлик билан чўнтағига тиқиб, паспортга муҳр босишига чоғланди. Шу пайт сал нарида турган, унвони каттароқ бир ходим:

— Бир дақиқа! — деб қичқирди. Назоратчининг лаби гезарди. Афифанинг юраги шувиллади. Раҳбар ходим яқин келиб, назоратчининг қўлидан Афифанинг паспортини олди. Варақлади.

— Бунинг кириш печати қани? — деб сўради.

Афифа нажот излаб, назоратчига қаради.

Назоратчи елка қисди.

— Мен ҳам шуни сўраб турувдим, — деди.

Афифа индамай тураверди.

— Қани, буёқча юринг-чи! — таҳдидли овозда буйруқ берди раҳбар ходим.

«Тамом, энди қамашади», — даҳшат ичра ўйлади Афифа.

16

Инсон феъли, айниқса эркак қавмининг аъмолиу атвори нақадар ўзгарувчан. «Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди», деган гапни бу қавм ҳозир сира тап тортмасдан масхара қилиб гапиради: «Йигитнинг гули айтадиям, қайтадиям», дейди комил

ишонч билан. Нега шундай? Нега бугунги күннинг эркаги битта гапирмайды? Замона зайлыми бу? Еки ўзи асли ҳамма замонларда ҳам «бир сўзли йигит», деганлари фақат эртаклару китобларда бўлганми?

«Оқла, ўзингни мана шунаقا хом хаёллару пуч гаплар билан оқла энди, шоввоз», — деб ўйлаб ўтиради Субут. «Интерконтиненталь» ресторанинг киборлар учун алоҳида жиҳозланган қимматбаҳо хонасида Мирмаъди Саъдиев жанобларини кутиш баробарида.

Ул муҳтарам зот Франкфурт шаҳридан боягина учиб келди. Қизининг европача бекаму кўст жиҳозланган муҳташам хона-донида эмас, «Интерконтинентал»нинг олиймақом мөхмонлар истиқомат этадиган «Пентхаус» номерига қўнди. Субут Фариза хоним билан биргаликда аэропортга чиқиб, эъзозли мөхмонни кутиб олар экан, кўзларига ишонмади. Тунов кунгина, яъни нари борса бир ойча олдин ранги тунчироқ тусиға кириб, бир оёғи қабр лабига бориб қолган Саъдий ҳазратлари бугун қирқ ёшида қирчиллаган эркак сингари тик қомат, қизил юз, дадил қадам билан самолёт трапидан тушиб келди. Бу ҳол, ҳатто не-не антиқа воқеа-ҳодисаларни кўравериб, унча-мунча нарсадан ҳайратланмайдиган бўлиб, кўзи пишиб кетган Фаризани ҳам тонг қолдириди.

— Во-ой, дадажон, ўзингизми? — деб сўради у падари бузруквори билан енгилгина ўпишиб кўришиш асносида. — Кўз тег масин, соғайиб, яшариб кетибсиз!

— Айтганинг келсин қизим. — хотиржамлик билан Субутга ўгирилди Саъдиев. — Қани, Субутжон, келинг-чи, бир эркакчасига қучоқлашиб кўрнишайлик!

Субут бағрини ёзди. Фариза:

— Ўҳ-ҳў! — деб қўйди.

Субут Саъдиев билан охирги учрашувларидан сўнг гарчи Фариза: «немис врачлари ҳомила ҳужайраларидан тайёрланган дори ёрдамида даволашга киришишибди, айтишларича, янги кашф этилган ушбу малҳам инсонни камида ўн ёш яшартирас эмиш», деганига қарамай, «чолнинг заҳматкаш танаси ўз вазифасини деярли бажариб бўлган, энди ҳарчанд уринмасин, иккичу ойдан нарига бормайди», деган хulosага келганди. Аэропортдаги учрашув, бардам қучоқлашиш Субутнинг тасаввурини ўзгартиrolмади.

«Жон сүнги нафас олдидан охирғи күчларини түглаб яна бир бор қисқа бардамлик ҳис этади. Чамаси чол она юртга келиб, хотиржам, оёқ узатиб, жон бермоқчи», деб ўйлади у. Чолнинг:

— Мен хонага чиқиб, ювениб, кийиниб тушаман. Сизлар унгача ресторанда ўтириб турасизлар. — деган гапига жавобан:

— Йўлдан чарчаб келдингиз. Эҳтимол бугун дам олганингиз маъқуллар. — деда меҳрибонлик кўрсатмоқчи ҳам бўлди.

— Йў-ўқ, чарчаганим йўқ. Қолаверса, бўридай очман, — деди Саъдиев. — Ҳатто сиз билан эллик грамм ўзимизнинг «Қизил мусаллас»дан ҳам ичиш ниятим бор.

«Бугунги замон тибиёти чиндан ҳам мислсиз мўъжизалар яратишга қодир, — деб ўйлади шу топда Субут. — одамни онадан қайта туғилгандаи қилиб кўйиши ҳам мумкин... Фақат унинг феълини ўзгартиrolмайди. Яхшини ёмон, ёмонни яхши қилиб қўёлмайди. Феъл-автор ирсият билан боғлиқ, шекилли. Худо берган феъл-ҳуидан қочиб қутилолмайди ҳеч ким...»

— Нимага ўйланиб қолдингиз? — узун-узун чиройли киприк-ларини пирпиратиб сўради Фариза.

— Навбатдаги имтиҳон олдидан бўладиган одатдаги ҳаяжон, — Субут бу гапнинг киноя эмаслигини исботлаш учун, бармоқлари билан столни тиқирлатиб қўйди.

Эшикда икки соқчи йигит ҳамроҳлигидаги Саъдиев кўринди. Эгнида тахи бузилмаган қора кулранг костюм-шим, оқ кўйлак, қирмизи рангли бўйинбоғ.

— Қалай, кўринишим яхшими? — кулимсираб қизига қарди у.

— Кўз тегмасин, аълодан ҳам аъло! Шу туришингизни раҳматли ойим кўрганларида... рашки келиб, албатта жанжал чиқарган бўлардилар.

— Ҳа, жойи жаннатда бўлгур онаизоринг жудаям қизғанарди мени. Дарвоқе, тунов куни тушимга кирибди. «Тез орада кўришамиз, ёнингта бораман», десам, «Илтимос, шошилманг. Фариза болаларини оёққа турғазиб олсин», дейди. Худо раҳмат қилгурнинг нияти холис экан, врачлар қилган янгича муолажадан кейин ўзимни яна яхши ҳис қўйляпман.

— Қани марҳамат, — муҳтарам меҳмонга тўрдан жой кўрсатди Субут.

Саъдиев ўтириди. Субут соқчи йигитларни ҳам ўтиришга чорлади. Улар бирварақайига бош чайқашди.

— Кўяверинг. Субутжон. Улар ўзларини тик ҳолда яхши ҳис этишади,— деди Саъдиев.

Дастурхон четдан қараганда унчалик тўқис эмасди. Қизил ва қора икра, икки-уч хил қимматбаҳо балиқли газаклар, мева-чева ҳамда боя Саъдиев тилга олган «Қизил мусаллас»дан икки шиша қўйилган. Официант йигит чаққонлик билан улардан бирининг тиқинини суғуриб олди. Бели узун фужерларга қўйилган мусаллас чароғон қандил иурида ақиқдай товланди.

— Қани, жонажон юртда соғ-омон кўришганимиз учун! — қадаҳ кўтарди Саъдиев ва фужерни шунчаки лабига теккизди. Бир қултум ҳам ютгани йўқ. Субут бир кўтаришда қадаҳни бўшатди. Фариза бир қултум ютди. Кейин суҳбат бошланди. Саъдиев Субутнинг қўлидан ушлади.

— Таширифимнинг асл мақсади, аввало, сиздан узр сўраш, бўтам. Тунов куни шаштингизни қайтарганим учун ўзимни сира кечиролмайман. Сизларнинг севинч-шодлигингиз, аслида, ҳар қанақа иқтисодий даромаддан муҳимроқ. Фойда кўпроқ бўлмаса, озроқ бўлар. Шунга ҳам отагўри-қозихона қилиб ўтирамизми? Аммо-лекин акцияларингизни сотиш ҳақидаги тактифингизни қабул қилолмайман. Сиз билан биз энди бир оиланинг аъзолари бўламиз. Шунинг учун ҳар бир ишни биргаликда, бамаслаҳат қилишимиз лозим. Ўйларингиздан бирини болангизнинг номига ўтказиб берганингиз эса улуғ иш бўлибди. Фарзандга ғамхўрлик — биз учун муқаддас бурч. Аммо-лекин кейинги режангизни ўйлаб кўриш керак. Майли, мен сизга қишлоқда бизнес қўлманг, демайман, гарчи бундан бир иш чиқиши қийинлигини аниқ билсам ҳам, қилинг, аммо ўз номингиздан, ўзингиз бошида туриб қилинг. Ҳар қандай бизнесни ўзингиз бошида туриб қилсангизгина бирон иш чиқиши мумкин. Тўғри, укаларга ҳам ғамхўрлик қилишимиз, қўлдан келгунча ёрдам беришимиз керак. Лекин ҳозир сиз қилмоқчи бўлган иш уларга ёрдам эмас. даҳмаза бўлади. Улар сиз олиб берадиган ферманиям, фабrikаниям эплай олмайдилар. Бунга имоним комил. оқибатда сарфланган пул ҳавога учади. Фабрика синиб, банкрот бўлади. Қайтанга укангизни ҳозирги аҳволидан ҳам пастга тушириб, қарздор, қашшоқ қилиб қўйисиз. Ҳозир пулни қаерга уриш кераклиги ҳақида олдин етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, ҳисоблаб кўриб. кейин иш тутиш керак. Умуман, бугунги замонда ҳар бир қадамни ташлашдан олдин обдон ҳисоб-китоб қилган одам янглишмайди...

Саъдиев охирги жумлани айтар экан, Субутнинг кўзларига синовчан тикилди. Субут шамани тушунди.

— Бойнинг қизига уйланишдан олдин ҳамми? — деб сўради ярим ҳазил, ярим жиддий ва сурбетлик билан. Зеро, Саъдиевнинг юқоридаги гаплари унинг эйасини қотирганди. «Тунов кунгина «сиздай истеъодли, ақдли йигитни кўрмаганман», деб пахта қўйиб юрган одам, бугун «мендан берухсат бир қадам ҳам қўймаслигинг керак», демоқда. Бу қанақаси?

— Ҳа, — деди Саъдиев мутлақо жиддий оҳангда. — Тунов куни шу ҳақда гапиришга кайфиятим бўлмагани боис, шошмай туринглар, дегандим. Бугун мавриди келди. Гапираман. «Ҳисобли дўст айрилмас», деган гап бор. Бу — Шарқ донишмандларининг фикри. Қолаверса, ҳозирги замон Европасида «никоҳ шартномаси» деган тушунча мавжуд. Қисқаси, гап бундай: Мен ни-коҳларингга қарши эмасман. Айни пайтда никоҳ шартномасида бир масала аниқ белгилаб қўйилишини истайман. Яъни оила қурилгандан кейин ҳам ҳар иккингиз ўз мол-мулкингизга эга бўлиб қолаверасиз. Сиз яна ўйламанг, «хотинимнинг бойлиги мендан ўн марталаб кўп бўлса, мен унга қандай эрлик қиласман», деб. Фаризанинг қўлидаги сармояси ҳам сизнидан кўп эмас. Мен эса ўзимга тегишли бутун мол-мulkни невараларимга тенг тақсимлаб бериш ҳақида васиятнома ёзганман.

— Бундан кейин туғилажак неваралар-чи? — илжайиб сўради Субут.

Саъдиев киприк қоқмади. — Хотирингиз жам бўлсин, васиятимда улар ҳам ҳозиргилари билан тенг улуш олишади. Фақат меросга эгалик қилиш ҳуқуқи уларнинг ҳар бирига балогат ёшига етганидан сўнггина берилади...

Субут индамай Фаризага қаради. У елкасини қисди. Саъдиев гапини давом эттирди:

— Агар вазминлик билан, чуқур ўйлаб кўрсангиз, менинг қанчалик тўғри йўл туттанимни тушуниб оласиз. Субутжон. Биринчидан, бу сизнинг Фариза олдидага мутлақо тилингиз қисиқ бўлмаслигини таъминлайди. Яъни сиз унга мол-мulk илинжида эмас, муҳаббат туфайли уйланганингизни кўрсатади. Оилаларингиз ҳам фақат шу асосга қурилади. Иккинчидан, бу ҳақда сизга бошқа одамлар ҳам таъна қилишига йўл қўймайди. Учинчидан, менияна қанча умр кўрсам, қанча бойлик орттирсам, ҳаммаси сизларнинг фарзандларингиз учун бўлади. Сиз ҳам, Фари-

за ҳам мен ҳақимда: «үзи фойда олиб, бизни қул қилиб ишлата-япти», деган хаёлга бормайсиз. Ҳозирча учаламиз, аниқроғи, немис ошна билан биргаликда, тұрталамиз құшган улушларимизга яраша бақамти шериклик асосида иш олиб бораверамиз. Ҳар ким құйыдаги акцияларға қараб, үзига тегишли фойданы олаверади. Акцияларингизни сотиш ҳақидаги фикрингизни нега маъқулламаёттанимни әнді тушунған бўлсангиз керак.

— Мен акцияларимни сотгач, шунчаки... ёлланма раҳбар бўлиб ишлаш ҳақида ўйлаган эдим...

— Тушундим. Нега бундай қарорга келганингизни ҳам била-ман. Сиз: «Саъдиев қизи билан никоҳимизга қарши», деган фикр-га боргансиз. Шунга аччиқ қилгансиз. Аслида мен турмуш қуришларингизга ҳеч қачон монелик қилмаганман, қилмайман ҳам. Аммо истайманки, шу никоҳ мумкин қадар тенг томонлар-нинг иттифоқи бўлсин. Кейин... сиз ҳали бошқа ишларга ўтасиз, насиб этса, улушингиз эса қолаверади...

Субутнинг юзи жиддийлашди. Саъдиев оташин нутқини яна-да баланд пардаларда ва очиқ-ошкора мазмунда давом эттириди:

— Сиз ҳойнаҳои: «Саъдиев мени «давлат идораларига юқори лавозимга ўтказаман», деб алдаб юрибди, деб ўйлаётгандир-сиз. Унақа эмас. Ниятим холис ва жиддий. Ўзингиз ақлли йигит-сиз, тушунасиз. Бу сиз билан бирга менга, оиласизга ҳам жуда зарур, бу ҳақда илгари ҳам гаплашганмиз. Бизнесимизни ҳимоя қилиш учун керак. Депутат бўлсангиз, бирон вазирга ёки вилоят ҳокимига ўринбосар, ақалли бирон туманга ҳоким бўлсангиз, бизнесимизни ҳимоя қиласиз. Бу масаланинг бир томони, иккин-чидан, бизнесда улушингиз бор, молу давлатингиз етарли экани боис пора олмай, ҳалол ишлайсиз, обрў-эътибор орттирасиз, мавқеингиз янада ошади. Ҳам бойлик, молу давлат, ҳам мансаб-мавқе, ҳам обрў-эътибор ва шон-шуҳрат. Инсон учун бундан ортиқ баҳт бўлиши мумкинми? Нима дедингиз? Ё галларим нотўғ-рими?

— Тўғри. Аммо... бу Зуҳур Бузрукович, деганлари «сукажон-укајон», деб нуқул қуруқ ваъдадан нарига ўтмади. Ёлғончи, бетайин одам экан.

— Совфа-салом қилиб турибсизми?

— Ҳа, конвертга солнб, икки марта беш минг-беш минг кўки-дан ҳам узатдим. Нуқул: «Сиз шошманг, укајон, сиз ҳақингизда яхши режаларимиз бор», деб қўйиннни пуч ёнғоққа тўлдиради.

Кеча эшитдим: бошлиқларга ёқмай қолибди, яқин орада қүйироққа жүнатиб юборишармиш... берилған пуллар ҳайф кетади, шекиүли...

— Майли, хафа бўлманг, Зуҳур бўлмаса, бошқасини топамиз. Бу Зухур Заҳматтага ўшаган емхўрлар истаганча топилади. Мен эрта-индин бир-икки нозик одамлар билан учрашаман. Бир йўла уларни тўйга ҳам таклиф этамиз. Дарвоҷе, тўйни қаерда ўтказамиз? «Наврӯз»дами? Неча киши чақирамиз?

— Очиғи, ҳали ўйлаб кўришга ҳам улгурганимиз йўқ.

— Ўйланглар, ҳал қилинглар, эртага кечгача ҳаммасини аниқ қилинглар. Қачон, қаерда, қанча одам ва ҳоказо. Мен унгача дам оламан.

Саъдиев туриб кетди. Субут уни кузатиб қайтишгач. Фаризага қараб, кулимсираб кинояомуз гапирди.

— Мана, ҳаммаси беш дақиқада ҳал бўлди-қолди.

Фариза кинояни пайқади:

— Эътирозингиз бўлса, айтинг эди.

— Отангизга эътиroz билдириб бўладими, хоним, у киши темир мантиқ, қатъий хулоса билан гапирадилар.

— Ҳар ҳолда у киши сизнинг иззат-нафсингизни ҳурмат қилаётганларини инкор этмасангиз керак. Отам — мард одам. Буни, ҳатто душманлари ҳам тан олади. Бир пайтлар Зоҳидий деган бир корчалон чиқиб, у кишига зўрлик қилгач, финг демай хорижга чиқиб кетди. У киши менга: «ютқазишни ҳам билиш керак, қизим, бугун рақибимизнинг қўли баланд келди, биз мағлубиятни тан олиб, майдондан чиқиб кетамиз, айни пайтда ишонамизки, бу — охирги ўйин эмас», деган эди...

— Шу ўринда яна Муқимхонов эсга келяпти. — деди кулиб Субут. — Уни боя — отангиз гапираётган пайтдаям икки марта эсладим. Айтинг-чи, унга тегаётган чоғингизда ҳам отангиз боягидай очиқ-ошкор музокара юритган эдими?

— Йўқ. Чунки... Муқимхонов ўшанда майда амалдор эди. Амалидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган. Аслини олганда отам сиз билан музокара олиб бораёттанининг сабаби ҳам — шу: сизнинг Муқимхоновга ўхшашингизни истамаяпти. «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан» бўлсин, деяпти.

— Шунисига яна бир марта раҳмат! Хўш, энди мақсадга кўчайлик, тўйни қачон, қаерда қиласмиш?

— Сиз нима дессангиз шу.

— «Наврӯз»да! Камтарроқ. Икки юз чоғли одам чақырсақ етади.

— Маъқул...

Тўй. «Наврӯз» базмгоҳининг ўртача катталиқдаги хоналаридан бирида таҳминан икки юз киши йифилган. Фариза билан Субут тўрда саҳнасифат баландликда қўйилган стол атрофида ўтиришган бўлса-да, либослари ёш келин-куёвларницидан бошқачароқ: киборий давраларда кийиладиган расмий ва жиддий. Субутнинг эгнида тим қора костюм-шим, оқ кўйлак капалакнусха бўйинбог. Фариза узун заррин қирмизи кўйлак кийган. Давра аҳлининг барчаси тик оёқда, айримлари чеккароқдаги «швед столи»га уйиб қўйилган турфа овқатлардан кичик ликобчаларга солиб, тамадди қилишмоқда. Баъзиларининг қўлида фақат шампан шароби қўйнлган фужерлар. Официантлар фужерларнинг пайдар-пай янги ва тўлаларини тарқатишмоқда. Четроқдаги яна бир саҳнада санъаткорлар жамулжам. У қадар баланд бўлмаган майнин мусиқа янграб турибди. Адашмасак, «Тановар»нинг замонавий талқини. Тўйнинг олиб борилиши ҳам «аввалгиларга ўҳшамас» Косагули — муҳтарам Мирмаъди Саъдиевнинг ўzlари. Муқаддимада у саҳнадаги овоз кучайтиргич ёнига келиб, қисқагина ширин нутқ сўзлади:

Хонимлар ва жаноблар! Муҳтарам меҳмонлар! Ушбу даврага оиласизнинг энг яқин дўстлари ташриф буюришган. Уларнинг ҳар бири, аниқроғи, сизларнинг ҳар бирингиз юрагимизга яқин одамларсиз. Бугунги камтарона даврамиз боиси фақат фарзандларимиз Фаризахон ва Субутжонларнинг никоҳлари гина эмас, шунга алоҳида эътибор беришларингизни истар эдим, фақат шугина эмас. Айни пайтда Заркент туманидаги қўшма корхонамиздаги навбатдаги, аниқроғи, сўнги қувватлар ишга тушиши, яъни пахтани қайта ишлашдан бошлаб, тайёр маҳсулот — жаҳон бозорида рақобатбардош кийим-кечаклар тикилишига бўлган тўлиқ жараёнли яхлият тизимли ишлаб чиқариш мажмуининг фаолиятга киришишидир. Шуни аввалбошдан, алоҳида таъкидлашни истар эдимки, корхонанинг ишга тушиси ва қувватлари муттасил ошиб борувида қайта ишлаш саноати вазирлиги раҳбариятининг бевосига фамхўрлиги, ёрдамини ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа ҳис этиб турдик. Ўйлайманки,

ушбу корхонанинг тўла қувват билан ишлай бошлиши мамла-
катимиз иқтисодий тараққиётига камтарона ҳисса бўлиб қўши-
лади. Энди рухсатларингиз билан сўзни муҳтарам меҳмонимиз
— қайта ишлаш саноати вазири ўринбосари **Халил Ҳамидович**
га берсам.

Халил Ҳамидович бундай замонавий қўшма корхона бунёд
этгани учун Саъдиевга миннатдорчилик билдириди. Кейин ундан
қўшни туманларда ҳам ана шундай суперзамонавий корхоналар
бунёд этишни илтимос қилди.

— Ҳозирнинг ўзида кўпчилик олдида тантанали ваъда бер-
ман: яна битта туманда жунни қайта ишлаб, Европа технология-
си асосида мовут, тивит, кашемир сингари улуғсифат матолар
тўкиш, улардан энг сўнгти русмдаги пальтолар, костюм-шимлар,
жакетлар ва бошқа хил кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.
Яқинда Англиядаги ана шундай бир корхонада бўлиб, обдон
ўргандим, — деди Саъдиев.

Қарасклар, «браво-браво», деган олқишилар янгради.

— Ҳали бу ҳаммаси эмас, — дея сўзида давом этди Саъди-
ев. — Туркия ва Хитойда бўлганимда мол терисидан аъло си-
фатли, фоят юмшоқ чарм тайёрлаш технологияси билан қизиқ-
кан эдим. Қаранг, оддий мол терисининг етти қаватини ажра-
тиб олишар экан. Қойилмисиз, деб сўрашди. Шунда мен улар-
га: «бу технологияни бизнинг ота-боболаримиз беш юз аввал
кашф этишган, сизлар буни «Буюк ипак йўли» орқали бориб,
ўрганиб келгансизлар, дедим. Бас, шундай экан, биз бундай
технологияларнинг янада мукаммалларини яратишмиз керак.
Жаҳон олимлари ҳозир нанотехнологиялар устида иш олиб
боришмоқда. Дастлабки натижалар кишини ҳайратга солади.
Қисқаси, нанотехнологиялардан фойдаланган ҳолда терининг
етти эмас, ўн етти қаватга ажратадиган технология олиб ке-
либ, яна бир суперзамонавий корхона очиш ниятидаман... Худо
умр берсин!

— Офарин! Тасанно! Браво!

— Ҳа, дарвоҷе, келин-куёвга баҳт тилаш эсдан чиқай дебди,
— сўзининг охирида жилмайиб, қўшимча қилди вазир ўринбоса-
ри. — Ували-жували бўлинглар.

— Эски жувалими ё янги жувалими?

Ҳамма «ялт» этиб, луқма муаллифига ўгирилишди. Сўнgra
бир-бирларига «бу ким?» деган савол билан қарашди.

— Бу киши — Рашидjon Пўлатов, — деди Субут савол назарни билан қараган қайнотасига бироз гуноҳкорона нигоҳ ташлар экан. — Милиция ходими, менинг ўртоғим.

— Бунақа давраларда мелиса чақириш шарт эмасди-ку. — деди Саъдиев газабини ҳазилга айлантиришга уриниб. — Устига-устак фаросати ҳам камроқ экан. Сўз ўйини қилмоқчи эмиш бу киши...

— Узр, ўзим ҳам пушаймонман, уни таклиф этганимга, — деди Субут. Чиндан ҳам Пўлатовнинг «эски ва янги» ҳақидаги қочирими унга ҳам ботиб кетган эди.

Бу орада Пўлатов қўлидаги шампан тўла қадаҳни кўтариб, келин-куёв томон юрди. Яқинлашиб келар экан, йўл-йўлакай Саъдиев билан қадаҳ уриштиришга ҳам улгурди. У ўлганининг кунидан илжайди.

— Қизғин қутлов ва самимий тилакларимизни қабул қилғайсиз, жаноб Субут! — деди Пўлатов қадаҳини узатар экан.

— Раҳмат, — деди Субут ўрнидан туриб, у билан қадаҳ уриштирап экан.

— Бир дақиқага четроққа чиқайлик, — деди Пўлатов унинг қўлтигини олиб.

— Тинчликми?

— Тинчлик. Аслида... бу хабарим билан тўйингиз куни кайфиятингизни бузмоқчи эмасдим. Лекин кейинчалик «нега айтмадинг», деб хафа бўлиб юрмаслигингиз учун айтишга мажбурман.

— Хўш-хўш!

— Афифа Зокирова қўшни мамлакатдан қайтиб келаётib, «чегарани ноқонуний бузиб ўтгани учун» қамоққа олинган.

— А? Нега?.. Ҳа-а! Демак... охири яна... қамалиби-да. «Тинмасанг-тинарсан», дегани шу бўлади. Нодон аёл. Эҳ, нодон аёл... Хўш, мендан нима ёрдам керак?

— Билмадим. Унга энди... ҳеч биримиз ёрдам беролмасак керак. Бошқа давлат, хорижий мамлакат...

— Ҳар қалай сиз ўз йўналишингиз бўйича бир ҳаракат қилиб кўринг. Агар харажати бўлса, мен кўтараман.

Пўлатов индамади. «Ҳайронман, нима қилиш мумкин», деган маънода қўлларини ёзиб, бошини чайқади. Нари кетди. Субут ўйланди. «Яхши бўлмапти...» Кейин чалғиди. Меҳмонлардан бири келиб, қўлини сиқиб табриклади. Сўнгра яна бири. Учин-

чисининг олдига Саъдиевнинг имоси билан ўзи борди. Ўрта ёшлардаги узун бўйли салобатли одам. Мўйлови қораю қуюқ сочлари оқ. Тиржайиб, масхараомуз оҳангда қутлади:

— О-о, қандай юксак баҳт, Мирмаъди Саъдиев оғанинг шахсан ўзларига куёв бўлмоқ шарафига ноиллик! Күёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган. Иқболингиз кулади энди, шоир!

— Бу ёғи кўпроқ сизга боғлиқ энди, Марат ака,— деди Саъдиев ёши ўзидан анча кичик одамга хушомад қилиб.— Бир ҳиммат қилсангиз... умрбод хизмат қиласди.

— Албатта, албатта,— деде яна тиржайди оқсоч қорамўйлов арбоб.— Бир ҳимматга минг ҳиммат. Бир туз еган жойга қирқ йил иззат-ҳурмат. Хўп доно ҳалқимиз бор-да, қаранг, зўр гаплар айтиб қўйган. Нақадар шоирона ва ҳимматли!

Субут уни қайда кўрганини эслашга тиришди. Э-э, ҳа-а, Зуҳур Бузруковичнинг олдига борганида кўрган. Ўшанда у Заҳматовнинг хонасига кутилмагандан кириб келди. «Ассалому алайкум, Марат Ҳайбаровиҷ», деб ўрнидан сапчиб турди Зуҳур Бузрукович. «Амали юқорироқ шекилли», деб ўйлади Субут ҳам оёққа қалқиб. Марат Ҳайбаровиҷ Субутга эътибор ҳам қилмай, Заҳматовга қандайдир топшириқ бериб чиқиб кетди. Ҳозир у ўша учрашувни эсларканми? Эсламаса керак.

— Анови... Зуҳурбой укамиз «ундоқ қилодирмиз, бундоқ қило-дирмиз», деб анча югуртирибди у кишини,— деди Саъдиев.— Мен уни бунақа деб ўйламагандим.

— Биз ҳам ўйламагандик. Энди ўйлашга мажбур бўлдик. Туманга ишга жўнатишга тўғри келди. Майли, ҳеч қиси йўқ. Күёвтўра «асал ойи»ни тугаллагач, менга бир учрашсин. Хўпми, шоир?

— Хўп бўлади,— деди Субут. Саъдиев Субутга қараб пастроқ овозда, аммо Марат Ҳайбаровиҷ эшигадиган қилиб:

— Марат оғанинг сарполарини шахсан ўзингиз машиналари-га чиқариб қўйинг,— деди.

— Э-э, шартмиди шу, Мирмаъди оға?— деди илжайиб меҳмон.— Биз қуруқ келдик, қуруқ қайтиб кетаверсак ҳам бўларди-ку.

— Қуруқ, дейсизми?— сўз ўйини қилди Саъдиев.— Қуруқ келган бўлсангиз... Сиздай одамнинг қуруқ келишининг ўзи олий шараф. Шунинг учун биз ҳам сизни қуруқ, яъни қуруқли қилиб жўнатишимишиз шарт! Ҳе-ҳе! Қалай асқия, зўр чиқдими?

— Аъло! — деди Марат Ҳайбарович. — Эса... ўша... атаганингизни тезроқ чиқартириб юборинг, қора «БМВ» машинасида келганман. Номерини биларсизлар? Биз яна ўн беш дақиқалардан сўнг кетишимиз керак. Мажлис бор.

— Хўп бўлади, Марат ака, — деди Субут. Саъдиев унинг қулоғига: «конвертни костюм-шимнинг чўнтағига солиб қўйинг», деб шипшишти ва Марат Ҳайбаровични қўлтиқлаб, нарироқдаги меҳмонлар гуруҳи сари бошлаб кетди. Субут эса (дастёр) йигитлардан бири билан бирга «сарпо»ни олиб чиқиб бергач, Фариза нинг ёнига қайтди.

— Нега мендан: «Энди баҳтлимисиз?» деб сўрамаяпсиз? — савол билан кулиб қаршилади Фариза.

— Аксинча, сиз мендан айнан шундай савол сўрашингизни кутяпман. Чунки қишлоқлик камбағалнинг ўғлига турмушга чиқаётган бойвучча қиздан ҳеч ким бунаقا деб сўрамайди.

— Майли, унда сўрай қолай: баҳтлимисиз?

— Саволингизнинг жавобини ўзингиз яхши биласиз. Сиздай ақлли, билимли, бой-бадавлат ва, ҳатто гўзал аёлга уйланишдан кўра юксакроқ баҳт борми бу оламда??

— Ўйлайманки, бу баҳтнинг қадрига етасиз?

— Яъни?

— Яъни, менга ҳеч кимни шерик қилмайсиз. Шундайми?

— Тўй куни шу гап керакми, Фариз?

— Ие, тўй куни ваъдангизни олмасам, ҳачон оламан? Қисқаси, гап битта: барча «дугона»ларингизни ҳам, анови... «ягона»нгизни ҳам энди бутунлай эсдан чиқарасиз. Вассалом! Илгари мен сизга хўжайнлик қилолмасдим, чунки никоҳда эмасдик, шунчаки шерик... ҳамкор... ва ҳамсар эдик, — кулиб унинг гапини давом эттириди Субут. — Мана энди никоҳдаги хотинимсиз, энди хўжайнлик қиласиз.

— Албатта, қиласман! Энди рўзгоримизга ҳаром аралашмаслиги керак. Акс ҳолда турмушдан ҳам, ишдан ҳам барака кетади.

— Майли, бугундан эътиборан содиқ қулингиз бўлишга тайёрман, — деди Субут Фаризанинг елкасидан авайлабгина қучиб қўяркан. — Аммо қарс икки қўлдан чиқар эмиш.

— Мен ҳам сизга садоқатли чўри бўлишга тайёрман.

— Ўҳӯ! Қандай ажойиб! Марат акамиз айтганларидек, нақадар шоирона ва ҳикматли. Беҳисоб бойлик қучогидаги қул ва чўрининг қайноқ ва садоқатли муҳаббати.

— Нима, бой одам қул ёки чўри бўлолмайдими, қадимда қанча-қанча подшоҳ шоирларимиз ўз маъшуқаларига: «қулингман», деб ғазаллар ёзишган-ку!

— Тўғри айтасиз. Шунаقا бўлган. Бу ҳақда ҳали кўп гапиришамиз. Ҳозир рухсатингиз билан тўйимизда иштирок этаётган журналист дўстлар билан бир саломлашиб, уларга миннатдорчилигимизни билдириб қўйсам. Майлими?

— Майли, боринг.

«Сўз», «Овоз», «Нутқ», «Вақт» газеталари бош муҳаррарирлари бир даврада туришар, қўлларидаги қадаҳларни бот-бот сипқоришиб, қизғин суҳбатлашишар эди. Субут бир пайтлар ўзини фельветон қилган бош муҳаррирнинг қўлини биринчи бўлиб қисди.

— Раҳмат! Раҳмат! — деди такрор-такрор. Кейин бошқалари билан сўрашди. Сўнгра нарироқда турган эски қадрдонлари Арслон, Абди ва яна аллакимлардан табрик қабул қилди. Шу тахлит тўйхонани бир қур айланниб чиқди. Тўй эса сокин, Айни пайтда юксак бир ҳашаматли оҳангда давом этар эди.

Тўйнинг эртасига келин-куёв Анталияning Мармар денгиз соҳилидаги муҳташам оромгоҳларидан бирига жўнаб кетишиди. Йигирма кунлик гаштли ҳордиқ ҳамда висол онларидан сўнг ортга қайтишиди. Қайтиб келган кунларининг эртасига Субут Марат Ҳайбаровичнинг ҳузурига йўл олди. Муфассал суҳбатдан сўнг бир ҳафта ўтгач. Субут Сокин қайта ишлаш саноати вазирининг ўринbosари лавозимига тайинланди. Аммо...

Ушбу қувончли воқеадан икки кун олдин Мирмъадибой, Субут ва Фариза иштирокида нохуш бир суҳбат бўлди. Суҳбатни ўша куни, чамаси айни шу суҳбатни ўюштириш мақсадида маҳсус учиб келган Саъдиев жаноблари бошлади.

— Бир-бирингизга нақадар муносиб, ярашиқли бўлибсизлар, кўз тегмасин илоҳим. — деди у. — Фариза қизим ҳам охири мақсадига эришиди. У ҳамиша истеъоддли ва билимли, ўзидан ҳам ақллироқ эркакка тегишини орзу қиласади.

— Фаризахоннинг ўзи ҳам ақл-фаросат бобида мана-ман деган эркаклардан пешроқ, — деди Субут.

— Балли! Лекин сиз ундан ҳам ақллисиз. Эркакнинг ақли хотинидан зиёда бўлган оила умрбод мустаҳкам ва тўқис яшайди.

Үйлайманки, икковларинг ақл билан яшаб, менинг фикримни тасдиқлайсизлар. Хүш, энди... мақсадга күчсак. Эрта-индин сизни... Марат чақириб, юқори бир лавозимга тавсия этади. Биласиз, сизни текширишади. Чунки давлат хизматындағи одамнинг орқаси тоза бўлиши керак. Шунинг учун бизнес билан боғлиқ ҳамма ишларни Фаризанинг номига ўтказиш керак. Акцияларни ҳам. Янги ҳаётни оппоқ, топ-тоза саҳифадан бошлаганингиз маъкул. Сиз қўрқманг. Фаризанинг номидаги мулкларнинг ярми ҳар қандай ҳолатда ўзингизга тегишли ҳисобланади. Мен яхши мутахассис-ҳукуқшуносларга тайинладим. Шу бугуноқ тегишли ҳужокатларни расмийлаштиришади. Маъкулми?

— Маъкул, — деди Субут. Ҳаёлидан эса: «яна ҳамма молу давлатдан айрилиб, икки қўлим тепамда бўлиб қолмасмикан ишиқилиб», деган фикр беихтиёр ўтди.

17

Рашид Пўлатов эрталаб кеча тунда Ямандан учиб келган Рамизни севинчли хабар билан қарши олди.

— Худо деган йигит экансиз, укабой. Парвардигор мушкулингизни осон қилди Афиҳон бир ойлик ҳибсдан сўнг бутун эрталаб озодликка чиқди. Ҳозир Андижон шаҳрида меҳмонхонада ўтирибди.

— Ростданми, ака, э, хайрият-е, қанақа қилиб қутулди экан? Сиз ёрдам бердингизми?

— У ёгини суриштириб ўтирунг. Ҳозир битта таксини ёллааб, водийга жўнанг. Андижонга бориб, манови телефона қўнғироқ қиласиз. Мұҳаммаджон Алижонов деган майор ўртоғимнинг телефони. Унга мендан қуюқ салом ва катта раҳмат айтасиз.

— Хўп бўлади, ака, — деди милиция бўлтимидан отишиб чиқиб кетди Рамиз.

— Қайтиб келганларингдан сўнг қўнғироқ қиласиз, бирон кафеда ўтириб, «озодтию»ни ювамиз. — деди ортидан Пўлатов.

Уч кундан сўнг Рамиз, Пўлатов ва Афиға шаҳар марказидаги «Яхши ният» қаъвахонасида бирга тушилик қилишди.

— Вақтим зиқ, бир соатдан сўнг кетишим керак. — деди Пўлатов улар билан сўрашгач, соатига қараб.

— Миннатдорчилек билдиргани келдик. Сизга мингдан-минг раҳмат, Рашид ака, — деди Рамиз. — Мұҳаммаджон ака ҳамма-

сини айтиб берди. Афифани озод қилишга катта ёрдам берибсиз. Сиз энди менинг қиёматли акам бўлиб қолдингиз...

— Менинг ҳам, — деди Афифа. Кейин соддалик билан қўшимча қилиб: — Милиция ходимлари орасида ҳам яхши одамлар, ҳақиқий инсонлар жуда кўп.

Пўлатов кулиб юборди. Кейин жиддийлаши:

— Афсуски, ҳамма ҳам шундай деб ўйламайди. Чунки ҳаётда бунинг акси ҳам учрайди.

— Йўқ, мен ҳамкасларингиз орасида фақат яхши одамларга дуч келдим. Раҳматлик Мўмин акани танирдингиз шекилли, ажойиб инсон эди.

— Яқин дўст бўлганмиз...

— Муҳаммаджон дўстингиз ҳам, қисқаси, ҳаммаларингиз яхшисин...

— Ишқилиб бундан кейин ҳам доимо шу фикрда бўлинг, Афиfaxон. Адашманг...

— Энди адашмайди, — деди Рамиз ишонч билан.

— Бундан кейин режалар қанақа? — ўсмоқчилади Пўлатов ер остидан Афифага разм солиб. — Рамизбой Ямандаги контрактингиз икки йилликмиди?

— Ҳа, ака, ҳали асосий қисми олдинда. Тез орада қайтиб кетишими керак.

— Афиfaxонни ҳам олиб кетасизми?

— Буни... яқин кунларда ҳал қилиш ниятидамиз. Ҳозир эса Афифанинг сизга бир илтимоси бор экан...

— Хўш-хўш, агар қўлимдан келса, бажонидил.

— Шаҳром ака, деган бир одам... Тахминимча, у Олчахон билан бирга судланган. Ўша киши билан учрашиш имкони борми-йўқми — билмоқчи эдим.

— Ҳа-а, шунақами? Шаҳром ўн ўйил олган. Холангиз билан дугонаси ҳам ҳали-бери озодликка чиқишмайди. Эшитгандирсиз?

— Эшитдим...

— Шаҳром билан учрашишингиз шартми? У бир... халқаро жинноятчи бўлса... Яхшиси телефон орқали боғланинг. Шунга ёрдам беришм мумкин.

— Йўқ, ўзини кўрмасам бўлмайди.

— Унда... Мен гапиришиб кўриб, сизга телефонда хабар қиламан. Демак, хабарлашамиз, мен кетдим.

- Рашид ака, шошманг... яна бир кишини...
- Пўлатов тўхтади. Афиғага ҳайрат билан қаради:
- «Амир» — Мирпўлатними? Наҳотки... у билан ҳам алоқани узмаганмисиз? Мен сизни тушунолмаялман...
- Бу охирги учрашув бўлади, Рашид ака, — деди Афиға. — Мен у билан умрбод хайрлашмоқчиман.
- У ҳолда Муқимхонов, Субут Сокинлар билан ҳам учрашарсиз?
- Йўқ. Улар билан учрашмайман. Мен айтган одамларимни топишга ёрдамлашсангиз бас.
- Майли. Мен унисиниям, бунисиниям топиб бераман ва умид қиласманки, ҳар иккиси билан учрашувингиз — чиндан ҳам охиргиси бўлади. Энди синглим, манови йигитнинг этагини маҳкам ушланг. Бундай мард инсонлар ер юзида бармоқ билан санаарли.
- Мақтовни ҳаддидан ошириб юбордингиз, Рашид ака, — деди Рамиз ўйғайсизланиб.
- Айтганингиздай бўлади, — деди Афиға.
- Хайр!
- Пўлатов эртасига ёқ Рамизга қўнғироқ қилди.
- «Амир» билан Муқимхонов Жанубда, Шаҳром эса Шимолда жойлашган ахлоқ тузатиш колонияларида экан. Иккаласи мамлакатнинг икки томонида, оралиғи салкам минг километр,
- деди Рашид. — Ҳар иккаласининг раҳбариятига қўнғироқ қилиб қўйдим. Қисқа муддатли учрашувга рухсат беришади. Манзилларини ёзиб олинг...
- Раҳмат, ака!
- Қуруқ раҳмат билан қутилмайсиз Тўйға таклиф этиш эсдан чиқмасин.
- Албатта, ака. Энг азиз меҳмонимиз бўласиз.
- Аввал Шаҳром акани кўрайлик, — деди Афиға.
- Майли, — деди Рамиз.

Поезд фидиракларини бир маромда «тақа-тақ, тақа-тақ» қилиб, олға интилади. Шинам иссиқ купеда Афиға билан Рамиздан ташқарн сийрак соқолли бир қорақалпоқ чол билан кампир бор. Дераза тирқишидан ҳамалнинг илиқ шабадаси, чўл ўт-ўланларининг ва намхуш тупроқнинг қоришиқ ҳиди уфуради.

— Келинди бир саяхат қылдирив келейн, депсизде, жигит, —
гап қотди қария Рамизга.

— Ҳа-а, — деб құяды Рамиз. У Афиғанинг тұлишиб, ҳомиласы сезилиб қолған жисміга разм солған күйін үй суради. Хаёлида Қорасувдан қайтаёттанды мәхмонхонала үргаларида бўлган илк суҳбат жонланади.

— Афиға, азизим, мана, ниҳоят учашдик. Худога шукр. Аммо... Нега ўшанды... унақа қылдингиз?

— Ўзим ҳам билмайман. Шайтон йўлдан урдими, миям айниб қолдими... аччиқ қилдим, шекилли...

— Нега аччиқ қиласиз? Кимга? Нима учун?

— Ўзимга-ўзим ҳаётда сира омадим келмагани учун. «Кам бағалнинг ови юрса ҳам дови юрмайды», деганлари рост экан. Бугун ҳаётим давомида омад, муваффақият шундоққина ёнимга келади-да... ушлайман, деб кўл узаттаним ҳамон қочиб кетали. Ўшанды касалхонадан чиққанимдан кейин... хўжайним билан (Афиға Субут акам, демади) ярашиш имконияти пайдо бўлди. Ҳатто... бирга яшай ҳам бошладик. Мен «мана, энди ҳаммаси яхши бўлади», деб ўйладим. Лекин бир лаҳзада ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди. Шунда аччиқ устида... нотўғри қарорга келибман. «Ҳали ўшман, ҳусним бор, хорижга борсан шундан фойдаланиб, бахти яшайман», деган аҳмоқона хаёлга бордим. Аммо янглишганимни даров тушундим.

— Майли, Афиға, ўксинманг, ҳаммаси ўтиб кетди. У нутинг, ҳаётни бошидан бошлаймиз.

— Бунинг иложи бормикан?

— Нега? Нега унақа дейсиз?

— Ўша... кетиш олдидан. хўжайним билан учрашганимизда ҳомиладор бўлиб қолған эканман. Тавба, доим аксига олади. Олдин шунча пайт бирга яшаб... бўлмаганди. Кейин атиги бир марта учрашгандик...

Рамиз бир муддат жим қолди. Саросималанди. Афиға буни сезди.

— Рамиз ака, сиз ҳойнаҳой мени ёмон аёл, деб ўйляяпсиз, йўқ, ишонинг, «нарёқда» ҳеч ким билан... яқинлашганим йўқ. Менга ўша ёққа олиб борган одамнинг ўзи ёрдам қилди. Худонинг ўзи ўша одамнинг юрагига раҳм-шафқат солған. Акс ҳолда у мени олиб бориб, сотиб юбориши керак бўлган. У эса мени қутқарди. Қўлимга пул ҳам берди. Шўрлик мени халос қилиб,

ўзи қамалиб кетди. У мени яхши кўриб қолган экан. Лекин қўлини ҳам теккизмаган. Шаръий никоҳ ўқитиб, қонуний қилиб, уйланмоқчи эди. Гарчи мен розилик берган эмасдим. У «Европага кетамиз, энг бой, чиройли мамлакатда яшаймиз», дерди. Ҳомиладор эканимни унга ҳам айтгандим. У бундан хурсанд бўлган. «Болангизга оталик қиласман», деганди. Ишонинг. мен унга розилик берган эмасман. Лекин бу ҳақда унга очиқ айтолмасдим ҳам. Мавриди келса тушунтириб, узр сўрайман, деб ўйлардим...

— Менга ҳам мавриди келса тушунтириб, узр сўрамоқчими-сиз? Очиғини айтаверинг, — сўради Рамиз тушкун овозда.

Энди Афифа ўйланиб қолди.

— Сизни у одам билан таққослаб бўлмайди. Сиз... сиз ҳам ҳаётда ёмонлик кўрмагансиз, оғир зарбаларга учрашмагансиз. Илойим ҳеч қачон учраманг. Сиз фақат яхшилик қилишни била-сиз. Сизнинг юрагингиз, меҳрингиз дарёга ўхшайди. Мен сизга жон-жон, деб розилик бераман. Бир умр садоқатли чўрингиз бўла-ман. Аммо... кейин пушаймон қилмайсизми? Қиз олмадим, деб ўкинмайсизми? «Уйланмаган йигит, қорнида боласи бор, бетай-ин бир аёлга уйланди», деган фийбатларга чидай оласизми? Шу мени иккилантиради...

— Ҳеч нарсани ўйламанг. Менинг қарорим қатъий. Акс ҳолда дарагингизни эшиттан заҳоти хориждаги даромадли ишимни таш-лаб, чопиб келмасдим. Болангизни бундан кейин менинг болам, деб айтаман. Сиз ҳам шундай деб айтинг. Унинг отаси — мемман. Гап битта. Тушунарлим? Субут Сокин яқинда Мирмаъди Саль-диеvнинг қизига уйланди. Буни эшиттанимисиз-йўқми, билмадим. Ҳуллас, у кишини энди бугунлай унугинг. Умуман, ўтмишингиз-га каттакон нуқта қўйиб, ҳаётни қайтадан, нолдан бошлаймиз. Шунга тайёрмисиз?

— Тайёрман. Фақат бир киши, йўқ икки одам билан учрашиб, сўнгра ота-онамнинг розилигини олишимиз керак.

— Ким экан ўша одамлар?

— Бирини айтдим: Шаҳром ака. Яна бири оиласизга кўп ёрда-ми теккан, акамнинг ўргоги — Мирпўлат ака. Иккаласи ҳам қамоқда.

— Бўпти. Учрашиш керак бўлса, учрашамиз. Ота-онангизнинг розилигини ҳам оламиз. Муҳими — ўзингиз чин юракдан розилик берсангиз бас.

— Розилик бераман, — деди Афифа. Шунда Рамиз биринчи бор унинг билагидан ушлади. Афифа индамасдан унинг кўксига бош кўйди. Кўзларидан оқаётган ёшни яширишга уринди. Рамиз унинг соchlарини, елкасини силади ва:

— Энди йўлга чиқайлик, — деди...

Купе эшиги қия очилиб, проводникнинг бошн кўринди:

— Чой дамлаб берайми?

— Жудаям зўр бўларди, — деди қария.

— Қорами, кўкми? — сўради проводник.

— Кўк бўлсан, айланай. — деди кампир. Кейин Афифага ўгирлиб: — Ё сиз қора ичасизми, қизим? — деб сўради.

— Менга фарқи йўқ, холажон, — деди Афифа, у гоҳ Рамизнинг ўқтам чеҳрасига гоҳ деразага боқиб, хаёл сурини ўтиради. Ўша куни: «Субут Сокин Саъдиевнинг қизига уйланди, буни эшитдингизми-йўқми, билмадим», деган гап Афифани сескантириб юборган бўлса-да, ўзини бепарво тутди. «Охир оқибат шундай бўлиши табиий эди», дея тинчланишга уринди. Ҳолбуки, у Фаризанинг кечмиши ҳақида кўп эшитган ва Саъдиевнинг бойвучча қизи Субут билан шунчаки дилхушлик қилиб юрибди, тез орада бошқасини топиб, ундан воз кечади, деган фикрда эди. Шу топда Субут акасига ачинди. «Ишқилиб у киши ҳам Муқимхонов сингари батамом бузилиб кетмаса гўргайди», деган иштибоҳга борди. «Илоҳим ундаи бўлмасин, майли, шу аёл билан баҳтга эришсин», дея дуо қилди. Ҳозир поезд ичиди (ўтириб, ўша дуосини такрорлади: «Эй Парвардигор, мен унинг баҳтли бўлишини хоҳлайман», — дея пичирлади лаблари.

«Муассаса»га етиш учун поезддан тушишгач, йўловчи машинада яна анча йўл босишга тўғри келди. Теварак — бийдай саҳро. Лекин баҳор оғушидаги ям-яшил, чиройли гулларга бурканган форам шабадали чўл. Узоқ-узоқларда қўй-қўзилар, эчки-улоқлар ўтлаб юрибди. Яна унда-бунда сигирлар, йилқилар кўзга ташланади. Чўпон қўралари, яккам-дуккам уйлар. Теваракдаги бепоёнлик, гўзаллик ва сокинлик юракка ором беради.

«Учрашувлар» хонасидаги қисқа суҳбат анча оғир кечди. Шаҳром аввалига Афифани кўриб ўзида йўқ севинди.

— Сиз омон-эсон қайтиб, мени топиб келдингизми-а? Довюрак аёл экансиз. Қойил! Ўзим ҳам сизни шундай деб ўйлагандим, — деди.

— Қутилиб келишимда сиз күрсатган ёрдам сабаб бўлди, — деди Афифа.

— Холангиз билан Олчахонимнинг ҳам қамалганидан хабарингиз бўлса керак. Саккиз йилдан олишиди.

— Ҳа-а, эшитдим, — деди Афифа. — Уларни ҳам бир кўриб хабар олишим керак.

— Ҳожати йўқ, — деди Шаҳром қатъий қилиб. — Уларга энди яқинлаша кўрманг. Қамоқда ҳам, озодликда ҳам уларни энди бутунлай унутинг, агар иложи бўлса. Холангиз бўлса ҳам... агар энди одам қатори яшайман, десангиз, ундан воз кечинг. Акс ҳолда номингизга тавқи лаънат, шармандалик тамғаси ёпишади. Ундан бир умр қутууломмайсиз. Менинг сизга маслаҳатим — шу. Дарвоҷе, Пўлатов деган милиционерга, Арслон Ҳошимов, деган прокуратура ҳодимига ҳар қанча миннатдорчилик билдирангиз арзиди. Улардан сизни тергов ва судга чақирилмасликларини илтимос қўлгандим. Сўзимни ерда қолдиришмади.

— Ҳа, улар яхши одамлар. Ҳаётда яхши одамлар ҳам кўп, — деди Афифа. — Сиз ҳам улардан бириксиз.

— Мени қўяверинг...

Афифа Шаҳромнинг кўзида ёш қалқиётганини кўриб, гапни дарҳол бошқа ўзанга бурди:

— Бу киши — Рамиз ака...

Шаҳром Рамизни дарров эслаганди. Дубайдаги учрашув кўз олдига келди. Фашланди. Киноя қилиб, ўсмоқчилаб гапирди:

— Келасолиб... турмушга ҳам чиқишга улгурдингизми?

— Ҳали улгурмадим, — деди қизариб Афифа. — Мана, энди сиз оқ фотиҳа берсангиз...

— Шошилаётганингиз йўқми ишқилиб? — сўради яна киноя билан Шаҳром. — Нарёқдаги гаплар, режалар бошқача эди...

— Вақти келиб... мени тўғри тушунасиз, деб ўйлайман, — деди Афифа.

— Унда нега келдингиз? Мени... таҳқирлаш, юрагимни эзиш учунми? — дея кутилмаганда кўзлари жиққа ёшга тўлди Шаҳромнинг.

— Шаҳром ака, ўша ёқда ҳам айтувдим. Сиз менинг қиёматли акамсиз. Мени... қанча бало-қазолардан қутқардингиз. Шунинг учун сизни кўргани, ҳол-аҳвол сўрагани ва... манови омонат пулнингизни олиб келдим. Бир қисмини заруратта ишлатдим. Вақти келса, унисиниям қайтараман.

— Керак эмас! Ҳеч қанақа пулнинг кераги йўқ! — деди Шаҳром.

— Унақа деманг. Бу — сизнинг пулингиз. Шусиз ҳам сиз мендан фақат зарар кўрдингиз.

Кейин Шаҳром юмшади. Рамизга бир қараб олгач:

— Биламан... бола отасиз ўсмаслиги керак. Лекин бу йигит сизни хор қилиб қўймасмикан ишқилиб? — деди.

— У ёғидан хотирингиз жам бўлсин, — деди Рамиз.

— Майли, бахтли бўлинг, — деди Шаҳром Афифага қараб.

— Лекин пулни ололмайман. Бу ерда сақлашнинг иложи йўқ. Бирон банкка... қўйинг. Соғ-саломат қутилиб чиқсан, қайтариб берарсиз. Чиқмасам... болангизга ишлатарсиз...

— Бирон яқин одамингизни айтсангиз, ўшанга берсан бўлмасмикин? Биз яқинда яна хорижта жўнаб кетмоқчимиз.

— Менинг ҳозир сиздан бошқа яқин одамим йўқ, — деди Шаҳром яна кўзларида ёш филтиллаб.

— Майли, унда банкка қўйиб кетаман. Чиққанингиздан сўнг оласиз, — деди Афифа.

Шаҳром индамади. Улар унсиз хайрлашдилар.

— Насиб этса ҳали яна келамиз, — деди Рамиз Шаҳром билан ораларида ҳосил бўлган тараангликни юмшатиб. Шунда Шаҳром унга қўлини узатди. Рамиз унинг дағал бармоқларини маҳкам қисиб қўйди.

Афифа билан Рамиз ўша куниёқ тунги поезд билан ортга қайтишди.

* * *

Иккинчи учрашув ҳайратомуз тасодифлар билан кечди. Аввало Афифа билан Рамизни одатдаги одми ва жўн «дийдорлашув» хонасида эмас, алоҳида дид билан жиҳозланган, тўкин дастурхонли, таъбир жоиз бўлса, ҳурматли меҳмонлар учун мўлжалланган «ташрифхона»га бошлаб киришди. Кейин бу хонага Мирпўлат... Даврбек Муҳимонов билан биргаликда кириб келди. Иккаласининг ҳам вақти чоғ, гавдаси тўлишган, қип-қизил қон томай, дейди. Билмаган одам ҳар иккисини ҳибсда эмас, мижозлари кучайтирилган рацион асосида боқиладиган маҳсус санаторийда ҳордиқ ёзяпти, деб ўйлаши мумкин. Ҳар иккиси меҳмонлар билан чеҳрасини очиб, қўл бериб кўришишди. Ортиқча саволлар бериб бошларини ачитишмади. Чамаси бунинг асосий

сабаби — Афифанинг тулишиб, юкли экани сезилиб турган қомати эди. Улар масала аллақачон ҳал бўлган, шунчаки Афиға Мирпўлатта нисбатан иззат-икром жонидан, унинг оқ фотиҳасини олиш учун келган, деб ўйлашди.

— Сиз бу ерда мени ҳам учратаман, деб сира ўйламагандирсиз? — деди Даврбек.

— Ҳа, — деди Афиға. Чиндан ҳам у Муқимхонов билан кўришишни хаёлига ҳам келтирмаган. Мирпўлатни эса «аччиқлансанса, тихирлик қиласа керак», деб ўйлаганди. Акси бўлиб чиқди. Мирпўлат бироз маъюслик билан бўлса-да жилмайиб. Афифанинг қарорини маъқуллади:

— Тўғри қилибсиз. Сиз бахтли бўлишингиз керак. Бахтли бўлмаслигингиз мумкин эмас.

Муқимхонов эса ўз феълига хос қитмирлик ва баландпарвоз гап билан Рамизни огоҳлантириб қўйди:

— Сизга билдирилган ишончни шараф билан оқлаш учун кучгайратингизни аямаслигингиз керак.

— Хуллас... биз, яни Даврбек оға ва мен бундан буён сизнинг йўлингизга тўғаноқ бўлмасликка қарор қилдик, — деди Мирпўлат Муқимхоновдан паст кетгиси келмай чиройли гапиришга уриниб. — Ёшлар — келажагимиз эгалари. Уларнинг унибўсишлари, Ватанимизга муносиб фарзандлар тарбиялашига ҳеч ким тўсқинлик қиласлиги зарур. Аммо... Даврбек ака антганидай... манови дўстимиз сизнинг барча орзу-умидларингизни ушалтиради, деб ишонамиз.

Ҳар иккиси Афифанинг ҳайратланганини сезиб туришар, аммо «талабгор ошиқлар» сафини бу қадар тез ва осонлик билан тарқ этишлари боисини изоҳлашни исташмасди. Чунки ҳар иккисининг юрагида «ажабмаски, бир кун келиб...» деган илинж ҳанузтирик эди. Учрашув арафасида улар ўртасидаги сокин, айни пайдада зимдан ўта кескин кечган мунозарада ҳам бу яққол сезилган эди.

...Муқимхонов уч кун аввал «Амир»ни ўз барагига «бир пиёла чой»га таклиф этиб, дарҳол мақсадга кўчди:

— Эшлитишимга қараганда... Афиға Зокирова сизни кўргани келаётган эмиш...

— Ҳа, — деди Амир. — Мени, Мирпўлат — «Амир»ни кўргани келяпти, оға. Шунинг учун... бу масалада ўртамизда бирон-бир англашилмовчилик бўлишини истамасдим.

— Үнда нега менга бир оғиз айтмадингиз? Ҳар қалай мен ҳам Афиfaxонга бегона эмасман.

— Энди бегонасиз.

Мұқимхонов күлді:

— Сиз унинг үйланмаган ёш бир йигит билан севишганини, унга тегмоқчы эканини, түйдан кейин улар хорижга жұнаб кета-жакларини эшитмагансиз, чоги?

— А? Қанақасига? — бўғини бўшашиб кетди «Амир»нинг. Кейин беихтиёр гудранди у. ... Биз бошқача ваъдалашган эдикку...

— Менга қаранг, дўстим. У ваъдаларнинг энди қиймати қолмади. Сизнинг қамоқдан чиқишиңгизни кутиб, соchlари оқарип кетади-ку. У ҳам одам, орзу-ҳаваси бор. Агар уни чиндан ҳам яхши кўрсангиз, йўлига тўсиқ бўлманг. Эрга тегсин, бола-чақа кўрсин. Биз қутилиб чиққунча, эҳ-ҳе, қанча сувлар оқиб кетади. Мард бўлайлик. Хўпми?

Амир аввалига Мұқимхонов бу фалсафий гапларни ўзи Афиғага етиша олмаслиги тамоман аниқ бўлгани боис айтяпти, «ҳамонки менга бўлмас экан, бунга ҳам бўлмасин», дея қизғанчилик қиляпти», деб ўйлади.

— Майли, ўйлашиб кўрармиз, — деб чойни ҳам ичмасдан кайфияти бузилиб, чиқиб кетди. Туни билан ўтганиб чиқди. Зеро, уни озод ҳаётга чорловчи милтираб турган бир йўлчи юлдуз эди Афиға. «Озодликка чиқсан, у билан турмуш қуриб, умримнинг қолган қисмини сокин ва ҳаловат ичра ўтказаман», деб хаёл сурар эди. Айнан шунинг учун ҳам икки марта «қонундаги ўғри» мақомини олишдан бош тортди. Ҳатто... «қамоқдалик чоғида Афиға биронтаси билан юрган бўлса ҳам ахир у ҳам инсон-ку, кечираман», деган мардона хаёллар суриб юрар эди. «Гарчи у мактубимга ёзган жавобида мени умидвор қилмаган, ҳеч қандай ваъда бермаган. Зеро, у мени севишга, мени кутишга мажбур ҳам эмас. Бир пайтлар, қизалоқ чоғида севги хати ёзган бўлса ёзган-дир-да».

Узоқ ўйлади. Тонга яқин: «Мард бўл, Мирпўлат, гулдай бир ёш жувоннинг, бунинг устига ўзинг севган кишининг умрини куйдирма, сен ҳали бу ердан чиқасанми-йўқми, чиққанингдан кейин эса Худо пошшо», деб ўзини тинчлантириди ва уйқуга кетди. Эртаси кечқурун Мұқимхоновни қозонхонада ош қилдириб, «зиёфат»га чақирди.

— Мен сиз билдирган таклифни қабул қилдим, — деди у. — Аммо... озодликка чиққанимдан кейин ўша үйланмаган йигит унн бахтли қилолмаганига амин бўлсам, тортиб олмайман, деб ваъда бермайман.

Муқимхонов оғзи тўла ош кулиб юборди:

— Сиз... олдин чиқинг бу ердан, «Амир»бой.

— Чиқаман, албатта чиқаман...

...Афиға иккиси билан ҳам қўл қисиб хайрлаши. Хайрлашар экан, ногаҳон нимадир эсига тушди.

— Мирпўлат ака, мени ҳалокатдан сақлаб қолган бир киши бор. Исли — Шаҳром. Агар иложи бўлса, шу одамга қўлларинингиздан келгунча ёрдам берсаларингиз миннатдор бўлардим. Тўғри, у ҳаётда кўп айб қилган. Лекин тақдир зарбаларига чидаолмагани учун қилган. Илтимос, шу одам хор бўлиб кетмасин.

— Бўпти, Афиға, унга қўлимиздан келгунча ёрдам қиласиз. Қиласиз-а, Давр ака?

— Албатта, — деди Муқимхонов юзига жиддий тус бериб.

Шундан сўнг Афиға билан Рамиз шаҳарга қайтиб кетиши.

* * *

— Энди қишлоққа, онанинг олдига борамиз, — деди Рамиз.
— Сизни у кишига таништириб келаман.

— Йўқ, мен ҳозир... онангизнинг олдига боролмайман, уят бўлади, — деди Афиға. — Урф-одатларимизга тўғри келмайди.

— Қанақа урф-одат, биз замонавий одамлармиз-ку, — Рамиз қўлинин силтади. — Парво қилманг.

— Сиз, яхшиси, бориб, онангизни олиб келинг. Шаҳарни томоша қилдиринг, бир йўла бизни таништирасиз.

Рамиз бир зум үйланди.

— Вақт зиқ-ку. Аммо-лекин сиз айтган фикрда ҳам жон бор. Онагинам ҳам бир шаҳарни томоша қилсин. Мен эртага, узоғи билан индин қайтаман...

Рамиз ўша куниёқ кечки поезд билан жўнаб кетди. Афиға: «мен ҳам яна қишлоққа ўтиб келсаммикан», деб ўйлади. Тунов куни борганида отаси: «бироз мазам бўлмаяпти», болам, деганди. «Дорига», деб онасиға анчагина пул ташлаб келганди. Йўқ, яхшиси, Рамиз қайтиб келгунча сабр қилиб туриш керак. Бирйўла бирга бориб, розиликларини олиб келишади.

— Ота-оналаримизнинг розиликларини олгач, шаҳарда қариндошлари, дўстларни йигиб, кичик бир ўтириш қиласиз, — деди кеча Рамиз. — Тўй, ёр-ёр, чимилдиқ, паранжи, «юз очар», «келин кўтар» деган нарсаларнинг ҳожати йўқ.

— Сиз нима дессангиз — шу, — ўйчанлик билан маъқуллади Афифа. — Ишқилиб, бир кун келиб сени чимилдиқча олиб кирмаганман, — деда таъна қилмасангиз бўлди.

— Афифа, қўйинг унақа гапларни, ҳаммасини гаплашганмизку...

Ҳозир Рамизни вокзалга жўнатиб, ижараҳонага қайтар экан, Афифа яна шу ҳақда ўйлади. Ҳозир қони жўшган, кўзига ҳеч нарса кўринмайди, қулогига ҳеч гап кирмайди. Демак, вақти келиб...

Шаҳарга биргаликда қайтиб келганининг биринчи куни ёк Рамиз уни ўзи вақтинча яшаб турган ётоқхонага олиб бормоқчи, дарҳол муродини қондирмоқчи бўлди.

— Эрта-индин ЗАГСдан ўтамиз-ку, раъйимни қайтарманг, жудаям... соғиниб кетганман, — деди у.

Афифа бош чайқади.

— Ношаърий иш қилмайлик. Ҳаммаси ҳалол-покиза бўлсин. Ахир, тузук одамлар каби турмуш қурмоқчимиз-ку. Шундай эмасми?

Рамиз қизарди, ўнғайсизланди. Узр сўради. Сўнгра танишларига қўнғироқ қилиб, ёлгиз бир ўрис кампирнинг уйидан ижарага хона топди ва қош қорайганда Афифани элтиб қўйди.

Ўрис кампир очиқ қўнғилли, дали-гули экан. Уларнинг турмуш қуриш арафасида эканликларини билиб Рамизга ҳазиллашди:

— Севги-муҳаббат ўз йўлига, аммо ЗАГС қофозини кўрсатмагунича қизимнинг олдига киргизмайман. — Сўнгра: — Ўзи... сал шошиб қўйибсизлар, — деди Афифанинг қорнига ишора қилиб.

— Эртага эрталаб келаман, — деди ерга Рамиз гапни бошқа томонга буриб.

— Раҳмат, мени тўғри тушунганингиз учун, — деди Афифа ва Рамиз кетганидан сўнг ярим тунгача уни ўйлаб, меҳри ийиб ўтириди.

«Ўйлаганимдан кўра ҳам ҳалол-покиза, мард йигит экан. Гапларимни диққат билан тинглайди. Нотўғри гапириб қўйса, астойдил ўйғайсизланади, уялади, кечирим сўрайди. Шундай йи-

гитта тегмасам, кимга тегаман? Ахир, бу чеккан азобларим эвазига менга Аллоҳимнинг юборган туҳфа эмасми?»

Ана шу ўйлар таъсирида эртаси куни эрталаб Рамизни жилмайиб гул-гул очилиб, яшнаб кутиб олди.

— Шу... ўзингизми? — сўради Рамиз ҳайратга тушшиб. Чунки у Афифани биринчи марта яхши кайфиятда кўриши эди.

— Нимайди? — уялинқираб сўради Афифа. — Бироз пардоз қилгандим... Ярашмайдими?

— Аксинча, шу қадар ярашганки... Мен сизни танимай қолдим. Худди ўн етти ёшли қиздек чиройли бўлиб кетибсиз.

— Йў-ўғ-е, энди чиройли бўлиб қаерга борардим, — деди Афифа беихтиёр кофтаси остидан дўппая бошлаган қорнига кўз қирини ташлаб...

Ҳозир йўл-йўлакай яна қорнига ўқтин-ўқтин қараб келди. «Яққол сезилиб қолибди. ЗАГСдагилар ҳам кулишса керак. Кулишса-кулишар. Энди нима бўлса ҳам тезроқ ЗАГСдан ўтиш керак. Болам... никоҳсиз туғилмасин...»

Рамиз эртаси куни кечқурун онаси билан бирга қайтиб келди. Ярим оқшом қўнғироқ қилиб:

— Эртага тушликни бирга қиласиз, бирон ресторанда, — деди.

— Яхшиси шу ерга келинглар, мен ош дамлайн, — деди Афифа. — Бабуля билан чиқишиб кетдик. Инжилмайди.

— Бу ҳам яхши фикр, — Рамизниң овозида хурсандлик сезилди. — Онажонимга пазандалик санъатингизни ҳам кўрсата-сиз.

Афифа тонг саҳар туриб бозорга чопди. Ош харажатларини қилиб келди. Сўнgra бабуляга:

— Жудаям азиз меҳмонлар келишади, — айбга буюрмайсизда, — деди.

— Нега айбга буюрарканман, азиз меҳмонни биргалашиб кутамиз-да, — у хушчақчақлик билан кейин томогига чертиб қўйди: — Шу баҳонада «қитдай-қитдай» торгамиз. Мазза қилиб, яйраб ўтиришамиз...

Не афсуски, яйраб ўтиришнинг иложи бўлмади. Рамизниң онаси — эллик-эллик беш ёшлардаги оддий, тўпори қишлоқ аёли — Афифанинг дўппайган қорнига кўзи тушган заҳоти ҳурпайиб олди. Бошда ўзини мажбурлаб, жилмайиб кўришган бўлса-да, кейин қовоқ солиб ўтирди. Ошни истар-истамас еди. Хайр-маъзурни тил учида қилди. Ҳолбуки, кеча йўлда Рамиз ҳаммасини

тушунтирганди. «У аёл. Сиз айтаётган онаси ўпмаган қызлардан ҳам минг чандон аъло,— деганди у.— Фақат ҳаётда алданган. Ёмон одамлар қўлига тушиб, сарсон-саргардон бўлган...»

Рамизнинг хатоси — онасиға Афифанинг бўйида борлигини айтмагани эди. Шу боис она бу ҳолатни ҳам, шубҳасиз, «ёмон одамларнинг қўлмиши», деб тушунди ва «нега энди менинг уйланмаган гулдай пок ўғлим, кенжатойим кимлардир алдаб, бўғоз қилиб, ташлаб кеттган хотинга уйланар экан», деган ўжар норозилик заптидан қутилолмай қолди.

— Мени тезроқ жўнатиб юбор. болам. — деди у Рамизга қатъий қилиб. — Катта бир рўзгор қаровсиз қолиб кетмасин.

Рамиз кайфияти бузилиб, индамасдан онасини етаклаб чиқиб кетди.

— Барибир кўндираман, — деди кечқурун у қайтиб келиб. — Кўнмай нима иложлари бор. Яшайдиган мен-ку.

Маъюс гаплашиб ўтирган пайтларида Афифанинг қўлидаги телефони безовта жиринглади. Акасининг овозини таниб, юраги шувиллаб кетди.

— Иложи бўлса, тезроқ етиб кел, отамнинг тоблари бўлмай қолди, — деди у.

Афифанинг кўнгли нохуш воқеа юз берганини сезди, ранги оқариб кетди. Рамизга қаради.

— Нима гап? Тинчликми? — сўради у.

— Отам... Тезроқ бормасам бўлмайди...

— Мен... бирга бораман.

Машина кира қилиб. Бекатга йўл олишди.

Қўёш кўтариlmай етиб келишди. Ҳовли тўла одам. Ичкари уйдан йиғи товуши эшитилади. Афиға нима бўлганини энди аниқ билди. Ҳўнграб, ичкарига отилди. Рамиз эшик ёнидагилар қаторида тикка қолди. Шу тахлит жаноза ўқилиб, майитни темир йўл ёқасидаги қабристонга кўмиб келгунларича кўпчилик қаторида бўлди. Бирор ундан «сен кимсан?» деб сўрагани йўқ. Қабристондан қайтиб, фотиҳа ўқилганидан сўнг бир йигит келиб, енгидан тортиб, ичкари ҳовли томон имлади. Рамиз ўша томонга юрди. Бошига оқ рўмол ўраб, эгнига мовий мотам либосини кийган кўзлари йигидан қизарган Афиға чиқиб келди.

— Сиз энди кечикмай... кетақолинг, — деди у. — Ишларингиз бордир.

— Ҳа, кетишим керак. Эртага эрталаб нарёққа қўнгироқ қилиб, яна бир неча кун жавоб сўрамоқчи эдим, — деди Рамиз.
— Икки кундан сўнг келаман. Якшанба куни. Ўша куни худойи экан.

— Майли, — ерга қаради Афифа.

Рамиз кетди. Якшанба куни келиб:

— Тўрт кун мобайнида етиб бормасам... контракт бузилар экан, — деди тушкун кайфиятда. — Катта жарима тўлашга тўғри келади. Нима қиласай?

— Албатта етиб боринг, — деди Афифа.

— Режамиз нима бўлади?

— Режами. Режа... бир гап бўлар...

— Менинг бир мўлжалим бор. Бугун кечқурун шаҳарга қайтсак-да... эртага ЗАГСдан ўтсак. Мен эртага билет олиб, индин жўнаб кетсан... Нима дейсиз?

— Онангизни норози қилиб, турмуш қурамизми? Нима деган одам бўламиз?

— Ҳозирча ақалли... ЗАГСдан ўтиб қўймасак бўлмайди, — деди Рамиз. — Онамни кейин албатта кўндираман. Тушунинг, ҳозир... болангизни... ёруғ юз билан туғиб олишингиз керак. Келишдикми?

— Майли...

Кечқурун шаҳарга бирга қайтиши. ЗАГС душанба куни ишламас экан. Сешанбага қолди. Ўша куни минг азоб-уқубат билан Рамиз сешанба кечқурунга билет харид қилди. Шу куни Яманнинг ўзига учувчи самолёт бўлмагани боис Коҳирага олишга тўғри келди. Сешанба эрталабдан «Никоҳ уйи»га бориши.

— Афсус, бугун қилиб беролмайман, — деди ЗАГС мудираси куттилмаганда. — Узр, бизда текширув келиб қолди. Қондага биноан бир ойдан сўнг келасизлар энди.

— Ахир... ахир ваъда бергандингиз-ку, жон опа, рози қиласман, оғзингизга сиққанини айтинг. Мен ахир бугун кечқурун учиб кетишим керак.

— Илтимос, шовқин кўтарманг, текширувчилар қўшни хонада ўтиришибди. Ҳеч қанақа рози қилишнинг кераги йўқ. Бир ойдан кейин келасиз, вассалом!

— Шошганда... шунақа бўлади доим, — деди Афифага гуноҳкорона мўлтираб Рамиз. — Энди нима қиласиз?

— Майли, шошмайлик, сиз учиб кетаверинг, бир ойдан кейин келолсангиз...

— Албатта, келаман! Майли, опа, сизга ҳам гап тегмасин. Роппа-роса бир ойдан сўнг келамиз...

«Никоҳ уйи»дан чиқиб, Рамизнинг ётоқхонасига бориши. Юкларини йифиштириб, хайр-хўашлашиб, Афифанинг ижаҳахонасига йўл олдилар. Маълум бир ҳолатда суҳбатлашиб ўтириши.

— Ҳеч кетгим келмаяпти. — деди Рамиз. — Худди кетсам... сиз билан қайтиб учрашолмайдигандек бўлаяпман.

— Кўйинг, ёмон хаёлларга бормант. Албатта, учрашамиз. ЗАГСчи опага «бир ойдан кейин албатта келаман», дедингиз-ку.

— Самолёт оқшом ўнда учаркан, сиз чиқиб юрмант. Қайтишда кеч қолиб кетасиз.

— Ҳавотирланманг. Ҳозир уловлар туну кун тўхтамайди.

Кейин яна у ёқдан-бу ёқдан анча гапиришишди. Бир маҳал Рамиз ботинқирамай Афифанинг қорнига ишора қилди.

— Ҳали... вақт кўпми?

Афифа маъюс кулимсираб, соатига қаради. Кейин сакраб ўрнидан турди.

— Унга вақт кўп, лекин самолётингиз учшига кам вақт қолганга ўхшайди.

— Ҳа-я! Дарвоқе!

Шоша-пиша кўчага чиққанларида Рамизнинг самолёти учшига бир соат вақт қолган эди. Юкларини олиб аэропортга жўнашди. Етиб келганида рўйхатдан ўтиш охирлаб қолган экан. Рамиз улгурди. Чипта ва ҳужжатларини узатиб, Афифага ўғирилди.

— Мен... бориб, сизни чақириш учун ҳужжат тўғрилайверман. Бир ойдан сўнг учиб келаман. Никоҳдан ўтган заҳоти жўнаб кетамиз. Агар сизни олиб кетишимга бирон нарса монелик қила-диган бўлса, рухсат ололмасам... ҳаммасини йифиштириб, қонунга тўғрилаб, қайтиб келаман. Шу ерда бир кунимизни кўрармиз. Нима дедингиз?

— Шошилиб, нотўғри иш қилиб қўйманг, — деди Афифа. — Боринг-чи, шароитга қараб иш тутарсиз.

Рамиз бироз журъатсизлик билан бўлса-да, биринчи бор уни бағрига босди. Шоша-пиша юз-кўзларидан ўпди.

— Хайр, азизам!

— Яхши боринг...

Рамиз самолётта чиқиб, ўрнига жойлашган заҳоти кўзидан тирқираб ёш чиқди. «Ҳаёт мен ўйлагандан кўра мураккаброқ экан», — ўйлади алам билан. — Шунча йил куттаним, сабр қилганим эвазига шу гал ишим тезроқ ҳал бўлиб кетиши мумкин эдик, ахир. Нега тақдир бунчалик шафқатсиз, синовлари бунчалик қаттиқ?!..»

Ўша куни онасини қузатиш чоғида эшигтан дашномларни қулоги остида такрор жаранглади: «Агар шу ташландиқ аёлга ўйланадиган бўлсанг, у дунё бу дунё рози эмасман!»

Шу оғир гапдан сўнг ҳам Афиғани «Никоҳ уйи»га етаклаб борди. Унга берган сўзининг устидан чиқмаса бўлмасди. «Онам барибир кечиради», деб ўйлади. ЗАГС мудирасининг бир ҳафта олдин берган ваъдасини бажармай, тутун қайтаргани аламини олти қилиб юборди. Ҳамма режа-мўлжаллари чиппакка чиқиб кетди. Энди нима бўлади? У ёқдагилар бир ойдан сўнг яна жавоб беришадими? «Нима, иш сенга ўйинчоқми?» дейишмайдими? Бошқа мамлакат, бегона одамлар бўлса. Ногаҳон кўнглидан бир гап ўтди: Ё Афиғага уйланишини Худонинг ўзи хоҳламаяптими? Унда нега бошда уларни рўбарў қилди? Нега Рамизнинг юрагига аввал ачиниш, раҳм-шафқат шаклида бўлган, кейин енгиб бўлмас иштиёқга айланган туйғуни солди? Ё синааб кўрмоқчи бўлдими? Аллоҳнинг бандасига юборадиган синовлари турфа, дейишади. Гоҳ у молу давлат шаклида, гоҳ азоб-уқубат, гоҳ ногаҳоний муҳаббат... Нима бўлгандаям Рамиз Афиғани учраттани, у туфайли юрагида илк бор ҳақиқий муҳаббат пайдо бўлгани учун парвардигорга минг бор шукrona айтади. Чунки шу пайтгача қанча-қанча қизлар билан танишган, сұҳбатлашган, ҳатто бир-икки марта учрашувларга чиққанида юраги «ожиз» этмаган. Афиғани эса бир кўрди-ю... худди у билан умрбод таниш бўлган-дек ҳис этди ўзини... Шу чоққача муз бўлиб ётган кўксида бирданига эрувгарчиллик бошланди. Дийдаси юмшаб кетди. Беҳуш ётган бемор тепасида туриб илк бор кўзидан бир томчи ёш сизиб чиқди. Унинг соғайиб кетишини Худодан астойдил тилади. Ўзи эса қўлидан келган бутун илму амалини қўллаб, туну кун ёнидан жилмади. Оғир аҳволдаги касал яхши томонга ўзгариб, ўнглана бошланганини кўрганида яна кўзига ёш келди. Бу севинч ёшлиари эди. Умуман, Рамиз Афиғани учратганидан бери севинса ҳам,

ўқинса ҳам кўзига ёш келадиган, чуқур ҳаяжонга тушадиган бўлиб қолган. Жисмида ҳам, руҳида ҳам туб бир ўзгариш юз берганини ҳис этиб: «чин севги дегани шу эмасми?» — деб ўйлади. Лекин чин севгининг кўзи кўр, қулоғи кари бўлишини англаб, бунинг нақадар мураккаб синовларга дучор этишини кўриб, энди аламли ҳайратларга тушмоқда. «Ўша «Никоҳ уйи» мудирасининг текширувчиси ақалли бир кун кейин келақолса бўлмасмиди? Ё Афифа айтганидай: «тақдирнинг ҳукми шундайми? У бизларнинг қовушишимизни истамаяптими ростдан ҳам?

«Рамиз ака, тушунинг, сиз ёшингиз анча бўлса ҳам уйланмаган бўйдоқ йигитсиз, қиз олишингиз керак. Ҳаёт қонуни, аждодларимиздан қолган урф-одат шуни тақозо этади. Акс ҳолда бир кунмас бир кун пушаймон қиласиз. Ҳозирги, эҳтирос, ҳис-ҳаяжон пайти келиб босилади. Ҳоврингиздан тушасиз. Бунинг устига дўст бор, душман бор, олдингизда бўлмаса, орқангдан ғийбат қилишади, устингдан кулишади. «Шунаقا бир аёлни олди, шу билан яшаб юрибди», дея таъна, масхара қилишади. Ўшанда... айрилишими жудаям оғрикли бўлади. Яхшиси ҳозир, ҳали кеч бўлмай туриб, айрилиб кетайлик...» «Мен ҳеч қачон сиздан айрilmайман. Сизни ҳеч кимга алишмайман». «Бу ҳаёт мураккаб. Рамиз ака, ҳеч нарса деб бўлмайди».

Шунда Рамиз ўйламай бир гап гапириб юборди. Бу гапи хато бўлганини эса анча кейин англади.

«Мен то тирик эканман, сиздан бошқа ҳеч кимга қайрилиб қарамайман. Бу — ойнадай равшан. Қуёшнинг Шарқдан чиқиши каби аниқ!..»

* * *

— Ассалому алайкум!

Ногаҳон қулоғида янграган қўнғироқдай майнин овоз хаёлларини ўқеган қушнинг патидай тўзғитиб юборди. Рамиз нигоҳини самолёт илломинаторидан узиб, овоз келган томонга ўтирилди. Тепасида чамаси йигирмадан эндингина ошган, ўта замонавий кийинган, кўзига қора кўзойнак таққан қиз туради.

— Жойимга ўтирсам майлимни? Менинг ўрним дераза ёнида экан. Ёки... ўтираверасизми?

— Сизнинг жойингизга ўтириб олибманни? Узр. Марҳамат. ўтинг.

Рамиз ўрнидан туриб, қизни ўрнига ўтказди.

— Безовта қылғаним учун кечирасиз, — деди қыз ўрнига ўтириб, күзидан күзойнагини олгач. Рамиз унинг оппоқ юзи, тим қора күзлари ва сочларига дастлаб лоқайд қўз ташлади-да:

— Ҳеч қиси йўқ. Ҳижолат бўлманг — деди. Бу орада Рамиз-нинг чап ёнбошига тилидан хорижлик экани сезилиб турган яна икки ҳамсафар келиб ўтирди.

— «Боинг-747» самолёти титраб-титраб кўкка интилди. Керакли баландликка чиқиб, енгил суза бошлагач, йўловчилар снгил тин олишиди.

— Сиз ҳам... Кизил денгиз соҳилига, дам олгани кетяпсизми? — гап қотди қиз.

— Ким? Менни? Мен... Мисрга эмас... Яманга боришим кепрак. Шунақаси учишга тўғри келди, — жавоб қайтарди Рамиз хаёлчан. Кейин бирдан кинояномуз ўйлади: «Бизга ҳали... қизил денгизга бориб дам олишга йўл бўлсин». Шу ўй таъсирида паришин ҳаёлларини йиғиб, қизга синчиклаб разм солди. «Қизил денгизда дам оладиган бу бойвучча ким экан?»

— Сиз... ўша ёққами?

— Ҳа.

— Бир ўзингиз... Ёш қиз... дадил экансиз.

— Бир ўзим эмас. Онам дугонаси билан уч кун олдин учиб кетишган. Улар мени Коҳира аэропортида кутиб олишади. Мен охирги имтиҳонни кеча топширдим. Шунинг учун сал кечикиб қолдим.

— Институтдами? Қайсисида, агар сиз сир бўлмаса?

— Иқтисодиёт университети магистратурасида ўқийман. Иккинчи курс.

— Ў-ӯ, бўлажак иқтисодиёт вазири...

— Мен илмий ишга қизиқаман. Келажакда институтда ё коллежда исламоқчиман, диссертация ёзиш ниятим бор.

— Бу ҳам... ҳавас қилса арзийдиган орзу.

— Ҳали шунчаки орзу. Уни рўёбга чиқариш учун кўп меҳнат қилиш керак.

— Ҳа-а, демак, онангиз, дугонаси, сиз, кўчилик бўлиб дам олар экансизлар-да. Онангиз ҳам камида фан номзоди бўлса керак?

— Йў-ӯқ, у кипши тадбиркор. Тижорат билан шуғулланади.

— Хориждан мол олиб келиб сотадими?

— Йўқ. Ўзи олиб келмайди. Олиб келиб берадиган «кўтарачи»лар бор. Онам бир нечта дўкон очган.

- Нима сотади? Кийим-кечакми?
- Ҳа, кийим-кечак, электроника, рўзғор буюмлари.
- Дугонаси ҳам тижоратчими?
- Йўқ, дугонаси олима. Бизнинг университетда ишлайди. Иқтисод фанлари доктори Норгули Носировна Ҳожибекова, балким эшитгандирсиз?
- Эшитмаган эканман. Отангиз нима иш қиласди?
- Отам... отам онам билан ажрашиб кеттанида опам уч ёшда, мен бир ёшда бўлганман. У киши бошқа шаҳарда яшайди.
- Хабар олиб турадими? Касби нима?
- Касби шофёр. Автобус ҳайдайди. Йилда бир-икки келиб, опам ва мен билан учрашиб кетади. Ўзининг оиласи, болалари бор.
- Ҳа-а, ҳаёт мураккаб. Онангиз... сизларни оёққа турғазиш учун бошқа турмуш қўлмабди-да?
- Қилган. Яна икки марта эрга теккан. Икки марта ҳам яшаб кетолмаган. Охири ўзини тижоратга уриб, шундан барака топди. Опами, мени ўқитди. Опам тиббиёт академиясини битказган. Тиш доктори. Тиш поликникасида ишлайди. Икки йил олдин турмушга чиқди. Битта ўғилчаси бор.
- Ўзингиз-чи? Ўзингиз ҳали турмушга чиқмадингизми?
- Мен ҳали ўқияпман-у! Турмушга чиқиш бўлса, қочмас.
- Қочади-да! Мана, мен ҳам сизга ўхшаб «ўқияпман-у уйланиш бир гап бўлар», деб юравериб, ўттиздан ошиб кетдим.
- Ие, ҳалиям уйланганингиз йўқми? Нима ўқишида ўқидингиз бунча узоқ?
- Опангизнинг ҳамкасбиман. Мен ҳам тиббиёт академиясини битказдим. Токсикологман. Заҳарланганларни даволовчи. Ҳозир Яман Араб Республикасида ишлайпман.
- Исмингиз нима?
- Рамиз.
- Меники Кифоят.
- Чиройли исм экан. Кам учрайди.
- Қўйсангиз-чи, ўзимга ёқмайди. Маъноси «шу етарли, кейингиси ўғил бўлсин», деган маънонн билдирад экан. Онам бечора ўғил кўришни орзу қилган-да. Лекин насиб этмаган экан. Энди «ўғил ўрнини босадиган бир куёв бўлса, бутун меҳримни ўшанга берардим, ўзим боқардим», деган орзуда юрибди.
- Онангизнинг эри, поччантиз ўғил ўрнини босмадими?

— Унинг ўзи оиласда ёлғиз ўғил экан. Опам билан севишиб турмуш қуришган. Дарвоҳе, улар иккаласи тиббиёт академиясида бирга ўқишган. Бултур битириши. Балким танирсиз. Поччамнинг исми — Пўлат, опамники — Орзигул.

Рамиз елкасини қисди:

— Менинг битирганимга олти йил бўлди. Улар ўшандага биринчи курс бўлган. Кўрсам, балки эсларман. Шундай қилиб... онангиз яхши куёв бўлса, ўғил ўрнида кўраман. боқаман, дейдими? Ичкуёв қилмоқчи экан-да?

— «Сизлар хоҳласаларинг, бирга яшайман, акс ҳолда халақит бермай ўзим алоҳида туравераман», дейди. Онам жуда бағри кенг, тоқатли, сабри аёл. Отам у кишини ташлаб бир татар кондуктор аёлга уйланиб олганида ҳам «Финг», демаган. «Майли, кўнглингиз мени хоҳламаган бўлса, нима иложим бор, бир кунимни кўрарман», деб икки бола билан ҳайё-ҳут, деб Тошкентга йўл олган. Кўп қийинчилик кўрган, нимага эришган бўлса, меҳнати билан эришган.

— Нимага эришган? — беихтиёр қизиқсиниб сўради Рамиз.
— Бадавлатми? Қўша-қўша ҳовли-жойлар, машиналар, дала-чорбоғлар...

— Унчалик эмас. Онам — камтар аёл. Доим «султон бўлсанг ҳам чорифингни унугтма», деб юради. Тўғри, яхшигина участка солганимиз. Опамга уй олиб берган. Менга алоҳида квартира ҳам олиб қўйган. Биттагина машинамиз бор.

— «Мерседес»дир ҳеч бўлмагандা?

— «Гранд Чероки».

— Ў-ҳ-ў, «Жип», демайсизми! Демак. Худонинг ўзи мени... пойтахтнинг гўзал бойвуччаларидан бирига рўбарў қилибди-да!

Рамиз бу гапни кулиб, ҳазил қилиб айтди. Айни пайтда ичидан чиндан ҳам тасодиф туфайли танишган бу тўқ-тўқис оиласнинг эркатой меросхўрига бўлган қизиқишига тобора кучайиб бормоқда эди. Боз устига Кифоят очиқкўнгллиги, соддалиги билан Афифага ўхшаб кетар экан. Акс ҳолда танишганларига ўн дақиқа бўлмаёқ бутун сир-асрорини дастурхон қилиб ташлармиди.

— Мен бойвучча эмасман, — деди Кифоят. — Сиз ўзингиз бойвачча бўлсангиз керак. Хорижда ишлаётган экансиз.

— Ў-ў, бойвачча бўлганда қандоқ, — деди маъюс жилмайиш баробарида чуқур хўрсиниб Рамиз. Кейин Кифоятнинг пирпи-

раб турган тифиз ва узун кипрклариға қараб, ҳазилни давом эттиреди: — Лекин мен ҳам сиз каби камтар бўлганим боис раҳматли ўқитувчи отамдан қолган миллион-миллион сўмлик меросдан воз кечдим. Камбағал-қашшоқ бўлиб, уч-тўрт сўм пул учун хорижда сарсон бўлиб юрибман.

Кифоят яна соддалик қилди:

— Тўғри қилгансиз, одам ота-онасидан қолган мерос билан яшashi қийин. Ётиб еганга тоғ чидамайди. Ўзи ишлаб топгани яхши. Мен ҳам онамга шунаقا деганман. Ўзим ўқиб, касб эгаллашим керак, деб туриб олдим. Бўлмаса у кишининг даромади ёмон эмас. Мендан бошқа меросхўри ҳам йўқ.

— Опангиз-чи?

— Опамга тўрт хонали квартира олиб бериб айтган: «мендан сенга мерос шу, бошқа ҳеч нарсадан умидвор бўлма», деган. Қолаверса, опам билан поччамнинг хусусий тиш поликлиникаси очган пайти харажатини ярмидан зиёдини кўтартган.

— Хусусий поликлиникаси бўлса, опангиз ҳам бойвучча эканда! Сиз келажакда хусусий университет очарсиз?

— Айтдим-ку, мен бойликка эмас, илмга қизиқаман, деб.

— Фақат илмгами? Оила қуриш, фарзанд кўришга-чи? Унгаям қризиқасизми?

— Албатта, қизиқаман. Оила қуриш, она бўлишни истамайдиган қиз бормикан дунёда?

— Унда нега ҳалигача бирон йигит билан севишмадингиз? Ёки севганингиз борми?

— Йўқ, дедим-ку! Ўқиши пайти бу ҳақда ўйлашга фурсат бўлмас экан. Ё менга шундайми... Гарчи бир неча курсдошларим гапирган, севги изҳор қилган. Рад этганиман. Мен севиб қолишим мумкин бўлган одам... ўзим билан тенгқур эмас, мендан анча катта, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган, касби яхши ўзи билимли бўлиши керак, мени ҳимоя қила олиши зарур, деб ўйлайман. Бу, чамаси, отасиз ўстаним учунми... Чунки болалигимда доим отаси бор дугоналаримга ҳавас қилас әдим.

Рамизнинг яна ҳазил қилгиси келди:

— Унда... Мана, излаган одамингиз ёнингизда. Сиздан камида ўн ёш катта. Касби бор. Билими унчалик эмас-ку, ҳар қалай, дипломга эга. Қалай, маъқулми?

— Ҳазилкаш экансиз, — кулди Кифоят. — Лекин... сизнинг яхши кўрган қизингиз бор-ку!

— Нима? Қанақа яхши күрган қизим? Қаердан олдингиз бу гапни?

— Аэропортда сизни кузатган жудаям чиройли қиз ким? Мен тасодифан күзим тушиб, ҳұснига маҳлиә бўлиб, эслаб қолдим. Кўринишидан хотинингиз, деб ўйлагандим. Уйланмаганман, деганингиз учун севгилингиз эмасми, деяпман.

— Аҳа, демак, бошданоқ мени кузатиб келаётган экансиз-да, — деди пўписа оҳангиди Рамиз.

— Айтим-ку, беихтиёр бўлди, деб. Ўша қиз чиндан ҳам чиройли экан. Севгилингиз эмасми?

— Сизга нима десам экан, Кифоятхон. Ўша қиз билан... чиндан ҳам яхши кўришганмиз. Лекин... турмуш қуришимизнинг иложи бўлмаяпти.

— Нега энди? Ким қарши? Онангизми? Ё у кишиникиларми?

— Онам.

— Вой, нега онангиз қаршилик қиласди? Жудаям мос-ку сизга. Ёшлариниям... ўзингиз қатори бўлса керак? Нега кўнмаяпти онангиз?

Рамиз «айтайми-айтмайми» дея бир зум иккиланиб турди. Кейин сездики, бу қиз очиқкўнгиллиги билан уни ҳам очиқлик ва самимийликка даъват этяпти. Шу боис айтишга жазм этди.

— У қиз... олдин турмуш қурган.

— Ҳа-а...

— Мана, сиз шунга нима дейсиз, мен уйланмаган, ёши ўтган йигит, турмуш кўрган аёлга уйлансан, бунинг нимаси ёмон? Мана, масалан... ёши ўтиброк қолган қизлар хотини ўлган ёки ажралишган эркакларга тегаверади-ку.

Кифоят қизарди. Бу гапни ўзига ҳам тегишли қилиб айтиляпти, деб ўйлади. Ўнгайсизланди.

— Билмасам. Ҳар қалай, нима бўлгандаям кўнгил кўнгилга келиши керак, менимча.

— Ҳа-а, раҳмат сизга, асосий гап кўнгилда бўлиши керак. Бири умрица бирон қизнинг кўлини ушламаган йигит, иккинчиси онаси ўпмаган қиз бўлишса-ю кўнгиллари тўғри келмаса, барibir биргага яшаш бефойда-да, шунақами?

— Шундай бўлса керак. Мен ҳам яшаб кўрганим йўқ. Лекин онамнинг дугонаси Норгул опанинг айтишича, яхши кўришиб турмуш қуришган бўлмаса ҳам дунёқараашлари, ҳаётдаги мақсад-интилишлари ўхшаш бўлса, ўзаро ҳурмат-иззат билан ҳам

яшаш мүмкін экан. У киши доім «ҳозирғи замонда күнгиллар эмас, манфаатлар түгри келиши керак», дейди.

— Бу гапда ҳам жон бор. Лекин барибир муҳаббат асосига қурилган ҳаёт гүзір мазмұнлы бўлади. Хуллас, мен иккى ўт орасида қолдим. Онамнинг норозиликлариға қарамасдан биз никоҳдан ўтмоқчи бўлдик. Аммо... сўнгги лаҳзада бу иш бўлмай қолди. Мен севгилимга берган ваъдамнинг устидан чиқолмасдан жўнаб кетнишимга түгри келди. Энди бир ойдан кейин яна қайтиб келиб, ўша куни барибир амалга оширмоқчиман.

— Онангизни норози қилишингиз түгри бўлармикан?

— Севганимга берган ваъдам-чи?

— Барибир... уларнинг иккаласи ҳам рози бўладиган энг түгри йўлни топишга ҳаракат қылсангиз бўлмасмикан? Яна билмадиму... онангизни ранжитиб, кейин бир умр афсусланиб юрманг, дейман-да.

— Бу гап ҳам түгри. Учинчи бир йўлни топиш керак.

Стюардесса егулик ва чой олиб келди. Кавшанишиб, бироз жим қолишиди. Тамаддидан сўнг Рамиз биринчи бўлиб гап бошлиди. Нега шундай қылганини ўзи ҳам билмади. Афиға билан хайрлашув ва самолётга мингандык чоғидаги дилгирлигидан асар ҳам қолмаган, фикру зикри ёнидаги қизда эди. Бунинг сабабини у ўзича «Кифоят мен шу пайтгача учратган қизлардан мутлақо бошқача, содда, ақрли, билимли, лекин одобли. Энг муҳими, очиқ-сўзли ва самимий», дея изоҳламоқчи бўлди.

У қизга пайдар-пай саволлар берар, Кифоят уларга босиқлик билан аниқ, айни пайтда «билмадим, эҳтимол мен янглишаштандирман», деган қўшимча билан жавоб берар, бу эса Рамизга хуш ёқар, чунки у аёл зотининг аксарияти ўз фикрини айтмасдан олдиноқ энг түгри. Энг ҳаққоний, деб ҳисоблашини кўп кўрган ва бундан мудом жабр чекиб келарди. Бунга охирги мисол — онасининг Афиға ҳақидаги кескин холосаси. Шу топда беихтиёр Рамизнинг кўнглида: «Хўш, онам Кифоятга уйланишимга розилик берармиди?» деган савол туғилди. Яъни эрсиз бойвучча тижоратчи аёлнинг эркатой кенжа қизига уйланиб, унга ичкуёв бўлишимга кўнармиди? Мана, у орзу қылган онаси ўпмаган, бунинг устига молу давлати, бойлиги ўзига етib ортадиган қиз. Шубҳасиз, унга уйланадиган йигит, агар менга ўхшаган камбағал бўлса, бир умр қул сингари хизмат қилиб ўтиши керак. Бунинг эвазига унинг қорни тўқ, эгни бут, турар жой, прописка

муаммолари ҳал қилинганды бүлдиди. Түқелик ва түкислик оғушидаги құллар. Гарчи... яхши, ювош хотинга түшсанды, лўлиниңг эркаги сингари ҳам ишламай ҳам унга ҳукм ва зуғум ўтказиб яшащ ҳам мүмкін. Афсуски, биринчидан, сен лўли эмассан, агар шундай бўлганида сенга уй-жой, иш, маошнинг асло кераги бўлмасди. Иккинчидан, Кифоятнинг ювош хотин бўлишига ҳеч қанақа кафолат йўқ. Айниқса ҳали унинг онаси ким, қанақа аёл — билмайсан-ку, шаддод бўлса керак. Ҳар қалай, эри бекорга қўйиб юбормагандир. Онасини кўриб, қизини ол, дейдилар...

Ол-а, аллақачон Афифани унугиб, биринчи учраган қизга ўзингни эр қилиб, ўлчаб кўряпсан. Тайининг борми? Афиғага гапирган гапларинг, қилган қасамёлларинг қаёқда қолди? Уят эмасми?

— Мисрга биринчи боришингизми? — сўради у миёсига келаётган ноўринг фикрлардан бир оз чалғиши мақсадида.

— Иккинчи. Ўтган йили ёзги таътил пайтида ҳам боргандик. Хургада, Лухсор деган ажойиб жойлари бор. Сиз бўлганимисиз?

— Бизга йўл бўлсин.

— Бу гал чиқинг, бир-икки кун меҳмон бўласиз. Онам, Норгул домла билан танишираман. Денгизда чўмилиб, дам олиб кетасиз.

— Қанийди. Вақт йўқ. Эртадан кечикмай етиб боришим керак. Шунинг учун бу самолётдан тушиб, дарҳол бошқасига билет олишимга тўғри келади.

— Эҳтимол орада бироз вақт қолар?

— Кўрамиз...

Самолёт эрта тонгда Қоҳира аэропортига оҳиста қўнди. Рамиз билан Кифоят юк бўлмасидан жомадонларини олиб, катта-кон кутиш залига чиқишиди. Кутувчилар орасидаги ёшлиари қирқдан ошган икки хушбичим аёлни Рамиз дарров илғади. Улар Кифоятни бағирларинга босиб кўришишгач, Рамизга бироз ажабланиш ва савол назари билан қараб қолишиди. Норгул хоним шўх аёл экан, Кифоятга ҳазил қилишга ҳам улгурди:

— Во-ой, бир ўзинг қолганингга икки кун бўлмаёқ куёв топиб олдингми, қизим?

Кифоятнинг онаси унга ўқрайиб қаради, ўзи бўлса ҳазилга эътибор қўймади.

— Танишинглар, бу киши — Рамиз ака. Йўлда ёнма-ён ўтириб келдик. Бу киши врач, Яман араб республикасида ишлар эканлар...

— Жуда яхши,— деди онаси Рамизга құл узатар экан, ўзини таништириди: — Малоҳат Кифоятнинг онаси.

— Мен эса холаси Норгул Носировна бўламан.

— Икковларингизни ҳам сиртдан яхши таниб олдим,— деди Рамиз. — Энди яқиндан танишганимдан бафоят курсандман.

— Биз ҳам,— деди Норгул Носировна.

— Қани, кетдик бўлмаса, бирга ионушта қиласиз. Қорнила-ринг ҳам очқаб кетгандир.— деди Малоҳат.

— Мен йўлнинг давомига олган билетимни қайдан ўтказиб, самолёт қачон учишими аниқлаб келай бўлмаса,— деди Рамиз.

— Майли, биз қараб турамиз-а, ойи,— деди Кифоят.

Рамиз кетди. Беш дақиқалардан сўнг қайтди.

Кечқурун соат еттида учаркан.

— Қандай яхши, кечгача биз билан бирга бўларкансиз,— деди Кифоят. Онаси унга кулимсираб қаради. Дугонасига ўтирилиб, юрагини кўрсатиб ишора қилди: «Юрагидан уриб қопти бечора қизнинг», деган маънода

Улар чиройли машинани кира қилиб, шаҳар сари йўл олишди.

Қоҳиранинг хушманзара, гавжум жойларидан бирида жойлашган беш қаватли, узун «Парк Хаят» меҳмонхонасига етиб келдилар.

— Биз шу ерда жойлашганимиз,— деди Малоҳат Рамизга қараб.— Зўр жой экан. Имконингиз бўлсайди, бир-икки кун дам олиб кетардингиз.

— Афсус...

— Афсусланманг, насиб этса, бу ерларда ҳали кўп дам оласиз,— деди Норгул Носировна.— Қани, Малоҳатхон, сиз қизимизни номерга олиб чиқиб, жойлаштириб тушинг, унгача биз Рамизжон билан ресторон ёнидаги хиёбончада сайр қилиб турамиз...

Она-бала ойнаванд фойега кириб кетишиди. Норгул Носировна Рамизни пальмалар хиёбони сари бошлади. Асти қаерданлигини, ота-онаси кимлигини сўради. Рамиз саволларга қисқа, аниқ қилиб жавоб берди.

— Яхши, оддий зиёли оиланинг фарзанди экансиз. Касбингиз ҳам ҳавас қилгудек. Фақат ҳалигача уйланмай юрганингиз фалати.

— Яқин орада уйланмоқчиман. Бирон ойлардан кейин.

— Кимга?

— Севган қизим бор.
— Ўзингизга ўшаган, қишлоқдан чиққан, на уй-жойи, на пропискаси бор қизгами?
— Гап унда эмас.
— Кечириб құясиз. Ҳамма гап шунда, азизим. Менинг сизга ўшаган шогирдларим күп. Истеъодли, тиришқоқ болалар. Қишлоқдан келиб, шаҳарға жойлашолмай, уй-жой, прописка билан қийналиб, асосий вақти, куч-ғайратини ана шу муаммоларни ҳал этишга сарфлаб, умрларини ўтказиб юборишаپти. Сизга эса... мана Аллоҳ ол қулим, деб Кифоятни рўбарў қилибди. Анна шу қизни қўлдан чиқарманг. Иш, уй-жой, прописка ва турмуш билан боғлиқ бошқа барча муаммолар бир йўла ҳал бўлади. Тайёр дангиллама ҳовли, дача, машина, бойвучча қайнона... Сиз эса фақат илмий иш қиласиз, фан номзоди, доктори бўласиз. Қизнинг ўзини қаранг. Ҳусни, билимига, ақли, одоби ҳавас қилгудай. Бахт, дегани шунинг ўзигинаси эмасми?

Рамиз кулди.

— Қизиқ. Сизлар ҳали мени яқиндан билмай туриб, шундай сарбаланд толени түхфа этмоқчи бўляпсизлар... Ишончларингизни оқлай олмаслигимдан қўрқмайсизми?

— Мен одам боласининг қанақалигини бир кўришдаёқ кўзиға қараб биламан.

— ...Ундан ташқари ҳозиргина мен севган қизим борлигини, бир ойдан кейин уйланмоқчи эканимни айтдим. ЗАГСга ариза топширганмиз...

— Ариза топширгансиз, холос-ку. Ҳали никоҳ қайд қилтинмаган-да. Ё... фотиҳа ўқиб, унаштирилганмисизлар?

— Йўқ...

— Ана, кўрдингизми? Шошилманг. Ҳозирги пайтда севги, никоҳ, оила — ҳаммаси аниқ ҳисоб-китобга асосланиши керак. Акс ҳолда бу никоҳ истиқболсиз, оила омонат бўлади...

Кифоят ва онаси қайтиб келишди. Тўртовтон ресторонга кириб тамадди қилишди. Рамиз ақалли ўз овқатининг пулини тўламоқчи бўлди.

— Сизни биз таклиф этдик, меҳмонимизсиз, — деди Малоҳат. — Ўнгайсизланманг.

Тамаддидан кейин шаҳар айланишди.

— Ҳеч бўлмаса икки-уч кун қолмадингиз-да, Рамизжон, — деди Малоҳат. — Миср эҳромлари Хургада, Лухсор, Қизил ва

Үрта Ер денгизлари, Нил дарёси, Сувайш канали — бу ерда томоша қиласынан жойлар күп.

— Насиб этса ҳали яна келармиз, — деди Рамиз. — Сизлар яхшилаб дам олинглар.

— Кифоятта телефон рақамларингизни ёзиб қолдириңг. Уникини, бигзларникини ҳам ёзиб олинг. Хабарлашиб, учрашиб туралык. «Бир күрган — таниш, икки күрган — қариндош», дейдилар. Юртта қайттанингиздан кейин сизни албатта мәхмондончикка таклиф этамиш.

— Насиб этса...

Тушликдан сүнг Рамиз билан телефон рақамларини алмашиб, хайр-хўш қилишиди.

— Сен, Кифоят қизим, аэропортгача бирга бориб. Рамиз акангни кузатиб қўй, — деди Малоҳат. — Кейин бир таксини ушлаб, мәхмонхонага қайтиб келаверасан.

— Шарт эмас, ўзим кетавераман. — эътиroz билдириди Рамиз.

— Во-ой, нега шарт бўлмас экан, — деди Норгул Носировна.

— Озиб-ёзиб, икки ҳамюрт узоқ бир мамлакатда бирга бўлиб қолибсизлар, мундоқ суҳбатлашиб борасизлар-да.

Кейин у Рамизга яқинроқ келди-да, овозини пасайтириб деди:

— Мен айтган гапларни ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўринг, ёмон таклиф эмас. Агар бир қарорга келсангиз, аввал менга қўнғироқ қилинг, қолган ишларни ўзим битказаман.

— Майли, — деди Рамиз кулимсираб. Кейин ўйлади: «Чамаси бу аёлга Кифоятнинг бахтини очиш эвазига катта бир «мукофот» ваъда қилинган.

Кифоятнинг ўзи ҳам аэропортда хайрлашув чоғида ажиб бир журъат кўрсатди:

— Сиз... ҳаммамизга ёқиб қолдингиз. Сиз билан яна учрашишни, дўстлашишни хоҳлаймиз. Қайда бўлсангиз ҳам қўнғироқ қилиб туриңг.

— «Ҳаммамизга», дегани умумий гап. — ҳазил қилди Рамиз.

— Алоҳида ҳам ёқдимми?.. Масалан, сизга?

— Менга... ҳали... танишмасимиздан олдинроқ ёққансиз...

Бу — Рамизнинг ҳазилига қилинган жавоб ҳазилмиди ё жиддий гапми, англаб бўлмади. Ҳар ҳолда Рамиз учун бир нарса аниқ эди. Кифоят, унинг онаси, онасининг дугонаси тўқ, тўқис яшаётган, ҳисоб-китобли, пухта режали замонавий одамлар.

Уларнинг замонавий күёв ҳақидаги тасаввурларига Рамиз айнан мос келади. Норгул Носировна айтганидай: ёш, истиқболли кадр, бунинг устига моддий ғамхўрликка муҳтож бўлган ёлғиз қўлли етим йигит. Бойвучча хонимлар учун бундай йигитлар ноёб топилма ҳисобланади.

Рамиз самолётга чиққач, шулар ҳақида ўйлар экан, гоҳ энсаси қотар, гоҳ ҳайрон бўлар, гоҳ кулгиси қистар, гоҳ аччиқланиб, «булар мени даштда адашиб юрган эгасиз бир буқа деб ўйлашяпти, шундоқ бурнидан ип ўтказиб, қўшга қўшиб, ишлатаверрасан, ҳолбуки, мен ҳам ўзимни унча-мунча нарсага ақли етадиган одам, деб ҳисоблайман», деб ўйлар, айни пайтда кўнглининг туб-тубида асов бир мойиллик уйғонаётганини қўрқув ичра ҳис этар, «тақдирнинг ўзи мени Кифоят билан учраштирган эмасмикан, у тасодифий танишув эмас, пешонага ёзилган қисмат бўлсачи», деган хаёлларга борар эди. Адан шаҳрига етиб, самолётдан тушган заҳоти қўл телефонии жиринглади. Кифоят экан.

— Омон-эсон етиб бордингизми? — деб сўради.

— Раҳмат, яхши, — жавоб қайтарди Рамиз ва миёсида «тамом, энди бу қизнинг таъқибидан қочиб қутилиб бўлсан», деган ҳазиломуз, айни пайтда таҳдидли бир фикр чақнади.

19

Инсон ҳар жиҳатдан мукаммал баҳтга эришуви учун нималар керак? Айтишадики, оддий одам учун кўп нарса шарт эмас. Қорни тўқ, эгни бут, оиласи тинч, бола-чақаси соғ-саломат бўлса бас. Бизнинг Субут Сокин дўстимиз эса ўзини оддий одам, деб ҳисобламай қўйганига анча бўлган. Унинг наздида юксак даражада саодатманд бўлмоқ учун тинчлик, соғлик, тўқлик ва бутлиқдан иборат «лик-лик»ларнинг ўзи кифоя қилмайди. Баҳт-саодат, бу — катта молу давлат, шону шуҳрат ва лоақал кичикроқ бўлса ҳам бир... тахт, яъни замонавий лаҗжага кўра мансаб курсисидан иборат мавқелар мажмуаси, демакдир. Аллоҳнинг қарами кенг. Тунов кунгина бири икки бўлмай, чоригини судраб юрган Субут Сокин бугун улкан бир қўшма корхона муассисларидан бири, ана шу корхона кузатув кенгashi раиси Фариза Саъдиевнинг күёви, маҳаллий қайта ишлаш саноати вазирининг ўринбосари, ёзувчи ва драматург (дарвоҷе, яқинда сатира ва комедия

театри унинг «Келин кўрсатиш» номли пьесасини саҳналаштириди), Ўзбекистон — Германия дўстлик жамияти аъзоси...

Унинг бугунги кундалик ҳаёти жуда тифиз. Вақтнинг ҳар бир соати, дақиқаси ҳисобда. У энди давлат одами, иш ва ижод одами. Уч соҳани биргаликда қўшиб олиб бориш осон эмас экан. Бунинг устига тўртинчи — энг шарафли ва айни пайтда фоят ма-шаққатли ҳамда масъулиятли вазифа ҳам борки, унинг мазмунини Фаризахонимнинг кўнглини овлашдан иборат. Зоро, хоним ни-коҳдан сўнг Субутнинг қалбига қонуний соҳибалик ҳуқуқини қўлга киритди ва бу ҳуқуқдан иложи борича кўпроқ, самаралироқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Унинг ўзи эса бамисоли қайтадан қиз, аниқроғи, навжувон келинчакка айланган ва янги келинларнинг висол лаззатига нақадар ташна, нечоғлик эҳти-росли бўлиши қадимул айёmdan маълуму машҳур.

Мирмаъди оғанинг маслаҳатига кўра, Фариза ва Субут «тўйдан сўнг қайси биримизницида яшшимиз маъқул», деган муаммони фоят оқилона ҳал этишди.

— Меникода ҳам, сизникида ҳам эмас, янги қурилиб ижарага топширилаётган «Евроўй»лардан бирини ижарага оламиз, — деди Фариза. — Ижара ҳақи кўпам қиммат эмас — ойига минг доллар экан, холос.

— Майли-ю... менинг вазирликда оладиган маошим бир ҳафтасини тўлашга ҳам етмайди-ку. — кулди Субут.

— Хавотир олманг. Ижара ҳақини қўшма корхона тўлайди.

— Унда... жиҳозларни ҳам бир йўла... унинг ҳисобидан олсак маъқул бўлар эди.

— Яхши. Сизнинг дидингиз ўткир. Ишдан чиқиб, итальян дўконларини бир айланиб, танланг. Кейин бирга кўриб, олиб келтирамиз...

Субут янги ҳовлини жиҳозлаш билан жиддий шуғулланди. Зоро. Саъдиев хорижга жўнаб кетишдан оддин яна бир маслаҳат берди:

— Яхшилаб, айни пайтда камтарона қилиб жиҳозланг. Ҳам-касларингиз, юқори идоралар ходимлари меҳмондорчиликка келганда уялиб қолманглар...

Ана шу ташвишлар туфайлими. Субут Афиғанинг қайтиб келуви ва, ҳатто ўзича бир қадар таниш бўлган Рамиз исмли бўйдоқ йигитга тегаётгани ҳақидаги хабарларга унчалик жиддий аҳамият бермади. «Бахғли бўлақолишин», деди дилида бир

оғзина қадар ҳис этиб. «Озод мамлакатнинг икки озод фарзанди қовушиб, баҳтли бўлса, биз қувонмай ким қувонсин!» — дея хитоб қилиб қўйди кейин амалдорлиги эсига тушиб. Дарворқе, мулкlorникнинг ўзига хос сурури бўлгани каби амалдорликнинг ҳам ажаб завқу сафоси бор экан. Қайга борсанг, одамлар қўл қовуштириб, «хуш келибсиз, хизматингизга тайёрмиз», деб туради. Ўзингни қудратли ҳукмдор, деб ҳис этасан. Айтганини-айтгани, деганинг деган. Баъзида ақлга, ҳатто инсоф доирасига сифмайдиган хоҳиш-истакларингни ҳам киприк қоқмай адо этишади. Қўл остингдагиларни истаганча эзиш, масхара қилиш, ҳақоратлаш, ҳатто камситиш мумкин. Финг деганинин «турмада чиритаман». деб қўрқитасан. Зеро, шундай қилиш учун истаган пайтда, истаганча имконият бор. Бу маҳаллий қайта ишлаш соҳасида нима кўп — қонунбузарлик, ўғрилик, ўмариш кўп. Ўғри билан тўғрини фарқлаш мушкул. Бирининг дўйисини бошқасига бемалол кийдириб юбориш мумкин. Мутлақо бегуноҳ киши айбсиз айбдор бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ана шундай муҳитда мансабда ўтирасанг-у салгина уддабурон бўлсанг, ўзингни худди бепоён ва тубсиз уммондаги наҳангдек ҳис қилишинг мумкин.

Бу мулоҳазаларни Субут дастлаб киноюмуз, бир қадар ижирғаниш билан кўнглидан кечирди. Вақт ўтгани, бу муҳитнинг ҳавосига кўниkkани сари киноя ва ижирғаниши ўз-ўзидан йўқола бошлиди. «Хўш, нима бўпти, менга Парвардигор шундай қисматни рало кўриб, кимларнингдир устидан ҳукмрон қилиб қўйган экан, нега энди уларнинг мутелик ила қилувчи тавозе ҳамда қулликларидан жирканишим керак? Уларнинг зўр ҳурмат ва эҳтиром билан (гарчанд бу эҳтиромнинг соҳталиги, қўркув ва шахсий манфаат зарурати туфайли эканини ич-ичидан сезиб турган бўлсада) билдираётган илтифотларидан баҳраманд бўлиб, совға-саломларини (гарчи бу аслида оддийгина қилиб «пора», деб атала-са-да) олиб юраверсанг бўлмайдими, хумпар!..»

Бунинг нақадар хавфли эканини у биларди. Собиқ «завжадоши» (унинг ўзи шу ҳазиломуз атамани ўйлаб топди) Даврбек Муқимхоновнинг аччиқ қисмати шундоққина кўз ўнгига жонланаб турарди. Айни пайтда шу ва бошқа кўплаб соҳаларда мансабга ўтираётганларнинг анча-мунчаси ўз фаолиятининг биринчи куниданоқ ўлиб-тирилиб пул ийғишини кўрнб ҳайратга тушар, «булар эрта-индин абгор бўлишини наҳотки билмасалар», дея энсаси қотар эди. Кейин англадики, билишади. Айнан бил-

ганлари туфайли ҳам «қора кунлар» учун беш-олти танга йигиб олиш пайида бўлишади. Булар ҳатто қамалишдан ҳам қўрқиши мақом экан. Бирори иккинчиси ҳақида шундай деб қолди: «Яхшигина маблағ қилиб, ишончи жойга бекитиб қўйса, қамалган тақдирда ҳам қийналмайди. Чиқиб келганидан кейин эса умрининг охиригача король бўлиб яшайдн». Мана, фалсафа! Мана, шахснинг смирилиши, чириб адо бўлишининг ёрқин мисоли! Ахир давлатнинг, халқнинг мулкини ўғирлаб, талон-тарож қилиб, қўлга тушиб, «ўғри», деган тавқи-лаънатига қолиб, шармандаю шармисор бўлиб, қамалиб... яна қанақа «король» бўлиб яшаш мумкин? Дарвоқе. Муқимхонов қандай қилган экан? Айтишларича, жуда кўп миқдордаги мол-мулклари, зебу зийнат, пул мусодара этилган. Ё у ҳам чиқиб келганидан сўнг «қирол бўлиб яшаши»га етгулик маблағни яшириб кетганмикан? Қачон чиқади? Чиқсан пайтида «қирол бўлиб» яшагудек ҳолати, саломатлиги қоладими? Ахир турмани ўз оти билан турма, деб қўйибди.. Қизифи шундаки, Субут Даврбек билан деярли бирга ишлашган, унинг аянчили тақдиридан яхши хабардор айрим кишиларнинг худди Муқимхонов сингари яшаб, ишлаб, у қилган қилиқларни айнан такрорлаб келаётганини ўз кўзи билан кўриб-билиб юрибди. Нега қўриқлашади? Нега Муқимхоновнинг қисмати уларга сабоқ бўлмайди? Улардан бирн яқинда Субутнинг ҳузурига келиб, очиқдан-очиқ пора таклиф этди. Бир боғлам кўк қоғозни қўлига узатди.

— Бир-биримизни кўллаб-куватлаб юрсак, ҳар иккимиз ҳам ютқазмаймиз, — деди у. Фалати жиҳати, у худди ўша, Муқимхонов ишлаган тумаңдан. Каттакон корхонанинг раҳбари.

— Қўрқмайсизми? — деб сўради Субут унинг кўзларига тикилиб.

— Нимадан? Кимдан? — саволга савол ила жавоб қайтарди у.

— Қўлга тушиб, қамалиб кетишдан.

— Э-э, Субут ака, доно халқимизнинг бир мақоласи бор: «Қирқ йил қирғин бўлган тақдирда ҳам ажали етган ўлади». Бу — бир. Иккинчидан, чумчуқдан қўрқсан тариқ экмайди. Худо кўрсатмасину мабодо қўлга тушсак, қамалсак ҳам... Сизни сотмаймиз, қўрқманг, ака! — шундай деди-да, пулни чақонлик билан Субутнинг столи устидаги китоблардан бирининг тагига тиқди.

— Бунинг эвазига сизга қандай ёрдам қилишим керак? — сүради Субут.

— Ҳеч қанақа конкрет ёрдам керак эмас. Хонаси келгән пайтда тарафимни олиб, құллаб турсангиз бас. Арзимаган туҳфа бу, ака!

— Майли, ака, сизни... хонаси келса ҳам, келмаса ҳам мутта-сил құватлаганим бўлсин. Лекин... манови пулингизни қайта-риб олинг. Мен... менинг ўз бизнесим — завод-фабрикаларим бор, катта тадбиркорман. Садақага куним қолгани йўқ.

— Оббо-о! Унақамас-да энди, Субут ака, садақа эмас бу, туҳфа, менинг номимдан ўртоқларингиз билан битта чой ичасиз-лар.

— Олинг, дедим! — таҳдид билан кўзларини олайтириди Субут. — Акс ҳолда мелиса чақириб, топшириб юбораман.

Бундай пайтда ҳар қандай одам қўрқиб кетади. «Олмас экан», деб ўйлади. Лоақал биринчи уриниш муваффақиятсиз чиққанини тан олиб узр сўраб, бермоқчи бўлган ришватини қўлтиқча уриб қуён бўлади. Манови одам эса... узр ҳам сўрамади, пулни ҳам олмай тура қочди. Субут стол ортидан чиқиб, унга етолмади. Хонасидан чиқиб, қабулхонада серрайиб турган котибага кўзи тушди. Нима қилишини билмади.

Кечқурун уйга келиб, Фаризага дабдурустдан:

— Мен бугун пора олдим, — деди. Фариза кўзларини катта очди:

— Ие, пора олган одам... олдим, деб айтадими? Кейин кулим-сираб: — жудаям... тез бошлаб юборибсиз-ку, — деди. Субут бўлган воқеани айтиб берди.

— Эртага чақиритириб... башарасига ўша пул билан соламан, — деди.

— У қадар... изза қилсангиз тўғри бўлмас. Ётиғи билан айтинг. «Пулга зор эмасман», дэнг. Сиз ўсишингиз керак. Обрўйингизни сақланг.

— Тўғри айтасиз. Аммо... пора олмай ишлаб... узоққа боришимга кўзим етмаяпти. Олақарға бўлиб қолишим мумкин.

— Сиражам-да! Аксинча, олмасангиз обрўйингиз ошади. «Кўзи тўқ экан, ҳалол ишлар экан», дейишади.

— Билмадим-да...

Мирмаъди Саъдивнинг режаснга кўра Субут узоги билан бирон йилдан кейин вазир бўлиши керак. Ана шунда сармояни иккича баравар кўпайтириш ва хорижий банклардаги жамгармалар миқдорни кескин ошириш мумкин. Аслида... Субутни куёв қиласдан туриб, вазирлик лавозимига ўтқазиш ва у орқали тасаруфидаги корхоналарни хомашё билан етарлича таъминлаш ҳисобига фойда миқдорини узлуксиз орттиришни мўлжаллаган эди. Йигитнинг биринчи уринишини чинпакка чиқариши боиси ҳам шу бўлганди. Бироқ кейин чуқурроқ ўйлаб кўриб, «жиловни маҳкамроқ ушлаш» учун қизининг хоҳишига розилик беришга қарор қијуди. Иккинчи ва энг муҳим сабаб, жаҳон иқтисодий инқирози унинг Европадаги бизнесини жарёқасига келтириб кўйди. «Яхшиям сармоянинг ҳаммасини олиб чиқиб кетмаган эканман», дей Худога шукур қијуди Саъдиев. — Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик, корхоналарнинг ҳаммаси тўла қувват билан ишлаб турибди. Ўз юртингда бизнес қилиш яхши: шахсий бойлигини кўпайтириш билан бирга туғилиб ўсган Ватанингни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшасан. Бироқ «ўзингники ўзагингни кесади», деганицидек, яқинларнинг орасида молу давлатингни кўролмайдиган ҳасадгўйлар ҳам кўп. Бир пайтлар Зоҳидий деган майда савдогарни қўйлаб, катта ишбилармонлар доирасига олиб кириб, ўз бошига бало орттиргани Саъдиевнинг ҳеч қачон эсидан чиқмайди. Ўша Зоҳидий — яхшилигини билмаган нокас. Саъдиевни форат қилиб, қаматтириб юборишига сал қолган. Саъдиев юртдаги барча бизнесларини йиғиштириб, мол-мулкларини арzon-гаров сотиб, хорижга қочиб жон сақлади. Зоҳидий аҳмоқ экан. Уни хориждан ҳам топиб ўлдирмоқчи бўлди. Қотил ёллади. Охир-оқибат ўзи ўз фитнасининг қурбони бўлиб, қамоқда ўлиб кетди. Хайрият, ҳозир унқаларнинг суроби тўғриланган. Бирда ярим пайдо бўлгани ҳам узоқча бормаяпти. Шунинг учун Саъдиев ўз сармоясининг анчагина қисмини мамлакатда ишлатмоқда. Пайти келиб... ҳаммасини шу ерга кўчириш ниятида. Бунинг учун қизи билан куёви файрат-шижоат кўрсатиши, яъни Субут ҳокимият идораларида тобора юқорилаб бориши, Фариза ҳам... лоақал депутат бўлиши ва иккинчи томондан Саъдиев яратган иқтисодий-моддий салтанатни ҳифзу ҳимоятга сақлаши керак. Саъдиевнинг ўзи эса бу салтанатни мудом кенгайтиришни, мамлакатнинг барча бурчакларида кўчмас ва дахлсиз мулкка,

узлуксиз күпайиб, ўсиб, кенгайиб боруучи ишлаб чиқариш мажисларига эга бўлишни истайди. Унинг севимли бир латифаси бор. Насриддин Афанди кенг йўлда кетаётib каттағина қўйлар сурувига дуч келибди. «Бу қўйлар кимники?» — деб сўрабди у чўпондан. «Хожа Аҳрорники», — деб жавоб берибди чўпон. Афанди яна йўлида давом этиб, кенг яйловда ўтлаб юрган беҳисоб молларга дуч келибди. «Бу моллар кимники?» — деб сўрабди чўпондан. «Хожа Аҳрорники», — дебди чўпон. Афанди яна йўл юриб юксак чўққилар пойидаги серсув, серўт бепоён водийга етиб, унда ўтлаб юрган минглаб йилқиларни кўрибди. «Бу йилқилар кимники?» — деб сўрабди йилқибоқардан.

«Хожа Аҳрорники», деб жавоб берибди йилқилар. Шунда Афанди эшагидан тушиб: «бор-э, сен ҳам Ҳожа Аҳрорники бўла-қол», деб ҳайдаб юбориб, ўзи пиёда кетган экан.

Саъдиев бу латифани ниҳоятда жиддий ва фалсафий идрок этади, шарҳлайди. «Агар мол-мулкни оқилона, қатъият, сабрбардош билан кўпайтириб борсанг, иқтисодий куч-қудратинг шу дараҷада ошадики, ҳасадгўйлар, кўролмайдиганлар, хуллас, барча рақибларинг худди Насриддин Афанди сингари охироқибат сенга тан бериб, миниб юрган эшакларигача ташлаб кетишга мажбур бўлишади». Саъдиевнинг яна бир севимли адабий қаҳрамони — Мирзакаримбой. «Ана уни ҳақиқий мулкдор, деса бўлади», деб ўйлайди Саъдиев. Ўзини ҳам худди ўшандай улуғ асарлар қаҳрамони сиймосида тасаввур этади. «Пайти келиб... Мирмаъдивой номли қаҳрамон кинолар, китоблар, спектакллар ва, ҳатто операларда акс эттирилади», деб орзу қиласи. Субут исмли ижодкор йигиттага биринчи кўрганданоқ ихлос қўйгани ҳам бежиз эмас. «Бу бола — бўладиган бола», деганди у биринчи суҳбат чоғидаёқ. Мана, орадан муайян вақт ўтиб, ўша йититни куёв қилиб олди. Баъзи бойлар: «куёв — ёв», дейншиб, куёвларни бизнесларига уччалик яқинлаштирмайдилар. Мирмаъдивой эса Субутни синаб, пишишиб, куёв эмас, ўғилдай кўрмоқчи. «Ҳар тўкисда бир нуқс», деганларидек. Худо Саъдиевга ўғил фарзанд бермади. Мирмаъдивой бундан ўкиниб ўтирмади. Ёлғиз қизининг биринчи эридан туғилган икки ўғлини бағрига олиб: «шуларни одам қилиб, орзу-ҳавасимга етаман». дея аҳд этди. Унгача эса... тантиқ қизининг тарбияси билан қатъий шуғулланди. Уни ҳуқуқ, сиёсий ва иқтисодга қизиқтиришга уринди. Фариза болалиқдан зийрак, зеҳни ўткир бўлиб ўсган эса-да, ҳуқуқ ва

сиёсатта қизиқиши билдирамади. Иқтисод билан ҳам азбаройи тирикчилик важидан шуғулланар, севимли машғулоти санъат ва адабиёт эди. Яхшиям у рус мактабида ўқигани боисидан ўзбекча ижод қилолмас, санъат бобида ҳам айтарлик имкониятларга эга эмас. Акс ҳолда сочини битлатиб юрадиган айрим шоира аёлларга ўхшаб, дарвишона ҳаёт кечирган бўлармиди. Унинг санъаткор бўлишига эса, Саъдиев зинҳор-базинҳор йўл қўймас эди. Кимсан. Мирмаъдидойнинг қизи қўймичини қилпиллатиб, тўйда лапар айтиб, маст-аласт эркаклардан пул териб юрадими? Яқинда унинг Субут ёзган китоб асосидаги кинода роль ййнаганини эшитиб, «ҳай майли, болаликдаги орзуси амалга ошибди», деб қўяқолган эди. Кейин ўша кинофильми енгилтабиат аёл ҳаёти ҳақида эканини эшитиб, газаби қўзиди. Дискини опкелтириб, кўрди. Кейин бироз шаштидан тушди. Фильм адашган қизнинг қисмати ҳақида экан. Бош қаҳрамон мاشаққатли меҳнат эвазига пировардида ўз орзу-мақсадларига эришиб, жамиятда муносиб мавқе эгаллар экан. У авваллари Фаризадан ҳеч қачон сиёсатчи чиқмайди, шу боис неварадарим улғайгунча сабр қилишим кепрак, деб ўйлаб юрарди. Кинони кўргач, миясининг тархи очилтандек бўлди. «Нима, сиёсат майдонида ўралашиб юрган аёлларнинг ундан ортиқ жойи борми? Субут билан яшаш асносида лаҳжасини анча созлаб олган. Энди уни депутат қилиш ҳақида ўйлаш фурсати етганга ўхшайди. Қолаверса, Субут ёнида-ку, келгусида ҳам унинг нутқини ўстиради, кемтигини тўлдиради. Қизига бу ҳақда гап очса: «Дадажон, нима қиласиз, мени сиёсатта аралаштириб, шу мажлисда ўтиришни ўлгудай ёмон кўраман», деди. «Қизим, тушун, сиёсат саҳнасида юрсанг... бизнесимизни ҳимоя қилиш янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш осон бўлади». Қизи бўш келмайди: «Ҳар қанақа масалани пул билан ҳал қилса бўлади-ку». «Йў-ўқ, қизим, пул билан ҳал бўлмайдиган масалалар ҳам кўп...» Хуллас. Фаризага ётифи билан кескин насиҳат қилди: «Энди анови футбол ўйнаш, қўшиқ айтиши, кинода ўйнаш сингари енгил-еши машғулотларни тамоман йиғиштириб, ўзингни сиёсатта тайёрлайсан. Биронта олим топиб, қўлига беш-ўн минг доллар узат: диссертация ёзиб берсин сиёсатда асқотади». Шу маслаҳати билан яқингинада Фариза фалсафа фанлари номзоди диссертациясини ёқлади. «Лоақал диссертациянинг мавзусини ёддан биласанми, деб сўранг бундан». дея ҳазиллашди Субут. Саъди-

ев уни енгил койиди. «Бир-бирларингнинг сирларингни ҳеч қачон бегона олдида очманглар, ўғлим», «Сиз бегона эмас-ку», деди Субут қизарип. «Менинг олдимда ҳам очманглар икков-ларингнинг сирларингни», деди Саъдиев қатъий қилиб. Сўнgra қизидан: «Хўш, докторликни қачон ёқлайсиз, номзод хоним», — дей ҳазиломуз сўраб, вазиятни юмшатди. «Тез орада», — деди Фариза. «Жуда яхши, «Фан доктори, депутат...» бу жуда чиройли жаранглайди», — деди Саъдиев. Субутга эса: «китобларни, майли ёзаверингу аммо эълон қилишга шошилманг, ҳозирча кўпроқ маҳаллий қайта ишлаш муаммолари билан шу-гулланиш керак», деб маслаҳат берди. Сўнgra қўшимча қилди-ки, иккинчи мутахассислик сифатида иқтисодчи дипломини олиб қўйса зарари тегмайди.

Мана шунаقا гаплар. Мирмаъди Саъдиев стратегия ва тактика бобида амалга ошираётган ишларнинг бир қисми мана шулардан иборат. Табиийки, бу чора-тадбирлар каттагина хара-жатларини талаб этади. Саъдиев эса арзийдиган ишлардан пулни аямайди. Пул ишлаши ва катта-кичик мақсадларни амалга оширишга хизмат қилмоғи керак. Пул құдратли бир девга ўхшайди. Ақп-идрокингиз кучли бўлса, уни бошқариб, тоғларни талқон қиласиз, нодонлик билан уни фақат йиғсангиз, бир тийинни ҳам туфлаб тугадиган бўлсангиз, у сизни измига бўйсундиради, ўз қулига айлантиради. Шу боис пул оддий бир қоғоз эканини, аслида унинг мазмун-моҳияти сизнинг миянгизда, идрокингизда эканини ҳеч қачон унутманг.

Бу гапларнн у турли шаклларда қизига ҳам, Субутга ҳам кўп такрорлади. «Демак, пул — мақсад эмас, балки восита, — деди у Субутта бир гал. — Ана шу воситадан фойдаланиб... бутун дун-ёга ҳукмрон бўлиш мумкин».

Ушбу фикр-хаёлларни Мирмаъдидой ўзининг Германиядаги хушҳаво тоғ ўрмонида жойлашган қора тошдан қурилган қаср-вилласида ўтирган кўйи кўнгилдан ўтказди. Иккинчи қаватдаги кенг ва ёруғ хонанинг деразасидан узоқдаги юксак қорли чўққи-лар, унинг этагида улкан майдонларни эгаллаб ётган игнабарг ўрмонлар кўзга ташланади. Европадаги энг хушҳаво, кўплаб улуғ мамлакатларнинг энг бой одамлари яшайдиган мавзеда ис-тиқомат қилишининг ўзи ҳам пул инсонга нақадар юксак имкони-ятлар яратишининг ёрқин мисоли эмасми? Афсуски, пул одамга боқий умр бераолмайди. Йўқса...

Шу чоғ күкрагининг ўн томони билинар-билинмас санчиб қўйди. «Жигарим... Эҳ, жигарим! Намунча ўжарсан?» Беҳисоб пул сарфлаб қилинган муолажаларга қарамай... ишлашни, не-чоғлик шоҳона бўлмасин, яшашни нега истамайсан? Сени алмаштириб ташлаб олмаётганимни билдингми, шунинг учун инжиқлик қиласанми? Илтимос, оғайни, озгина чидаб тур, яна бир ўн йилгина, лоақал... беш йилгина ишлаб тур. Кейин... майли, кетаман... Ўзим кетаман. Эй Парвардигор, шаккокона фикрларим учун ўзинг кечир!..»

* * *

Субут билан Фаризанинг бирга яшаётганига юз кун бўлди. Одатда дунё миқёсидаги муҳим сиёсий воқеаларнинг, айтайлик, янги президент сайланиши ёхуд мустақиллик эълон қилинишининг юз кунлиги нишонланади. Бизнинг келин-куёвлар ҳам ана шу анъянага содиқлик ила ўз никоҳларининг дастлабки юз кунлигини «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг ресторанида камтарона қилиб, эллик чоқлигина киши иштирокида ўтказишига жазм этишди. Айни кунларда Америкада даволанишда бўлган Мирмаъдидой ушбу тантанали маросимга келолмади.

— Шошилинч сурофтда учеб кетяпмиз, — деди икки кун олдин қўнғироқ қилиб бойнинг ёрдамчи ва тансоқчиси, асли келиб чиқиши доғистонлик бўлган Ҳамзат исмли йигит. — У кишининг бироз кайфиятлари йўқ. Шу боис ўзлари қўнғироқ қилолмадилар. Узр сўрадилар. Атлантик-Ситидаги ўша таниш клиникага борамиз. Аҳволлари яхшилангач қўнғироқ қиласиз. Ўшанда зарур бўлса, учеб борарсизлар. Ҳозирча у киши ҳеч ким безовта қилмасликларини сўрайтилар. Маросим яхши ўтишига тилак билдирилар.

Маросим чиндан ҳам яхши ўтди. Вазир ҳам келолмаганини ҳисобга олмаганда казо-казолардан анча-мунчаси иштирок этди. Керакли сарупо, совға-салом улашилди. Келмаган бўлишига қарамасдан вазир жанобларига ҳам туҳфа жўнатилди.

— Бориб келмасак бўлмайди. Ўзлари қўнғироқ қилмаганларига қараганда аҳвол жиҳдийга ўҳшайди, — деди уйга қайтгандаридан кейин Фариза. — Ё ўзим бориб келайми?

— Майли, эртага эрталабки рейс билан учинг. Мен ишга бориб шарт-шароитни кўрай-чи, жудаям зарур бўлса қўнғироқ қиласиз.

— Хўп...

Баъзида бир ой кўз очиб юмиб улгурмасингданоқ ўтиб кетгандек бўлади. Гоҳида эса, аниқроғи, кутганингда, шошилганнингда бир умрга чўзилгандек туюлади. Афиға Рамизни кузатганидан сўнг кун санади, соат санади. Гарчи бу орада қишлоқча бир неча марта бориб келди. Отасининг кейинги маъракаларини ўтказишиди. Онасиннинг қорнига ишора қилиб: «Энди нима қилмоқчисан, болам?» деган саволига: «тез орада ҳаммаси яхши бўлади, энажон», деб жавоб қайтарди. «Ҳаммаси ўйлаганимиздек бўлади. Рамиз бир ойдан сўнг келади. Никоҳдан ўтамиз. Кейин жўнаб кетамиз. Боламни ўша ерда туғаман. У... Рамиз билан менинг болам бўлади. Одамлар ҳам шундай, деб ўйлашларини истайман. Субут акам эса... у энди ўз йўлига, у ҳам эҳтимол ўша бойвучча бекасидан бола кўрар. Қолаверса, биринчи аёлидан ҳам фарзанди бор-ку. Мен эса Рамизга тегиб, унга садоқатли чўри бўлиб яшашим керак. У шундай иззат-икромга муносиб йигит. Мени, мендай хору зор аёлни севиб, куйиниб. Ғамхўрлик қилиб юрибди. Йигитнинг марди шунаقا бўлади. Ҳатто онаси-нинг норизолигига қарамасдан севгисидан тоимади. Унинг бу яхшилиги учун бир умр қўлим косов. Сочим супурғи бўлиб, хизмат қилсам арзийди... Мабодо никоҳдан ўтганимиздан сўнг тезда жўнаб кетишининг иложи бўлмаса... майли, Рамизнинг ўзи кетаверсин. Мен шу ерда қолиб, уни кутаман. Қайтага боламни шу ерда, ўз юртим, ўз Ватанимда қўлимга олиб олсан яхши. Рамиз қайтиб келганидан сўнг тўрт кўз-тугал бўлиб, аҳил онладек яшаймиз. Боламнинг сал суюги қотса, мен ҳам ишга кираман. Икковлашсак турмуш қийинчиликларини енгиш осонроқ бўлади. Уй оламиз, машина оламиз. Ишқилиб, Худо Рамизнинг омадини бериб, у ёқдан бироз пул ишлаб келсин. Етмаганига... Шаҳром аканинг пулидан олиб туришимиз мумкин. Шундоқ ҳам банкда турибди-ку. Дарвоҷе. холам Субут акамнинг пулинин қайтариб бердимикан?...»

Афиға анчадан буён бугун илк борхоласини эсга олди.

Шаҳромнинг қамоқхонадаги учрашув чоғида айтган таҳдишли гапи туфайлими ёки ўзи бу ердаги ташвишлар билан оворалиги боисми, у худди Субут сингари холасини ҳам деярли ёдга олмади. Гоҳ-гоҳида «ялт» этиб эсга келган чоғларда ҳам бошқа фикрларга чалғишига ҳаракат қилди. Ҳозир эса беихтиёр иккиси-

ни бирга эслади. Кейин «ўзлари ҳисоб-китоб қилиб олишади», деган қисқа хулоса билан хаёlinи яна бошқа ўйларга бурди. Энди у чиндан ҳам ўз ҳаётida янги, мутлақо тоза бир саҳифа очиши зарурлигини тушунар, бунинг учун Шаҳром айтганидай эски хатоларни такрорламаслиги, зарур бўлса, баъзи яқин одамлардан ҳам воз кечиши кераклигини англаб турар эди. «Субутнинг ўзи бир гал айтганди: «топмоқ учун йўқотмоқ, қайтиб келмоқ учун кетмоқ керак», деб. Яна бир ерда ўқиганди, шу топда қайси китоблигини эслолмади. «... бизни унуттани унутмоқ керак». Ҳа, энди унинг учун Рамиздан кўра яқин, Рамиздан кўра қадрли инсон йўқ. Унга садоқатли ва меҳрибон хотин бўлса, кўнглидан чиқариб хизмат қилса, онаси ҳам вақти келиб тушунар, кечирар, ахир у ҳам инсон-ку. Рамиз ўша аёлнинг боласику, ахир. Унда бўлган бағрикенглик, раҳм-шафқат онасида бўлмайдими? Шунчаки... она ҳозир аччиқ устида ўжарлик қилиб юрибди-да... Ҳали шаштидан тушади. Ўғлининг баҳтли яшётганини кўрса, ишонч ҳосил қилса тақдирга тан беради...

Рамиз ўша куни жўнаб кетганидан кейин эртасига ёқ қўнғироқ қилди. «Яхши етиб келдим. ҳаммаси жойида», деб қисқа гапирди. Бир ҳафтадан сўнг яна сим қоқиб, «ишларим яхши, ҳаммаси режадагидай кетяпти, деди. Учинчи қўнғироқ эса негадир бироз кечикди. Орадан ўн беш кун ўтиб кетди. Афиға: «ўзим қўнғироқ қилақолай», деб турганида, мана, бугун хайрният кўл телефони «дириллаб», чироги ёниб, ойнасида Рамизнинг рақамлари кўринди.

— Айтилган вақтда етиб боролмайдиганга ўхшаб турибман.
— деди Рамиз қисқа салом-алиқдан сўнг. — Жавоб беришмаяпти...

— Берган аризамиз... куйиб қолмасмикан ишқилиб? — сўради Афиға хавотир билан.

- Кутмайди. Кўйса... янгисини ёзиш мумкин...
- Унда... қачон келсиз? Қачон жавоб берамиз, дейишяпти?
- Билмадим...

Афиғанинг юраги «зирқ» этди. Рамизнинг овозидаги маънони аниқ илғамади. Иложисизликми ё... «Билмадим», дегани нимаси?

- Тушунмадим. Қачон келишингиз... номаълумми?
- Шунақага ўхшаяпти...
- Унда мен нима қилибман? Мұхлатим яқинлашяпти-ку...

— Сиз... сиз ҳеч нарсадан хавотир олмасдан... тайёргарлик күрәверинг, Афифа. Мен пул жүнатаман. Ҳеч нарсага зориқмайсиз. Ҳаммаси яхши бўлади. Аслида... ЗАГС энг асосийси эмаску. Вақти келса, ўтамиз албатта. Агар мұхлатингиз келгунча етиб боролмасам, болангизни менинг номимга ёздираверасиз. Қонунан бунинг иложи бор. Шундай қиласиз. Ҳўпми? Мендан хафа бўлманг. Сизни барибир яхши кўраман...

Афиға ҳолсизланиб телефон тұгмасини босди. Кўз олди қоронғилашиб кетди. «Сизни барибир яхши кўраман... Нега энди «барибир», деди нимадир бўлғанмикан? Онасининг юзидан ўтолмаслигига, уни норози қилиб менга уйланолмаслигига кўзи етди-ми? Унда нега шуни аввалроқ айтмади? Умидвор қилиб, ишонтириб, энди... «билмадим», дегани нимаси? Эҳ... ёлғончи... Энди никоҳсиз бола туғаманми? Онамнинг юзига қандай қарайман? Вақтида олдириб ташласам бўлмасмиди? Нега ишондим Рамизга? Уйланаман деган гапига лаққа тушиб ўтирибман-а, мен аҳмоқ... Шошма, шошилиб хулоса чиқарма, балким ростдан ҳам ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан келолмай юргандир. Уни тушун. Биринчи марта келганининг ўзи катта гап эмасми? Ҳар ой келиб кетавериши осон, деб ўйлайсанми? Вахима қилмасант-чи! «Бола туғилгунча улгурмасам, номимга ёздиринг», деяпти. Бунинг учун паспорти керак эмасми? Ё нусхасини факс орқали жўнатса ҳам бўлармикан?

Шошма, ҳали... омон-эсон қутилиб олиш ҳақида ўйласангчи! Туғилмаган боланинг тақдирини ўйлаб нима қиласан?

Ўзига ўзи далда беришга ҳарчанд уринмасин, Афиғанинг кайфияти бузилди. Тушкунликка тушди. Кунлар бир зайлда зерикарли ўта бошлади. Нима қилишни билмай боши қотди. Иккичу кун осмонга қараб ётди. Ўрис кампир койиди.

— Сен кўпроқ ҳаракатланишинг керак, уйда ётма, кўчага чиқ, сайд қил. Дўконларни айланиб, кўнглинга ёқсан нарсаларни харид қил. Кайфиятингни кўтариб юр. Ана шунда боланг осон ва соғлом туғилади...

Имога маҳтал бўлиб турган эканми ё уйда ётавериб юраги сиқилгани асар қилдими — эртаси куни эрталабки ионуштани қилиб, бозорга отланди. Пешингача айланиб юрди. Сал кўнгли ёришди. Бозордаги гавжумлилик, жонсараклик, тинимсиз ҳаракат руҳига ғайрат бағишлади. Юриб, майда-чуйда сотиб юрган аёллар, ўш-яланларга қараб, ногаҳон: «отант — бозор, онанг

— бозор», деганларининг маъниси шу экан-да: бу ерда айланиб юрсанг бир кунинг ўтади», деб ўйлади. «Мен ҳам уйда бекор ўтиргунча бозорга чиқсам-чи?..» Пулдан тежаб ишлатиб, тижорат билан шуғулланиб кўрса бўлмасмикан? Бунинг учун уқув, қунт керак. «Ўрганаман-да, бозору дўконларда ўтирганлар ҳам онасидан савдогар бўлиб туғилмаган-ку». Хўш қиласиган бўлса, қандай тижорат қиласиди? Қишлоқдан келган кўплаб қиз-жувонлар сингари саҳар Қўйлиқ бозорига бориб, даладан дехқонлар олиб тушгин сабзи-пиёзни кўтара арzon харид қилиб, ўтириб сотадими? Ёки Ургуттами. Қорасувгами бориб, ултуржи кийимкечак олиб келиб. Чорсу бозоридаги дўконларга топширсинми? Бунга Рамиз юборган пул кифоя қилмайди, анчагина маблағ керак. Шаҳромнинг пулидан бир қисмини банқдан олиб, айлантиrsa-чи? Иш юришса яхши, юришмай, синиб қолса-чи? Шаҳромга кўрсатган фурури қайдга қолади? Бир кўнгли: «ишлайвермайсанми, Шаҳром ҳали қамоқдан чиқадими-йўқми, унгача Худо пошшо-ку», дейди. Ижарахонага қайтиб келиб ўйлаб анча ётди. «Бу аҳволимда елиб-югуриб тижорат қилиш ҳақида ўйлаш — кулгили. Аммо ўйламаслик ҳам мумкин эмас, нимагадир овуниши керак. Фақат овунчоқ эмас-ку тижорат. Фойда беради. Фойда билан ёқимли овунчоқ бирлашиб, одамни баҳтли қилиши мумкин. Баҳт нима ўзи?

Бир пайтлар Афифа баҳтни севиш ва севилишдан иборат, деб тушунарди. Кейинроқ сокин ва хотиржам турмуш, деб ўйлайди. Энди бўлса пул ва севимли машғулотдан ташкил топали, деган хаёлга бориб ўтириби. Аёл киши учун баҳт бу — биринчи галда она бўлиш эмасмиди? Ёлғиз она қандай қилиб баҳтли бўлиши мумкин? Боланг бўлса-ю унинг отаси бўлмаса, бунақа баҳтнинг кераги борми? Шаккоклик қилма, Аллоҳ сенга оналик баҳтини лозим кўрганига минг бор шукр қилмайсанми?..

Ўйлаб-ўйлаб, Афифанинг боши шишиб кетди. Уйқуга ётиш олдидан: «Рамиз қачон келар экан, келармикан ўзи?» деган фикр кўнглидан ўтди.

Рамизбой дўстимиз ҳам айни шу дамда касалхонадаги шифокорлар хонасида ўтириб, худди шу ҳақда ўйлаётган эди. Борай, деса... борганидан сўнг Афифа билан ЗАГСдан ўтиши керак. Бу дегани, биринчидан, онасилинг юзига оёқ қўйиш, иккинчидан.

Кифоятдан воз кечиш, демак. Кифоят эса Рамиз ўйлаганидан кўра ҳам қатъиятли чиқиб қолди. Қоҳира аэропортида хайрлашганларидан бошлаб деярли ҳар куни қўнғироқ қиласди. Телефонда гаплашиш яхши-да, кўз кўзга тушмайди, одам қўнглидаги гапларни истиҳола қилмасдан, бемалол гапиравериши мумкин.

— Мен... сизга ёқдимми ўзи? — деб сўради Кифоят учинчи марта қўнғироқ қилганида. — Агар ёқмаган бўлсам, бекорга бошингизни оғритиб ўтирумаслигим керак...

Аслида бу гаплар мутлақо ортиқча эканини Кифоят яхши билади. Ахир Субут унга севимли аёли борлигини, унга уйланишга аҳд этганини айтган. Лекин ҳамонки, Кифоят шуни билатуриб, ўзи айтгандай «бошини оғритаётган» экан, демак, Афифадан айнитиб, ўзига оғдирмоқчи, буни Рамиз сезиб турибди. Шу боис унинг гапини бўлиб: «Сизга айтганман-ку», дейиши мумкин. Бироқ Кифоятнинг гапини бўлишга ва шундай дейишга ўзида жазм тополмайди. Қолаверса, Кифоятнинг ўзи ҳам гапини бўлишга имкон бермайди. Савол беради-ю жавобини кутиб ўтирумасдан тонги сайроқи қуш каби вижирлашда давом этади:

— ... Аммо-лекин сиз онамга ҳам жуда ёқибсиз. Айниқса, домламга у киши: «Бундай йигитларга жонингни садقا қилсанг арзийди», дедилар. Икковлари менга: «Рамизни қўлдан чиқарма, унинг муҳаббатига сазовор бўлиш учун, ҳамма нарсадан воз кеч, керак бўлса, қанот боғлаб ёнига учиб бор, сочингни супурги, қўлингни косов қилиб, чўри бўлгин», дейишяпти. Агар учиб борсам, ҳайдаб юбормайсизми?

— Ҳазиллашяпсизми? — кулиб сўради Рамиз қизнинг журъатидан ҳайратланиш баробарида: «қиз бола ҳам бир севса, қаттиқ севади», дейдилар, чамаси, бу Кифоятхон чиндан ҳам мени астойдил ёқтириб қолганга ўхшайди», деб ўйлади. — Бу ёққа келиш осон эканми? Виза, рухсатнома, яна ким қанча чиғириқлардан ўтиш керак.

— Кел, десангиз, ҳаммасини ҳал қилиб, бир ҳафтада ёнингизга бораман...

— Ўқиши-чи?

— Ўқиши бўлаверади. Домла холам бор-ку. Борайми?

Рамиз бир зум ўйга толди. Кейин... «келолмайди барибир», деб ўйлади.

— Келолсангиз... албатта келинг.

Кифоят бало экан. Бир ҳафтага қолмай етиб келди. Учадиган күнн аэропортдан қўнғироқ қилди:

— Самолётга ўтирдим. Маҳаллий вақт билан соат кечки бешда етиб борарканман.

— Алдамаяпсизми? — азбаройи ҳайрат билан сўради Рамиз.

— Сизни ёч қаҷон алдамайман.

Кифоят кутиш майдончасида кўриниши билан Рамиз унинг қатъиятига яна бир марта қойил қолди. «Бундай қатъиятли қизлар ўз муҳаббатига чексиз садоқатли бўлади», деб ўйлади. Ҳазиллашибми, жиддийми, қучоқ очиб пешвоз чиқди. Кифоят келасолиб, ўзини унинг қучогига отди. Юзидан ўпди. «Нақалар журъатли бу қиз». кўнглидан кечирди Рамиз уни эҳтиётлик билан қучогидан бўшатар экан. Ётогига олиб келди. Ётоказона маъмурияти билан гапиришиб, Кифоятта алоҳида бир хона олиб берди.

— Қайлифингизми? Кўргани келибдими? — деда хайриҳоҳлик билан сўради маъмурият ҳодимаси.

Рамиз индамай бош иргаб қўйди. Кифоят хонага жойлашиб, бироз дам олгач, Рамиз уни хонасига олиб келди. Дастурхон тузалган, егулик, ичкиликлар муҳайё.

— Нима қуяй? — шишалардан бирини қўлга олиб сўради Рамиз. — Виски? Жин? Текила?

— Мен ичкилик ичмайман, — деди Кифоят. Кейин шарбат пакетига ишора қилди: — Анови шарбатдан қуяқолинг.

Рамиз унга шарбат, ўзига озгина виски қўйди.

— Қани, олинг! — деди.

— Нима учун ичамиз? — сўради кулимсираб Кифоят. — Учрашганимиз учунми?

— Ҳа! Ва яна... Сизнинг шунча йўлдан мендай фақир бир мусофири йўқлаб келиб, кўрсатган жасоратингиз учун.

— Бу жасорат эмас... Шунчаки сизни жудаям соғиндим...

— Ўзингиз соғиндингизми ёки онажонингиз билан домла-холажонингиз: «боргин, соғингансан», деб маслаҳат беришдими?

— Киноянгиз ўринсиз. Ментга сизни улар таништиришган эмаску. Сизни уларга ўзим таништирдим. Агар биринчи кўргандаёқ ёқтиргмаганимда... уларга таништириб ўтирмасдим. Аэропортда хайр-хўш қилиб кетаверган бўлар эдим. Шундай эмасми?

— Шундайку-я... Биринчи кўрган чоғингизда... мени кузатган одамни ҳам кўргансиз. Наҳотки шунга қарамасдан...

— Ҳа! Шунга қарамасдан. Ҳаётда шунақа бўлади. Бир кўришда севиб қолиш... бу одамнинг ихтиёридан ташқари бўлар экан. Бундай пайтда одам муҳаббати жавобли бўладими ё жавобсиз қоладими. ўйлаб ўтирмаскан. Бир дугонам уч болали ўқитувчи мизни севиб қолганди. Муҳаббати рад этилди, мактубларига жавоб олмади, домла уни кўрганида тескари қараб кеталиган бўлди. Лекин дугонам севгисидан барибир воз кечгани йўқ. У «керак бўлса, бир умр кутаман, пайти келиб, хотини қариб қолганидан кейин топишсак ҳам майли», дейди. Муҳаббат ана шундай туйғу. Одамни телба қилиб қўяди.

Рамиз жилдий тортди. Қўлидаги қадаҳнн бир кўтаришда бўшатди. Кейин Кифоятнинг чиройли кўзларига тик қараб, бироз ўнғайсизланиб, бироз иккиланиб гап бошлади:

— Мен буни тушунаман. Сиз ҳам тушунаркансиз. Лекин... лекин мен сизга: «сиз телбаларча севган одамнинг ўзи худди ўша дугонангизга ўхшаб, салгина олдин бошқа бир одамни... («мантиқан ўзига тенг бўлмаган аёлни») — буни Рамиз тилига чиқармади, гарчи миясидан ўтган бўлса ҳам) телбаларча севганини билатуриб, унинг тош қалъя сингари қалбига сари юриш қилиб... янглишмадингизми?» — деб савол берсан... Нима деб жавоб берган бўлар эдингиз?

— Саволингизнинг жавобини аввалроқ айтдим-ку: севгим жавобсиз қолган тақдирда ҳам... ҳеч нарса ўзгармайди. Майли, сиз севган аёлнингизга уйланинг, баҳтли бўлинг. Мен эса теварагингизга худди жонсарак бир капалак сингари айланиб юраверман. Қўрқманг, баҳтли яшашингизга халал бермайман...

Рамиз қадаҳга яна виски куйди. Ичди. Боши қизиди. Шунинг таъсиридами ё бу ҳақдаги фикр кўнглининг бир четида аввалдан бўлганми, ҳар қалай ғалати бир гап айтди:

— Агар мен сизга яна бир савол берсан, бу савол бироз аҳмоқона бўлса... аччиқланмайсизми? Хафа бўлмайсизми?

— Сўранг, сўрайверинг.

— Сиз — бойвуча хонимнинг эрка қизи, ўзингизни бунчалик ерга уришингизнинг сабаби нима? Биронтаси аллаб... ташлаб кетган эмасми?

— Бу саволни бошқа бир шаклда аввал ҳам бергансиз. Ўшанда мен «ўқиши билан овора бўлиб, бу ҳақда ўйлашга фурсат етмаган», деб жавоб берган эдим. Энди яна ҳам муфассалроқ айтаман: биринчиси — ўқишига чалғидим, иккинчиси... онам айт-

ганки, менинг балоғатта етишім бироз кечиккан, учинчisi — шу қоққача күнглимга ёқадиган йигитни учратмадим. Қисқа қилиб айтсам, ҳеч ким алдамаган, бирон йигит... құлнмни ҳам ушламаган. Тұғри, сиз «бокира қыз бўлсангиз, шунча йўл босиб, менинг олдимга келгани кўркмадингизми?» деган савол ҳам беришингиз мумкин. Бояги жавобни қайтараман: севгнга аспир тушган одам ҳеч нарсадан тап тортмайди.

— Йўқ, мен бошқа, яна бир аҳмоқона... мантиққа тұғри келмайдиган савол бермоқчиман. Лекин журъатим етмай турибди.

— Сўрайверинг.

— Агар... Агар мен... «Қайлифимга бўлган муҳаббатимни инкор этмаган ҳолда сизни ҳам ёқтириб қолдим, десам... устимдан кулмайсизми, мендан нафратланмайсизми?» деб сўрасам, нима деб жавоб берган бўлардингиз?

Кифоят аввал кулиб юборди. Кейин жиддий тортиб чимирилган қошларининг ўртасида чиройли чуқурча ҳосил бўлди.

— Бу кулги ёки нафрат билан жавоб қайтарадиган савол эмас. Бу ҳолат... ўйлантиради. Гарчи бугунги замоннинг эркаклари бир йўла иккита эмас, тўртта аёлга ҳам бирваракай «севаман», дейиши мумкин. Ҳозир бунга ҳеч ким ажабланмайди. Лекин мен... ўз муҳаббатидан воз кечмаган ҳолда... бундай севгини қабул қилолмасдим. Тушунинг. Қиз бола... иккинчи хотинликка рози бўлиши... камдан-кам ҳолларда учрайди.

— Мен «иккинчи хотин бўлинг», деёттаним йўқ. Биринчи бўласиз. Лекин... Афиғадан — ўша аёлнинг исми шунақа — ҳам воз кечолмайман. Мен унга вაъда берганман. Ваъдамни бажармасам, номардлик бўлади.

Кифоят ўйланиб қолди. Ерга қаради. Рамиз күнглидаги гапни омон-эсон айтиб, олгани, бундан осмон узилиб ерга тушмагани, аниқроғи, Кифоят сапчиб кетмаганини кўриб, юраги тинчланди. Қадаҳига яна виски қўйди. Сипқорди.

— Аслида... биласизми... Афиға менинг севгимга астойдил жавоб қайтарган эмас. У бир пайтлар алданган, кейин халоскор бир инсонни севган, ўша севган одамига турмушга чиққан, баҳтили бўлган, бироқ, айрим сабаблар билан ажралишган. Ажралишганидан кейин ҳам эри билан учрашиб юрган, қорнидаги боласи ҳам ўз эриндан. У ҳалиям эрини яхши кўради. Эри эса... бошқа бир бойвучча аёлга уйланган. Шунинг учун Афиға эридан қаттиқ ранжиган, энди у билан яшаши ҳам, бола ундан

эканини ҳам айтишни хоҳламайди. Мен уни даволаш асносида... яхши кўриб қолдим. Мураккаб вазиятга тушгани боисмикан? Хуллас, унга ёрдам бергим, уни бахтли қилгим келди. У яқин-яқингача, менинг севгимни рад этиб келди. «Бизлар тенг эмасми», деб юрди. Ҳатто хорижга қочиб ҳам кетди. Лекин мен... ортидан қолмадим. Ниҳоят у рози бўлди. Биз ЗАГСдан ўтиш ҳақида ариза бердик. Бир ой муҳлат ўтиши зарурлиги боис никоҳимиз кейинроққа қолдирилди. Шунда... сизни учратдим. Тақдир, деганлари қип-қизил ўйинчи экан-да, нима дейсиз бунга. Сиз... ўйламанг «мени қандайдир шахсий манфаат туфайли қўлдан чиқаргиси келмаяпти», деб. Йўқ. Унақа эмас. Мен турмуш қийинчилкларини кўп кўрган ва шунга кўнинкан одамман. Онангизнинг бойвуччалиги, турмуш шароитларингиз ўз йўлига. Мени унақа нарсалар қизиқтирумайди. Мени... мени қизиқтиргани... ростини айтсан... сизнинг самимийлигингиз. Севгингизни соддалик билан очиқ айтиб, унга эришиш-эришмаслик ҳақида ҳам ўйлаб ўтирмасдан мени, мендай бир оддий, камбагал йигитни шунчалик юксакка кўтариб, ортидан шунча узоқ жойларга келиб юришларингиз...

— Демак, бу фақат қизиқиш экан-да? Бунинг Аифага ачи-ниш асносида туғилган муҳаббатингиздан нима фарқи бор? Ик-каласи бир нарса эмасми?

— Билмадим, Кифоят, бошим айланиб кетди. Лекин... Лекин сизга бўлган туйғу... фақат қизиқиш эмас. Сизга ҳам... қаттиқ боғланиб қолдим. шекилни... Акс ҳолда... қизлардан, уларнинг ота-онасидан менга илгари ҳам кўп таклиф тушган...

— Кўп ичдингиз, энди дам олинг, қолган гапларни эртага гаплашамиз, — деди Кифоят. — Мен дастурхонни йиғишириб, хонамга борай.

— Шу ерда, қолаверинг... — деди Рамиз Кифоятнинг кўзига қарамасдан.

Кифоят унинг галини эшигмаганга олди. Дастурхонни йиғишириб. идиш-товоқларни ювиб, хонасига кетди. Эрталаб барвақт туриб, Рамизнинг хонасига келди. Чой қўйиб, дастурхон тузади, қўймоқ пиширди. Рамизда кечакчилик таъсирида пайдо бўлган журъату дадишлиқдан асар ҳам қолмаган, қизнинг кўзига тик қарай олмасди.

— Мен ишга бориб келгунча зерикиб қолмайсизми? — деб сўради.

— Зерикишга вақт бўлмайди. Хонангизни йиғиштириб, тозалаш, кирларингизни ювиш керак.

— Шартми шу?

— Албатта! Йўқса нимага келдим?!

Кечқурун ишдан қайтган Рамиз хонаси чиннидай қилиб, кийимлари, чойшабу ёстиқ жиллари ювилиб, дазмоллаб қўйилганини кўрди. «Эркатой қиз эмас бу. Рўзгорни гулдай қилади», деб ўйлади.

— Ошнинг тагини солиб қўйдим, — деди Кифоят. — Ўзимизнинг паловни соғингандирсиз?

— Ҳали палов пиширишни ҳам биласизми?

— Ие, албатта! Нима, сиз мени қўлинни совуқ сувга урмайдиган «оқбилакойим», деб ўйладингизми?

— Йўқ. Ундаи деб ўйлаганим йўқ. Лекин пазандалик бобида ҳамма ҳам...

— Қани, кўрайлик-чи, ошингиз қанақа экан...

Шунда Кифоят бироз саросималанди.

— Билмадим. Бу ернинг гуручи... Келишда бир-икки кило девзира ола келмабман-да.

— Бу ернинг гурчи саҳройи. Сувга чанқоқ бўлади. Тузукроқ солаверасиз...

Ош сузилди.

— Бугун ичмасангиз бўлармиди, — деди маслаҳат оҳангига Кифоят стол устидаги шишаларга қараб.

— Майли, ичмайман. Ошнинг таъмини бузмасин.

Ош ейиши. Рамиз ошни қўли билан мағтаб-мағтаб, бошини иргаб-ирғаб еди.

— Қўлингиз ширин экан, — деди у ва қўлинни артиб, чой ҳўплади. — Дард кўрмасин.

— Раҳмат. Ош бўлсин.

Кейин улар кечаги сұхбатни қолган жойидан давом эттиришга уриниши. Рамиз ҳарчанд уринмасин, тилининг тушовини ечолмади. Шунда Кифоят яна дадиллик кўрсатди:

— Кеча кайф устидами, ё ҳушёргидингиз, «икковларингизни ҳам яхши кўраман», деб айтдингиз. Шу гапингиз жиддийми?

— «Мастлик — ростлик», дейишган. Қандай гап айтган бўлсан, ҳаммаси жиддий, — Рамиз сал дадиллашиб Кифоятнинг кўзига қаради. — Аммо бу гапим қанчалик жиддий бўлса, шун-

чалик бемаъни. Чунки турмуш қурмаган қизга бунақа гап гапирилmasлигини яхши биламан...

— Яна... айтдингизки, «сенга қонуний уйланаман, ундан эса хабарлор бўлиб турман, боласини номимга оламан», деб. Демак, бир йўла қўш хотин олмоқчи экансиз-да?

— Агар бунинг номи шунақа, деб аталса, нима ҳам дардим! Аммо-лекин чиндан ҳам сизга тўй қилиб, қонуний уйланмоқчи-ман. Агар рози бўлсангиз.

— Унга-чи? Кечагина унга қонуний уйланмоқчи эдингиз-ку!

— Бу саволингиз устида кеча батафсил гаплашдик. Афифа билан никоҳимизга онам мутлақо қарши эканини у билади. Тушунади. Лекин... ундан ҳам воз кечмайман. Кеча айтдим. Сўз берганман.. Эҳтимол вақти келиб... Хуллас, мени севсангиз, сиз ҳам тушунишингиз керак.

— Мен кўриб-билиб туриб, кундошликка рози бўлайми? Ўйлаб гапиряпсизми? Рамиз ака, биламан. Сиз бир сўзли мард йигит бўлганингиз учун Афифадан эмас, унга берган ваъдан-гиздан воз кечолмаяпсиз. Аслида уни севмагансиз. Бўйдоқ йигит болалик аёлни яхши кўриб қолиши... ва, айниқса унга уйла-нишга аҳд этиши кам учрайди. Бу ё мажбурликдан, ёки ўзингиз айтиётганингиздек, азбаройи раҳм-шафқат туфайли юз бериши мумкин. Ўзингиз айтяпсиз-ку. Афифани тушунади, деб. Унга «ўз тенгимни топдим, унга уйланаман», десангиз, монелик қил-майди, хафа бўлишга ҳам ҳаққи йўқ. Боласини... агар эридан бўлса, эрининг номига ёздиргани яхши. Қонунга ҳам, урф-одат-ларимизга ҳам тўғри бўлади. Эри кўнмаса, ўзининг номига ёздирсисн. Мутлақо алоқаси йўқ кишини аралаштириб нима қилади?

— У мажбуrlаган эмас. Мен ўзим...

— Биламан... Сиз инсонпарварлик, бағрикенглик қиламан, деб номингизни булғаб, шаънингизга доғ тушириб қўясиз. Кела-жагингизга тўсиқ ташлайсиз. Нима кераги бор? Бирор сизни мажбуrlамаётгани бўлса... Унинг ўриига келажагингизни ўиласан-гиз яхши эмасми? Агар биз бирга бўлсак, турмушнинг майдачуда ташвишлари ҳақида ўйлашга ҳожат қолмайди. Илмий иш қиласиз, карьера ҳақида ўйлайсиз, бунақа... чўл-саҳроларда эмас, юксак даражада ривожланган мамлакатларга бориб, супер замонавий клиникаларда ишлайсиз. Вақти келиб, хусусий клиникангизни очармиз...

— Ўх-хү... олтин тоғлар, осма боғлар... онангизнинг беҳисоб молу давлати...

— Кесатманг, мен сизга гапнинг индаллосини айтяпман. Агар «онангизнинг молу давлати керак эмас», десандыз, ўзимиз ҳамасини нолдан боштаймиз. Биргалиқда ишлаймиз, рўзгоримизни буттаймиз.

— Сизнинг журъатингиз, удлабуронлигингиз қаршисида ҳайрат билан таъзим қиласман. Сўзларингиз мантиқи шу қадар кучлики, инкор этишга ожизман. Гапимда ҳеч қанақа киноя йўқ. Аммо-лекин ўзимни «бебурд, бетайн кимса», деб ҳисобламаслигим учун обдон ўйлаб кўришим керак. — деди Рамиз.

— Ўйлаб кўринг...

— Сиз қачон қайтмоқчисиз?

— Кет, десандыз, шу бугуноқ.

— Кет, демайман. Лекин... онангиз хавотир олиб ўтирганини ҳисобга олиб, тезроқ жўнаганингиз маъқул эмасмикан, деган фикрдаман.

— Бўпти, бўлмаса ҳозир аэропортга қўнғироқ қилиб, яқин орадаги самолёт қачон учишини билиб беринг.

— Майли...

Кифоят пешиндан кейин самолётта чиқди.

21

«Узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, Ўрта осиёлик энг бадавлат ва энг таниқли тижоратчи миллиардерлардан бири Саъдиев Мюнхенда бандаликни бажо келтирди....» Интернет сайтиларидан биридаги ушбу қисқа хабарни бир-биридан анча узоқда бўлган икки киши тахминан бир пайтда ўқиди.

Биринчиси — ахлоқ тузатиш муассасаси маҳбуси, марҳумнинг собиқ куёви Даврбек Муқимхонов. «Илоҳим худо раҳмат қиласин. Яхши одам эди. Ундан ёмонлик кўрганим йўқ...» Иккинчиси — ижарахонасида ғамгин ўтирган кўйи виртуал почтани варақлаб, Рамизнинг навбатдаги мактубини қидираётган Афифа. У Мирмаъди Саъдиевнинг Субутнинг қайнотаси, беҳисоб молу давлат соҳиби ҳамда жудаям қўли узун қудратли одам эканлигини эшигтанди. Шу боис олдин: «Парвардигор имонини берсин, дега юзига фотиҳа тортди. Кейин кўнглидан: «Бойлар ҳам ўларкан-да», деган юзаки бир фикр ўтди.

Муқимхонов билан Афиғанинг ўй-хаёлларини бақамти таҳ-
лил этишимизнинг боиси: куни кечакудди шу интернет тұлқынла-
ри орқали улар иктиёrsиз равишда виртуал суҳбат қуришларига
түғри келди. Бунга сабаб зонадаги бир хил, зерикарлы ҳаётдан
безор бўлган Муқимхонов яқинда муассаса раҳбариятидаги
ошналарининг сўзсиз розилиги билан баракдаги бўлмасига ком-
пьютер олиб келиш ва уни интернетга улаб олишга муваффақ
бўлди. Сўнгра ёш маҳбуслардан бирининг ёрдамида интернет
орқали оламга виртуал саёҳат қилиш, таниш-билишлар билан
хабарлашиш йўл-йўриқтарини ўрганишга киришди. Шунинг ас-
носида бу машғулотга шунчалик қизиқиб кетдики. «ноутбуқ»
деб аталувчи ушбу мўъжаз қора жомадончани куну тун қўлдан
қўймайдиган бўлди. «Инсон ақл-идроқига тасанно! Турмада ўти-
риб, бутун дунёни кафтдагидек кўриб турсанг, истаган кишининг
билан ғойибона учрашиб, суҳбат курсанг... Қанақасига ғойи-
бона бўларкан? Ана суврати қаршингда-ю, оғзининг қимирла-
шигача кўриб турибсан. Юзма-юз суҳбат, дейиш мумкин бема-
лол.Faқат, кўлинини қисолмайсан, бағринга босолмайсан...

Дарвоқе. Афиға қайларда юрган бўлса шу топда? Ҳар эҳти-
молга кўра бир мактуб ташлаб қўйиш керак. Ажабмаски, ўқиб.
жавоб ёзса. Тунов куни Амир маъюслик билан «ўша дўхтир йи-
гит билан турмуш қуришга қарор қилишибди», деганди. Амир-
нинг маъюслиги сабаби яқинда унинг ёстиғи тагидан юз грам-
мча гиёҳванд модда топилиб, такрор судланди. Муҳлатига мұҳ-
лат қўшилди. Муқимхоновнинг тахминича. Амирни энди бу ер-
дан чиқаришмайди. Буни унинг ўзи ҳам сезган. Аввалги ўқтам-
лиги йўқ. Гарчи аҳён-аҳёнда «менинг қутилиб чиқишимга қарши
бўлган одамлар отдан тушадиган замонлар ҳам келади», деб так-
рорласа-да, бу гапига ўзи ҳам ишонмайди. «Ўша битидан бошқа
бисоти йўқ дўхтир боланинг нимасига учди экан Афиға?» деб
сўради Даврбек ундан. Шунда Амир ғамгин жилмайди. Эски
мақолга ижодий ёндашиб, янгича талқин қилди: «Узоқдаги қуй-
руқдан яқиндаги қуруқ яхши», дейишган, биродарим». Муқим-
хонов унга: «Майли, ўқинманг, бизнинг кўчада ҳам байрам бўла-
жак», деб далда берди. Сўнгра ўзидан хаёлан сўради: «Нега мен,
уни ҳеч унугулмайман?» Хаёлний жавоби ҳам саволдан иборат
бўлди: «Эҳтимол тақдирнинг ўзи бизни... умрбод боғлаб қўйган-
дир?» У бундай деб тахмин қилишга асосим бор, деб ўйлади.
Чунки... ҳув ўша биринчи муҳаббат гаштидан воз кечиб, «ха-

лоскори» бўлмиш Субутга тегиб кетганидан сўнг ҳам Афида унинг ёрдамини қабул қилганди. Кейин тасодифанни ё қисмат қонунига кўрами, улар туманда яна учрашишди. Муқимхонов ўшанда қилган хатосини алам билан эслайди. Мағур аёлнинг фурурини синдиримоқчи, ялинтиримоқчи ва ўз оёғи билан келиб қўйнига киришига эришмоқчи бўлганди. Ҳолбуки. яна беғараз ёрдам қилиб, унинг ихтиёрий чин муҳаббатига сазовор бўлиши мумкин эди-ку! Эҳтиётсизлик, калтабинлик оқибатида оралари бузилиб кетди. Кейин тақдир уларни яна учраштириди. Афида аслида уни кўришга келмаган, Даврбекни бу ерда учратиш ҳақида эҳтимол, ўйламагандир ҳам. Аммо кўзи кўзига тушганида алланечук бўлиб кетганини Муқимхонов сезди. Чамаси юраги «жиз» этиб кетди. Кўз очиб кўргани-да барибир ҳам. Қолаверса... Даврбек мансабдорлик йишиларида орттирган қорнидаги «обрў» чарвиси, томоғидаги халтасимон бақбақалардан халос бўлиб, ҳозир яна йигитлик чоғларида сингари хипча, тик қоматли йигит қиёфасига кирган. Йигит чоғларида эса уни бир кўрган қиз-жувон беихтиёр тақроран нигоҳ ташлашга мажбур эди. Кеча чин дунёга риҳлат этган Мирмаъди бойнинг эрка қизи Фариза ҳам шунча бўйдоқ йигитлар қолиб. Муқимхоновни танлагани бежиз эмасди. Даврбек келишган йигит бўлиш билан биргаликда кўзларида аёл зотининг юрагига чўф ташлайдиган сеҳрли бир нур бор эди. Хаёлида у: «Афида билан оҳирги учрашувимиз чоғида мен уни ўша нур билан нурлантирдим, энди яна узоқ муддат юраги орзиқиб, мени эслаб юради», деб ўлади. Интернет орқали кетма-кет юборган мактубларига кеча кутилмагандан жавоб келиб қолгани боисини ҳам ана шу «нурланиш», аниқроғи, сеҳрланиш оқибати, деган хулоса чиқарди.

«Ахволим ҳавас қиласидиган даражада эмас», — деб жавоб берди Афида виртуал сұхбат чоғида Даврбекнинг: «Нечуксиз?» — деган саволига. «Нима учун? Қанақа муаммо?» «Моддий муаммо. Пулдан қийналиб қолдим. Ишсизман. Тижорат қиласай, десам айлантиришга маблағ йўқ. Ҳеч қурса ўн-ўн беш минг доллар пул бўлсайди...» «Эртага шу пайт алоқага чиқинг. Мен бирон чорасини ўйлаб, сизга айтаман». «Раҳмат сизга... агар ҳал қилиб берсангиз, тўрт-беш ойдан сўнг фоизи билан қайтарар эдим...»

Муқимхонов ноутбук қопқоғини ёпиб, ўйга толди. «Ҳаммаси «бер-бер», дейди. Тавба. Нима, менинг пул заводим борми? Ўзи бу ерга тушиб, бор-йўғимдан айрилдим. Қаёқдан ҳам ёздим шу

мактубни. Юрмайманни тинчтина тоат-ибодатимни қилиб. Аллоҳнинг ўзи кўнглимга солиб, руҳоният йўлига ўтувдим. «Ўғри-боши»лик унвони гарчи кутилмаганда, бамисоли осмондан тушган бўлса-да, бу ҳам аслида Парвардигор томонидан юборилган бир синов эди. Яратган Эгам: «қани, молу давлатидан кўзини чирт юмиб, воз кечириб юбора оладими ёки жиноят оламининг очиқ-ошкора аъзоси бўлишга розилик берадими», дея имтиҳон қилган. Мен Амир билан келганларга «Майли, буд-шудимнинг ҳаммасини олинглар, менга ҳеч қанақа «апелсин»¹ чиликнинг кераги йўқ», дейишим керак эди. Мен бўлсан аҳмоқлик қилиб, уларнинг ногорасига ўйнаб ўтирибман. Ишламаслик, уйланмаслик эвазига умримнинг охиригача тўқис ва фаровон ҳаёт кечирап эмишман. Мутлақо беъмани гап-ку бу! Одам ишламаса, оила қуриб яшамаса, ҳаётнинг нима маъноси қолади? Буни аслида Амир сингари бутун умри қамоқда ўтадиганлар ўйлаб топган бўлса керак. Мақсадлари ўзларининг ҳибслаги ҳаётини роҳат-фарофатда ўтказишдан иборат бўлган. Мен эса турмадан тезроқ чиқиши, озодликда ҳаётимни қайтадан бошлаб, серташвиш ва баҳти турумуш кечиришни ўйлашим керак. Умр инсонга бир марта берилади. Тоат-ибодат ўз йўлига. У инсонни фаол гайрат-шижоатли ҳаётдан чалғитмаслиги керак. Таркидунё қилиб яшашда ҳеч қанақа мазмун-моҳият йўқ. У ҳолда қамоқ билан озодликдаги ҳаётнинг фарқи қолмайди. Ҳолбуки, Озодлик, бу — дунёда инсон тотиши мумкин бўлган неъматларнинг энг ноёби, энг қиммати, энг лаззатлиси. Буни лоақал бир кунгина ҳибсда ўтирган одам яхши билади.

«Агар Афиғага айтган пулини ҳал қилиб берсан, яна алоқа боғлашим мумкин. Қутилиб чиққанимдан сўнг унга уйланаман. Боласига оталик қиласман. Анови дўхтир уйланган тақдирда ҳам бир-икки йил яшаб, ажрашиб кетади. Бу аниқ. Қолаверса, Афиғанинг ички дунёси ҳам менга яхши таниш. У... бу ҳаётда фақат мен билан тинч-хотиржам турумуш кечириши мумкин. Бошқа ҳеч ким билан баҳти бўлолмайди. Ана, Субут билан ҳам ажрашиб кетди-ку. Тақдирнинг ўзи мени унга бекорга дучор этмаган. Бериш керак. Айтган пулини ҳал қилиб бераман. Қарздор қилиб қўйяй-чи...»

¹ Муаллиф изоҳи: «Қонундаги ўғри» унвонини пулга сотиб олганларни «апелсин», деб аташади.

Шунни айтайин, деб интернетта кирди. Афида билан шартлашган вақтигача ҳали бир соат бор эди. Бошқа сайтларга кириб, олди-қочди воқеалар, алмойи-алжойи гапларни күздан кечирмоқчи бўлди. Собиқ қайнотасининг вафоти ҳақидаги хабарни бир неча сайтлар берганинн кўрди. «Раҳматлилар қудратли одам эди. Беҳисоб молу давлатта ким эгалик қиласди? Субутми? Ҳай билмадим-да! «Ҳўқиз қачон ўлади-ю гўштини қачон хомталаш қиласмиз», деб кутиб ётган бўрию тулкилар қанча. Майли, нима бўлгандаем шўрликни худо раҳмат қилсин...»

Афида интернетта олиб кирувчи тугмаларни бир-бир босар экан, кечаги қилган ишидан чекаётган пушаймони. иккиланиши ҳалиям тарқалмаганини ҳис этди. «Керакмиди шу? Нега яна бу одамга ялинди? Шаҳром аканинг пулини етганича ишлатиб, қолганини бошқа жойдан изласам бўлмасмиди? Қаердан излардим?! Ҳозирги пайтда шунча пулни ким беради? Мабодо берган тақдирда ҳам отасининг фоизини қўйиб, синдириб ташлайдими? Фоизли қарз нималигини яхши биламан-ку. Ҳатто... туғишган холам... Майли, энди унинг гўрига фишт қалаб ўтирамайн. Қилган ишларини азобини тортиб ётгандир. Фоизга бўлсаям берганди бечора. Омадим келмасдан пулни беҳуда куйдирганим учун у айбдор эмас-ку. Дарвоҷе, бу гал ҳам чув тушиб қолмасмиканман? Башир айтадиган таклиф жудаям фойдалига ўхшаяпти. Бир ҳаракат билан беҳисоб пулга эга бўлиш мумкин...»

Башир кутилмаганда қўнғироқ қилиб қолди. Афида ҳайрон бўлди. Салом-аликни ҳам унутиб:

- Телефон рақамини қаердан топдингиз? — деб сўради.
- Бу тижорат сири, — деди ўпка-гина қилди:
- Бекор қочиб кетибсиз, сизни бизнесимга шерик қилмоқчи эдим, юртингизга бир халта доллар билан қайтар эдингиз, — деди. Шунда Аифанинг миясига кинояли бир фикр келди. Лекин бу гапни айтишга шошилмади. Аввал тўсатдан кетиб қолишининг сабабларини узундан-узоқ изоҳлади. Охирида: «яхшиям тезроқ келган эканман, акс ҳолда отамнинг дағн маросимида ҳам қатнашолмас эканман», деди. Башир таъзия билдириди. Афида раҳмат айтди-да, боя қўнглига келган гапни тилига чиқарди:
 - Агар ниятингиз чиндан ҳам холис бўлса, ҳалиям шерик қилиб олинг, ҳозир бекор юрибман, — деди.
 - Мол юборсан сота оласизми? — деб сўради Башир.

- Албатта,—деди ўйлаб ўтирумасдан Афиға—Қанақа мол?
- Электроника. Телевизорлар, видео, совуткичлар, хуллас, электр билан ишлайдиган буюллар.
- Пулинин олдин бериш керак змасми?
- Аслида олдин бериш керак. Лекин мен сизга ишонганим учун молни қабул қилганингиздан кейин тұласанғыз ҳам бўлади. Лекин... камида бир катта контейнер жўнатмасам, ўзини оқламайди. Сиз шунча молнинг пулинин бирдан тўлаб бера олармикансиз? Қарз бериб турадиган одамларингиз борми?

- Қанча керак бўлади?
- Қирқ-эллик минг доллар.
- Ўҳ-хў... Мен бунча пулни тушимда ҳам кўрмаганман. Йиғирма-йигирма беш бўлса ҳам майли эди. Қолганини сотиб бўлгач, берардим.

Башир бир муддат ўйланди. Кейин:

- Майли, унда сиз аввал улгуржи савдо бозорига бориб, нарх-навони билинг, харидор топинг. Молнинг бир қисм пулинини сизга олдиндан беришга рози бўлса, ўзингиздаги пулга қўшиб, мен билан ҳисоб-китоб қиласиз-да, ундан қолган қисмини сал кейинроқ олсанғыз ҳам бўлади. Фақат ишончли одам бўлиши керак. Мен юкни сизга таннархида бераман. Яхшигина фойда оласиз. Сизлардаги ўртacha нархлардан хабарим бор. Ҳар битта телевизордан эллик фоизгача соф фойда оласиз. Эллик минг доллар харажатингиз бир ойга қолмай етмиш беш минг бўлади. Менга биронта факс рақамини айтсанғыз, прайс-варақа жўнатаман. Ёки... электрон почтангиз борми?

— Бор.

- Унда жудаям соз, ҳозироқ компьютерингизда моллар рўйхати ва нархларини ўқийсиз.

— Молни... ким олиб келади?

- Машинада жўнатамиз, Эрон, Туркманистон орқали. Пулни олишга ўзим бораман. Агар рухсат берсанғыз. Майлими?

— Албатта. Лекин айтганингиздай, олдин бозорни бир кўрай.

— Кўринг, индин қўнғироқ қиласман...

- Шу тариқа Башир билан уч марта гаплашилди. Бу орада Афиға кўтара бозорга бориб, икки-учта улгуржи савдо дўконларига кирди. Керакли буюлларнинг рўйхатини, харид қилинадиган нархини ёздириб олди.

— Қанча молингиз бўлса олиб келаверинг, синглим, ўзим сотиб бераман,— деди қирқ ёшлардаги гажакдор, оппоқ лўппи юзли, кўл-бўйни тўла қімматбаҳо тақинчоқ бир аёл. Исли Ҳожар экан.— Қиёматли опа-сингил бўлиб қоламиз насиб этса....

Афида уйга келиб, Башир юборган нархлар билан солиштириди. Тўғри айтган экан Башир, фойданинг чўғи баланд. Муҳими, молнинг келиш харажатлари, божхона тўловлари ошиб кетмаса бўлгани. Энди пул топиш керак. Шаҳромнинг пулини банкдан олиб туради. Лекин у кам. Яна камида ўн, яхиси, ўн бешта керак. Кимдан сўрасин? Рамизда бунча пул йўқ. Субутда бор. Аммо Афида ундан сўрамайди. Ундан энди... пул сўрагандан кўра ўлиб кетгани яхши. Ундан сўрагандан кўра... Муқимхоновдан сўраш осон. Дарвоқе, Даврбекнинг ўзи интернетдан хат жўнатиб, кечирим сўраб, «гуноҳимни ювиш учун ҳар қандай шартга розиман», деб турибди-ку. Аммо.. турмадаги одамдан пул сўраш... қандай бўларкан? Қанақа бўлса ҳам сўраб кўриш керак. Бўлса беради, бўлмаса йўқ, дейди. Сўраганнинг айби йўқ ахир...

Мана бугун интернетта кириб, рақибаси Фариза хонимнинг отаси ўлгани ҳақидаги хабар ва Дарвбекнинг пул топиб бериш ҳақидаги ваъдасидан воқиф бўлди. Истиҳоласи чекинди. «Хўш, нима бўпти, қарзга олиб, қайтариб бераман-да!

— Муқимхонов: «Менга телефон рақамингизни айтинг. Пулни олиб бориб беришади»,— деди. Афида телефонини ёзди.

Бир ҳафта ўтди. Бу орада Афида банкдан минг азоб билан Шаҳромнинг пулини олди. Муқимхонов номидан бир йигит телефон қилиб: «ҳайвонот боғининг дарвозаси олдига келинг, сизга бир хат топширишим керак», деди. Чиқди. Хат дегани қалин конвертга солингган бир боғлам пул экан. Уни олиб уйга қайтди. Баширга электрон мактуб жўнатди. «Пул тайёр. Молни жўнатинг». Жавоби тез келди: «Юк эртага йўлга чиқади. Қабул қилувчини огоҳлантиринг». Афида эртаси куни Ҳожарнинг ёнига келиб:

— Бугун машина йўлга чиқди, — деди.

— Яхши. Беш кунда шу ерда бўлади. Айтилган жойда кутиб, қабул қилиб оламиз.

Сўнгра Афида Бекатга жўнади. «Уйга бориб, акамни олиб келаман. Бир ўзимнинг кучим етмайди». Акаси аввалига кўнмади. Оғзи куйганди. «Бўладиган ишми, бўлмайдиган ишми, банк-ротликдан безорим чиққан», деди. Онаси оро кирди: «Яна бир

уриниб кўринглар, болам, зора Художоним омадларингни берса. Ахир сизларга ҳам боқар кун бордир».

Афифа Бекмуҳаммадни ижаҳаҳонасига олиб келди. Кампир: «Битта хонада ака-сингил қандай турасизлар, яхшиси, мен уни мавзедаги дугоналаримдан бириникига жойлайин», деди. Рози бўлишди. Кампир Бемуҳаммад билан чиқиб кетган пайти Рамиз қўнғироқ қилди. Боролмаётгани учун узр сўради. «Ҳали муддатингиз узоқми?» — деб сўради чайналиб. «Анча бор», — деди энсаси қотиброқ Афифа, гарчанд тахминича бир ярим ойдан зиёд вақт қолган бўлса ҳам. «Паспортимнинг нусхасини юборайми?» «Нусхаси ўтмаса керак». «Биронта ЗАГСдан таниш топинг, уч-тўрт сўм ваъда қилинг. Жудаям бўлмайди деса боришига ҳаракат қиласман. Бирон ҳафта қолганда қўнғироқ қиласиз». «Майли», деди Афифа. Шу топда Рамиздан хафа бўлишниям-бўлмасликниям билмади. «Мен бу ерда қорним ғамида юрибман, у бўлса туғилмаган боламнинг ташвишини чекяпти. Меҳрибонлик, дегани шу-да, бошқа яна қанақа бўлиши мумкин. Аммо-лекин уйланмайдиган бўлса, боламни унинг номига ёздиришдан нима наф? Майли ҳозирча хўп, деб турайчи...»

Эртаси куни Афифа акаси билан бирга «хусусий тадбиркор» рухсатномасини олиш учун ҳокимият, банк, солиқ идорасига қатнаб, тинкаси қуриди. Ҳайрият, уч кун деганда ҳужжат қўлларига тегди.

— Энди молни кутамиз, ака, — деди Афифа. Сўнгра Бекмуҳаммаднинг қўлига пича пул узатди. — Мановини ишлатиб туринг.

Бекмуҳаммад қисиниб-қимтиниб бўлса-да пулни олди. Ўнгай-сизлигидан чалғиши учун:

— Ишқилиб бу сафар омадимиз қайтмасин-да, — деб қўйди.

Юк келиб, божхона омборидан чиқарилиб, Ҳожархоннинг омборига киритилгач, у шартномага кўра пулнинг ярмини берди. Ўша куни Башир учеб келди. Афифа молнинг пулини унга тўласинча топширди. Башир пулни олиб санаб, кўнгли тинчланди. Жилмайди.

— Ўзим ўйлагандан кўра ҳам фозила аёл экансиз, — деди инглизчалаб. — Сиз билан бирга катта ишлар қиласимиз насиб

этса. Эҳтимол... Муносабатларимиз янада яқынроқ бўлар. Дарвоқе, ўшанда айтган уйланиш ҳақидаги тақлифим ҳамон ўз кучида. Энди буткул озодман.

— Вой, хотинингиз-чи?

— Россияга қайтиб кетди. Ватани барибир тортди. Маҳрига ўша ердан иккита дўкон сотиб олиб бердим. Айлантириш учун маблағ... Хуллас, норози қилганим йўқ. Сизни ҳам ҳеч қачон норози қилмайман. Истасангиз, мана бу пулларни сизга қайта-риб бераман. Юборилган бутун молнинг пули... Сизга қалин пули бўлсин.

— Фирмангиз хўжайинидан калтак еб юрманг яна.

— Фирманинг хўжайини ўзимман. Қолаверса, бу ерга юборилган молни фирма ҳисобидан эмас, ўзимнинг банкдаги шахсий жамғармамдан сотиб олдим. Агар менга рафиқа бўлишга кўнсангиз, фирманинг бутун молу мулкига тенг шериклик қилишингиз мумкин. Фарзандингизга оталик қиласман. Хоҳласангиз Дубайдага, хоҳласангиз шу ерда яшаймиз. Менга бу ер ёқади. Фирмамни шу ерга кўчираман. Муҳташам ҳовли-жой қурамиз. Муаззам қасрда яшайсиз.

— Илтимос, ҳозирча фақат шерик бўлиб турайлик, — деди Афифа.

— Майли, унда мен шу бугуноқ қайтиб кетаман. Мол тўла сотилиб, пулини қўлингизга олганингиздан кейин хабар қиласиз. Навбатдаги туркумини жўнатаман.

— Хўп бўлади...

Афифа Баширни кузатиб аэропортга чиқди. Кутиш майдон-часида туриб, беихтиёр Рамизни кузатган кунини эслади. «Келаман, деб келмаган бўлса ҳам, у барибир яхши одам, — деди ўзига ўзи. — Башир ҳам яхши одам экан. Умримда ёмон одамлардан кўра яхши одамларни кўпроқ учратганим учун ҳам яратган эгамга минг бор шукр...»

Аъло кайфият билан юрган кунларининг бирида телефонига номаълум бир аёл қўнғироқ қилди:

— Афифа хоним? Жуда соз. Менинг исмим... Аҳ, бунинг нима аҳамияти бор, домла, десангиз ҳам бўлади. Рамизнинг холасиман. Хуллас, сизни жудаям гўзал, иродали аёл, деб эшийтдим. Яқинда она бўлар экансиз. Аммо... болани бошқадан ортириб,

уйланмаган бир ёш йигитнинг бошини айлантириб юришингиз яхши эмас. Болапақир сизнинг ҳусни-жамолингизга ошиқ бўлиб, ўзининг севган қизидан аразлаб юрибди. Аммо «ҳусн тўйда керак», деган нақл бор. Илтимос, икки ёшнинг баҳтига зомин бўлманг. Рамиз сизни эртами-кечми барибир ташлаб кетади. Яххиси, тенгингизни топинг. «Тенг-тенги билан, тезак қопи билан», деб қўйишибди, синглум.

Афифанинг бамисоли бошидан бир чеклак қайноқ сув қўйилди. Гангид қолди. Нима қилишни билмади. Наҳотки Рамиз уни алдаб юрган? Ким экан ўша севган қизи? Ё ўша ёқда бирга ишлайдиганларидан бирортасими? Шунақа бўлса керак Рамизнинг феъли ўзгариб қолгани. Шундан экан-да? Унда нега ўзи очигини айтмайди? Нега орага одам солади? Эҳ, Рамиз, Рамиз ака, нега бунақа қилдингиз? Мен сизни мажбурлаган эмасдимку! Ёки унинг хабари йўғ-у бу ердаги амма-холалари қилиб юрибдими?! Ҳойнаҳой, онаси айтган: йўлдан қайтаринглар, деган. Рамизга қўнфироқ қилсинми? Қилиб нима дейди? Холангизни, дейдими?...

Эртасига Рамизнинг ўзи қўнфироқ қилди. Расмийроқми, со-вуқроқми гаплашди. «Ишим кўпайгандан-кўпаймоқда», деди. Шунинг учун Афида телефондаги суҳбат тафсилотини галириб ўтирумади.

Ҳожархон пулнинг қолганини бир ойдан кейин тўлади. Афифанинг ҳисоб-китобига кўра фойда фоизи ҳеч бўлмаганда қирқдан ошиши керак эди. Сал чамадан адашибди. Йигирмага зўрга етди.

— Шунисига ҳам шукр, — деди акаси. — Бунча пулни одамлар етти ухлаб тушида кўрмайди.

— Бўлмаса энди Башир акага қўнфироқ қилайлик, молни жўнатсин...

Молнинг иккинчи туркуми етиб келиб, Ҳожардан эллик фоиз пули олингач, Афида Даврбекнинг пулини қайтариб бермоқчи бўлди. Интернет орқали бу ҳақда унга хабар берди. «Айтган одамингизга етказаман», деди. «Пул ўзимники. Уни сақлаш ва яна айлантириб, фойда кўришни сиздан илтимос қиласман. Насиб этса, тез орада чиқсан, ўзим билан ҳисоб-китоб қиласиз», — деб жавоб ёзди Муҳимхонов. «Унда кичикроқ бўлса ҳам бир уй со-

тиб оламан, — деб ўйлади Афида. — Ўзингизники бўлганига нима етсин».

Акаси бироз иккиланди:

— Оборотимизга заари тегмасмикан? Балким шошмай туриш керакдир.

— Йўқ, ака, шошмай турсак, уйнинг нархи ошиб кетаверади. Олинган нарса олинган жойда қолади.

— Унда майли..

Шаҳарнинг чеккарогидан икки хонали уй сотиб олишди. Таъмирлашга киришишди. Таъмир тугаб, кўчиб кирган кунларида Афифани тўлғоқ тутди.

— Синглингиз қўчкордай ўғил туғди, — деди ҳамшира пастда кутиб ўтирган Бекмуҳаммадга. — Нақ тўрт ярим кило!

Бекмуҳаммад ҳамширининг қўлига ўн минг сўм суюнчи узатди. Кейин уйга қайтиб, кеча қишлоқдан келган онасидан суюнчи олди. Она севиниш баробарида фамгинлик билан:

— Боланинг отаси... нима бўлади? — деб сўради.

— Уни келишиб қўйғанмиз, она, Афифанинг номига ёзилади. Зокиров бўлади. Сиз неварангизга ном қўйишни ўйланг.

— Одамлар нима дейди, болам?

— Одамларми? Одамлар... нима деса дер. Ҳозир ким билан кимнинг иши бор, она, ҳар ким қорнини тўйдириш билан овора-ку.

Афида чақалогини олиб, туғруқхонадан чиқсан куни Рамиз қўнғироқ қилди. «Ҳали муҳлатингиз етмадими?» — деб сўради. «Етиб, ўтиб кетди, ўғилчалик бўлдим», — деди Афида. «Эҳ, сизни қарант-у, нега менга хабар бермадингиз?» «Қўйинг, сизга ортиқча бош оғриқнинг нима кераги бор». Рамиз бир муддат жим қолди. «Мардонавор аёлсиз-да, майли, номини нима қўйдингиз?» — деб сўради. Онам қўйдилар: «Меҳриддин» бўлди. «Яхши исм. Менга уйқаш экан. Аммо... Меҳриддин Рамзиiddинов бўлганда... Яна ҳам маъқул бўларди». «Қўйинг энди. Бўлар иш бўлди». «Мен барибир...» «Қўйинг... сизга баҳт тилайман». «Тушунмадим». «Севган қизингиз бор экан-ку». «Ким айтди?» «Бунинг нима аҳамияти бор». Рамиз миқэтломай қолди. Бир паслик сукутдан сўнг: «боргандা тушунтираман», деди.

Шу тариқа Афифанинг янги уйдаги тамоман янги ҳаёти бир маромда кечар, тижорат: молни қабул қилиш, топшириш ишлари билан тұласинча акаси шуғулланар, у яқындан бери укасини ҳам олиб келиб, алохыда квартирага чиққан, Мәхриддинга эса онаси қарапди. Жигарларининг меҳри, ғамхұрлығы, рұхиятидаги хотиржамлик боис Афиға бироз тұлишиб, яна ҳам очилиб кетди. Оналик унга ярашди. Шу топда уни хоҳ Мұқимхонов, хоҳ Шаҳром, хоҳ Башир күрсә оғзи очилиб қолиши турған гап. Дарвоқе, Мұқимхонов интернет орқали қутлади, Шаҳром бироз маъюс оҳангдаги умидли мактуб өзди, Башир эса уйига Мәхриддинга аталған бир халта құғырчоқ күтариб келиб, «таклифи ҳамон қу-чида» эканини шама билан англатиб кетди.

— Сиздан миннатдорман, — деди Афиға унга. — Сиз менга бир умр унтуилмайдыган ёрдам қылдингиз. Қарздорман сиздан.

— Құйсанғиз-чи, арзимаган нарса, — деди қўлини силтаб Башир. — Ҳеч қанақа қарзингиз йўқ. Сизда бир доллар ҳам ҳаққим қолиб кеттани йўқ. Савдо-сотигимиз ҳалол, ҳисоб-китобимиз тўғри.

— Сиз менга шунча молни ишониб топширдингиз.

— Одамлар бир-бирларига ишонмаса, бу ҳаётнинг маъноси қолмайди. Яқин орада ҳамкорлигимиз янада кенгайини мумкин. Германиянинг «Грюндик», Голландиянинг «Филипс» компанияси, яна бир қанча йирик компаниялар билан музокаралар олиб боряпмиз. Технология олиб келиш ҳақида олди-сотдининг даври ўтаяпти. Энди шу ерда қўшма корхона очамиз. «Афиға» фирмаси «Филипс» билан қўшма корхона очса, номини ўзгартириб ўтириш ҳам шарт бўлмайди. Бошланишга «А» ҳарфини кўшиб: «Афиғипс», деб аташ мумкин. Қарабсизки, номингиз бугун дунё электротехникаси тарихига ёзилади.

— Сиз мен ҳақимда шунча ғамхұрлик қилиб юрибсиз. Раҳмат. Лекин... Лекин мен сизга ишонмаганман, — деди Афиға узр сўраш оҳангига. «Бунга — Шаҳром акамнинг» огоҳлантириши сабаб бўлган эди», демади.

— Айб сизда эмас. Сизни ҷалғитишган. Бечора Шаҳром қизғаниб, шундай деган. Айримлар мени одам савдосига, ҳатто ҳалқаро террорчилар тұдасига аъзо, деб шубҳаланиб юришган. Шаҳром құлға олинганидан кейин мени ҳам тергов қилишди, роса текширувдан ўтказишиди. Ҳеч қандай айб топа олишмагач, узр сўраб, қўйворишиди. Аслида мен Бирлашган Араб Амирликлари-

даги катта халқаро электротехника ишлаб чықариш-тижорат компаниясыннинг менежериман, холос. Тиҷорат бобида ҳам унча тажрибам йўқ. Азбаройи сизни деб шу ишга қўйл урдим. Сиз ўшанда мендан бекор шубҳалангансиз. Шаҳром ҳам... Майли, мен ундан ҳам хафа эмасман. Қўшма корхонамиз очилиб, ишлар юрисиб кетса унга ҳам ғамхўрлик кўрсатамиз. Муддатидан олдин чиқаришига ҳаракат қиласмиз. Компанияга ишга оламиз. Ҳалол меҳнат қилиб, гуноҳларини ювсин.

— Раҳмат, — деди яна бир марта Афифа.

Башир кетди. Афифа ширин орзу-хаёллар оғушида қолди. «Ишқилиб Аллоҳ омад бериб, йўлимиз очилаётгани рост бўлсин». дей шивирлади. Шу чоқ қўлидаги телефони жиринглаб қолди.

— Ассалому алайкум, Афифаҳон, — деган шўх овоз эшитилди гўшакда. — Мени танимадингиз-а?

— Нега танимас эканман, танидим. Рашид акасиз. Мен бир кўрган одамимни, айниқса, у яхши одам бўлса, бир умр эслаб қоламан, — дей қувноқ жавоб қилди Афифа.

— Демак, мен яхши одам эканман-да, раҳмат. Хўш, қалайсиз энди? Табриклайман! Ўғилчалик бўлибсиз. Бизнес соҳасидаги ишларингиз ҳам бароридан келаётган экан. Эшитиб хурсанд бўлиб юрибман. Ана, кўрдингизми, она юртда, сидқидилдан ҳалол меҳнат қилган одам хор бўлмайди. Ишингиз бароридан келаверсин!

— Раҳмат, Рашид ака. Ҳар бир яхши инсоннинг иши доим ўнгидан келсин. Ёмонлар яхшилик йўлига қайтсин. Қўнгироқ қилганингиз яхши бўлди-да. Ўзим сиз билан бир гаплашиб, холамнинг тақдирини сўрамоқчи бўлиб юрган эдим. Онам: «сассиқ, деб бурнингни кесиб ташламайсан-ку, сўрагин, ёрдам бергин», деяптилар. Ишларини бир оз енгиллатишнинг иложи бўлармикан?

— Афифаҳон, сизга маслаҳатим шу: наҳс босган у аёлдан энди узоқ юринг. Яқин қариндошингиз бўлса ҳам. Онангизга ҳам тушунтириинг. У бир касофат. Уни тузатишга кўп уринидик. «Бурини гўр тузатади», деганлари тўғри экан. У тузалмади. Муддати ҳали кўп. Авфлар бўлиб, аввалроқ чиққан тақдирда ҳам... қўйинг, бир кунини кўради. Тушундингизми? Кейин... яна бир одамдан узокроқ юришни маслаҳат бераман. Гап ким ҳақида кетаётганини тушуниб турибсиз...

— Рамиз акамни айтяпсизми? Унга ўзим... рухсат бердим. «Тенгингизни топибсизми, уйланаверинг», деб.

— Йўқ. Рамиз эмас. Рамиз яхши йигит. Рухсат бериб, тўғри қилгансиз. У барибир бир умр сизга дўст бўлиб қолади. Мен... Субут Сокинни назарда тутяпман. Унинг ишлари... унчалик яхши эмас. Эҳтиёт бўлинг.

Чўчиб тушди Афида.

— Субут акам? Нима бўлибди унга? Тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик. Ҳаммаси яхши. У одам ҳозир катта ишга кўтарилиган. Дарвоқе, яқинда қайнотаси вафот этганидан хабарингиз борми?

— Эшитдим.

— Хуллас, қайнотаси қазо қилганидан сўнг қуда томоннинг ишлари илгаригидек баравж эмас назаримда. Тарихдан маълумки, хотин орқасидан кун кўриб, бойлик, мансаб ва обрў-иззат орттирувчи «жигит»лар қайнотанинг ўлимидан сўнг қуённинг расмини чизиб, янги сабзиорлар сари жавлон уришади. Так что, у ишларингиз яхшилигини эшишиб қолса, яқин орада оёғингизга бош уриб келиши мумкин, вазир ўринбосари бўлишига қарамасдан. Лекин сиз қабул қилманг!

— Субут акам унақалардан эмас. У мағрур одам, — деди Афида. — Ҳеч қачон бирорнинг оёғига бош урмайди.

— Сизнинг ҳамми?

— Менинг ҳам.

— Ундай бўлса яхши. Мен тинчман ва келгусидаги ишларингизга омад тилаб қоламан.

— Раҳмат...

22

Мирмаъди Саъдиевнинг жасади устида уни қаерга дафн этиш бобида анча мунозара бўлди.

— Ҳар бир банда Ватанида, киндик қони томган тупроққа дафн этилиши керак, — деди Субут.

— Тўғри фикр. Лекин марҳуманинг бола-чақаси, навара, чевараси бошқа жойда яшаса, унинг қабрини обод этиб, зиёрат қилиб туриш имкониятига эга бўлмаса-чи? Ҳайҳотдек қабристонда ғариб ва қаровсиз бўлиб қолади-ку. Ундан кўра... Шу ерга, мусулмонлар қабристонига кўма қолайлик. Болалар шу ерда...

— Биз-чи?..

— Биз ҳам... ҳали ким билади...

Субут бу гапни анчадан бүён кутаётган эди. Бунга никохларининг эртасигаёқ юз берган кўнгилсиз бир воқеа ҳамда ўша воқеа муносабати билан Фаризанинг ўйчанлик билан билдириган бир фикри сабаб бўлган эди.

— Иккита корхонамиизда текшириш кетяпти. Тунов кунгина авра-астарига ағдариб кетишган экан. Яна келишибди. Ўзларича бир дунё камчилик топишган. «Рози қилсаларинг, текис, деб кетамиз», дейишибди. «Буларга ришват таший-таший чарчадим. Бири кетса, бири келади. Кўзи оч, нафси ўпқон. «Бер-бер», деди. Безор бўлдим. Гоҳ-гоҳида «бор-е, деб тахта-ўқлогини йифишириб, кетворгиси келади одамнинг», — деганди ўшанди у.

— Унда... ўзингизга маъқулини кўринг, — деди Субут. — Жанозага одамни қандай йифамиз? Тобутни ким кўтаради?

— Шу ерлик муҳожир ҳамюрлар, турк қардошлар, бошқа мусулмонлар бор. Тобут ерда қолмас.

— Билмадим...

Бу сўздан Фаризанинг ғазаби келди:

— «Билмадим» эмас! Қўл қовуштириб ўтирумай тадорик кўринг. Эркак кишисиз-ку!

Субут бир ўқрайди-ю индамай чиқиб кетди. «Ҳозир хафа бўлишнинг мавриди эмас. Майитни тезроқ кўмиш керак. Эҳтимол Фариза ҳақдир. Қаернинг тупроғига кўмишнинг нима фарқи бор. Битта Ернинг усти, битта Ернинг ости... Аммо мен барабириб ҳам муҳожиратда кўмишни истамасдим... Мирмаъди Сайдиевнинг оппоқ кафанга ўралган жасадини Фрайбург шаҳридан унча узоқ бўлмаган (бу шаҳар Германиянинг Франция ҳамда Швейцария давлатлари билан чегара дош сўлим иқлимли, хушҳаво ҳудудида жойлашган) Боден кўли соҳилидаги, бир учи ўрмонга туаш анчайин катта қабристоннинг мусофир мусулмонлар учун ажратилган қисмида намхуш қора тупроқка топширишди. Фариза оврўпаликлар одатига кўра қора кийди. Субут, Фаризанинг икки ўғли, шунингдек, дағн маросимида қатнашган ўтгиз беш-қирқ чоғли таниш-билишлар эгнида ҳам сидирға қора либос. Осмоннинг авзойи ҳам қоп-қора. Ёмғир шивалаб турибди. Ҳаво салқин. Турк мулла қироат билан Қуръон суръаларини ўқиди. Йиғилганлар юзларига фотиҳа тортишди ва қабристон эшиги ёнида ёнма-ён турган Субут ва Фаризага яна бир карра ҳамдардлик изҳор этишиб, сабр-бардош тилаб

хайр-хуш қилишди. Икки ўғил ҳам кетди. Эр-хотин ёлғиз қолиши-ди. Фариза қабр ёнига қайтиб, яна анча унсиз йиғлади. Субут кутиб турди.

Эртасига каттакон ресторанлардан бирида худойи қилиниб, муҳожир мусулмонларга ош тортилди. Фаризанинг ўғиллари эр-талаабданоқ пансионларга жўнаб кетишгани сабабли қатнашиш-мади. Эҳсон оши якунланиб, фотиҳа ўқилгач, Субут ва Фариза Саъдиевнинг шаҳар чеккасидаги вилласига келишди. Мирмаъди бойнинг бу ердаги ишбошиси айтишига қараганда, барча хиз-маткорлар энди тақдирлари нима бўлишини билмай саросимада туришар эди.

— Ҳаммаси аввалгидек давом этаверади, хотиржам бўлиш-син, — деди Фариза.

— Хонимнинг ўзлари энди шу ерда яшайдиларми? — деб сўра-ди ишбоши.

— Биз ҳозирча келиб-кетиб турамиз, ҳамма масъулият сиз-нинг гарданингизда бўлади, — деди Фариза Субутга бир қараб олиб.

— Юксак ишончингиз учун раҳмат, уни шараф билан оқлаш-га ҳаракат қиласман, — деди ишбоши ва бурилиб чиқиб кетди.

Икки қаватли муҳташам вилланинг кенг ёруғ залида икков-лон холи қолишиди.

— Кечак қаттиқроқ гапириб юборганим учун узр. — деди Фа-риза бошини Субутнинг елкасига қўйиб.

— Етимнинг нимасидан хафа бўламан? — деди Субут ғамгин вазиятни бир қадар енгиллатиш мақсадида беозор ҳазил қилиб.

— Етимларга шафқатлиман мен.

— Ўзим ўргилай сиздан... ана шу раҳмдиллигингиз учун, — деди Фариза аллақандай ялинчоқ ўскиниш оҳангига. — Аммо...

Субут сезди: тунов кунги суҳбатнинг давоми бошланади. Акс ҳолда Фариза бир қадар айланиб-ўргилмасди.

— Нима аммо?

— Аммо қанийди ҳамма сиздек раҳмдил инсонпарвар бўлса. Биласиз, отамнинг рақиблари яна бош кўтаришган. Ўшаларнинг иши тунов куни бошланган текширишлар. Ҳадемай қўшма кор-хона, компаниямизда ҳам текширувлар бошланаркан...

— Мен ёр-дўйстларни ишга солиб, текширувлар силлиқ ўти-шига ҳаракат қиласман. Қолаверса, отангиздан қолган синалган усул бор.

— Безор бўлдим, дедим-ку. Жонга тегди. Бирорга пора берувчи одам... биласизми, кўпол бир ўхшатиш қиласман, айбга буормайсиз, худди ўзингни ўзинг зўрлаётган, ўз номусингни ўзинг булғалаётгандек таассурот қолдиради одамда. Ҳар гал... худди аъзойи баданинг, нафақат баданинг, вужудингни ичи, хатто руҳиятинг булғангандек туюлади. Бу... бу — қуллик. Бу қанчалар аянчли, шармандали... Мен ҳам худди сизга ўхшаб «пул, бу — озодлик», деб ўйлар эдим. Энди билсан, пора бериш — озодлигингни аста-секин йўқотиб бориш экан.

— Сиз масалани бунчалик жиддийлаштирунг, — деди Субут кулимсираб. — Унақа қўупол ўхшатишлар мутлақо ноўрин. Ҳаяжон эса доимо одамнинг хаёлига мантиқсиз хulosалар олиб келади. Ҳолбуки... пора беришга молсифат бир очофат маҳлуқнинг олдига ювинди ташлагандек қараш керак: «Ма, заҳар-маҳринга е, мол», деб. Пора бериш аслида, берувчига эмас, оловучига нисбатан ҳақорат. Уни нажосатта ботириш, дегани.

— Бу ҳам гуноҳ, ахир. Бу гапларингиз билан, яъни биз мажбурликдан беряпмиз, деб ўзимизни оқлай бошлаймиз. Хуллас... хуллас, бизнесимизнинг барчасини хорижга кўчиришимиз керак.

— Отангизнинг тупроғи совимасдан, унинг иродасига қарши боришга аҳд қилибсиз-да. Ахир... «тирикчилик учун она-юртдан қулайроқ макон кўрмадим», деб такрор-такрор айтганлари эсингиздан чиқдими?

— Чиққани йўқ, азизим, вазиятни ўзингиз кўриб турибсиз-ку.

— Вазият... Вазиятга нима қилибди? Иккни-учта ҳаромхўрдан қўрқиб, жуфтакни ростлаб қолиш керакми? Шаҳар бедарвоза эмас. Унинг эгаси бор. Қолаверса, қонун-қонда, дегандек. Бўёдда мен турибман. Раҳматли отангиз, ўзингиз не-не умидлар билан шу ишга ундан эдиларингиз. Энди ора-йўлди ташлаб кетайми? Кулмайдими ҳамма масхара қилиб?

— Мен бир-икки кунда ашқол-дашқолни йиғиширамиз, дейтганим йўқ-ку. Сиз ҳозирча ишлаб турсиз...

— Ҳозирча... Қачонгача? Кейин-чи? Бу ёққа келиб нима қиласман? Тил билмасам, одам танимасам, нима иш билан шуғулланаман? Шуларни ўйладингизми?

— Ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Аввалгида фирмада ишлайверасиз. Ишламасангиз... уйда ўтириб ижод қиласиз. Китоблар, киносценарийлар ёзасиз. Уларни Голливудда кино қиласиз. Ёки умуман ишламайсиз. Анови... биронта футбол клубини сотиб

олиб, унга эгалик қилиб, фойдасини олиб, футбол кўриб юравесиз. Океану дengiz соҳилларида ҳордиқ чиқарамиз. Қолган умрни роҳат-фарофатда ўтказамиз. Мазза-ку!

— Билмадим, билмадим... Мен унақа ҳаётга кўникмасам керак.

— Сиз олдин кўринг, унақа ҳаётни, кейин гапирасиз....

Субут гарчи «мен унақа ҳаётга кўникмасам керак», деган бўйса-да, юрга қайтиш чоғи самолётда ширин хаёллар суреба келди. Кўз олдида эртаклардаги сингари шоҳона турмуш, завқли сайру саёҳатлар, гаштли машғулотлар, кайфу сафо, ҳузур ҳаловат лаҳзалари жонланди. Ана, у Канар оролларидан сотиб олинган муҳташам қасрда айланиб юрибди, ана, у улкан оққушини эслатувчи шахсий яхтасида океан узра сузаб бормоқда, ана, у хусусий футбол жамоасининг ўйинини кузатиб ўтирибди (бу жамоа Мюнхенning «Бавария»си), ана, у қимматбаҳо «Бентли», «Майбах», «Порше» сингари автомобиллардан иборат шахсий колекциясини кўздан кечирмоқда, ана, у ковбой либосида учар арғумоқ устида чанглазорда қўлда милтиқ билан йўлбарс овлаб юрибди, ана у... турли миллат вакилларидан иборат жононлар даврасида даврон сурмоқда...

Самолёт оёғининг ерга тўқиулаб урилиши ширин хаёлларини тўзғитиб юборди. Кайфияти бузилди. Эртага қайнотасининг вафоти муносабати билан олинган қисқа таътил тугаб, ишга чиқиши керак. Вазирликнинг одатий оддий югур-югурлари, асаб-бузарлик, ярим тунгача ишда ўтириш... Бунинг устига Фариза ҳар куни камида уч марта қўнғироқ қилиб, топшириқ беради. Хусусий бизнеслари билан боғлиқ масала-ю муаммолларни ечиш керак.

Самолётдан тушиб машинага чиққанларигача Субут бир оғиз ҳам гапирмади.

— Ҳа, ҳалиям ўйланяпсизми? — деб сўради уйларига яқинлашгач Фариза. «ўйланяпсизми», деган сўзни у аслан рус забонли бўлгани боис доим «уйланяпсизми» шаклида талаффуз этарди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

Субут беихтиёр кулиб юборди.

— Ҳали яна кўп уйланаман, худо умр берса, — деб қочирим қилди.

Фариза қочирим маъносини тушунди.

— Шошмай туринг сиз ҳали, уйланиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. — деди сокта таҳдид қилиб.

— Қачон кўрсатасиз? — ҳазилни давом эттириб шивирлаб сўради Субут.

— Қўйинг унақа гапларни, уят бўлади. Мен азаликман. Ҳеч бўлмаса еттисини ўтказайлик.

Мўлжалларига кўра индин пайшанба куни муҳташам «Турон» ресторанида икки минг кишига ош берилиши керак. Фариза ўшани айтатётган эди.

— Маърака ўтаверади. Ҳаёт давом этади, — деди Субут уни қўлидан ушлаб машинадан туширап экан. Аввалдан қўнғироқ қилиб огоҳлантирилган дарбон улкан қора темир дарвозани очиб, машинага йўл бўшатиб турар эди. Ўшанинг ўзи юкларни кўтариб ичкарига олиб кирди. Субут билан Фариза олдинмакейин иккинчи қаватга, ётоқхоналарига чиқдилар.

— Мен ҳозир ювиниб чиқаман, — деди Фариза ўз ётогининг ёнидаги ҳамом томон йўналиб.

— Мен ҳам, кейин... дам оламиз, — деди Субут. Шу орада унинг қўлидаги телефон безовта жиринглади. — Салом ҳа, яхши, етиб келдик. Раҳмат. Ким? Вазир қидиряпти? Мен ахир... бугунга ҳам жавоб олганман-ку. Эртага эрталаб олдиларига кира-ман. Нима? Шошилинч? Ҳозир етиб бориш керак эканми? Хўп, ҳозир бўлса, ҳозир-да.

— Тинчликми? Нима шошилинч экан бунчалик? — даҳлизга қайтиб чиқиб сўради Афифа.

— Зудлик билан етиб боришим керак экан. Нима гаплигини билгач қўнғироқ қиласман, — деди Субут бўйинбоғини қайта боғлар экан. — Сиз бемалол дам олиб туринг...

Шу кетгани ярим тунда қайтиб келди. Фариза ётоқхонасида-ги кенг каравотда қунишибгина ухлаб ётар эди. Субут оёқ учida кириб ечинди-да, хотинининг қўйнига суқилди. Боя у қўнғироқ қилиб: «Ҳеч гап йўқ, тинчлик, bemalol dam olavering», деганди. Аслида тинчлик эмас экан. Буни Фаризага эрталаб қандай айтиш кераклиги ҳақида ўйлади. Айтмасликнинг эса иложи йўқ. Тезроқ тегишли чоралар кўрилмаса барча тоат-ибодатлари бир пул бўлиб кетади. Фариза уйқу аралаш унинг пинжига тиқилди. Субутдан айтарли рағбат бўлмаганидан ҳайратланиб, кўзларини очди.

— Нима бўлди? Бирон муаммо туғилдими? Кайфнитингиз йўқ.
— Дамингизни олинг, эрталаб гаплашамиз.

Фариза ўрнидан туриб, эгнига халатини илди. Тунчироқни ёқди. Субут ҳам туриб ўтиради.

— Ҳозир айтинг. Нима гап?

— ...Ўртоқлар огоҳлантиришапти... Фирмаларимизнинг солиқдан яширилган катта миқдордаги қарзлари бор экан. Яқинда прокуратура ёпласига текшириш бошлайди. Ҳуллас, бизнесимиз устида қора булатлар айлана бошлади.

— Ана, айтмаганмидим! — деда қарийб ўшқириб юборди Фариза худди бу шулар учун Субут гуноҳкордек. Сўнгра тунчироқ остидаги тумбочка тортмасини тортиб, «КЭМЭЛ» сигаретаси қутисини олди. Очди. Биттасини олиб лабига қистирди. Тортмадан ёндиригич олиб, сигарета тутатди. Чуқур «уф» тортиб, Субутга ўгирилди: — Чекасизми?

— Йўқ, — деди Субут. — Сиз ҳам чекманг. Фойдаси йўқ. Ҳозир аламни ўзимиздан олиш ўрнига чора излашимиз керак. Вазири-миз отанигининг эски қадрдони... ғалати маслаҳат берди.

— Қанақа маслаҳат экан? — қизиқсинди Фариза.

— Аввало... никоҳимизни бекор қилишимиз керак. Сўнгра... сабр-қаноат билан текширишлар ниҳоясини кутишимиз, бўйнимизга урилган маблагни тўлаб, қутилиб, сўнгра кейинги режалар ҳақида ўйлаб кўриш керак экан. Сиз айтгандай... ҳамма нарсани сотиб, жўнаб қолишга улгуриб бўлмайди энди.

— Никоҳни бекор қилиш шарт эканми? — йиғламсираб сўради Фариза.

— Шарт эмас, агар... мен ўз ихтиёrim билан ишдан кетадиган бўлсан. Аммо у киши: «Сиз ишлаб турсангиз маъқул бўлар эди», деяпти. Гап паспортдаги оддий бир мұхрда эмас-ку. Хатолик ўзимиздан ўтган. Ишбошиларга, ҳисобчиларга ҳаддан ортиқ ишонганимиз. Катта миқдордаги даромадларни солиқдан яширишнинг оқибати ҳамиша шундай: қарз болалаб кетади. Ҳалиям... жиноий ишни бир амаллаб ёпиб олганимизга шукр, демайсизми. Акс ҳолда...

— Шукр. Келинг, ҳозир бу ҳақда гаплашмайлик. Юрагим қонга тўлади. Беҳисоб мол-мулк, шунча бойлик... кули кўкка соврилиб кетса-я. Шўрлик отам ҳалиям каллали бўлган-да. Агар соддалик қилиб, хорижда ҳам иш очиб қўймаганида ҳозир қип-қизил гадо бўлиб ўтирас эканман. Сиз... Сиз мени кечиринг. Сиз

ҳам менга уйланиб, мулкларингизнинг аксарият қисмидан айрилиб қолдингиз.

— Мен ҳеч кимдан хафа эмасман, Фариза. Чунки... деярли ҳеч нарса йўқоттаним йўқ. Битта уй, битта иш... етади шу. Бошим омон бўлса... Ана у ёқда сиз борсиз. Ҳали у ёқда катта бизнеслар қилиб, бутун Европани забт этамиз насиб этса.

— Борасизми, ахир?

Фариза сигаретани кулдонга босиб ўчириб. Субутнинг бўйнига осилди:

— Номардлик қилиб, ташлаб кетмайсизми?

— Сизни ташлаб қайга борарадим!?

— Майли, раҳбарингиз айтгандай қилинг. Сизга гап тегмасин. Ишқилиб... Бўйнимизга тушадиган қарзларни тўлаш учун барча мол-мулкларни сотишга тўғри келмасин-да...

— Нафасингизни иссиқ қилинг. Жон бор-ку, ҳаракат қила-миз-да. Энди бироз ухлашга уриниб кўришимиз керак. Эртага оғир кун бўлади.

• • •

Орадан бир неча ой ўтди. Бу орада бўлган нохуш, кўнгил-сиз воқеаларни муфассал сўзлаб ўтирумаймиз. Мухтасар маълумот шуки, Саъдиевлар оиласига тегишли фирма, компания ва қўшма корхоналарда ўтказилган текширишлар чоғида ўта жиддий қонунбузарликлар аниқланди. Жиноий иш очилиб, тергов бошланди. Фаризахон Мирмаъдиевна сўроққа қатнаб, тинкаси қуриди. Камомадлар ва қарзларни қоплаш учун оиласига тегишли акцияларнинг барчасини сотишга, мол-мулклар, уй-жойларнинг ҳаммасини олинган кредитларни қоплаш учун банклар ихтиёрига топширишга тўғри келди. Ҳатто хориждаги анча мулклар сотилиб, пули давлатга топширилди. Жумладан, Субут яшаб турган маълум ва машҳур «Қора қаср», аниқроғи, «оқ бино» ҳам қўлдан кетди. Шулар эвазига Фариза жавобгарликдан озод этилди. Хоним бу ердаги сафари қариганини англаб, хорижга, ўғиллари қошига отланди. «Сиз энди у аёлдан ўзингизни тортинг,— деди Субутга раҳбари.— Сизнинг кела-жагингиз порлоқ...»

Кузнинг салқин шабада этни жунжиктирадиган кунларидан бирида Субут Фаризани кузаттани аэропортга чиқди. Фариза ғамгин. Кўзлари қизарган. Ўзини анча олдириб қўйган.

— Мана, хайрлашадиган пайтимиз ҳам келди, — деди у синик овозда. — Назаримда, сиз билан охирги марта.. кўришаётган-декман.

— Унақа деманг, ҳали... биргаликда узоқ ва баҳтли умр ке-чирамиз.

— Борасизми ишқилиб?

— Ё насиб...

Шу чоқ аэропорт узра эълон янграйди:

— Диққат қилинг, «Тошкент-Мюнхен» йўналиши бўйича учувчи «A-300» самолётига йўловчилар чиқариш якунланмоқ-да...

— Энди борай, — деди Фариза.

— Борақолинг, — деди Субут. Фариза йўловчилар оқимиға қўшилиб илгарилаб кетди. Субут ташқарига, иккинчи қават ай-вонига чиқиб, самолёт ердан узилгунга қадар қараб турди. Сўнгра аэропорт биносидан чиқиб, машиналар турадиган майдонча сари юрди.

* * *

Афифа бугун илк бор машина рулига ўтирди. Гарчи «Некси» харид қилганига бир ойча бўлган эса-да, бошқаришни билмагани боис ҳали ҳайдаб кўрмаганди. Автоҳаваскорлар мактабига бир ой қатнаб, машина бошқаришни обдон ўрганди. Энди ҳайдаса бўлади.

Эргалаб вақтли туриб машинани гараждан олиб чиқди. Яқиндаги устахоналардан бирида ювдирди. Сўнгра уйдан Мехридинни олиб боғчасига элтди. Шундан кейин «Афил» хусусий фирмасининг «Пойтахт» бизнес маркази деб аталмиш ўн саккиз қаватли муҳташам иморатнинг ўнинчи қаватида жойлашган қароргоҳига йўл олди. Қўл телефони бот-бот жиринглашига қарамай жавоб бермади. Машинасини улкан оқ бино пойидаги турфа машиналар тизилиб турган кўналғага жойлаштириб, эшигини бекитгач, «Samsung» айфони экранига кўз ташлаб, қўнғироқ қилувчининг рақамини қидирди. Нотаниш рақам. Ким экан? Айфоннинг тегишли тутмачасини босиб, қўнғироқ қилган кишининг рақамини терди.

— Ассалому алайкум, мен «Афил» фирмаси раҳбари Афифа Зокирова бўламан. Машина рулида бўлганим боис қўнғирофингизга ўз вақтида жавоб беролмадим. Узр. Эшитаман.

— Ваалайкум ассалом. Мен шаҳар прокуратураси ҳузуридағи солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бошқармасиданман. Белгиланған тартибга асосан фирмандың текшириш үтказилади. Шундан сизни хабардор қилиб қўймоқчиман.

— Нима... гуноҳ қилибмиз? — овози титраб сўради Афиға. Телефондаги киши уни тинчлантириди.

— Бу режали текширув. Сиз... қонун асосида ишләётган бўлсангиз хавотирланишга ўрин йўқ. Хайр.

Афиға телефон тугмасини босиб, кўкрагига туфлаб қўйди. «Хайрият-э, мен биронтаси қасд қилиб текширувчи юбораётганикан, деб ўйлабман. Режали текширув бўлса, қўрқмасам ҳам бўлади. Ҳамма ишимиз қонуний. Солиқларни вақтида тўлаб турибмиз. Божхона билан бўладиган муносабатларда ҳам ҳеч қандай хатога йўл қўйилмаган. Ҳомийлик, меҳр-муруват тадбирларида ҳам фаол қатнаштилимиз. Текширувда фирмамизга нисбатан ҳеч қанақа эътиroz бўлмаслиги керак. Яна ҳам ким билади... Беайб — Парвардигор, дейишади. Қайдадир хато қилған бўлсак, бегараз қилгандирмиз. Кўрсатишса тузатамиз. Энди бунақа текширувларга кўникмоқ керак. Салга қўрқиб, сапчиб тушмасдан, оғир-босиқ, дадил-журъатли, файратли ва курашчан бўлишим лозим...»

Афиға ана шуларни ўйлаб, қатъият билан ичкарига интилди.

(Тўртинчи қисм тугади)

Адабий-бадиий нашр

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

ҚОРА ҚАСР АСИРАСИ - 4

Муҳаррир
Анвар НАМОЗОВ

Тех. муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИХОВ

Мусаҳҳих
Наврӯз БЕКМУРОДОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 10.12.2010 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 8,25. Шартли босма тобоги 13,86.

Гарнитура «LexTimes Сур+Uzb». Газета қофоз.

Алади 1000 нусха. Буюртма № 234.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

Ҳамкоримиз: *kitobxon.uz*

“ЯНГИ АСР АВЛОДИ” НАШРИЁТ-МАРКАЗИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Алишер Навоий

“ХАМСА”

Бичими 70x84 1/16

360 бет

Ушбу китобда Навоий бобомизнинг “Хамса”сидаги барча достонлар насрый матнда жамланган. Бу эса уларни янада яққол тушунишга ёрдам беради. Лотин ва кирилл ёзувларида – алоҳида!

“КАЛИЛА ВА ДИМНА”

Бичими 70x84 1/16

256 бет

Дурдана ҳикоятлар! Уларни ўқимабсиз, дунёга келмабсиз! Сиз, албатта, олам-олам маъно оласиз. Ҳамма-ҳаммаси “Калила ва Димна”да мужассам! Ўқинг, ўқинг, донолар оламида бўлинг.

Тоҳир Малик

“ТОШ ҚАЛБЛАРГА ЗИНҲОР НАЗАР СОЛИНМАС”

Бичими 84x108 1/32

160 бет

Оила даврасида мутолаа қилинадиган китоб! Дарвоқе, дунёда уч жумбоқ бор. Ҳўш, улар нима? Яна тележурналистнинг ҳам саволи бор: “сиз нимани йўқотишдан қўрқасиз?..”

Шароф Бошбеков

“МУСОФИР БЎЛМАГУНЧА”

Бичими 84x108 1/32

260 бет

Темир хотинни ўз никоҳига олган Қўчкор ёдингиздами? Энди эса унинг укаси – парвоздаги самолётдан тушиб қолган Қўзивой билан танишинг!.. Олти қисса! Ҳам куласиз, ҳам йиглайсиз!

Худойберди Тўхтабоев

“ҚҮЁНЛАР САЛТАНАТИ”

Бичими 84x108 1/32

220 бет (кириллча ва лотинча)

Қўён боқиб, бой бўлиш мумкинми? Китобда ана шу саволга жавоб топасиз. Катта хазинани қўлга киритган қаҳрамонлар ажойибу гаройиб саргузаштларни бошдан кечиришади.

Абдукарим Усмонхўжаев
“ДОРИСИЗ ҚАЛБ ДАВОСИ”

Бичими 84x108 1/32

464 бет

Ушбу китоб соғлом юришни хоҳлаганлар учун! Буни эса ким хоҳ-
ламайди, дейсиз! Бир умр дори сотиб олиб, пул харажат қилгандаи
кўра бир марта шу китобни харид қилинг! Беш кетасиз!

“ЧИРОЙЛИ ИСМЛАР ТЎПЛАМИ”

Бичими 84x108 1/32

376 бет

Азиз китобхон! Сиз ўз исмингизнинг маъносини билмоқчимисиз?
Унда мазкур китобни сотиб олинг. У сиз ва яқинларингизнинг номла-
ри борасида кўп ва хўб маълумот беради.

Сабрина
“ЭТИКЕТНИНГ ОЛТИН КИТОБИ”

Бичими 70X84 1/16

272 бет

Бу, ҳақиқатдан ҳам олтин китоб! Унда барча саволларга жавоб
топасиз. Байрам либосидан тортиб интернетда хат ёзишгача! Маса-
лан, маошни оширишларини сўраш учун нима қилиш керак?..

Мутаржим: Тоҳир Малик

Владимир Икскуль

“НОМУС ВА АЖАЛ”

Бичими 84x108 1/32

160 бет

Мұхаббатнинг оғир синовлари ҳақида ҳикоя құлувчи қисса! У ҳар
қандай ёш йигит-қизнинг қалбини ларзага солади. Тоҳир Малик
таржимасидағы мазкур асар ўтқир сюжетта эга!

Балтасар Грасиан
“ЧҮНТАК ФОЛИ”

Бичими 60x84 1/32

92 бет

Ким ҳам теша тегмаган ҳикматлар ҳақида билишни истамайди!
Чунончи, бундай афоризмлар сони 100 дан ошиқ. Айтгандай, нима
учун “чүнтак фоли”? Бу сизга қизиқ эмасми? Унда шошилинг!

6000

Агата КРИСТИ

“ЎГИРЛАНГАН МИЛЛИОН ДОЛЛАР”

Бичими 84x108 1/32

112 бет

Бир миллион!.. Ажабо, шунча нул қаёққа кетган бўлиши мумкин?

Уни ўғирлашга ким журъат этди?.. Детектив қироличаси Агата Кристининг ушбу китоби росманасига қизиқ! У ўқувчини бир-биридан жумбоқли воқеалар дунёсига олиб киради... Дарвоқе, пуллар топи-лармикан?

Пауло Коэльо

“ПОРТОБЕЛЛО ЖОДУГАРИ”

Бичими 84x108 1/32

232 бет

Жодугарлик, башоратгўйлик аслида мавжудми? Агар мавжуд эмас, десангиз, лўлилар қавмидан бўлмиш Ширин Халилнинг кароматла-рига нима дейсиз? Унинг фожиали қисмати билан танишинг.

Пауло Коэльо

“ИБЛИС ВА ПРИМ ХОНИМ”

Бичими 84x108 1/32

148 бет

Бир мусофири ўз олтингларини ерга кўмиб қўйди. Буни эса кимдир кўриб қолди. Энди нима бўлади? Олтинглар кимга насиб этади?.. Сар-гузаштбоп “Иблис ва Прим хоним” китоби ана шу ҳақда!

Дейл Карнеги

ТҮПЛАМ

(3 та китоб йиғмаси)

Бичими 84x108 1/32

720 бет

Ушбу муаллифнинг китоблари дунё бўйича миллионлаб нусхада сотилган. Ўзбек тилида илк бор: бир тўпламда – учта китоб! Уни ха-рид қилиб, омадга эришасиз. Шошилинг, китобхон!

Мурожаат учун манзил:

100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Телефон: 273-56-45; 128-78-43

e-mail: yangiasraviodi@mail.ru



ҚОРА КАСР
АСЫРАСИ

ISBN 978-9943-08-464-3

9 789943 084643